

85
8197

ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАРДА ИҚТИСОДИЁТНИ ТАРТИБГА СОЛИШ



1

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

ИШМУҲАМЕДОВ А.Э, РАХИМОВА М.Р.,
СУННАТОВ М.Н, АШУРОВА Д.С

ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАРДА **ИҚТИСОДИЁТНИ ТАРТИБГА** **СОЛИШ**

Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
олий ўқув юртлариаро илмий-услубий бирлашмалар
фаолиятини мувофиқлаштирувчи кенгаши томонидан
олий ўқув юртларининг иқтисодий таълим йўналишлари
талабалари учун ўқув қўлланма
сифатида тавсия этилган

Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жамғармаси нашриёти,
Тошкент 2004.


**MINISTRY OF HIGHER AND SPECIALIZED SECONDARY
EDUCATION OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN**

TASHKENT STATE ECONOMIC UNIVERSITY

**ISHMUKHAMEDOV A.E., RAKHIMOVA M.R.,
SUNNATOV M.N., ASHUROVA D.S.**

REGULATION OF ECONOMY IN FOREIGN COUNTRIES

This manual is recommended by the group of «regulating the activities of scientific organizations of higher education» of the Ministry of higher and secondary special education, for the students of higher education establishments majoring in economy



Ишмухамедов А.Э., Раҳимова М.Р., Суннатов М.Н., Ашуров Д.С. Хорижий мамлакатларда иқтисодиётни тартибга солиш - (ўқув қўлланма) — ТДИУ, 2004— 272 бет.

Ушбу ўқув қўлланмада хорижий мамлакатларда иқтисодиётни тартибга солишнинг дунё миқёсидаги асосий йўналишлари баён этилган. Бунда XX аср ва XXI аср бўсағасида жаҳон мамлакатлари макроиқтисодий ривожланишидаги асосий муаммоларга, уларни ҳал этиш йўллари, жаҳоннинг турли мамлакатларидаги макроиқтисодий тартибга солиш тажрибасига урғу берилган; бозор иқтисодиётига ўтган мамлакатлар, ривожланган мамлакатлар ҳамда ўтиш иқтисодиёти шароитидаги мамлакатлар ҳақида фикр юритилган, шунингдек, миллий иқтисодиётни бошқаришнинг замонавий тизими, иқтисодий ривожланишнинг макрокўрсаткичлари, ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш тармоқларини тартибга солиш, пул ва кредит тизими, меҳнат бозори ва уни тартибга солиш муаммолари, солиқлар тизими орқали тартибга солиш, тадбиркорликни ривожлантириш, мулкни давлат тасарруфидан чиқариш, хусусийлаштириш ва бошқа долзарб масалалар ўз ифодасини топган.

Қўлланма олий ўқув юр்தларининг иқтисодий таълим йўналишлари бакалаврлари, магистрлари, профессор-ўқитувчилари ва илмий тадқиқотчилари учун мўлжалланган.

Масъул муҳаррир: и.ф.д., профессор
Холмўминов Ш.Р.

Тақризчилар: и.ф.д., профессор Ваҳобов А.;
и.ф.н., доцент Ҳайдаров М.Т.

Ishmukhamedov A.E., Rakhimova M.R., Sunnatov M.N.,
Ashurova D.S. Regulation of economy in foreign countries. –
(Manual) – Tashkent State Economic University, 2004, – 272 pages.

The main goal of the textbook is to describe main approaches to the macroeconomic regulation in different countries of the world. The emphasis was made on considering major problems of macroeconomic development of some countries on the threshold of 20th and 21st centuries, solution of these problems and macroeconomic regulation practices in several countries. Authors consider industrially developed, developing and transitional economies in their analysis. The textbook covers the following: modern national economy regulation system, economic growth indicators, industrial and non-industrial spheres regulation, money and credit system, labor market and problems of its regulation, regulation through tax system, entrepreneurship development, privatization and other matters.

This textbook is designed for economics major undergraduate and graduate student, professors and researchers.

Chief Editor: doctor of economic sciences,
professor, Holmuminov Sh.R.

Reviewers: doctor of economic science,
professor Vahobov. A.;
Candidate of economic science,
senior lecturer, Haidarov M.T.

КИРИШ

«Хорижий мамлакатлар иқтисодиётини тартибга солиш» курсининг мақсади — талабаларга турли мамлакатлардаги макроиқтисодий тартибга солишнинг асосий йўналишлари ҳақида билим беришдан иборат. Бунда ХХ аср ва ХХІ аср бўсағасида дунё мамлакатлари макроиқтисодий ривожланишидаги асосий муаммоларни очиб бериш, бу муаммоларни ҳал этиш йўллари, турли мамлакатлардаги макроиқтисодий тартибга солиш тажрибасига асосий эътибор қаратилган. Шунингдек, жаҳон мамлакатлари тавсифланган, бозор иқтисодиёти, ривожланётган ҳамда ўтиш иқтисодиёти шароитидаги эга мамлакатлар тарифланган.

Маълумки, ҳозирги шароитда хўжалик алоқаларини байналминаллаштириш жараёни кучаймоқда бир давлат иқтисодиётини ривожлантириш ҳамда мустақкамлашда ташқи иқтисодий омил муҳим роль ўйнамоқда. Бу, мустақил ривожланиш йўлига ўтган республикамиз учун, айниқса, катта аҳамиятга эга.

Мустақил ривожланиш йўлидан бораётган Ўзбекистонни суверен давлат сифатида қарор топтириш учун улкан ишлар амалга оширилди. Бугунги кунда Ўзбекистон энг обрўли ва нуфузли ташкилотлар таркибига кирган, барча қитъалардаги ўнлаб мамлакатлар билан дўстона алоқаларни ривожлантириб бормоқда, энг йирик банк ва молия органлари, нодавлат ва ноҳукумат ташкилотлари билан яқиндан ҳамкорлик қилмоқда. Республикада 88 та чет давлат ваколатхоналари рўйхатдан ўтган, 24 та ҳукуматлараро ва 13 та ноҳукумат ташкилот ишлаб турибди. Ўтган йиллар мобайнида республика кўплаб жуда муҳим халқаро конвенцияларга қўшилди.

Ташқи сиёсий ва иқтисодий алоқаларни шакллантиришда Ўзбекистон ўз мустақиллигининг дастлабки йилларидаёқ ишлаб чиқилган қўйидаги асосий тамойилларга амал қилмоқда:

— ўзаро манфаатларни ҳар томонлама ҳисобга олган ҳолда давлат миллий манфаатларининг устуворлиги;

— тенг ҳуқуқлилиқ ва ўзаро манфаатдорлик, бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик;

— мафкуравий қарашлардан қатъи назар ҳамкорлик учун очиқлик, умуминсоний қадриятларга, тинчлик ва хавфсизликни сақлашга содиқлик;

— халқаро ҳуқуқ нормаларининг давлат ички нормаларидан устуворлиги;

— ташқи алоқаларни ҳам икки томонлама, ҳам кўп томонлама келишувлар асосида ривожлантириш.

Биз ташқи алоқаларни халқаро муносабатларнинг турли йўналишлари бўйича муваффақиятли ривожлантиришни хавфсизлик ва барқарорликнинг кафолати деб биламиз. Ўзбекистон дунё учун очиқ. Биз ҳам дунёнинг Ўзбекистонга жуда катта қизиқиш билан қараётганлигини ҳис этмоқдамиз.

Биз кенг кўламли, замонавий, демократик давлат қуришдан иборат стратегик вазифани ҳал қилар эканмиз, жаҳон ҳамжамиятининг ўзи бутунги кунда серқирра бўлиб бораётганлигини жуда яхши тушунамиз.

XX аср охирида дунёда жуғрофий-сиёсий аҳамияти ва кўлами жиҳатидан ноёб ўзгаришлар рўй берди. Улар нафақат мамлакатлар ўртасидаги ўзаро муносабатлардан вужудга келган қарашлар ва уларнинг механизмларини чуқур ўйлаб қуришни, балки кўп жиҳатдан қайта баҳолашни ҳам талаб қилади. Бугун бутун дунё яхлит ва бир-бирига боғлиқ тизим бўлиб бормоқда. Бу ҳол ҳозирги халқаро муносабатларни шакллантирганда, халқаро тузилмалар билан ўзаро алоқалар ва фаолиятда иштирок этганда мутлақо янгича ёндашувларни ишлаб чиқишни зарур қилиб қўймоқда.

XXI аср шубҳасиз, халқаро муносабатларда бутун дунёни қамраб оладиган аср бўлади. Бундай шароитда халқаро институтлар ва ташкилотларда суверен давлатлар иштирок доирасини кенгайтириш жараёнини фақат тарих тақозоси эмас, балки айрим минтақалар кўламида ҳам, шунингдек, умуман, бутун сайёрамиз кўламида ҳам собитқадамлик ва барқарорликнинг қудратли омили деб ҳисобламоқ зарур.

Биз учун мустақиллик — ўз эркинлигимизни англашгина эмас, балки ўз ҳаётимизни ўз иродамиз билан ва миллий манфаатларимизни кўзлаган ҳолда ташкил этиш, ўз келажагимизни ўз қўлимиз билан қуриш ҳуқуқидир.

Биз мамлакатимиз иқтисодий жиҳатдан ривожланган, бозор тизимига эга бўлган демократик давлат ҳақидаги ҳозирги замон тушунчаларига мос келган тақдирдагина жаҳон ҳамжамиятига киришимиз мумкинлигига асосланамиз. Айни чоғда мамлакат жаҳон ҳамжамияти билан ҳамкорлик ўрнатган тақдирда, яъни халқаро меҳнат тақсимоотида ўзининг муносиб ўрнини топганда, минтақа ва бутун дунё хавфсизлик тизимларини барпо этишда фаол иштирок этгандагина уни замонавийлаштириш мумкин бўлади.

Ўзбекистон халқаро муносабатларининг турли субъектлар билан алоқалари қанчалик чуқур ва кенг бўлса, улар билан муносабатларда ноаниқликлар, ётсирашлар, муаммолар ва ҳал қилинмаган масалалар, қутилмаган воқеа-ҳодисалар шунчалик

кам бўлади. Худди шу нарса хавфсизликка солинаётган таҳдидларни бартараф этиш ва барқарор ривожланишни таъминлашнинг зарур шартидир.

Иқтисодиётни самарали тартибга солиш билан унинг шаклланишига қулай иқтисодий, ҳуқуқий, ташкилий вазият яратилади. Жаҳоннинг барча ривожланган мамлакатларида миллий иқтисодиётни бошқариш, тартибга солиш бўйича ўзига хос моделлар яратилган. бунда ҳар бир мамлакатнинг барча хусусиятлари ҳисобга олинган.

Республикамизда миллий манфаатлар ва мақсадларни ҳисобга олувчи ташқи иқтисодий сиёсат ишлаб чиқилган ва у изчиллик билан амалга оширилмоқда. Бу сиёсат доирасида зарурий-ҳуқуқий негиз, бошқариш тузилмалари яратилган, энг асосийси, иқтисодий фаолиятнинг турли соҳалари, халқаро кредит ва молия, валюта операциялари бўйича икки ёқлама солиққа тортиш, товар ва хизматлар халқаро савдоси жадал ривожланмоқда.

Ушбу ўқув қўлланмада макроиқтисодий тартибга солишнинг дунё миқёсидаги асосий йўналишлари, хорижий давлатларнинг иқтисодиётини тартибга солиш, макроиқтисодий муаммоларни ҳал этилиш борасидаги тажрибалари баён этилган. Шунингдек, миллий иқтисодиётни бошқаришнинг замонавий тизими, иқтисодий ривожланишнинг макроқўрсаткичлари, ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш тармоқларини тартибга солиш, пул ва кредит тизими, меҳнат бозори ва уни тартибга солиш муаммолари, солиқ тизимини тартибга солиш, тадбиркорликни ривожлантириш, мулкни давлат тасарруфидан чиқариш, хусусийлаштириш ва бошқа долзарб масалалар ҳақида фикр юритилган.

Қўлланмани ёзишда сўнгги йилларда талабаларга муаллифлар томонидан ўқилган маърузалар матни асос қилиб олинди.

РИВОЖЛАНГАН ДАВЛАТЛАРНИНГ XX АСР ИККИНЧИ ЯРИМИДАГИ МАКРОИҚТИСОДИЙ МУАММОЛАРИ

1.1. Иқтисодий цикллар ва иқтисодий ўсиш

Иқтисодий цикл иқтисодиётнинг бир неча йиллар давомида ўсиши ва пасайишини кўрсатувчи жараён ҳисобланади. Айрим иқтисодий цикллар бошқаларидан ўтиш даврининг давомийлиги ва фаоллиги билан фарқ қилади. Шунга қарамаздан, уларнинг барчаси бир хил даврларни босиб ўтади.

Иқтисодчилар иқтисодий циклларнинг тўртта ривожланиш даврини кўрсатадилар. Биринчи давр — иқтисодий ривожланишнинг энг юқори даражасига эришилган даврдир. Бу даврда иқтисодиётда тўлиқ иш билан бандлик ва ишлаб чиқариш тўла қувват билан ишлаётганлиги кузатилади. Шунингдек, маҳсулотларнинг баҳо даражаси ўсиш жараёни таъсирида бўлади. Кейинги босқич ишлаб чиқаришнинг камайиш даврини ўз ичига олади. Бунда бандлик даражаси пасаяди, аммо баҳонинг ўсиш даражаси пасаймайди. Чунки, баҳонинг ўсиш даражаси ишлаб чиқаришнинг пасайиш даври фаол ва узоқ давом этсагина пасайиши мумкин. Пасайишнинг қуйи нуқтасида ишлаб чиқариш ва бандлик энг қуйи даражага тушади ва охири жонланиш даври бшланади. Жонланиш даврида ишлаб чиқариш ва бандлик даражаси аста-секин кўтарила бошлайди. Бари бир ишлаб чиқариш қувватларидан тўлиқ фойдаланиш ва тўлиқ бандликка эришилади. Маҳсулотларнинг баҳоси эса ишлаб чиқариш қувватларидан тўлиқ фойдаланиш ва тўлиқ бандликка эришилгунча ўсиб боради.

Аслида иқтисодий цикллар бир хил. Аммо уларнинг айримлари бошқаларидан давомийлиги ва фаоллиги билан фарқланади. Шунинг учун ҳам иқтисодчилар бу жараёнга, иқтисодий тебранишлар даври, деб изоҳ беришади ва уларни турлича баҳолашади. Масалан, айримлар бу тебранишларнинг асосий сабабчиси деб техник янгиланишларни кўрсатишади. Уларнинг фикрича, ишлаб чиқаришга фан-техника ютуқларини қўллаш турли йиллар давомида иқтисодиётдаги тебранишлар сабабчиси ҳисобланади. Бошқа бир гуруҳ олимлар иқтисодий циклларни сиёсий ва тасодифий вазиятларга боғлашади. Иқтисодий циклларни монитар сиёсатга боғлайдиган олимлар ҳам мавжуд. Яъни, давлат қанчалик кўп пул босиб чиқарса, унинг қадри шунчалик

пасайиб боради ва аксинча, пул миқдори қанчалик кам бўлса, у ишлаб чиқаришнинг пасайишини ва ишсизлар сонининг ортинини шунчалик тезлаштиради.

Иқтисодий циклларни баҳолашда турли хил ёндашувлар бўлишига қарамай, кўпгина иқтисодчилар ишлаб чиқариш ва бандлилик даражаларини умумий харажатлар миқдори кўрсатади, деган фикрни қўллаб-қувватлайдилар. Чунки, ишлаб чиқариш бозорга мўлжаллаб ташкил қилинган иқтисодиётда корхоналар ўз товарларини уларга талаб бўлсагина ишлаб чиқаради. Хизмат кўрсатишни ҳам шу жиҳатни эътиборда тутган ҳолда йўлга қўяди. Аниқроқ айтганда, ишлаб чиқариш харажатлари кўп бўлса, корхоналарда товар ва хизматларни катта миқдорда ишлаб чиқариш фойдали эмас. Ишлаб чиқаришдаги бандлилик ва даромадлар даражасининг пастлиги ҳам мана шундан. Умумий харажатлар миқдори қанчалик кўп бўлса, ишлаб чиқаришнинг ўсиши катта фойда олиб келади. Шунинг учун ишлаб чиқариш, бандлилик ва даромадлар даражаси ортиб боради.

Иқтисодий ўсиш объектив қонуният бўлиб, у аҳолининг ўсиши, фан-техника тараққиёти (ФТТ) жараёнлари, ишлаб чиқариш ҳажмининг маълум бир вақт давомида ўсиши каби жараёнлар билан боғланган. Иқтисодий ўсиш жами таклифнинг ўсишини ёки жами потенциал ишлаб чиқариш ҳажмининг билдиради. Шундай қилиб, иқтисодий ўсиш ишлаб чиқаришнинг ўсишинигина эмас, балки иқтисодиёт потенциалининг ўсишини ҳам англатади.

Иқтисодий ўсиш деганда нафақат мамлакат реал даромадларининг ўсиши, шунингдек, жон бошига туғри келадиган реал даромадларнинг ўсиши ҳам тушунилади. Иқтисодий ўсиш икки хил усул билан аниқланади ва ўлчанади.

Биринчи усулда иқтисодий ўсиш ЯММ (ЯИМ, СММ)нинг ўтган даврга нисбатан ўзгариши сифатида аниқланади ва мамлакатнинг умумиқтисодий имкониятлари ҳаракатини аниқлаш учун ишлатилади. Иккинчи усулда эса реал ЯММни (ЯММ, СММ) ўтган даврга нисбатан аҳоли жон бошига ўзгариши сифатида аниқланади. Иқтисодий ўсишни аниқлаш ва асослаб бериш жараёнларида қуйидагиларга эътибор бериш керак:

- иқтисодий ўсишни ўлчаш;
- ўсиш омиллари;
- иқтисодий ўсиш моделлари.

Миллий иқтисодиётнинг ўсишини ўлчашда жами даромадлар ва маҳсулотларнинг ҳар хил индикаторларидан фойдаланиш мумкин. Умумий ўсиш даражаси аслида ЯИМ миқдори билан белгиланади. Шунингдек, бу кўрсаткичлар миқдори ва ҳал қилаётган

вазифасига қараб, ЯММ ёки МД кўрсаткичлари ҳам бўлиши мумкин. Чунки буларнинг барчаси бир-бирига жуда ҳам яқин, ЯММ кўрсаткичлари ҳам ЯИМ кўрсаткичлари каби муайян мамлакат аҳолиси олаётган даромадлар миқдорини кўрсатади. Шунинг учун ҳам ундан аҳоли жон бошига тўғри келадиган даромадлар динамикаси ва даражасини аниқлаётганда фойдаланиш мумкин. Иқтисодий ўсиш назарияси ва моделларида умумий макроиқтисодий кўрсаткичларнинг фарқи унчалик катта аҳамиятга эга эмас. Чунки, уларнинг фарқи иқтисодий ўсиш чегараси ва омилларининг ўсиш даражасини таҳлил қилишда ҳал қилувчи жараён ҳисобланмайди.

Ўсиш назариясида даромадларни олиш жараёнидаги умумий кўрсаткичлар таркиби, одатда, истеъмол ва инвестицияларга бўлинади:

$$I : Y = C + I;$$

Давлат харажатлари ва соф экспорт кўрсаткичлари ҳам истеъмол ва инвестицияларга бўлинади. Абсолют миқдордаги кўрсаткичлар динамикаси Y_t (t -вақт индекси) ва жон бошига тўғри келадиган кўрсаткичлар биргаликда ўсиш жараёнини билдиради. Истеъмол ҳажми C_t иқтисодиётнинг пировард мақсади ва яшаш даражасининг ошишини билдирса, инвестиция эса I_t ресурс имкониятларининг ўсиши ва техник янгиликларнинг моддийлашишини англатади. Истеъмол ва инвестиция ўртасида етарлича қарама-қаршилик мавжуд, чунки жорий истеъмол миқдорининг ошиши иқтисодий ўсиш потенциали имкониятларини қисқартиради.

Ўсишнинг барча имкониятлари реал миқдорда, яъни доимий нархларда қаралади. Аксинча, номинал кўрсаткичда уларнинг динамикаси нафақат ўсиш даражасини, балки инфляцияни ҳам кўрсатган бўлар эди.

Ҳар бир кўрсаткич бўйича уч хил миқдордаги динамикани таҳлил қилиш мумкин.

– абсолют кўрсаткич: масалан, реал ишлаб чиқариш Y_t ;

– абсолют қўшимча ўсиш: масалан, ишлаб чиқаришнинг ошиши $Y_t = Y_t - Y_{t-1}$;

– қўшимча ўсиш даражаси: масалан, ишлаб чиқаришнинг қўшимча ўсиши Y_t .

Иқтисодий ўсиш суръатлари қуйидаги формулалар ёрдамида аниқланади:

а) базис ўсиш суръати = Y_i / Y_0 ;

б) занжирли ўсиш суръати = $Y_i / (Y_{i-1})$.

Қўшимча ўсиш суръатларини аниқлашда эса қуйидагилардан фойдаланилади:

а) базисли қўшимча ўсиш суръати = $(Y_i - Y_0) / Y_0$;

б) занжирли қўшимча ўсиш суръати = $(Y_i - Y_{i-1}) / Y_{i-1}$

Ҳар қандай мамлакат иқтисодий ўсишга интилади, чунки иқтисодий ўсиш, биринчидан, миллий маҳсулот ҳажми ва даромад кўпайишига, иккинчидан, ресурслардан самарали фойдаланиш, учинчидан, янги-янги аҳтиёжлар ва имкониятларнинг пайдо бўлишига, тўртинчидан, халқаро бозорларда мамлакат обрўсининг ошишига олиб келади.

Иқтисодий ўсиш усулларидан тўғри ва ўринли фойдаланиш катта аҳамиятга эга. Хусусан, мамлакат ҳарбий салоҳиятини аниқлаш ва ривожлантириш муаммоси қаралаётганда иқтисодий ўсишнинг биринчи усулидан, мамлакат аҳолисининг турмуш фаолияти таққосланаётганда иккинчи усулдан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Масалан, Ҳиндистонда етиштирилган ЯММ Швейцарияда етиштирилган ЯММ дан 70 % га кўп, аммо Ҳиндистон аҳолисининг яшаш даражаси Швейцария аҳолисининг яшаш даражасидан 60 баробар паст.

Иқтисодий ўсишга таъсир этувчи омиллар. Иқтисодий ўсиш авваломбор фойдаланилаётган ресурслар сони ва сифатига, шунингдек, фойдаланилаётган технологияга боғлиқ. Агар қаралаётган омиллар ва иқтисодий ўсиш таркибий қисмлари яхлитлаштирилган бўлса, иқтисодий ўсишни экстенсив ва интенсив ўсишга бўлиш мумкин. Фойдаланилаётган ресурслар миқдори ўзгармай қолган ҳолда ишлаб чиқариш тўлиқ интенсив омиллар ҳисобига амалга ошган ҳисобланади. Умуман олганда, иқтисодий ўсиш бир неча омиллар таъсирида амалга оширилади:

- табиий ресурслар сони ва сифати;
- меҳнат ресурслари сони ва сифати;
- асосий капитал ҳажми;
- технология ва бошқалар.

Ушбу омилларнинг барчаси ишлаб чиқаришга бевосита таъсир кўрсатади. Бу эса, иқтисодий ўсиш истиқболларини белгилашда ишлаб чиқариш функцияларидан кенг фойдаланиш имконини беради. Яъни, иқтисодиётдаги ишлаб чиқариш омиллари миқдорининг қўшимча ўсиш суръатлари (K / K ва L / L) ва техника тараққиёти натижасида уларнинг умумий унумдорлиги қўшимча ўсиш суръатларига (A / A) боғлиқ ҳолда маҳсулот ишлаб чиқаришнинг қўшимча ўсиш суръатини (Y / Y) ҳисоблаш имконини беради:

$$Y/Y = (K/K) + (1-) L/L + A/A$$

Ёки ишлаб чиқариш ҳажмининг қўшимча ўсиш суръати - тенг капитал ҳажми - плюс меҳнат ҳиссаси - плюс омиллар умумий унумдорлиги қўшимча ўсиши ҳиссаси. Бунда коэффи-

циент ишлаб чиқарилган маҳсулотда капитал ҳиссасини, (1) - меҳнат ҳиссасини кўрсатади.

Хусусан, республикамизда фан-техника ютуқларидан самарали фойдаланишни илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларини ривожлантириш ва уларнинг натижаларни ишлаб чиқаришга зудлик билан жорий этиш мақсадида йирик-йирик лойиҳалар ишлаб чиқилмоқда, шунингдек, ҳар йили бир нечта маҳаллий ва халқаро олимпиада, конференция, коллуквум ва энг яхши илмий ишлар кўрик - танловлари ўтказилмоқда.

Бундан ташқари, республика таълим тизимида кескин янгиликлар қилинмоқда. Чунончи, республикада миллий кадрларни етиштириш мақсадида кўп босқичли Кадрлар тайёрлаш миллий дастури қабул қилинди. Ушбу дастурга асосан ёшларни халқаро, жаҳон бозорлари талабига жавоб берадиган даражада ўқитиш ишлари амалга оширилмоқда, коллеж, бакалавр, магистратура, аспирантура ва докторантураларда ўқишни таъминлаш, ёшларни халқаро даражада тайёрлаш ва қайта тайёрлаш учун республикада «Умид», «Устоз» каби фондлар фаолият кўрсатмоқда.

Иқтисодий ўсишга мамлакатнинг солиқ тизими ҳам сезиларли таъсир қилади. Солиққа тортиш ставкаларини камайтириш ва амортизацияга ажратмаларнинг ўсиш томон ўзгариши инвестициялар ҳажмини кўпайтиради ва шу орқали иқтисодий ўсишни рағбатлантиради.

Ижтимоий ва экологик муаммолар кучайган кейинги йилларда деярли барча мамлакатларда иқтисодий ўсишга энг аввало, аҳоли фаровонлигини таъминлашнинг шарти сифатида қаралмоқда. Чунки, иқтисодий ўсиш суръатларини ошириш заруратга айланмоқда. Шу сабабли ривожланган мамлакатларда амал қилган иқтисодий ўсишнинг миқдорий назарияси ўз ўрнини иқтисодий ўсишнинг сифат назариясига бўшатиб берди. Утган асрнинг 70-йиллари охирларидан бошлаб жаҳонда ривожланиш ғояси тобора кенг тарқалмоқда. Бу ғоянинг асосий мақсади келажак авлодлар эҳтиёжини, яъни экология жиҳатдан чеклашлар ва аҳолининг камбағал қатламлари эҳтиёжини ҳисобга олишдир.

Хуллас, давлат сиёсати иқтисодий ўсишнинг қуйидаги муаммоларини ҳал этишга йўналтирилган:

- истеъмол даражаси юқори бўлган, иқтисодиётнинг барқарор ҳолатини таъминлашга қаратилган омонат жамғариш меъёрларини танлаш;

- аҳоли ўсишини тартибга солиш;

- фан-техниканинг экологик жиҳатдан хавфсиз ютуқларини жорий этиш ва меҳнат унумдорлигини ошириш.

Иқтисодий ўсишнинг ижтимоий йўналтирилганлик дара-

жаси кучайган сари иқтисодий назария ва амалиётда «халқ фаровонлиги» тушунчаси жамият ижтимоий-иқтисодий тараққиётининг энг муҳим мезонлари сифатида янада аниқроқ намоён бўлмоқда. Агар илгарилари у моддий таъминланганликнинг миқдорий кўрсаткичларини акс эттирган бўлса, ҳозирда биринчи ўринга ўртача умр кўриш, ўлим даражаси, жумладан, болалар ўлими, ишсизлик даражаси, даромадлар тенгсизлиги, таълим даражаси, атроф-муҳитнинг ифлосланиши ва бошқа шу каби кўрсаткичлар қўйилмоқда. Демак, эндиликда иқтисодий ўсиш шахсининг ривожланиб бориши учун шароит яратиб бериши лозим.

Иқтисодий ўсишнинг салбий оқибатларидан бири аҳолининг ижтимоий, мулкӣ табақаланиши кучайиши ҳисобланади. Шунинг учун ҳам давлат аҳолининг турли қатламларини ижтимоий муҳофаза қилиш мақсадида ижтимоий сиёсат олиб боради. Бу жараёнда аҳоли даромадлари миқдори ҳам аниқланади.

Аҳоли даромади иш ҳақи, дивидентлар ва фоизлардан, шунингдек, трансферт тўловларидан ташкил топади. Даромадлар кенгроқ маънода пулсиз ёки имтиёзли нархларда аҳоли оладиган товарлар ва таълим, соғлиқни сақлаш, уй-жой коммунал хўжалиги, транспорт ва бошқа кўринишдаги хизматларга тўловларни ҳам ўз ичига олади.

Иш ҳақи, дивидент ва фоизларни ишлаб чиқаришда бевосита қатнашганлар даромадлар тақсимланиши натижасида оладилар. Давлат даромадлар тақсимланишига иш ҳақининг энг кам миқдорини қонуний равишда ўрнатиш орқали таъсир кўрсатади. Энг кам иш ҳақи муайян мамлакатда таркиб топган турмуш шароитига боғлиқ бўлиб, энг кам истеъмол бюджети асосида аниқланади.

Давлат даромадларнинг қайта тақсимланишини асосан икки хил таянч омиллар ёрдамида амалга оширади:

1. Солиқ тизими;
2. Трансферт дастурлари.

Давлат трансферт дастурларидан ташқари яна бир қатор нодавлат ва жамоат дастурлари ҳам мавжуд. Давлат ва нодавлат ташкилотлари трансферт дастурларининг барча турлари ягона бир мақсадга, яъни аҳоли даромадларини тенглаштиришга йўналтирилган.

1.2. Халқаро меҳнат бозори. Ишчи кучининг халқаро миграцияси ва унга таъсир этувчи омиллар

Нима учун ишчи кучи бир мамлакатдан бошқа мамлакатга кўчиб юради? Ишчи кучининг халқаро миграцияси, яъни

меҳнатга лаёқатли аҳолининг иш қидириб бир мамлакатдан бошқа мамлакатларга кўчиб юриши ташқи иқтисодий алоқаларнинг муҳим шакллари билан ҳисобланади. Инсоният тарихи одамларнинг катта-катта гуруҳлари у ёки бу мамлакатга кўчишлари билан боғлиқ воқеа-ҳодисаларга бой: Фарбий Европа мамлакатлари томонидан Шимолий Американинг ўзлаштирилиши, Британия ороллари билан чиққанларнинг Австралия қитъасини эгаллашлари, Хитойдан Жанубий Осиё мамлакатларига оммавий кўчишлар, Шимолий ва Жанубий Америкага Африкадан қора танли қулларнинг келтирилиши ҳозирги ривожланган қатор давлатлар (АҚШ, Канада, Австралия, янги саноатлашган мамлакатлар ва бошқалар) вужудга келиши ва юксалишига сабаб бўлган.

Жаҳон иқтисодиёти ривожланишининг барча босқичларида ишчи кучи миграцияси жараёни юз бериб келди, у айниқса иккинчи жаҳон урушидан сўнг янада кучайди.

Статистик маълумотларга қараганда, ҳозирги пайтда дунёда ҳар ўн оиладан бири кўчиб юради, уларнинг тўртдан уч қисми ишчи кучи миграциясига тўғри келади. Дунё бўйича бундай ишчи кучларининг умумий сони 25 млн. нафарга яқин.

Ишлаб чиқарувчи кучлар ривожланишининг ҳозирги даражаси жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий муносабатларида ишчи кучининг ўрни ва аҳамиятини тубдан ўзгартириб юборди, давлатлараро алоқалар маданиятини сифат жиҳатдан янги поғонага кўтарди.

Халқаро меҳнат бозори ишчи кучи истеъмолчилари ва уларни етказиб берувчилар ўртасидаги муносабатларни тартибга солувчи механизм ҳисобланади.

Ўзбекистоннинг мустақил давлат сифатида халқаро иқтисодий муносабатлар тизимида кўшилиши уни жаҳон меҳнат бозорида ҳам фаол қатнашишини тақозо этади. Иқтисодиётни ислоҳ қилишнинг дастлабки йилларидаги ўзгаришлар, демографик вазиятнинг мураккаблиги Ўзбекистонни ишчи кучини экспорт қилувчи давлатга айлантириши мумкин. Шу билан бирга бошқа хорижий мамлакатлардан юқори малакали ишчи кучини жалб қилиш имкониятлари ҳам мавжуд.

Собиқ иттифоқнинг бошқа республикалари каби Ўзбекистонда ҳам аҳолининг ташқи миграцияси икки оқимда руй бермоқда:

- меҳнат миграцияси, яъни қайтиб келиш ва фуқароликни сақлаш шарти билан;
- этник миграция, яъни қайтиб келмаслик ва фуқароликнинг сақланмаслиги шарти билан.

Ҳозирда Ўзбекистонда жаҳон меҳнат бозорида фаол қатнашишни таъминловчи ташкилий-ҳуқуқий асослар шаклланимоқда ва давлатнинг бу соҳадаги сиёсати амалга оширилмоқда.

Жаҳон меҳнат бозорининг ривожланишига бир қанча омиллар таъсир этади.

а) Иқтисодий омиллар. Маълумки, жаҳон меҳнат бозоридаги вазият бошқа барча бозорлар каби талаб ва таклиф асосида аниқланади ҳамда бир қатор омиллар билан белгиланади. Узаро боғланган бу омиллар шартли равишда иқтисодий, демографик, сиёсий омилларга бўлиниб, булар орасида иқтисодий омиллар энг муҳими саналади, чунки қолган барча омиллар пировардида иқтисодий муаммоларга айланади ёки иқтисодий оқибатларга олиб келади. Чунончи, мамлакатдаги ишчи ўринларига нисбатан аҳолининг тез суръатлар билан ўсиши.

Иқтисодий омиллар деганда, ҳар бир давлат иқтисодий тизимининг мустақамлиги, унинг ўсиш даражаси ва ривожланиш кўлами тушунилади. Дунёнинг турли минтақаларида иқтисодий имкониятлар, меҳнат шароитлари ва иш ҳақи ўртасида юзага келган сезиларли фарқ ишчи кучларининг мамлакатлараро кўчиб юришига сабаб бўлувчи муҳим омил ҳисобланади. Масалан, АҚШ ва Мексикада даромадларнинг тахминан 10 бараварга фарқ қилиши мексикалик ишчилар АҚШга иш қидириб кўчиб ўтишлари учун асосий сабаб ҳисобланади. Ўтган асрнинг 80 - йиллари бошида Европа Ҳамжамияти мамлакатларида аҳоли жон бошига тўғри келадиган ялпи миллий маҳсулот ҳажми Ҳамжамиятга аъзо бўлмаган мамлакатлардаги 4,7 марта ортиқ бўлган. Шундай қилиб, Ер юзида бой ва ривожланмаган мамлакатларнинг мавжудлиги халқаро меҳнат бозори амал қилишини белгиловчи асосий омил ҳисобланади.

Жаҳон меҳнат бозорининг аҳволи у ёки бу давлатлар иқтисодий ривожланиш суръатларининг ўзгаришига боғлиқ бўлади. Жумладан, бундай боғлиқлик даврий пасайишлар ва кўтарилишлар пайтида, жаҳон бозорида ишчи кучига бўлган талаб ва таклифда бевосита акс этади ҳамда мамлакат қанчалик йирик бўлса, унинг таъсири ҳам шунчалик кучли бўлади. Масалан, 1991—1992 йилларда дунёнинг ривожланган мамлакатларида даврий пасайиш рўй берди. Натижада 1992 йилнинг ўрталарига келиб, расмий рўйхатдан ўтган ишсизлар сони 30 млн. нафардан ошиб кетди, ишсизлик даражаси 1974 йилдаги 5,2 фоиздан 6,0 фоизга кўтарилди. Бундай ҳолат, ўз навбатида, ривожланган мамлакатларда хорижий ишчи кучига бўлган талабнинг пасайишига олиб келди.

б) Демографик омиллар. Аҳолининг ўсиш суръати, аҳоли сонининг кўпайиши ёки қисқариши билан боғлиқ бўлган омил-

лар демографик омиллар саналади. Жумладан, Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатларида аҳоли турмуш даражаси бу мамлакатларнинг шундай ҳам оғир иқтисодий аҳволини янада мураккаблаштириб, ташқи миграцияга шарт-шароит яратади ҳамда уларни жаҳон бозорига асосан ишчи кучи етказиб берувчи давлатларга айлантиради. Бошқача айтганда, ишчи кучининг асосий истеъмолчиси бўлиб, иқтисодий ўсиш суръати аҳолининг ўсиш суръатидан юқори бўлган мамлакатлар ҳисобланади. Масалан, ўтган асрнинг 90-йиллари бошларида Иқтисодий Ҳамкорлик ва Тараққиёт Ташкилоти (ИХТТ) мамлакатларида иқтисодий фаол аҳоли йилига ўртача 0,8 фоиз кўпайди, ички миллий маҳсулот ҳажми эса 3 фоизга ошди. Ишчи кучи сонининг минтақалар, алоҳида мамлакатлар доирасида ўзгаришини қуйидаги жадвалда кўриш мумкин.

1-жадвал

Ишчи кучининг минтақалар, алоҳида мамлакатлар бўйича тақсимланиши

Минтақалар ва мамлакатлар бўйича	1980 йил	1990 йил	Ўсиш суръати, фонзда
Бутун дунё ривожланган мамлакатлари	1,957374	2363547	120,7
Шимолий Америка	121721	135367	111,2
Гарбий Европа	150080	159579	106,3
Австралия – Янги Зеландия	8077	9533	118,0
Япония	57097	62202	108,9
Туркия	19090	23697	121,1
Исроил	1446	1906	124,2
Жанубий Африка Республикаси (ЖАР)	9449	12434	131,6
Ривожланмаётган мамлакатлар	7566	71785	106,3
Шарқий Европа			
МДҲ	36934	146634	107,1

Аҳолишунос мутахассисларнинг тахминларига кўра, ер юзи аҳолисининг ўтган асрнинг сўнги йилларида вужудга келган ўсиш тенденцияси XXI аср бошларида ҳам сақланиб қолади. Дунё аҳолиси 2025 йилгача 3,26 млрд. кишига кўпайиши кутилмоқда. Бу асосан «учинчи дунё» мамлакатлари ҳисобига бўлади. Яъни, «учинчи дунё» мамлакатларининг Европа мамлакатларига ва АҚШ га «демографик тазйиқи» 2000 йилларнинг ўрталаригача сақланиб қолиши мумкин.

Жаҳон мамлакатларидаги меҳнат таклифи

Мамлакатлар	Меҳнат ресурслари, 1995й.			
	15-64 ёшдаги иншоотлар, минг нафар		Ўртача йиллик ўсиш, фоиз	
	эркак	айёл	1965-1997	1995-2025
Жануби-Шарқий Осиё				
Вьетнам	19299	16996	2,53	2,05
Индонезия	52766	24161	2,48	1,50
Хитой	406660	316623	2,60	0,41
Мализия	5365	3004	3,49	2,01
Тайланд	16542	13084	2,66	0,63
Филиппин	17426	7644	2,85	1,91
Европа ва Марказий Осиё				
Озарбийжон	1670	1278	2,23	
Арманистон	387	754	2,71	
Беларус	2671	2551	1,42	
Болгария	2225	2007	0,00	-0,07
Венгрия	2878	2398	0,34	-0,15
Грузия	1381	1179	1,13	
Қозоғистон	4192	3608	2,30	
Латвия	962	827	2,41	
Қирғизистон	660	631	0,62	0,02
Литва	953	888	0,87	0,20
Молдова	1081	1025	1,13	
Польша	10583	36613	0,88	0,34
Россия	39212	9081	1,04	
Руминия	6112	5373	0,43	0,42
Тоҷикистон	1082	792	2,70	
Туркманистон	816	663	2,95	
Туркия	17067	8856	2,36	1,65
Ўзбекистон	4240	3644	2,83	
Украина	13060	12496	0,66	
Эстония	394	372	0,76	
Лотин Америкаси				
Аргентина	8472	3442	1,25	1,28
Бразилия	41470	16551	2,90	1,31
Колумбия	8788	2553	2,72	1,52
Мексика	23132	8937	3,58	1,83
Венесуэла	5351	2154	3,73	1,75
Яқин Шарқ ва Шимолий Африка				
Япония	5926	676	3,06	3,32
Миср	14430	1687	2,70	2,35
Эрон	15765	3737	3,86	3,74
Мирокваш	7100	1893	3,39	2,52
Сурия	2911	634	3,69	4,46
ИХТГ таъво мамлакатлар				
Бузуқ Британия	1729	10941	0,45	-0,04
Германия	24381	15493	0,52	-0,31
Испания	10741	3527	0,84	0,08
Италия	15653	7469	0,45	-0,41
Канада	8353	5607	2,24	0,65
АҚШ	73443	52242	1,70	0,44
Франция	15641	10721	0,95	-0,07
Япония	36799	23025	0,83	-0,35

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ
 ИСТИҚЛОҚ ҚИЗМАТЛАРИ АГЕНТЛИГИ
 2017/8/1

Мамлакатлар	Меҳнат ресурслари, 1995й.			
	15-64 ёшдаги ишчилар, миң нафар		Ўртачи йиллик ўсиш, фоиз	
	эркак	пёл	1965-1997	1995-2025
Жанубий Осиё				
Бангладеш	31458	2723	2,57	2,75
Хиндистон	260802	83502	2,09	1,61
Покистон	34008	5344	3,29	3,21
Африка				
Звир	9530	5128	2,45	3,54
Нигерия	26686	13993	2,73	3,19
Судан	6630	2045	2,87	3,42
Эфиопия	13425	7777	2,17	2,86
Жанубий Африка республикаси	9275	5250	2,56	2,40

в) Сиёсий омиллар. Ишчи кучи миграцияси сиёсий вазиятнинг барқарор эмаслигига қандай таъсир қилади?

Айрим мамлакатлардаги сиёсий вазиятнинг барқарор эмаслиги уларнинг иқтисодий аҳволига салбий таъсир этиб, мамлакат ишчи кучининг четга оқимини кескин кучайтиради. Масалан, сиёсий омил собиқ социалистик мамлакатларда рўй берган кенг кўламли аҳоли миграциясини аниқловчи сабаблардан бири бўлди. Агарда бу мамлакатларда аҳоли миграцияси ўтган асрнинг 90-йиллари бошларигача кўрилган қаттиқ чора - тадбирлар натижасида тўхтатиб турилган бўлса, ислохотлар бошланиши ва барча маъмурий тўсиқлар олиб ташланиши билан муҳожирлар оқими кескин ортди, оқибатда бу жараён жаҳон меҳнат бозоридаги вазиятга, айниқса, унинг Европа қисмига сезиларли таъсир кўрсатди. Дастлаб Югославия, сўнгра Венгрия, Польша йирик миқдорда ишчи кучини экспорт қилувчи давлатларга айланди. Кейинги пайтда бу мамлакатлар қаторига собиқ иттифоқ республикалари ҳам қўшилдилар.

Мутахассисларнинг тахминларига кўра, яқин йиллар ичида собиқ иттифоқдан 250 миңга яқин киши, Фарб мутахассисларининг ҳисоблари бўйича эса 500 миңга яқин киши Европа мамлакатларига ишлаш ва яшаш учун кўчиб кетиши мумкин. Шундай қилиб, иқтисодий, демографик ва сиёсий омилларнинг умум таъсири жаҳон меҳнат бозоридаги аҳволни, унинг миқёсини, таркибини ва ривожланиш суръатларини белгилаб беради.

Иқтисодий назариялар ва меҳнат миграциясининг самарадорлиги.

Ишчи кучи миграциясининг неоклассик назарияси. Ҳозирги замон халқаро иқтисодий муносабатларининг муҳим шакли ҳисобланган ишчи кучи миграцияси узок йиллар давомида

иқтисодий тадқиқотлар объекти бўлиб келмоқда. Ишчи кучини четдан олиб келувчилар учун ҳам, уни четга чиқарувчилар учун ҳам ташқи меҳнат миграциясининг ижобий ва салбий оқибатлари таҳлили асосида ишчи кучи ҳаракатининг иқтисодий самарадорлигини аниқлашга мўлжалланган қатор иқтисодий назариялар ишлаб чиқилган. Улар орасида кўпроқ маълум бўлгани ишчи кучи халқаро миграциясининг «Баланс» ва «Асимметрия» назариялари бўлиб, бу назариялардан ҳар бири ишчи кучини бир мамлакатдан иккинчи мамлакатга кўчиб юришини турлича изоҳлайди. «Баланс» ёки неоклассик назария миграцияни тор маънода, яъни асосан меҳнатга ҳақ тўлаш, ишчи кучи билан таъминланганлик, ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиши нуқтаи назаридан кўриб чиқади ёки ишчи кучи миграциясини товарлар ва капитал оқими сингари яна бир ишлаб чиқариш омилининг ҳаракати сифатида тушунтиради. Ушбу назарияга биноан, миграция меҳнат унумдорлиги ва иш ҳақи даражаси ўртасидаги тафовутлар кўпайиб бориши билан ўсиб боради. Иш ҳақи даражаси ишчи кучини жўнатувчи мамлакатларда кўтарилиб борса ва аксинча, уларни қабул қилувчи мамлакатларда пасайиб ёки ишчи кучи баҳоси турли мамлакатларда тенглашиб борса, мавжуд меҳнат ресурсларининг кўчиб юришига зарурат қолмайди. Аммо бу назария ҳозирги пайтда турли давлатларнинг амалдаги нотекис ривожланишини назарда тутиб, ташқи меҳнат миграциясини ишчи кучини экспорт қилувчилар учун ҳам, импорт қилувчилар учун ҳам, қолаверса, бутун жаҳон хўжалиги учун ҳам ижобий оқибатларга эга, деб эътироф этади.

Ташқи меҳнат миграциясидан ишчи кучини экспорт қилувчи ёки жўнатувчи мамлакатларнинг оладиган фойдаси шундан иборатки, улар ташқи миграция ёрдамида мамлакат аҳолисининг етарли даражада иш билан банд бўлмаганлиги туфайли вужудга келадиган иқтисодий ва ижтимоий харажатлардан қутулади ҳамда хорижда ишлаётганларнинг юбораётган пул жўнатмаларига, қайтиб келадиган ишчиларнинг касб ва тил кўникмаларига эга бўладилар.

Дунёнинг кўпчилик мамлакатлари, хусусан, Миср, Покистон, Туркия, Югославия, Сальвадор, Никарагуа ва бошқа мамлакатлар учун ишчи кучларини четга чиқаришдан олинадиган даромад экспорт тушумларининг муҳим манбаи ҳисобланади. Масалан, 1978—1988 йиллар мобайнида туркиялик хорижда ишловчиларнинг йиллик жўнатмалари ҳажми 893—2490 млн. АҚШ долларини ташкил қилган ёки Туркия ташқи савдо баланси тақчиллигининг 45-100% фоизини қоплаган. Агарда 1989 йилда Туркия, Португалия ва Марокашда хорижда иш-

ловчиларнинг пул жўнатмалари миқдори шу мамлакатлар экспорти ҳажмининг 25—40 фоизини ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич Мисрда 90 фоиз, Покистонда 80 фоиздан кўпроқни ташкил этди. Никарагуа ва Сальвадорда эса пул жўнатмалари миқдори уларнинг экспорт тушумларидан ҳам ошиб кетган.

Ишчи кучини қабул қилувчи мамлакатларнинг ташқи меҳнат миграциясидан оладиган фойдаси шундан иборатки, хориждан арзон ишчи кучи жалб қилиш мамлакат ичкарасида иш ҳақи ўсиб боришининг олдини олади ва натижада инфляция хавфи бартараф этилади. Умумжаҳон хўжалиги учун меҳнат ресурсларининг эркин кўчиб юриши иқтисодий самарадорликни янада ошириш имконини беради. Мутахассисларнинг ҳисоб-китобларига кўра, жаҳон ялпи миллий маҳсулоти ҳажмини шу жараён ҳисобига 15—16 триллион АҚШ долларигача кўпайтириш мумкин.

Асимметрия назарияси. Шу билан бирга ишчи кучи ташқи миграциясининг «Баланс» назарияси реал ҳаётнинг аксарият жиҳатларини, чунончи, иммиграцияни аҳолининг ёш таркибига, умумий фаровонлигининг ўсишига, уй-жой шароитига, жамоат тартибининг барқарорлигига, жамият маданий-диний бир хиллиги бузилишига ва бошқаларга бўлган таъсирини ҳисобга олмайди. Аксинча, асимметрия назарияси ишчи кучи миграцияси натижасида юзага келадиган турли хил оқибатларни баҳолашга кенгроқ ёндашади ва бунда унинг устунликлари сезиларли даражада камайтиради, баъзида устунлик ҳолати бутунлай юз бермайди.

Ишчи кучини экспорт қилувчи мамлакатлар бу жараёнда аҳолисининг айна меҳнатга яроқли (24—40 ёш) қисмини йўқотади. Уларнинг пул жўнатмалари аксарият ҳолларда инвестициялар шаклида эмас, балки кундалик истеъмол учун ишлатилади. Натижада чет элларда ишлаётганларнинг даромадларидан миллий иқтисодиётни ривожлантириш учун фойдаланиш имкони бўлмайди. Ундан ташқари, ишчи кучини экспорт қилувчи мамлакатлар учун бу жараён интеллектуал йўқотишлар билан ҳам боғлиқ. Жумладан, хорижий экспертларнинг ҳисоб-китобларига кўра, юқори малакали мутахассисларнинг собиқ иттифоқдан эмиграцияси натижасидаги йўқотишлар йилига 60—70 млн. АҚШ доллари атрофида баҳоланмоқда. Бу назария тарафдорларининг таъкидлашларича, ишчи кучи миграцияси туфайли ривожланган мамлакатлар билан «учинчи дунё» мамлакатлари ўртасида иқтисодий ривожланишдаги фарқ камаймайди. Шундай қилиб, жаҳон миграция жараёнларига турли хил ёндашишлар ва баҳолаш мезонлари мавжуд бўлиб, улар алоҳи-

да мамлакатлар давлат сиёсатини ишлаб чиқишда ҳисобга олинади. Шу билан бирга иқтисодий назариялар ишчи кучи, мамлакатлараро кўчиб юришининг объектив зарурлигини ва кучайиши қонуниятларини инкор этмайди.

Хўш, ишчи кучи миграцияси мамлакатдаги вазиятга қандай таъсир кўрсатади?

Ишчи кучининг халқаро миграцияси сўнгги ўн йилликларда кучая бориб, дунё бўйлаб кенг ёйилмоқда ҳамда жаҳон хўжалиги тараққиётига, меҳнат ресурслари билан айирбошлашга фаол тортилган мамлакатларнинг ижтимоий-иқтисодий, демографик, сиёсий ва маданий-диний вазиятига сезиларли таъсир кўрсатиб келмоқда. Расмий маълумотларга қараганда, 1990 йилда Ғарбий Европа мамлакатларида 15,2 млн.га яқин чет эллик истиқомат қилган, шу жумладан, Европа ҳамжамяти мамлакатларида 13,4 млн. киши ёки туб аҳолининг 5 фоизи. Европанинг айрим мамлакатларида уларнинг салмоги янада юқоридир. Хусусан, Швецияда 16,5 фоиз, Бельгияда—9,1 фоиз, Германияда—8,4 фоиз. Мутахассислар улуши 10 фоизга етади.

Ўз навбатида, Европа мамлакатларидан ҳам ҳар йили миллионлаб одамлар яхши ҳаёт қидириб, турли давлатларга кўчиб боришади. Масалан, хорижий ишчилар сони АҚШ да 5,65 млн., Лотин Америкасида 3,5—4 млн., Яқин Шарқ ва Шимолий Америка мамлакатларида 2,8 млн., Ғарбий Африкада 1,3 млн. кишини ташкил этади.

Ишчи кучи жаҳон бозорининг асосий марказлари. Ҳозирги пайтда миграция оқимининг географик йўналишлари бўйича ишчи кучи жаҳон бозорининг 4 та йирик маркази шаклланган. Биринчи марказ ўтган асрнинг 60—70-йилларида Яқин Шарқ мамлакатларида нефть қазиб чиқариш саноатининг тараққий этиши, унга боғлиқ ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилманинг ривожланиши билан таркиб топган. Бу мамлакатларда ишчи кучига бўлган талабнинг кескин ошиши асосан чет эл фуқароларини жалб қилиш ҳисобига қондирилиши мумкин эди, холос. Шу даврдан бошлаб бу минтақада жадал миграция жараёнлари бошланди. Ишчи кучларининг сонида хорижий ишчи кучининг улуши (Покистон, Ҳиндистон, Корея, Филиппин ва бошқа мамлакатлардан) Бирлашган Араб Амирликларида 90 фоизга яқин, Катарда 80 фоиздан юқори, Қувайтда 70 фоизга яқин, Саудия Арабистони ва Баҳрейнда 40 фоизга яқинни ташкил этди.

Иккинчи марказ — ривожланган Ғарбий Европа мамлакатлари бўлиб, миграция омили бу мамлакатлар иккинчи жаҳон урушидан кейинги даврда ўз иқтисодиётларини тиклашида асосий роль ўйнади. Ҳозирги пайтда ҳам хорижий ишчи кучи паст

малакали ва нуфузли бўлмаган тармоқларда кенг қўлланади. Бу тармоқларда (автомобилларни йиғиш, кон-руда ва металлургия саноати ва бошқалар) хорижликлар 70 фоизни ташкил этади. Европанинг 15 мамлакати доирасида ягона меҳнат бозорининг барпо этилиши, бу минтақанинг аҳамиятини кучайтирди ва уни хорижий ишчи кучи учун жозибали қилиб қўйди.

Жаҳон меҳнат бозорининг учинчи йирик маркази — АҚШ ва Канада. Бу ерда нафақат Лотин Америкасидан паст малакага эга бўлган ишчилар, балки юқори малакали мутахассислар ҳам интиладилар. Шу сабабли, АҚШ ўзининг замонавий фан-техникага асосланган тармоқларини, юқори малакали мутахассисларга бўлган эҳтиёжини кадрлар тайёрлашга катта харажатлар қилмасдан таъминлади.

Халқаро меҳнат бозорининг тўртинчи маркази Аргентина бўлиб, ҳозирда бу ерда юзага келган қулай иқтисодий вазият қўшни мамлакатлардан арзон ишчи кучини ўзига жалб қилмоқда.

Жаҳон меҳнат бозоридаги сифат ўзгаришлари. Кейинги йилларда жаҳон меҳнат бозори географик шаклланиши билан бир қаторда, ривожланган мамлакатлар иқтисодиётидаги таркибий (структуравий) силжишлар, собиқ социалистик мамлакатлардаги туб ислохотлар, жаҳон бўйлаб ўрнатилаётган янги иқтисодий-сиёсий таркиблар билан боғлиқ бўлган чуқур сифат ўзгаришларига ҳам эга бўлмоқда. Бундай ўзгаришлар асосан қуйидагилардан иборат: биринчидан, Шарқий Европа мамлакатларини жаҳон хўжалиги алоқаларига фаол жалб қилиш жараёни бошланди, шу жумладан, ишчи кучини айирбошлаш соҳасида ҳам; иккинчидан, бир қатор Жанубий Осиё ва араб мамлакатларида ижтимоий-иқтисодий аҳволнинг яхшиланиши, миллий иқтисодиётнинг юқори суръатлар билан ўсиши натижасида шу мамлакатлар аҳолиси ҳисобига бўладиган миграция оқими қисқармоқда; учинчидан, ялпи миграция оқимида юқори малакали ишчи кучи ва тадбиркорларнинг улуши ошиб бормоқда.

Жаҳон меҳнат бозоридаги вазиятнинг истиқболий таҳлили шундан далolat бермоқдаки, демографик, иқтисодий сабабларга кўра, ишчи кучини импорт қилувчи асосий мамлакатларнинг талаби юқори даражада сақланиб қолади. Масалан, Европа ҳам-жамиятига аъзо мамлакатларда 25 ёшгача бўлган аҳоли сони 2000 йилда 1990 йилдаги 27,8 млн. нафаридан 22,1 млн. нафаргача қисқаради. АҚШ ва Канадада ҳам юқоридагидек «аҳолининг қариш» жараёни кечмоқда. Шундай мураккаб демографик вазиятга қарамасдан, ривожланган мамлакатларда иқтисодиётнинг юқори суръатларда ўсиши ва ишсизлик даражасининг пасайиши кутилмоқда. Бундай ҳолат хориждан ёш мутахас-

сисларни жалб қилиш ушбу давлатлар илмий, иқтисодий ва демографик сиёсатининг муҳим қисми бўлиб қолишидан дарак беради.

1.3. Ташқи меҳнат миграциясининг ташкилий-хуқуқий асослари

Ташқи меҳнат миграциясини тартиблашнинг жаҳон тажрибаси. Меҳнат бозори ҳам ҳар қандай бошқа бозорлар каби айирбошлашнинг маълум тартиб-қоидаларини ўрнатишга, унга амал қилишга ва назоратга эҳтиёж сезади ёки бошқарилиб туришни тақозо этади. Бу, одатда, давлат зиммасига юклатилади. Давлатнинг миграция жараёнларида иштироки тарихдан маълумки, XVIII—XIX асрлардаёқ ишчи кучининг эркин кўчиб юришини чегаралайдиган тўсиқлар мавжуд бўлган. Ҳозирда ишчи кучининг эркин ҳаракати қатор хуқуқий, маъмурий, маданий, тил, ижтимоий ва бошқа йўл - воситалар билан бошқарилиб турилади.

Шулардан фақат хуқуқий ва маъмурий тўсиқларни давлатнинг ўзи ўрнатиши ёки уларни бартараф этиши мумкин. Агарда XX асрнинг ўрталаригача ишчи кучи ҳаракатини мамлакатлараро тартибга солиш асосан манфаатдор давлатларнинг икки томонлама шартномалари асосида амалга оширилган бўлса, кейинчалик, меҳнат соҳасида мамлакатлараро алоқаларнинг мураккаблашуви, жаҳон меҳнат бозорида фаолият кўрсатишнинг ташкилий-хуқуқий асосларини қайта кўриб чиқишни тақозо этди. Жумладан, 1953 йилда Иқтисодий Ҳамкорлик ва Тараққиёт ташкилоти мамлакатлари, 1957 йилда эса Европа Ҳамжамиятига кирувчи давлатлар ҳам ишчи кучининг эркин кўчиб юришини қувватлаб чиқдилар.

Ташқи меҳнат миграциясини ташкил этишда, тажрибалар ва ахборотлар билан айирбошлашда, бу жараёни тартибли ва режали амалга оширишни таъминлашда миграция бўйича халқаро ташкилотнинг ўрни алоҳида аҳамиятга эга. Бу ташкилот аъзо мамлакатлардаги (35 та аъзо) ўз бўлимлари орқали бўлажак муҳожирлар учун тил ўрганиш курсларини ташкил этади. Ушбу йўналишда Халқаро Меҳнат Ташкилоти (ХМТ) ҳам ўз ишини фаоллаштириб, Халқаро Меҳнат меъёрлари бўйича 1919—1993 йиллар давомида 174 та конвенция ва 181 та тавсия қабул қилди. Уларда ишчи кучининг мамлакатлараро кўчиб юришини хуқуқий жиҳатдан тартибга солиш ҳам ўз ифодасини топган. Жумладан, 1949 йилда қабул қилинган муҳожир меҳнаткашлар тўғрисидаги конвенцияда ХМТга аъзо бўл-

ган давлатларга муҳожирларни ишга қабул қилишда, иш ҳақи тулашда ва уларнинг камситилишларига йўл қўймаслик мажбуриятларини юкловчи қатор қоидалар ўрин олган.

ХМТнинг 1958 йилда қабул қилинган ижтимоий меҳнат ва бандлик соҳасида ҳуқуқларини чеклашга қарши конвенцияси; ХМТ 1962 йилда қабул қилган ижтимоий сиёсатнинг асосий мақсадлари ва меъёрлари тўғрисидаги битим. Бу битимда ХМТга аъзо бўлган давлатларда муҳожир меҳнаткашлар манфаатлари талаб қилинадиган қоидалар қайд этилган, яъни муҳожирлар ҳам туб аҳоли қатори мавжуд ижтимоий муҳофаза имтиёзларидан фойдаланишлари, уларнинг оилалари эса иш ҳақидан пул жўнатмаларини олиш ҳуқуқига эга бўлишлари белгилаб қўйилган.

ХМТнинг 1975 йилда қабул қилинган муҳожир-меҳнаткашлар тўғрисидаги конвенцияси. Бу ҳужжат миграция соҳасида суистеъмолликларни, муҳожирларни яширин йўллар билан олиб келиш ва қонунсиз ишга ёллашни бартараф қилишга қаратилган чора-тадбирларни белгилаб беради ҳамда муҳожирларни меҳнат, бандлик, ижтимоий таъминот, касаба уюшмаларига бирлашиш ва маданий ҳуқуқлари соҳасида ҳимоя қилишнинг баъзи чораларини кўзда тутди.

Халқаро Меҳнат Ташкилотига аъзо бўлган ва унинг асосий ҳужжатларига имзо чеккан мамлакатлар қайд этилган ҳужжатларда қабул қилинган тартиб-қоидаларга амал қилишлари ва ўзларининг меҳнат қонунчиликларини уларга мувофиқ ўзгартиришлари лозим.

Ўзбекистонда ташқи меҳнат миграциясини ҳуқуқий ва ташкилий томондан таъминлаш. Ҳозирги пайтда Халқаро Меҳнат Ташкилотига 170 давлат, жумладан, Ўзбекистон Республикаси ҳам аъзо бўлиб, ташқи меҳнат миграцияси соҳасида давлат сиёсатини ишлаб чиқишда ушбу ташкилот қабул қилган ҳужжатларга амал қилмоқда. Хусусан, республикамизда «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида» ги қонун қабул қилинди. Мазкур қонунда Ўзбекистон фуқароларини чет элларда ўз касби бўйича шуғулланиш ҳуқуқи, мамлакат ташқарисида уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, ишга жойлаштиришни тартибга солиш ва бу жараённи мувофиқлаштириш борасида давлатнинг жавобгарлиги мустаҳкамлаб қўйилган.

Ҳозирда Ўзбекистон Республикаси фуқаролари хорижий давлатларда ўз касблари бўйича меҳнат фаолиятларини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 14 июлдаги «Ишчи кучларини олиб келиш ва ташқарига олиб чиқиш масалаларини тартибга солиш тўғрисида»ги қарорига ва шу қарор билан тасдиқ-

ланган Низомга асосан амалга оширмоқдалар. Ўз навбатида, мамлакатта келиш ва мамлакатдан чиқиб кетиш тўғрисидаги, хорижда ишлаётган Ўзбекистон фуқароларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун лойиҳалари тайёрланмоқда. Шунингдек, Ўзбекистонда ташқи миграция соҳасидаги сиёсатни ташкилий жиҳатдан таъминлаш ишлари ҳам амалга оширилмоқда. Шу мақсадда Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги қошида муҳожир меҳнатқашлар ишлари бўйича республика Агентлиги тузилган. Бу ташкилот вазирликнинг қарорига биноан ишчи кучини экспорт қилиш учун хорижий шериклар билан битимлар ва контрактлар тузади, чет элларда ишлаш учун мутахассисларни танлайди, уларнинг жўнаб кетишларини ташкил қилади, контракт шартлари бажарилишини назорат қилиб боради ва ҳоказо.

Республикада фуқароларнинг ташқи меҳнат фаолияти лицензиялар ёрдамида бошқарилиб борилади. Фуқароларни ишга ёллаш ва хорижда ишга жойлаштириш билан шуғулланувчи барча жисмоний ва юридик шахслар ёки хорижий иш берувчилар билан хусусий равишда контракт тузган фуқаролар ҳамда ишлаш учун «Ўзбекистонга келаётган чет эл фуқаролари тегишли давлат идораларидан рухсатнома (лицензия)» олишлари лозим.

Хулоса қилиб айтганда, юқорида қабул қилинган ҳуқуқий, ташкилий-иқтисодий хусусиятга эга бўлган ҳужжатлар ташқи меҳнат миграцияси соҳасида давлат сиёсатининг асосий вазифаларини ҳал этишга йўналтирилган, яъни миллий меҳнат бозорида ишчи кучи касб-малака таркибини мувозанатга келтиришга, хорижда ишлаётган фуқароларнинг ижтимоий муҳофазасини таъминлашга, яширин ташқи меҳнат миграциясининг олдини олишга ва бошқаларга қаратилган.

Айни вақтда Ўзбекистонда меҳнат бозорининг ахборот-усул базаси шаклланишига қараб, давлат миграция хизматини янада кенгайтириш билан бир қаторда шундай вазифани бажарувчи муқобил хизматни ҳам ривожлантириш чоралари қидирилмоқда.

1.4. XX асрнинг иккинчи яримидаги инфляция муаммоси

Инфляция — ялпи товар ва хизматлар баҳосининг кўтарилиши ва у билан боғлиқ пул бирлиги харид қувватининг тушиб кетишидир. Инфляция макроиқтисодий беқарорликни акс эттириб, барча мамлакатлар учун уни тартибга солиш йирик иқтисодий муаммо ҳисобланади. Айниқса, бир иқтисодий тизимдан иккинчи бир иқтисодий тизимга ўтаётган мамлакатларда бу анча хавфлидир. Чунки, бу давр нархларнинг эркинлашуви ва шунга

мувофиқ уларнинг умумий даражаси кескин ошиб кетиши билан боғлиқ. Шунинг ҳам таъкидлаб ўтиш лозимки, инфляция даврида барча товарларнинг баҳолари ҳам ошавермайди. Баъзи товарларнинг баҳолари барқарор бўлиб турса, баъзилариники эса тушиши мумкин. Демак, кенгроқ маънода инфляция барча товар ва хизматлар ўсиб боришини ва шу билан бирга баъзи товарлар баҳоларининг пасайишини, баъзилариники секинлик билан, бошқа бирлариники кескин ўсиб боришини билдиради.

Инфляция иқтисодиёт ривожланишининг ҳақиқий аҳолини бузиб кўрсатиб, бошқарув жараёнини ниҳоятда қийинлаштиради. Инфляция баҳо индекси - дефлятор ва истеъмол нархлар индекси ёрдамида аниқланади. Баҳо индекси эса ҳақиқатдаги баҳонинг базис баҳога нисбати билан аниқланади:

$$P = P_x / P_b \times 100 \text{ ёки } P = (118\% / 100\%) \times 100 = 118 \text{ ёки } 18\%.$$

Ҳисобот йилида инфляциянинг ўсиш суръати қуйидагича аниқланади:

$$\text{Инфляция ўсиш суръати} = (I - I / I) \times 100 \%$$

Бунда: I - жорий йилнинг нархлар индекси,

I - ўтган йилнинг нархлар индекси.

Мисол учун, товарлар баҳоси 1997 йили 150% га, 1998 йили эса 180% га тенг бўлди, дейлик. 1998 йилнинг инфляция суръати қуйидагича бўлган:

$$I_c = (180 - 150 / 150) \times 100 = 6,7.$$

Инфляцияни миқдоран ўлчаш учун макроиқтисодиётда «70-қиймат қондаси» назариясидан ҳам фойдаланилади. Бу усул нархлар барқарор ўсган шароитда инфляция даражаси неча йилда икки бараварга ошишини аниқлаш имконини беради. Бунинг учун 70 ни йиллик инфляция даражасига бўлиш кифоя:

Инфляция суръати икки бараварга кўпайиши учун зарур бўлган йил = 70 / нархларнинг йиллик ўсиш даражаси (%).

Мисол учун, йиллик инфляция даражаси 9,5% га тенг бўлса, тахминан етти йилу уч ойдан кейин баҳо икки мартага кўпаяди, яъни, (70:9,5 = 7,3).

Реал ЯММ ва жамғарманинг неча йилдан сўнг икки марта ошишини ҳисоблаш зарур бўлган ҳолларда «70-қиймат қондасидан» фойдаланилади.

Умуман, мамлакат иқтисодиётида инфляциянинг келиб чиқиш сабабларини аниқлаш ва уларни таҳлил қилиш энг долзарб муаммолардан бири ҳисобланади. Инфляциянинг икки хил кўриниши мавжуд:

- талаб инфляцияси;
- жами таклифнинг камайишидан келиб чиқадиган инфляция, яъни, таклиф инфляцияси.

Талаб инфляцияси иқтисодиётда талабнинг кескин ошиб кетиши ва унинг реал ишлаб чиқариш ҳажми билан қондирилиши мумкин бўлмай қолган шароитларда келиб чиқади. Яъни, иқтисодиётнинг ишлаб чиқариш имкониятлари жами ўсиб бораётган талабни қондиролмайди. Ортиқча талаб эса, реал товарлар баҳосининг кўпайишига иқтисодий босим беради ва талаб инфляцияси келиб чиқади ёки оддий сўзлар билан айтганда, «ҳаддан зиёд пуллар ҳаддан зиёд кам товарларни овлайди». Талаб инфляциясини келтириб чиқарувчи асосий сабаблар аҳолининг иш билан тўлиқ бандлиги ва иш ҳақининг ошиб бориши ҳисобланади. Демак, инфляция талаб, таклиф, иш билан бандлик, баҳо, ишлаб чиқариш суръатлари каби кўпгина омилларга боғлиқ.

Агар мамлакатда жами талаб ошса, ишлаб чиқариш ҳажми кўпаяди, ишсизлик камаяди, баҳо даражаси эса деярли ўзгармайди ёки кам миқдорда ўзгаради. Баҳо ўзгармаслигининг сабаби шуки, катта ҳажмдаги меҳнат ва хомашё ресурларини шу ўзгармас баҳода ишга тушириш мумкин бўлади. Чунки, ишсиз юрган киши иш ҳақини оширишни талаб қилмайди, унинг учун ишга ёлланишнинг ўзи кифоя.

Бундан ташқари, баҳо ишчи кучининг тўла иш билан бандлигига эришишдан олдин ҳам кўпайиши мумкин, яъни, баъзи саноат корхоналари олдинроқ ресурс ва резервларни тугаллайди, натижада улар талабнинг ўсишига мос ишлаб чиқаришга ҳамда таклифга эриша олмайди. Талаб таклифдан кўпайиб кетади, натижада баҳо яна оша бошлайди.

Ишлаб чиқаришда умумий ишлаб чиқариш харажатларининг ошиши фирмаларда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар баҳосини оширишга олиб келади. Натижада, касаба уюшмалари иш ҳақининг янада оширишларини талаб қилади. Бу эса, ўз навбатида, баҳоларнинг яна ошишини билдиради.

Таклиф инфляцияси мамлакат иқтисодиётида товар ва хизматлар таклифи камайиши натижасида уларнинг баҳолари ошишидан пайдо бўлади. Бундай ҳолларда ортиқча талаб бўлмаса ҳам товарларнинг баҳолари ошиб боради. Ҳатто иш билан бандлик ва ЯММ ишлаб чиқариш пасайган йиллари товарларнинг баҳоси ошади. Жами таклиф қисқаришининг асосий сабаби маҳсулот бирлигига сарфланган харажатларнинг ўсиши ҳисобланади. Яъни, номинал иш ҳақи, хомашё ва ёқилғи нархларининг ошиши натижасида ишлаб чиқариш таннархи ошади.

Таклиф инфляциясининг келиб чиқишига, шунингдек,

таклиф механизмининг бузилиши ҳам таъсир қилади. Таклиф механизми эса, тасодифий ҳолда асосий ишлаб чиқариш омиллари баҳосининг кескин кўпайишидан келиб чиқади.

Инфляция даражаси юқори бўлган мамлакатларда ишлаб чиқаришнинг ҳақиқий ҳажми қисқариши билан бир вақтда, унинг номинал ҳажми ортиб бориши каби вазият содир бўлади. Даромадларнинг ишлаб чиқариш томонидан таъминланмаган ўсиши аҳоли қўлидаги пулнинг таклиф қилинаётган товар ва хизматлардан ошиқчалигига олиб келади. Бу пул бирлигининг харид қувватини пасайтиради, аҳоли бир миқдордаги пулга жорий йилда ўтган йилдагига нисбатан камроқ маҳсулот сотиб олади, яъни унинг реал даромадлари камаяди. Мисол учун, жорий йилда аҳолининг номинал даромадлари 30% га кўпайиб, нархлар даражаси 50% га ошган бўлса, унда аҳолининг реал даромадлари 20% га камайган бўлади. Чунки, нархларнинг ўсиши аҳоли пул даромадларининг ўсишидан илгарилаб кетган (30% - 50% - 20%).

Иш ҳақи меҳнат бозорида мувозанатни ўрнатувчи восита ҳисобланади ва унинг даражаси ўзгариши ишсизликка бевосита таъсир кўрсатади. Бу икки кўрсаткич ўртасидаги ўзаро боғлиқлик инглиз иқтисодчиси А.В.Филлипс томонидан аниқланган. Филлипс эгри чизиғи ўз моҳиятига кўра, инфляция ва ишсизлик ўртасидаги боғлиқликни акс эттиради, яъни инфляциянинг ўсиш суръатида ишсизликнинг паст даражаси кузатилади ва аксинча, яъни ишлаб чиқаришнинг қисқариши ва ишсизликнинг кўпайиши нархлар ошиши билан кузатилади. Бу ҳодиса стагфляция деб аталиб, ҳам инфляция, ҳам ишсизликнинг ўсиши билан ифодаланади.

Давлатнинг меҳнат бозорига таъсир этиш чоралари Филлипс модели билан чекланиб қолмасдан, солиқ, пул-кредит сиёсатининг кенг таъсир этиш чораларини ҳамда меҳнат муносабатларини тартибга солувчи қонуний ва меъёрий ҳужжатларни ҳам ўз ичига олади.

Қисқача хулосалар

Ривожланган давлатларнинг XX аср иккинчи ярмидаги макроиқтисодий муаммоларидан бири иқтисодиётни бир неча йиллар давомида ўсиши ёки пасайишини кўрсатувчи жараёни таҳлил этишда намоён бўлади.

Ишчи кучининг халқаро миграцияси, яъни меҳнатга лаёқатли аҳолини иш қидириб, бир мамлакатдан бошқа мамлакатларга кўчиб юриши ташқи иқтисодий алоқаларнинг муҳим шаклларида бири ҳисобланади.

Ишчи кучининг эркин кўчиб юришини чегаралайдиган тўсиқлар мавжуд бўлиб, шулардан фақат ҳуқуқий ва маъмурий тўсиқларни давлатнинг ўзи ўрнатиши ёки бартараф этиши мумкин.

XX асрнинг иккинчи ярмидаги инфляция муаммоси ялпи товар ва хизматлар баҳосининг ошиши ҳамда у билан боғлиқ пул бирлиги харид қувватининг тушиб кетишидан иборат.

Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. «Иқтисодий ўсиш» тушунчаси нимани билдиради?
2. Иқтисодий ўсишга қандай омиллар таъсир кўрсатади?
3. «Ишсизлик», «меҳнат бозори» тушунчалари нимани англатади?
4. Ташқи меҳнат миграциясининг аҳамияти нимада?
5. Ишчи кучи халқаро миграциясининг моҳияти нимада ва унга қандай омиллар таъсир этади?
6. Меҳнат миграциясининг самарадорлиги қандай аниқланади?
7. Инфляция қандай аниқланади?
8. Истеъмол нархларининг кўрсаткичлари нималардан иборат?
9. Инфляцияни келтириб чиқарувчи омиллар нима?

Асосий адабиётлар

1. Каримов И.А. Иқтисодий ривожланиш ва иқтисодий ислохатларни чуқурлаштириш. Халқ сўзи, 25 январь, 2002.
2. Агапова Т.А., Серегина С.Ф. Макроэкономика. 3-е издание М.: «Дело и Сервис», 2000.
3. Кругман П.Р., Обстфельд М. Международная экономика. Теория и политика. М.: МГУ, 1997.
4. Ишмухамедов А.Э, Шибаршова А.И. Регулирование экономики в зарубежных странах. – Т., ТГЭУ, 2000.

МАКРОИҚТИСОДИЙ СИЁСАТЛАР АСОСИДА ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАР ИҚТИСОДИЁТИНИ ТАРТИБГА СОЛИШ

2.1. Бюджет-солиқ сиёсати асосида тартибга солиш

Давлатнинг фискал ҳаракатлари иқтисодиётни мувофиқлаштиришда катта аҳамиятга эга.

Фискал сиёсатнинг фундаментал мақсади ишсизлик ёки инфляцияни тугатишдир. Иқтисодиётнинг пасайиш даврида рағбатлантирувчи фискал сиёсат тўғрисида гап кетади. У биринчидан, давлат харажатларини оширади, иккинчидан, солиқларни камайтиради, учинчидан, биринчи ва иккинчи йўналишларни бирга қўшиб олиб боради. Бошқача айтганда, баланслашган бюджет бўлса, иқтисодиёт инқирозга учраган пайтда фискал сиёсат давлат бюджети камомади йўналишига ҳаракат қилади. Тескариси - иқтисодиётда талаб инфляциясига керагидан ортиқча жой бўлса, бундай шароитга босиқ фискал сиёсат тўғри келади, яъни, биринчидан, давлат харажатларини камайтириш, иккинчидан, солиқларни ошириш ва учинчидан, иккаласини бирга қўшиб олиб бориш. Агарда иқтисодиёт олдида инфляция устидан назорат ўрнатиш муаммоси турган бўлса, фискал сиёсат давлат бюджетининг ижобий қолдиғига йўналтирилган бўлади.

Лекин, шуни ҳам эсдан чиқармаслик керакки, СММ қиймати нафақат давлат харажатлари ва солиқлар ўртасидаги фарққа, балки бюджетнинг абсолют миқдорига ҳам боғлиқдир.

Давлат бюджетига камомад бўлган шароитда унинг иқтисодиётни рағбатлантириши камомадни рағбатлантиришига боғлиқ. Мамлакат бюджет камомadini икки хил йўл билан молиялаштириш мумкин: аҳолидан қарз олиш ҳисобига (фоизли қоғозларни сотиш ҳисобига) ёки кредиторлар томонидан янги пулларни чиқариш орқали.

Агар давлат пул бозорига чиқса ва у ерга ўзининг қарзларини олиб чиқса, у молиявий воситалар учун хусусий тадбиркорлар билан рақобатга киришади. Молиявий воситаларга бўлган бу қўшимча талаб фоиз ставкалари мувозанат нуқтасини оширади, чунки, олдинги мавзулардан маълумки, инвестиция харажатлари фоиз ставкалари билан тескари пропорционалликка эга. Демак, давлат томонидан қарзлар олиш фоиз ставкалари даражасининг ошишига олиб келади. Агарда давлат бюджети камомади янги пулларни чиқариш орқали молиялаштирилса,

хусусий инвестициялар таъсиридан қутилиши мумкин. Давлат харажатлари инвестиция ва истеъмолга кучли таъсир қилмаган ҳолда ўсиши мумкин, демак, давлат бюджети камомadini моли-ялаштиришда янги пулларни чиқариш ва давлат қарзларини кенгайтиришга нисбатан яхшироқ усул ҳисобланар экан. Давлат харажатлари ва солиқлар миқдорининг ўзгариши айрим ҳолатларда автоматик равишда амалга оширилади.

Барча турдаги солиқлар ҳам СММ ўсишига мос равишда соф солиқлар тушумини кўпайтиради (соф солиқ умумий солиқлар тушумидан давлат трансферт тўловларининг айирмасига тенг). СММ миқдорининг ўсиб бориши билан индивидуал даромад солиқлари, корхоналар даромад ва фойда солиқлари, ККС, акцизлар миқдори ошиб боради ва аксинча, СММ миқдори камайса солиқ тушумлари камаяди. Бу ерда трансферт тўловлари қарама-қарши хусусиятга эга, чунки иқтисодий ўсиш шароитида ишсизларга тўланадиган нафақалар, фермерларга бериладиган субсидиялар камаяди ва иқтисодиёт инқирозга учраётганда эса кўпаяди.

Биринчидан, солиқлар иқтисодиётнинг потенциал сотиб олиш қобилиятини йўқотиш ҳисобланса, иккинчидан, барқарорлик нуқтаи назаридан иқтисодиёт инфляцияга қараб кетаётган бўлса, бунда солиқ тушумлари миқдорини ошириш лозим, аксинча, ўсиш даражаси камайган вазиятларда солиқ тушумларини камаййтириш керак.

Урнатилган барқарорликни янада кенгроқ аниқлайдиган бўлсак, иқтисодиётда иқтисодий камайиш бўлган шароитда давлат бюджетининг ижобий қолдиқни камаййтиришга ва инфляция шароитида эса ижобий қолдиқни ошириш (ёки унинг камомadini камаййтириш) борасида олиб бориладиган ҳар қандай чора - тадбирлардан иборатдир. Юқоридаги чора - тадбирлардан кўриниб турибдики, солиқ тизими шахсан мазкур вазифаларни бажаради. СММ миқдори ошганда солиқ тушумлари кўпаяди, аксинча, СММ миқдори камайганда эса солиқ тушумлари ҳам камаяди. СММ миқдорининг кам миқдори автоматик равишда рағбатлантирувчи бюджет камомади, инфляция билан боғлиқ бўлган шароитдаги СММ миқдори эса автоматик равишда босиқ бюджет ортиқчалигини пайдо бўлишга чорлайди.

Давлатнинг фискал сиёсатида тўланадиган солиқлар миқдори катта аҳамиятга эга. Шунинг учун ишлаб чиқариш корхоналари тўлайдиган солиқлар таркибини қараб чиқамиз.

Корхоналар учун қандай манбалардан солиқлар тўлашни билиш лозим. Солиқлар тўланадиган манбаларига кўра, қуйидаги гуруҳларга бўлинади:

1) Харажатлари маҳсулот таннархига киритиладиган солиқлар: ер солиғи, автомобиль йўллардан фойдаланганлик учун тўланадиган солиқ, транспорт солиғи, транспорт воситалари эгаларидан олинадиган солиқ;

2) Харажатлари маҳсулотларни сотишдан тушадиган тушумлар таркибига киритиладиган солиқлар: ҚҚС, акцизлар, экспорт тарифлари;

3) Харажатлари молиявий натижаларга қўшиладаган солиқлар: фойда солиғи, мол-мулк, реклама, атроф-муҳитни тоза сақлаш, уй-жой фонди ва ижтимоий соҳа объектларини сақлаб туриш солиқлари ва бошқалар;

4) Харажатлари корхона ихтиёрида қоладиган фойдадан копланадиган солиқлар: ҳисоблаш техникаси ва автомобилларни сотиш учун тўланадиган солиқлар, савдо қилиш учун бериладиган лицензиялар йиғими, биржа амалга оширган ишлар учун йиғимлар, дам олиш ва курорт зоналарида ишлаб чиқариш объектларини қуриш учун тўланадиган солиқлар ва бошқалар.

Фискал сиёсатни амалга ошириш айрим вақт муаммолари ҳал қилинишини талаб этади:

1) Вақтинчалик босиб ўтилган йўлни аниқлаш - бу асосан иқтисодиётда ишлаб чиқариш пасайишга кетиш олдидаги ёки инфляция олдидаги қисқа вақт ҳисобланади. Бу вақтда иқтисодиётнинг келажақдаги ривожланиши тўғрисида аниқ бир фикр айтиш қийин. Иқтисодий прогнозлаштириш иқтисодий ривожланиш тўғрисида маълум бир йўл-йўриқ кўрсатса ҳам иқтисодиёт тўрт ёки олти ойлик камайишни ёки инфляцияни босиб ўтган бўлади.

2) Маъмурий сусткашлик. Одатда, ҳукумат томонидан иқтисодиётни турғунликдан олиб чиқиш учун фискал сиёсат вақт ўтказилиб қабул қилинади. Бу вақтда эса иқтисодий вазият ўзгаради ва қабул қилинган чора-тадбирлар умуман керак бўлмай қолади.

3) Вазифавий кечикиш. Шунингдек, ҳукумат қабул қилган тадбирлар ишлаб чиқаришга жорий қилунгунча анча вақт ўтиб кетади.

Мамлакат фискал сиёсати сиёсий рисолада ташқил топади ва бу иқтисодиётни барқарорлаштириш учун фойдаланишда қийинчиликларга олиб келади.

1. Бошқа мақсадлар. Харажатлар ва солиқ тизими иқтисодий барқарорликка эришишда ягона давлат сиёсати ҳисобланмайди. Шунингдек, давлат умумий истеъмол ва даромадларни қайта тақсимлаш ва бошқа жараёнларни товар ва хизматлар билан таъминлаш муаммоларини ҳал қилиш каби вазифаларни ҳам бажариши керак.

2. Рағбатлантирувчи чора-тадбирларга қизиқиш. Бюджет камомади сиёсий жиҳатдан маълум бир миқдорда қўллаб-қувватланса, бюджет ортиқчалиги эса катта муаммо ҳисобланади. Сиёсий жиҳатдан солиқларни камайтириш ва харажатларни ошириш кенг тарқалган тадбир саналади. Солиқларни ошириш аҳоли норозилигига олиб келса, харажатларни камайтириш сиёсий жиҳатдан анча хавфлидир.

3. Сиёсий сабабларга кўра, бир-бири билан боғланган давра. Айрим иқтисодчилар ҳисоблашадики, кўпгина сиёсий кучларнинг асосий мақсади мамлакат иқтисодиётини кўтариш эмас, балки ҳукуматга сайланиш, яъни мансаб эгаллашдан иборатдир. Шунинг учун аксарият иқтисодчилар сиёсий сабабларга кўра, бир-бири билан боғланган «ишчан давра» тушунчасини киритишган, яъни, уларнинг фикрича, сиёсатчилар ўз сайловчиларини максимал қўллаб - қувватлаш мақсадида иш олиб боришади. Бундай вазиятда фискал сиёсат иқтисодиётни издан чиқаришини билса ҳам ҳийла-найранглар ишлатишга ҳаракат қилишади, демак, бундан келиб чиқиб, шундай хулосага келишимиз ҳам мумкинки, фискал сиёсат иқтисодий тебранишлар сабабчиси ҳам бўлиши мумкин экан.

Урин алмашиш самараси. Урин алмашиш самараси моҳияти шундан иборатки, рағбатлантирувчи (камомадли) фискал сиёсат фоиз ставкалари ўсиши ва инвестицион харажатлар камайишига мойиллик яратади. Масалан, иқтисодиёт пасайиш жараёнида ва фискал сиёсат тариқасида давлат харажатлари миқдорини оширади. Давлат пул бозорига камомадни молиялаштириш мақсадида чиқади, чунки, харажатлар фоиз ставкаси билан тесқари боғлиқликка эга. Демак, айрим инвестициялар қабул қилинмайди. Агарда инвестициялар давлат харажатларининг ўсган қисми миқдорида камайса, фискал сиёсат самарасиз бўлган бўлар эди.

Ҳозиргача бизнинг мулоҳазаларимиз ёпиқ иқтисодиёт шароитида олиб бориладиган фискал сиёсат тўғрисида чекланган эди. Агарда мамлакат иқтисодиёти жаҳон иқтисодиётининг бир қисмини ташкил қилса, яъни, очиқ иқтисодиёт шароитида фаолият кўрсатаётган бўлса, қўшимча қийинчиликлар келиб чиқади.

Олдинги мулоҳазаларимиздан маълумки, чет мамлакатларда рўй бераётган ҳодисалар ва улар томонидан қабул қилинаётган сиёсий тадбирлар мамлакат экспортига, умуман, иқтисодиётига таъсир қилади. Бунинг бугунги таҳлилимизда ифода қилар эканмиз, яъни ялпи талабнинг халқаро зарбасига дучор бўлишимиз мумкин, чунки у бизнинг СММ ни қисқартириши ва

фискал сиёсатимиз тадбирларини қадрсизлантириши мумкин. Масалан, тахмин қилайлик, республикамизда ишлаб чиқариш пасайишини кутаяпмиз ва давлат ўз харажатлари ва солиқлари миқдорини шу даражагача қисқартирдикки, у ялпи талабнинг ўсишини таъминлашга етарлидир. Энди фараз қилайлик, асосий савдо ҳамкоримиз бўлган давлатлар иқтисодиёти кутилмаганда ва тезлик билан ўса бошлайди. Таъминланганлик даражасининг ошиши ва даромадларнинг ўсиши бу мамлакатларда республикамиздан товарлар сотиб олиш ўсишига олиб келади. Шу тариқа соф экспортимиз ўсади. Ялпи талаб ниҳоятда тез ўсади ва биз талаб инфляцияси муаммоси олдида турибмиз. Агар соф экспортимиз шунчалик ўсишини олдиндан билган бўлсак, рағбатлантирадиган қулай фискал сиёсат юритган бўлар эдик. Соф экспорт самараси фискал сиёсат самарадорлигини халқаро савдо орқали барбод этишга ҳаракат қилади.

Биз ўрин алмашиш самарасини кўриб чиқдик ва рағбатлантирувчи фискал сиёсат орқали фоиз ставкалари ошиши мумкин деган хулосага келдик. Яъни бу инвестициянинг қисқаришига олиб келади. Энди биз фоиз ставкалари ўсиши соф экспортга қандай таъсир қилишига ишонч ҳосил қилдик. Фараз қилайлик, биз рағбатлантирувчи фискал сиёсат олиб бораяпмиз, бу иқтисодиётга юқори ставкали фоиз олиб келади. Бундай фоиз ставкалари молиявий капитални четдан жалб қилади. Четдан келган молиявий инвесторлар хориждан қимматбаҳо қоғозларни сотиб олинган олдин, ўз ҳисобида ўша мамлакат валютасига (асосан, республикамизнинг сўми) эга бўлиши керак.

Биламизки, товарга талаб ошиши ҳозирги шароитда сўм баҳосининг ошишига олиб келади. Шундай қилиб, сўмнинг нархи бошқа валютага тенглаштирилган нархда ошади, бошқача айтганда, сўм қимматлашяпти.

2.2. Пул-кредит сиёсати асосида тартибга солиш

Пул-кредит сиёсати деганда, тўла бандлик шароитида жами маҳсулотни ишлаб чиқаришга инфляциянинг таъсирини камайтириш ёки баргараф этиш мақсадида муомаладаги пул миқдорини ўзгартириш тушунилади. Унинг ёрдамида ҳар қандай давлат, мамлакатда иқтисодий барқарорликни таъминлаш мумкин бўлади.

Ҳозирда ҳамма мамлакатларда пул миқдорини тартибга солишда очиқ бозор операцияларини, яъни қимматбаҳо давлат қоғозларини таклиф қилиш усулидан кенг фойдаланилмоқда. Ушбу операцияларни Марказий банк асосан нуфузи катта банклар гуру-

ҳи билан биргаликда амалга оширади. Марказий банк қимматбаҳо қоғозларини бозорда сотиш ёки харид қилиш йўли билан пул таклифига таъсир этади, яъни пул бозоридаги талаб ва таклиф мувозанатини таъминлайди. Дейлик, пул бозорида муомалада пул миқдори ортиқчалиги мавжуд. Табиийки, Марказий банк ортиқча пул массасини камайтириш ёки йўқотишга ҳаракат қилади. Бунинг учун, у ўз қимматли қоғозларини очиқ бозорда аҳоли ва банкларга таклиф этади, улар эса уни харид қила бошлайдилар. Давлат қимматбаҳо қоғозларининг (сотиш ёки харид қилиш йўли билан) таклифи ошиб борган сари, унга бўлган баҳо пасаяди, ўз навбатида, унга бўлган фоиз (яъни, қимматбаҳо қоғозларини сотиб олганларга фоиз шаклида ҳақ тўланади) ошади, бу эса унга бўлган талабни оширади. Банклар ва аҳоли қимматли қоғозларни кўпроқ харид қила бошлайди, пировард натижада банкларнинг заҳиралари қисқаради, ўз навбатида, бу ҳол пул таклифининг банк мультипликаторига тенг нисбатда қисқаришига олиб келади. Бу эса банк заҳира ва пул таклифининг ортишига сабаб бўлади.

Пул - кредит сиёсатини амалга оширишнинг яна бир воситаси — ҳисоб-китоб ставкаси сиёсатидир. Ҳисоб-китоб ставкасини Марказий банк белгилайди. Агар ушбу ставка паст бўлса, унда тижорат банклари кўпроқ кредит олишга ҳаракат қиладилар. Натижада банкларнинг ортиқча заҳиралари ортиб боради ва муомаладаги пул массаси миқдорининг ошиб боришига олиб келади. Агарда ҳисоб ставкаси миқдори юқори бўлса, унда банклар камроқ кредит олишга, олганларини эса қайтариб беришга ҳаракат қиладилар, пировард натижада, ортиқча банк заҳиралари қисқаради, бунинг натижасида эса муомаладаги пул миқдори камаяди.

Амалиётда, давлатлар ҳисоб ставкаси сиёсатини очиқ бозордаги операциялар сиёсати билан мувофиқлаштирган ҳолда олиб боришга ҳаракат қиладилар. Пул - кредит сиёсати воситаларидан яна бири — мажбурий банк заҳира меъёрини ўзгартириш сиёсатидир. Мажбурий банк заҳира меъёрини Марказий банк белгилайди ва уни ўзгартириб туради. Агар Марказий банк мажбурий банк заҳирасини камайтирса, ортиқча банк заҳиралари ортади, бу эса пул таклифининг мультипликацион ортишига олиб келади. Масалан, ушбу меъёр 25 % бўлса, унда банкка қўйилган 800 сўмдан 200 сўм мажбурий банк меъёрини ташкил этади. Бунда банк фақат 600 сўмни қарзга бериши мумкин бўлади. Энди фараз қилайлик, меъёр 10 % га туширилди, унда банк 720 сўмни қарзга бериш имкониятига эга бўлади.

Мажбурий банк заҳира меъёрини кўтариш ёрдамида давлат пул таклифини камайтиради. Зеро, бу банкларда ортиқча

заҳираларнинг қисқаришига олиб келади. Пул-кредит сиёсатини ўтказишда бу восита бутун банк тизими асосларига таъсир этади. Шунинг учун у кўпчилик мамлакатларда ўта зарур бўлгандагина қўлланилади.

Хўш, пул-кредит сиёсатининг оқибатлари қандай? Давлат томонидан амалга ошириладиган пул-кредит сиёсати ЯММ, бандлик ва баҳолар даражасига бевосита таъсир кўрсатади. Фараз қиламизки, иқтисодиётда ишлаб чиқариш қисқармоқда ва ишсизлар сони ортиб бормоқда. Бундай шароитда давлат Марказий банк орқали пул таклифини биз юқорида кўриб чиққан воситалар ёрдамида оширишга ҳаракат қилади. Бунинг натижасида пул таклифи ўсади, фоиз ставкаси эса камаяди. Бу эса, инвестицияларга бўлган талабни оширади ва ўз навбатида, ЯММ миқдорининг кўпайишига олиб келади. Бу билан давлат маълум даврда ўз мақсадига эришади, ишлаб чиқаришнинг орқага кетиши тўхтайтиди, ишсизлар сони камаяди, жамиятнинг даромадлари эса ошади.

Пул-кредит сиёсатининг оқибати тўғрисида гапирганда, унинг қисқа ва узоқ муддатли оқибатларини фарқлаш керак. Агарда қисқа муддатли даврда давлат пул таклифини ошириш натижасида ЯММ миқдорининг ўсишини рағбатлантирган ва бу билан у маълум даражада самарадорлика эришган бўлса, узоқ муддатли даврда эса бу чораларнинг самарадорлиги пасаяди.

Шуни ҳам эсдан чиқармаслик керакки, пул-кредит сиёсати асосида яхлит иқтисодиётга пул-кредит сиёсатининг таъсир жараёнларини ўрганувчи пул назарияси этади. Ушбу назария икки хил ёндашувчи иқтисодчилар ўртасида кўп йиллардан бери тортишувларга сабаб бўлиб келмоқда. Булар такомиллаштирилган кейнсиан назарияси ва замоновий пул миқдори назариясидир. Ушбу икки назария тарафдорлари ҳам пул таклифининг номинал ЯММ га таъсирини инкор этмайдилар, аммо бу таъсирнинг аҳамиятига ҳар хил баҳо берадилар.

Ўзбекистонда пул-кредит сиёсатининг қуйидаги йўналишлари мавжуд:

— давлат томонидан пул массасини олдиндан билиш, уни доимий назорат қилиш;

— Марказий банк томонидан тижорат банкларининг операцияларини пул билан таъминлаш, бунда Марказий банкнинг тижорат банкларига фоиз ҳисобида кредит бериши назарда тутилади, бу эса, ўз навбатида, Марказий банк томонидан, умуман, пул муомаласи соҳасини назорат қилишга имкон беради;

— кредит ва бюджет тизимлари ўртасида ўзаро муносабатлар воситасини такомиллаштириш, кредит бериш, бюджет камомати шароитида бу камомадни пул чиқариш ҳисобига эмас,

балки давлатнинг қимматбаҳо қоғозларини сотиш ҳисобига қоплаш зарур. Давлатнинг пулга бўлган талаб ва таклифи ўзгариши борасидаги сиёсатни монетар сиёсат деб юритилади. Бу сиёсат монетаризм назариясига асосланади. Унинг бош ғояси иқтисодий ўсишнинг бозор механизмини таъминлайди, бу механизмнинг асосий воситаси пул, деган хулосадан иборат.

Муомала учун зарур бўлган пул массасини давлат ўзи белгиллаган курс бўйича олтинга мувофиқлаштирган ҳолда муомалага чиқаради ва у шу давлат доирасида ҳаракат қилади. Муомалада товарлар билан таъминланмаган пулнинг пайдо бўлиши инфляцияни билдиради. Пул қадрсизланганда муомаладаги пул кўпайиб, унга нисбатан товар ва хизматлар камайиб кетади. Пул бирлигининг харид кучи унга сотиб олиш мумкин бўлган товар ва хизматлар миқдоридан камаяди, натижада уларнинг баҳоси ўсади. Бу эса, ўз навбатида пулнинг валюта курсини пасайтиради, чунки унга нисбатан бошқа валютага кўпроқ товар сотиб олиш мумкин бўлади.

Давлат ўз харажатларини қоплаш учун пул эмиссиясини жорий қилиб, уни кўпайтириб, муомалага ташлаши мумкин. Лекин уни товар ва хизматлар массаси билан таъминлай олмайди. Бунинг натижасида пул инфляцияси кучайиб боради. Демак, қоғоз пуллар олтинга, чет эл валютасига нисбатан қадрсизланади. Бинобарин, пул миқдори асосан ишлаб чиқариш ҳолатига, нархга, пул обороти тизимига боғлиқ бўлиб, унга нисбатан давлат жиддий ёндашади. Иқтисодий тартиблаш учун муомаладаги пул миқдорини ўзгартириб, уни нормал ҳолга келтириб туради. Бу ишни Марказий банк амалга оширади. Монетаристлар иқтисодийга амалий жиҳатдан ёндашиб, пул массасини 3 - 5 фоиз оширишни тавсия этишади.

Агар молия барча хўжалик субъектларининг ўзига тегишли пул маблағлари хусусидаги алоқаларини англатса, кредит, ўзга мулки бўлган пулни қарзга олиб, ишлатиш борасидаги муносабатларни билдиради ва бозор муносабатларининг бир унсури ҳисобланади.

Кредит деганда, вақтинча ўз эгалари қўлида бўш турган пул маблағларини бошқалар томонидан маълум (худуд) муддатга ҳақ тўлаш шарти билан қарзга олиш ва қайтариб бериш юзасидан келиб чиққан муносабатларни тушуниш керак. Кредит муносабатлари икки субъект ўртасида юзага келади: бири пул эгаси, яъни қарз берувчи, иккинчиси пулга муҳтож, яъни қарз олувчи.

Ўзбекистонда банк тизими Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, акциядорлик-тижорат банклари ва хусусий банклардан иборат.

Банклар пул оламини ҳаракатга келтирувчи мотор - юрак, пул билан бўладиган барча ҳисоб-китобларни амалга оширади. Ҳамма пул тўловлари (трансфертлар) банклар орқали ўтади.

Кредит муассасаларининг бўйсунлишига қараб, банк қонунчилиги ҳамда кредит тизимининг пастдан юқорига томон таркибий тузилишига мувофиқ тарзда банк тизимини икки асосий: бир босқичли ва икки босқичли турга ажратиш мумкин.

Бу тизим банклар ўртасида ёнлама алоқа бўлишини, уларнинг операциялари ва адо этадиган вазифаларини универсаллашни кўзда тутди. Бир босқичли банк тизими доирасида барча кредит муассасалари, жумладан, Марказий банк ҳам ягона босқичда туради ҳамда миждозларга кредит - ҳисоб хизмати кўрсатишда бир хил вазифаларни бажаради. Тузилишининг бундай тамойили асосан иқтисоди суст ривожланган, шунингдек, бошқарувнинг тоталитар, маъмурий-буйруқбозлик тартиблари ҳукм сураётган мамлакатларга хосдир.

Ўзбекистонда банк тизимини қайта қуриш мустақил давлат иқтисодий сиёсатининг муҳим йўналишларидан бири бўлди. Юқорида қайд этилганидек, хўжалик механизмининг бир маромда фаолият юритиши барқарор ишлайдиган банклар миллий тизимини тақозо этади. Бундай тизим эмиссия банки ва тижорат банклари тармоғини ўз ичига олади.

Ўзбекистон тижорат банкларининг ривожланишида банк соҳасини монополиядан чиқаришга интилиш кузатилди. Дастлабки босқичда бу ҳол асосан иқтисодиётнинг алоҳида тармоқларига хизмат қиладиган банклар ташкил этишида намоён бўлди. 1995 йилда акциядорлик-тижорат «Алоқабанк», акциядорлик-тижорат «Уй-жойжамғармабанк», Ўзбекистон акциядорлик тижорат инвестиция банки «Саёҳатинвест банк», махсус давлат акциядорлик - ипотека «Замин» банклари ташкил этилди. «Ўзсаноатқурилишбанк» акциядорлик-тижорат банки «Пахтабанк» ихтисослашган тижорат-акциядорлик банкига айлантирилди. Собиқ «Ўзагросаноатбанк» ҳамда «Ўзсаноатқурилиш банк» ни майдалаштириш натижасида миждозларини янги ташкил этилган банкларга ўтказиш туфайли мамлакат банк тизими доирасида активлар ва пасивларни тақсимлаш ҳам тегишли равишда ўзгарди. Шунга қарамай, учта йирик банк — Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки, «Ўзсаноатқурилишбанк» ва «Пахтабанк»нинг улуши барча банклар кредит қўйилмаларининг 75 фоизини ташкил этди.

Ислохотнинг дастлабки босқичида ихтисослашган тижорат банкларини ташкил қилишдан мақсад тармоқ хусусиятига кўра, корхоналарнинг жамланиш зарурияти ҳамда уларни мақ-

садли молиялашни ва ўзаро ҳисоб-китобни яхшилаш эди. Шу билан бирга ихтисослашган тижорат банклари сонининг кўпайиши ресурсларни жалб қилиш имкониятларини торайтириб қўйди. Уларнинг депозит ва кредит фаолиятини керакли даражада диверцификациялашни таъминламади. Бундай муассасалар бозор иқтисодиётидаги мамлакатларда мавжуд бўлиб, банклар билан бир қаторда давлат молия тизимининг муҳим таркибий қисми ҳисобланади. Шундай йўналиш объектив хусусиятга эга бўлиб, у молия муассасаларининг турли-туман кўринишлари ўртасида кредит соҳасини тақсимлаш заруратини тақозо этган эди. Шу талабдан келиб чиқиб, «Бизнес фонд», «Мадад» суғурта компанияси, «Ўзбекинвест» Миллий суғурта компанияси, Хусусий суғурта ва инвестиция компаниялари сингари ихтисослашган молия-кредит муассасалари ташкил этилди.

Устав капиталининг энг кам миқдори ўз вақтида қайта кўриб чиқилиши банк соҳаси учун муҳим аҳамиятга эга бўлиб, банк назорати талабларига жавоб беради. Янги банкларнинг пайдо бўлиши ҳамда ишлаб турган тижорат банкларининг устав капитали миқдори кўпайиши натижасида ана шундай ўсиш рўй берди. Фонд бозори ҳуқуқий негизларининг шаклланиши ва хусусийлаштиришнинг иккинчи босқичи бошланганлиги тижорат банкларини қимматли қоғозлар билан бўладиган операцияларга жалб этиш учун шарт-шароит яратди. Хусусийлаштиришнинг иккинчи босқичи фаоллашуви туфайли корхоналар ва тижорат банклари акциялари бирламчи бозори кенг ривож топди.

Жаҳон банки тизими мураккаб, зиддиятли йўлдан ривожланиб бормоқда, бирорта асосий йўналишни алоҳида ажратиб кўрсатиш қийин. Шундай бўлса ҳам, бу соҳадаги асосий тамойиллар ҳақида гапирганда, банкларнинг қўшилиб кетиши ёки бири-бирини «ютиб» юбориши ҳисобига уларнинг йириклашуви жараёни биринчи навбатда назарда тутилади. Бу тамойил барча мамлакатларда бирор-бир тарзда намоён бўлмоқда. Дунёнинг энг йирик ўнта банки орасида фақат Франциянинг Gredit Agricole банки деҳқончилик соҳасига инвестиция берувчи аниқ ихтисосга эга. Бошқа ҳамма банклар дастлабки йўналишларини аллақачон ўзгартириб юборишган. Масалан, Буюк Британия молия бозорида чет эл банклари бўлимларининг кўплиги унинг хусусиятига айланиб қолган. Уларнинг кўплари бу мамлакатда XIX асрдаёқ ўрнашиб олишган, чунки ўша пайтда Лондон дунёнинг молиявий маркази эди. Утган асрнинг олтмишинчи йилларидаёқ Лондонда Франциянинг учта банки ўз бўлимини очган эди, 1914 йилда 20 тадан кўпроқ банкларнинг идоралари ишларди.

Америка банклари ҳам 1990 йилларнинг бошларида ўзаро қўшилиш ва бир-бирини «ютиб» юборишни кучайтирди. 1991 йилда 47 штат ва Колумбия округи қабул қилган штатлараро банк қонунига кўра, ўз штати худудида «Бегона» штат депозитларини қабул қилишга рухсат берилганидан сўнг шундай бўлди. Калифорния штатининг очилиши бу соҳада айниқса муҳим эди. Тинч океан минтақасига, шу жумладан, Японияга яқинлиги туфайли кўпгина банклар учун бу штатнинг имкониятлари айниқса катта. Нью-Йоркдаги иккита йирик банк – Chemical Bank ва Manufacturers Hanover Bank, шунингдек, Security Pacific Corporation билан Bank of America нинг бирлашуви билан катта қўшилиш деб аталган жараён бошланади.

Японияда энг йирик икки банк - Токуо ва Mitshbishi бирлашгач, дунёдаги энг яхши банк тизилмалари рўйхатининг бошида турувчи банк пайдо бўлди.

Америкалик олимлар Дейв Филлипс ва Кристин Пейлвелнинг тадқиқотларига қараганда, бошқа банкларни қўлга олувчи ёки «ютиб» юбуровчи банклар 100 дан ортиқ филиалга ва 4 миллиарддан кўпроқ активга эга бўлган энг йирик банклар жумласига киради.

Ўз маблағини имкони борича диверсификациялаш (кенгайтириш) жаҳон банк тизимининг бошқа муҳим томонидир. Масалан, Британиядаги Midland банки (Honkong Bank) ва Америкадаги Marine банки (Лондондаги NSBC Holdings гуруҳига кириб, ҳаммалари биргаликда 1995 йил якунига кўра, «The Banker» журналининг анъанавий рейтингида биринчи ўринни олди) анъанавий банк фаолияти билан турдош тармоқларга жадал кириб бориш жараёни аср бошидаёқ бошланган. 1909 йилда тузилган компания кейинроқ банкнинг чет эл бозорига кириб олишида асосий қурол бўлди. 1958 йилда M. Gland шу вақтга келиб тузилган ўз шўъба банки билан биргаликда ҳақи бўлиб-бўлиб туланидиган товарлар сотиб олиш учун қарз бериш билан шуғулланувчи фирманинг ҳамма акцияларини сотиб олди. Ташқи экспанцияни кучайтириш учун банк 1965 йилда 3 та банк - «Amro Bank» (Нидерландия), Deutsche Bank (Германия) ва Societe generale (Бельгия) билан мустаҳкам алоқа ўрнатди. Мазкур банкларнинг Европа маслаҳат қўмитаси номини олган битими акциялари бирон-бир тарзда айирбошлашни кўзда тутмаган бўлса ҳам кейинги йилларда халқаро майдонда банкларнинг янада яқин кооперациялашуви учун асос яратди.

Япония банкларининг халқаро экспанцияси ўтган асрнинг 70 - йиллари охирларида бошланди. Бу ҳодисанинг боиси, мамлакатнинг барча етакчи банклари дунёнинг асосий марказлари-

да, шунингдек, Япон корпорацияларининг стратегияси нуқтаи назаридан алоҳида аҳамиятга эга бўлган минтақаларда (Жанубий-Шарқий Осиё мамлакатлари, АҚШ Ғарбий соҳили, Австралияда) бўлимлар очган эди. Бу экспанция бир неча устун йўналишлар бўйича давом этди.

Биринчиси, дунёнинг турли минтақаларига инвестиция қўювчи Япон транс миллий корпорацияларига хизмат қилиш. Бу йўналиш Япон банкларининг ички банк бизнесига кириб, бўлим ва шўба компаниялар очилиши ҳамда молиявий ночор аҳволга тушиб қолган маҳаллий банкларни сотиб олиш йўлидан борди.

Иккинчиси, Нью-Йорк, Лондон каби йирик молия марказларида жаҳон ссуда капитали бозорида йирик операциялар ўтказиш.

Учинчиси, Япония учун «манфаатли» мамлакатлар билан иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш, чунончи, қўпчилик Япон банклари Хитойда ваколатхона ва шўба компаниялар очиб, йирик инвестиция лойиҳаларини молиялашда қатнашмоқда.

Банклар фаолиятини дерегуляциялаш жараёни учинчи жаҳоншумул тамойилдир. Утган асрнинг 70-йиллари охирида АҚШда фуқароларнинг омонатлари хафвсизлиги даражасини ошириш мақсадида жамгарма депозитлари бўйича фёиз ставкасининг юқори чегарасини кўтаришдан бошланган. Бу жараён молиявий хизматларнинг бутун соҳасига ёйилди. Янги қонунлар туфайли банклар мижозларга операцион депозитлар, шунингдек, истеъмол ва тижорат кредитининг турли вариантларини таклиф этиш ҳуқуқини олади. Шу билан бирга турли қимматли қоғозлар операциялари ўтказилди. Дунёдаги бошқа етакчи мамлакатлар, масалан, Австралия, Канада, Англия ва Япония ҳам ўтган арнинг 80-йилларида дерегуляция амалиётига қўшилди.

Жаҳон банк тизими ривожланишининг асосий тамойиллари ана шундай. Уларни таҳлил этиб чиқариладиган умумий хулоса қуйидагича: Замонавий банк тизими мураккаблашиб, йириклашиб бормоқда. Унда соф классик «банкча» хусусиятлар бошқа молия муассасаларининг хусусиятлари билан қўшилиб кетмоқда.

Банкларнинг ривожини бутун дунёда давом этаётган иқтисодий интеграция тамойилини акс эттиради. Бу жараённинг банк ишида намоён бўлиши натижаларини ривожланган мамлакатлар мисолида ўрганиш орқали ўз банк тизимини эндигина вужудга келтираётган мамлакатлар хатоларга йўл қўймай, бундан буёнги тараққиёт концепциясини оқилона амалга оширишлари мумкин бўлади, деб ўйлаймиз.

2.3. Валюта курси сиёсати асосида тартибга солиш

Халқаро валюта муносабатлари пулнинг халқаро тўлов оборотида амал қилиш жараёнида вужудга келади. У ташқи савдо билан бирга пайдо бўлди ва ривожланишнинг узоқ йўлини босиб ўтди. Тарих давомида жаҳон пули шакллари ва халқаро ҳисоб - китоб шакллари ўзгарди. Бир вақтда валюта муносабатлари аҳамияти ўсди ва уларнинг нисбатан мустақиллик даражаси ошди. Товарлар, хизматлар, капиталлар ва ишчи кучи ҳаракати мамлакатдан мамлакатга кўчадиган пул массасалари оқими ёрдамида амалга ошади. Бу ҳаракатни тартибга солиш зарурлиги халқаро ва жаҳон валюта тизимларининг шаклланишига олиб келди.

Валюта — мамлакатлар пул бирлиги (масалан, сўм, доллар, марка, фунт-стерлинг ва ҳоказо.) Ҳар бир миллий бозор хусусий миллий валюта тизимига эга бўлади. Миллий валюта тизими базасида жаҳон бозори ривожланиши таркиб топадиган ва давлатлараро келишувлар билан мустаҳкамланган халқаро валюта муносабатларини ташкил қилиш шакли бўлган жаҳон валюта тизими амал қилади.

Мамлакатлар ўртасида товар ва хизматлар оқими кўпайган сари пул воситаларини айирбошлаши ҳам тобора ўсиб боради, ўзаро ҳисоб-китоблардаги номутаносиблик муаммолари юзага келади. Буларнинг барчаси жаҳон валюта тизимининг барпо этилишига объектив шарт-шароит яратади. Унинг мақсади — мамлакатлар ўртасидаги барча турдаги битимларни амалга оширишни тартибга солиш ва шунингдек, бу ишларни тезлаштиришдан иборат. Шундай қилиб, жаҳон валюта тизими бу халқаро айирбошлашнинг барча шакллариغا хизмат қилишга ва уларнинг самарали ривожланишини таъминлашга қаратилган мамлакатлар ўртасидаги валюта муносабатларининг йиғиндисидир.

Халқаро иқтисодий муносабатларнинг таркибий қисми сифатида у қуйидагиларни ўз ичига олади:

1. Халқаро битимларда фойдаланиладиган тўлов ва кредит воситаларини (олтин, энг ривожланган мамлакатларнинг миллий валюталари, халқаро пул бирликлари);
2. Валюта курсларини ўрнатиш ва сақлаб туриш механизми;
3. Валюта бозорининг ишлаш тартиби;
4. Халқаро ҳисоб-китобларни амалга ошириш тартиб ва қоидалари;
5. Валюта ёрдамида тартиблаш ва назорат қилиш тизими;
6. Валюта муносабатларини тартибга солиб турувчи ва жаҳон валюта тизимининг барқарор фаолиятини таъминловчи

халқаро ташкилотлар тизими (Халқаро валюта фонди, Умумжаҳон банки, Европа Тикланиш ва Тараққиёт банки).

Ҳозирги замонда халқаро ҳисоб-китобларда ва кредитлашда уч кўринишдаги пул воситалари ишлатилади:

– олтин, ҳозирда ўзининг асосий тўлов ва ҳисоб-китоб воситаси хусусиятини йўқотган бўлса-да, аммо кўпчилик валюта захираларининг сезиларли қисмини ташкил этади ҳамда муҳим ташқи савдо операцияларига хизмат қилиш ва кредитлашни кафолатлаш учун ишлатилади;

– жаҳонда асосий ўрин тутувчи ривожланган мамлакатларнинг миллий валюталари (АҚШ доллари, Инглиз фунт-стерленги, Немис маркаси, Швейцария франки, Япония йени ва бошқалар);

– халқаро пул бирликлари (ЕВРО, СДР, ЭКЮ). Улар миллий валюталардан фарқли равишда банкноталар кўринишидаги моддий шаклга эга эмас ва нақд пулсиз ҳисоб-китобларда ишлатилади. Уни ишлатиш шарти - шу пул воситаларини муомалага чиқарган ташкилотга аъзо бўлган мамлакатлар Марказий банкларининг махсус ҳисобларига ёзилган пули билан амалга оширилади. Бундай пул бирликлари жаҳон валюталари деб ҳисобланади. Улар барча мамлакатлар томонидан ташқи савдо операцияларини амалга оширишда ишлатилади. Хорижда кредитлаш ва инвестициялашда, чет эллик ишчи кучи меҳнатига, шунингдек, мамлакат валюта захираларини яратишда қўлланилади.

Валюта конвертирлашуви деганда, уни бошқа хорижий валюталарга алмашиш қобилияти тушунилади. Ҳозирги пайтда улар эркин конвертирланадиган, қисман конвертирланадиган ва конвертирланмайдиган валюталарга ажратилади. Эркин конвертирланадиган валюта — амалдаги курс бўйича ҳар қандай бошқа хорижий валютага эркин ва чекланмаган миқдорда айирбошланадиган валютадир. Бунга мисол қилиб, АҚШ, Европа Ҳамжамиятига аъзо мамлакатлар, Япония мамлақати валюталарини киритиш мумкин.

Қисман конвертирланадиган валюта — фақат баъзи бир хорижий валюталарга алмаштириладиган ва халқаро тўлов обороти қисман қамраб оладиган миллий валютадир.

Конвертирланмайдиган валюта — фақатгина ички тўловларга хизмат қиладиган ва хорижий валютага айирбошланмайдиган миллий валютадир.

Конвертирлашни ички ва ташқи конвертирлашга ҳам ажратиш мумкин. Ички конвертирлаш резидентларининг (яъни, шу мамлакатда яшаш жойи бўлган шахсларнинг) мамлакат ичкарисида хорижий валютани сотиб олиш, уни ушлаб туриш ва у билан айрим операцияларни олиб боришни акс эттиради.

Ташқи конвертирлашда хорижда тўловларни амалга оширишга ва молиявий активларни ушлаб туришга рухсат этилади. Валюталарни конвертирлаш кўпгина мамлакатлар олиб бораётган иқтисодий сиёсатнинг муҳим мақсади ҳисобланади. Бозордаги талаб ва таклиф таъсири натижасида вақти-вақти билан валюта курслари ўзгариб туради. Давлат валюта курсларини барқарорлаштириш учун валюта бозорининг амал қилишига бевосита ёки билвосита аралashi зарур. Бунинг бир қатор усуллари мавжуд:

1. Эҳтиёт (заҳира)лардан фойдаланиш. Валюта курсини мустақкамлашнинг кўпроқ қўлланиладиган усули - расмий резервлар ёрдами билан бозорни манипуляция қилиш ҳисобланади. Ўз-ўзидан аниққи, валюта заҳиралари алоҳида мамлакатлар эга бўлган чет мамлакатлар валюталарининг оддий заҳираси саналади.

«Жаҳон пули» сифатида ёки бошқача айтганда, заҳиралар сифатида, одатда, олтиндан фойдаланилади. Масалан, АҚШ ҳукумати Буюк Британияга ўзи эга бўлган олтиннинг бир қисмини сотиб, унинг фунтларини олиши мумкин. Шу йўл билан сотиб олинган фунтлардан америка савдоси ва молиявий операциялари туфайли жамғарилган заҳираларни ўстириш учун фойдаланиш мумкин. Бу ерда заҳиралар миқдори фунт таклифини зарур миқдорда кўпайтиришга эришиш учун етарли бўлиши жуда муҳимдир.

2. Савдо сиёсати. Валюта бозорига таъсир кўрсатишнинг бошқа тадбирларига савдо ва молиявий оқимлар устидан тўғридан-тўғри назорат қилишни киритиш мумкин. Масалан, АҚШ фунт стерленгнинг етишмаслиги шароитида валюта курсини тегишли даражада (2 доллар = 1 ф.ст.) импортни ушлаб туриш (шу орқали фунт таклифини ошириш) ҳисобига ушлаб туришга бориши мумкин. Хусусан, импорт бож ёки импорт квоталарини киритиш билан қисқариши мумкин. Худди шундай, америкаликлар чет эл капитал қўйилмаларидан оладиган фоиз ва дивидентлардан махсус солиқлар ундириши мумкин. Бошқа томондан, Америка ҳукумати субсидия бериб, шу орқали фунт стерленг таклифини кўпайтириши мумкин. Бу тадбирлардан фойдаланишда вужудга келадиган асосий муаммо шундан иборатки, у жаҳон савдоси ҳажмини қисқартиради, унинг таркиби ва савдо алоқаларини ўзгартириб юборади, иқтисодий мақсадга мувофиқликнинг бузилишига ўз ҳиссасини қўшади. Бунинг оқибатларини ҳисобга олмаслик мумкин эмас.

3. Валютали назорат. Бошқа муқобил вариант валютали назорат ҳисобланади. Валютали назорат шароитида ҳукумат

миллий экспортёрлар олган барча тегишли чет эл валюталарини давлатга сотиш талаби билан уларнинг етишмаслиги муаммосини ҳал қилиши мумкин. Кейин ҳукумат, ўз навбатида, чет эл валютасининг унча катта бўлмаган захирасини турли миллий импортёрлар ўртасида тақсимлайди. Шу йўл билан ҳукумат миллий импортни миллий экспорт ҳисобидан олинган чет эл валютаси миқдорига чеклайди.

Валютали назорат тизими бир қатор камчиликларга эга. Биринчидан, савдо чеклашлари (бож, квота, экспортли субсидия) каби валютали назорат қиёсий устунлик тамойилига асосланган халқаро савдонинг таркиб топган алоқаларини бузади. Иккинчидан, етарли бўлмаган валюта ресурсларини валютали назорат жараёни сўзсиз алоҳида импортёрларни камситиш билан боғлиқ. Учинчидан, назорат тадбирлари истеъмолчининг танлаш эркинлигига тажовуз қилиш ҳисобланади.

4. Ички макроиқтисодий тартибга солиш. Валюта курси барқарорлигини ушлаб туришнинг охириги воситаси ички солиқ ёки пул сиёсатидан шундай фойдаланиш ҳисобланадики, бунда тегишли чет эл валютасининг етишмаслиги бартараф қилинади. Масалан, чекловчи солиқ ва пул тадбирлари АҚШ миллий даромадини Буюк Британия миллий даромадига нисбатан пайсантиради. Чунки импорт миқёси миллий даромад даражасига тўғридан-тўғри боғлиқ бўлиб, бу Британия буюмларига ва демак, фунт стерленгга талабнинг чекланишига олиб келади.

Қайд қилинган валюта курси тизими тарафдорлари тасдиқлайдиларки, ундан фойдаланиш халқаро савдо ва молия билан боғлиқ бўлган таҳлика ва ноаниқликни камайтиради. Қайд қилинган валюта курсларини қўллаш ўзаро фойдали савдо ва молиявий операциялар ҳажмини кенгайтиришга олиб келади. Аммо қайд қилинган валюта курслари тизимининг ҳаётга лаёқатлиги иккита ўзаро алоқалар шароитига боғлиқ:

1) захираларнинг мавжудлиги;

2) ўз ҳажми бўйича сезиларсиз камомадлик ёки тўлов баланси активларининг тасодикий вужудга келиши. Катта ва доимий камомадликлар мамлакат захираларини йўққа чиқариши мумкин. Хулоса қилиб айтганда, валюта курсларининг талаб ва таклиф таъсири остида шаклланиш даражаси, ўз-ўзича курсли нисбатларга таъсир этувчи реал жараёнларни аниқлаб бера олмайди. Чет валюталарига талаб ва таклифга, демак, валюта курсларига мамлакатдаги ҳам ички ва ҳам ташқи иқтисодий муносабатлар мажмуи бевосита ёки билвосита таъсир кўрсатади.

Валюта курслари динамикасига бевосита таъсир кўрсатувчи омиллар ичидан қуйидагиларни ажратиб кўрсатиш мумкин:

- миллий даромад ва ишлаб чиқариш харажатлари даражаси;
- пулнинг реал харид қилиш лаёқати ва мамлакатдаги инфляция даражаси;
- валюталарга талаб ва таклифга таъсир кўрсатувчи тўлов баланси ҳолати;
- мамлакатдаги фоиз ставкаси даражаси;
- валютага жаҳон бозоридаги ишонч ва ҳ.к.

Назарий жиҳатдан валюта курсларининг тебранишини тушунтириш, харид қилиш лаёқатининг паритет назарияси ёрдамида берилади (Г.Кассел томонидан исботлаб берилган). Бу назарияга кўра, курсли нисбатларни аниқлаб бериш учун икки мамлакат истеъмолчилик товарлари шартли «халтаси» баҳоларини таққослаш талаб қилинади. Масалан, агар Ўзбекистонда бундай халта, айтишлик, 500 сўм, АҚШ да эса 10 доллар турса, 500 сўмни 10 га бўлиб, 1 долларнинг баҳосини ҳосил қиламиз, бу 50 сўмга тенг экан. Агарда Ўзбекистонда муомаладаги пул массасининг кўпайиши натижасида, товарлар баҳоси икки марта ошса, АҚШда ҳаммаси ўзгаришсиз қолади ва ҳамма шароитлар тенг бўлганда долларнинг сўмга нисбатан айирбошлаш курси икки мартага ошади. Бозор иқтисодиёти шароитида асосан гиперинфляция руй берганда харид лаёқатининг паритет назарияси курс нисбатларини олдиндан айтиш имконини беради. Валюта курсларининг ўзгариши экспорт маҳсулот ишлаб чиқарувчи тармоқлар имкониятига таъсир кўрсатиши мумкин. Масалан, агарда бир АҚШ доллари 2,5 немис маркасига айирбошланса (1975 йилги расмий курс), Германия учун маиший электроника ишлаб чиқарувчи Америка экспортёрларининг тушуми 100 марка 40 долларга тенглашади. Валюта курсларининг 1:1, 682 нисбатга ўзгариши (1991 йилги курс) сотишнинг ўзгармас ҳажмида тушумнинг 59 долларга кўпайишига олиб келади. Валюта курслари миллий иқтисодиётга, ишлаб чиқариш ва ундаги бандликка сезиларли таъсир кўрсатиши мумкин. Миллий валюталар курсининг пасайиши мамлакатлар экспорт имкониятини оширади. Аммо мамлакат экспорти хомашё товарлари импортига асосланса, бунда валюталар курсининг пасайиши экспорт қилинадиган товарлар баҳосининг ўсишига олиб келади ва бу уларнинг рақобатга лаёқатлилигига таъсир кўрсатиши мумкин. Валюта курсларининг ошиши мамлакатлар экспорт имкониятларини ёмонлаштиради. Валюта курсларининг беқарорлиги ташқи иқтисодий алоқаларга салбий таъсир кўрсатади. Унинг тебраниши халқаро битимларда ноаниқлик ва таҳлика даражасини кўпайтиради. Шу сабабли валюта курси ҳам

мамлакат ичида ва халқаро муносабатларда тартибга солишнинг муҳим объекти ҳисобланади. Давлат бевосита тартибга солиш воситаси сифатида валютали интервенция ва дисконт сиёсатидан фойдаланиш мумкин.

Дисконт - банклар томонидан олинган фоиз. Банк фоиз ҳисоб ставкасини ошириб ёки тушириб чет эл капиталлари кириши ёки чиқиб кетишига таъсир кўрсатиши мумкин. Тартибга солишнинг кўпроқ универсал усули валютали интервенция ҳисобланади. Бунда марказий банклар таклифи етарли бўлмаган, курс эса юқори бўлган чет эл валюталарини сотади, таклиф ортиқча ва курс паст бўлганда сотиб олади. Бу билан талаб ва таклифни тенглаштириб, миллий валюта курси тебраниш чегарасини чеклайди. Валютали интервенцияни қўллаш заҳира валюта фондининг миқдори билан чекланади, шу сабабли валюталарни сотиш, албатта, уни сотиб олиш билан алмаштириб турилиши лозим. Бундан ташқари, юқори суръатли инфляцияда валюталар курси валюта харид қилиш кучлари нисбатининг ўзгариши туфайли пасаяди. Бу ҳолда валютали интервенция мазкур мамлакат валютали девольвацияси (курснинг расмий ўсиши) билан бирга бориши зарур. Валюта курси бир мамлакат валюта баҳосининг бошқа мамлакат валютасида ифодаланишини кўрсатади. Валюта курсларининг иккита бир-бирига қарама-қарши вариантлари мавжуд:

1) миллий валюталарнинг бир-бирига айирбошлаш курси, талаб ва таклиф билан аниқланган эгилувчан ёки сузиб юрувчи валюта курслари тизими;

2) қаттиқ қайд қилинган валюта курслари тизими. Бунда талаб ва таклиф тебраниш натижасида курсларнинг ўзгаришига, чет эл валюталари бозорининг амал қилишига давлат аралашуви ёки бошқа механизмлар қаршилиқ кўрсатади.

Эркин сузиб юрувчи валюта курслари талаб ва таклиф таъсири остида аниқланади. Америка доллари Британия фунт стерленгига айирбошланиши мумкин бўлган курс ёки баҳони қараб чиқамиз. Фунтга америкаликларнинг тушиб борувчи талаби шуни билдирадики, улар учун фунт ва демак, Британия товарларининг барча турлари арзон бўлади. Америкаликлар учун фунтнинг таклифи ўса, доллардаги фунтнинг анча юқори баҳосида британияликлар кўпроқ миқдордаги америка товарларини сотиб олишни хоҳлайди. Америка товарларини сотиб олиш учун британияликлар фунтни валюта бозорига ташлайди, чунки улар аввало фунтни долларга айирбошлаши зарур бўлади. Эркин бозор кучлари таъсирида ўрнатиладиган валюта курслари ўзгариб туради. Фунтнинг доллардаги баҳоси ошганда долларнинг қий-

мати пасаяди ёки доллар фунтга нисбатан қадрсизланади. Аксинча, фунтнинг доллардаги баҳоси пасайганда долларнинг қиймати ошади ёки доллар фунтга нисбатан қимматлашади. Валюта курсларининг бундай ўзгаришига бир қатор омиллар таъсир кўрсатади. Уларни қисқача қараб чиқамиз:

1. Истеъмолчи дидидаги ўзгаришлар. Истеъмолчилар дидининг бошқа мамлакат буюмларига нисбатан ўзгариши, бу мамлакат валютасига талаб ёки таклифни ҳамда унинг валюта курсини ўзгартиради.

2. Даромадлардаги нисбий ўзгаришлар. Агар бир мамлакатда миллий даромаднинг ўсиши бошқа мамлакатдаги бу кўрсаткичнинг ўсишидан устун бўлса, унда унинг валюта курси пасаяди. Мамлакат импорти унинг даромади даражасига тўғри боғлиқликда жойлашади.

3. Баҳодаги нисбий ўзгаришлар. Агар бир мамлакат, масалан, АҚШ ички баҳо даражаси тез ўсса, бошқа мамлакат, масалан, Буюк Британияда бу даража ўзгаришсиз қолса, бунда америкалик истеъмолчи нисбатан арзон Британия товарини излайди ва шу билан фунтга талабни оширади. Аксинча, британияликлар Америка товарларини сотиб олишга кам мойил бўлади ва бу фунт таклифини пасайтиради. Фунтга талаб ўсиши ва таклиф пасайишининг бу уйғунлашуви долларнинг қадрсизланишини келтириб чиқаради.

4. Нисбий реал фоиз ставкалари. Фараз қилайлик, АҚШ инфляцияни кувиб ўтиш мақсадида «қиммат пул» сиёсатини амалга ошира бошлайди. Натижада, реал фоиз ставкалари (инфляция суръатини ҳисобга олиб, коррективировка қилинган фоиз ставкалари) АҚШ да бошқа мамлакатлар, масалан, Буюк Британияга қараганда кўтарилади. Британиялик жисмоний шахс ва фирмалар ишонч ҳосил қиладики, АҚШ молиявий воситаларни қўйиш учун жуда жозибадор ва қулай жойга айланади. Америка молиявий активларига талабнинг бу кўпайиши Англия фунти таклифининг кенгайганлиги ва шу сабабли доллар қиймати ўсганлигини билдиради.

5. Олиб сотарлик. Фараз қилайлик, АҚШ иқтисодиётида қуйидагилар кутилади:

а) Британияникига қараганда тез ўса бошлайди;

б) Британияникига қараганда анча кучли инфляцияга дуч келади;

в) Британияга қараганда анча паст реал фоиз ставкаларига эга бўлади.

Бу маълумотлар келажакда доллар курси пасайиши, фунт курси эса, аксинча, кўтарилишидан дарак беради. Демак, дол-

ларни ушлаб турувчилар уларни фунтга айлантиришга ҳаракат қилади ва шу билан фунтга бўлган талабни оширади. Бу алмашиш, доллар курсининг пасайиши ва фунт курсининг ошишини келтириб чиқаради. Барча халқаро битимлар валюталарни айирбошлаш билан олиб борилади ва ҳар қандай айирбошлашда бўлгани каби валюта баҳосининг ёки валюта курсини аниқлаш зарурияти пайдо бўлади. Шундай қилиб, валюта курси — бир мамлакат пул бирлигининг бошқа мамлакатлар пул бирлигида ифодаланган баҳосидир.

Валюта курсини ўрганиш котировкалаш деб аталади. У тўғри ва тесқари котировкалашга ажратилади. Агар хорижий валюта бирлигининг баҳоси миллий валютада кўрсатилса, бунга тўғри котировкалаш деб аталади. Масалан, 1 АҚШ доллари 23 сўмга, 1000 Россия рубли 7,2 сўмга тенг ва ҳоказо. Тесқари котировкалашда миллий валютанинг бир - бирлигига тўғри келадиган хорижий валютанинг миқдори ўрнатилади. Масалан, 1 ўзбек сўми 0,004348 АҚШ долларига тўғри келади. Дунёнинг кўп мамлакатларида, шу жумладан, Ўзбекистонда ҳам тўғри котировкалаш қабул қилинган. Валюта бозоридаги талаб ва таклифни солиштириш натижасида валютанинг баҳоси ёки курси аниқланади. Ўзбек сўмининг курси Ўзбекистон валюта биржасида ўрнатилади, унинг иштирокчилари валюта операцияларини олиб бориш ҳуқуқига эга бўлган банклар ҳисобланади.

Шу билан бирга, турли пул бирликлари учун валюта курсларини ўрнатиш жараёнида бозор кучларининг таъсир этиш даражаси бир хил эмас. Бу таъсир кучига боғлиқ ҳолда курслар эркин сузиб юрувчи, чекланган сузиб юрувчи ва қайд этилган валюта курсларига ажратилади. Эркин сузиб юрувчи валюта курси шу валютага бўлган бозор талаби ва таклифи остида эркин ўзгариб туриши мумкин. Масалан, АҚШ доллари, япон йени, инглиз фунт стерленги курслари. Шу боис, бу валюталар жаҳон валюта айирбошлашида кўпроқ ишлатилади. Чекланган сузиб юрувчи валюта курси унинг ўзгариши айрим хорижий валюталар ёки валюталар тўплами курслари ўзгаришига боғлиқ бўлишини кўзда тутлади. Қайд этилган валюта курси бу хорижий валютада ифодаланган, давлат томонидан расмий ўрнатилган миллий пул бирлигининг баҳоси бўлиб, унга валюта бозорида талаб ва таклифнинг ўзгариши таъсир қилмайди.

Валюта курсининг экспорт ва импортга таъсири. Валюта курсининг товарлар, хизматлар, капитал ва ишчи кучларнинг мамлакатлараро ҳаракатини ўзига хос бошқариб турувчиси бўлиб, унинг ўзгариб туриши мамлакат ташқи иқтисодий оборотига ҳамда бутун макроиқтисодий вазиятга кучли таъсир қила-

ли. Бу таъсирни шундай вазият мисолида кўриб чиқиш мумкин. Масалан, ўзбек сўмининг курси 1000 Россия рублига нисбатан 7,2 сўмдан 10 сўмгача пасайган, яъни сўм Россия рублига нисбатан арзонлашган ва аксинча, рубл сўмга нисбатан қимматлашган бўлсин. Бундай ҳолатда мамлакатимизда ишлаб чиқарилган 720 сўмлик қийматга эга бўлган товар Россия бозорида арзонлашиб боради ва энди бу товар 100 минг Россия рублига ($720 \setminus 7,2 * 1000$) эмас, балки 72 минг рублга тенг бўлади. ($720 \setminus 10 * 1000$). Натижада товарнинг рақобатга чидамлилиги орта боради ва унга бўлган талаб ошади, экспорт рағбатлантирилади. Бироқ, миллий валютани Россияга чиқариш Ўзбекистон учун фойдали бўлмай қолади. Россияда ишлаб чиқарилган 2000 рублик маҳсулот энди ўзбек сўми курсининг пасайиши ва Россия рубли курсининг қимматлашуви натижасида ўзбек бозорида 14,4 сўм ($2000 \times 7,2 \setminus 1000$) эмас, балки 20 сўм ($2000 \times 10 \setminus 1000$) туради.

Кўриниб турибдики, маҳсулот нархи қимматлашади ва шу сабабли уни олиб келиш қисқариб боради ва аксинча, ўзбек сўмининг курси ошиб бориши билан Россиядан товар олиб келиш ва капитални четга чиқариш фойдали бўлади.

2.4. Халқаро савдо сиёсати асосида тартибга солиш

Жаҳон савдоси ташқи иқтисодий алоқаларнинг асосий шаклидир. Унинг кенгайиши ва чуқурлашуви натижасида капитални четга чиқариш имкониятлари юзага келди ва унга боғлиқ равишда халқаро молия-валюта кредит муносабатлари ривожланди.

Ташқи савдонинг вужудга келиши икки муҳим объектив сабаб билан изоҳланади. Биринчидан, бу табиий ва хомашё ресурсларининг мамлакатлар ўртасида текис тақсимланмаганлигидир. Халқаро савдо ривожланишининг зарурлигини аниқловчи иккинчи муҳим сабаб — турли мамлакатларда ишлаб чиқарувчи кучларнинг бир хил ривожланмаганлигидир.

Бу икки объектив сабаб ҳар қандай миллий иқтисодиётнинг такрор ишлаб чиқариши жараёнида халқаро савдонинг аҳамиятини аниқлайди. Утган асрнинг 90-йиллари бошларида халқаро савдо ҳажми АҚШда ялпи миллий маҳсулотнинг 16-18 фоизини, Германияда 30-39 фоизини ташкил этди. Шу даврда Ўзбекистон ялпи миллий маҳсулотида ташқи савдонинг улуши 10-12 фоиз атрофида бўлди.

Ташқи савдо халқаро айирбошлашнинг анънавий шакли сифатида қуйидаги кўринишларни ўз ичига олади:

- маҳсулотларни айирбошлаш: ёқилғи-хомашё маҳсулотлари, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, саноат маҳсулотлари;

- хизматларни айирбошлаш: муҳандислик-маслаҳат хизматлари, транспорт хизматлари, туризм ва бошқа хизматлар. Ҳозирги вақтда хизматларнинг жаҳон экспортидаги ҳиссаси 30 фоиздан ошиб кетди;

- янги илмий-техник маълумотларни айирбошлаш: лицензиялар ва «ноу-хоу» лар. Улар ҳиссасига халқаро савдо оборотининг 10 фоизга яқини тўғри келади.

Халқаро савдо маҳсулотлари, хизматлар ва фан-техника маълумотларини айирбошлашнинг барча кўринишлари ташқи савдо операциялари ёрдамида амалга оширилади. Улар, ўз навбатида, экспорт, импорт, реэкспорт ва реимпорт операцияларига бўлинади.

Экспорт операцияси — маҳсулотларни чет мамлакатларга чиқаришдир.

Импорт операцияси — маҳсулотни хорижий шерикдан сотиб олиш ва уни мамлакатга олиб келишни билдиради.

Реэкспорт операцияси — аввал импорт қилинган ва қайта ишлов берилмаган маҳсулотни чет элга олиб чиқиб сотишдир.

Реимпорт операцияси — аввал экспорт қилинган ва у ерда қайта ишлов берилмаган маҳсулотни чет элда сотиб олиш ва мамлакатга олиб келиш. Ташқи савдо операциялари турли мамлакатлардаги шерикларнинг маълум изчилликда амалга ошириладиган ҳаракатларни ифодалайди. Бу ҳаракатлар бозорини ўрганиш, унинг рекламаси, сотиш тармоқларини яратиш, тижорат таклифларини ўрганиш, музокаралар ўтказиш, контрактлар тузиш ва уларни бажаришни ўз ичига олади. Контракт — битим қатнашчилар яъни, шериклар ўртасида тижорат муносабатлари расмийлаштириладиган асосий ҳужжат ҳисобланади. Савдо соҳасидаги битимнинг бошқа бир қатнашчиси шерик - контрагент деб аталади.

Ҳар қандай савдо операцияси бозорни ўрганишдан бошланади. Бунда талаб ва уни кенгайтириш йўллари, нарх даражаси ва ўрганиш тенденцияси, рақобатнинг кескинлиги, ишлаб чиқаришнинг техник даражаси ва ривожланиш имкониятлари ва ҳоказолар ўрганилади. Контрактларни тузиш бўйича тайёрлов ишларининг муҳим босқичи чет эллик шерикни аниқлаш, унинг фаолияти хусусияти ва ҳажмини, ҳуқуқий ва молиявий аҳволини ҳамда ишончлилигини ўрганиш ҳисобланади.

Ташқи савдо битими қатнашчиларидан бири ўз шеригини аниқлагандан сўнг унга таклиф киритади. Бу таклиф «оферта» деб юритилиб, қатъий ва эркин бўлиши мумкин.

Қатъий таклиф — фақат бир харидорга маҳсулотни сотиш учун қилинган таклиф бўлиб, таклиф қилган томон бу харидордан жавоб олмагунча ёки таклифда кўрсатилган муддат тугамагунча бошқа шерикка мурожаат қилиш ҳуқуқига эга эмас. Агар харидор қилинган таклифга розилигини билдирса, у ҳолда битим тузилган ҳисобланади.

Эркин таклиф — сотувчини боғлиқ қилиб қўймайдиган ҳамда жавоб учун муддат белгиланмаган таклифдир. Бунда сотувчи бир неча харидорга бир вақтда таклиф қилиши мумкин. Агар улардан бири сотувчига ўз розилигини билдирса, у ҳолда битим тузилган ҳисобланади.

Контрактлар ўз шартларга кўра, қуйидаги гуруҳларга бўлинади:

- узоқ муддатли контрактларда (3-5 ва ундан ортиқ йилга) объектлар қуриш, қўшма ишлаб чиқариш, молларни мунтазам етказиб бериш ва шу кабилар учун;

- бир марталик — шериклар ўртасида бевосита алоқаларни тез айирбошлаш мақсадида тузилади;

- муддатли контрактлар — маҳсулотни қатъий белгиланган вақтда етказиб беришни кўзда тутати. Бу шарт бузилганда харидор контрактдан воз кечиш ҳуқуқига эга;

- махсус контракт — лойиҳа ва монтаж ишлари, техник хизмат кўрсатиш, эҳтиёт қисмларни ўтқазиб бериш ва шу кабилар юзасидан тузилади;

- чегаравий контракт — битимнинг асосий шартларига эга бўлиб, улар ишларни бажариш мобайнида аниқланади;

- ниятлар ҳақида шартномалар - уларда фақат сотувчининг маълум маҳсулотларни сотиш ва харидорни уларни қатъий мажбуриятларсиз сотиб олиш нияти белгиланади.

Жаҳон амалиётида битимларни тайёрлашни энгиллаштириш мақсадида бир неча бўлимлар ёки қисмларни ўз ичига олувчи бир шаклдаги контрактлар қўлланилади:

1. Томонларни аниқлаш, яъни сотувчи ва харидор сифатида қатнашувчи корхона ва ташкилотларнинг номи.

2. Контрактнинг предмети ёки шартнома тури ва олди-сотдига мўлжалланган маҳсулотни тарифлаш.

3. Мол етказиб беришнинг базис шартлари, сотувчи ва харидор ўртасида маҳсулотларни ташиш, унинг ҳақини тўлаш, ҳужжатларни расмийлаштириш бўйича мажбуриятларни тақсимлайди, шунингдек, маҳсулотга эгаллик ҳуқуқининг сотувчидан харидорга ўтиш ҳолатини аниқлайди.

4. Етказиб бериш муддати - унда маҳсулотни муддатидан аввалроқ етказиб беришга рухсат олиш ҳуқуқи ва тартиби келишиб олинади.

5. Маҳсулот миқдори - у асосан физик бирликларда кўрсатилади.

6. Нарх ва контрактнинг умумий баҳоси.

7. Тўлов шартлари.

8. Маҳсулотларни ўраш ва маркировкалаш.

9. Сотувчиларнинг кафолатлари, яъни, уларнинг харидорга маълум сифатдаги маҳсулотни етказиб бериш мажбуриятлари.

10. Суғурта қилиш юқларини ташишда юз берадиган йўқотишларни қоплашни кўзда тутати.

11. Енгиб бўлмаг кучлар ҳолати ёки «форс-мажор» ҳолати.

12. Санкциялар ёки контракт шартлари бузилганда қўлланиладиган таъсир этиш тадбирлари.

13. Низоларнинг арбитраж ва суд томонидан кўриб чиқиши томонлар ўртасида жиддий келишмовчиликлар юзага келган ҳолларда кўзда тутилади.

14. Контрактнинг бошқа шартлари жумласига контрактларни тузиш, ўзгартириш ва тўхтатиш тартиби, даъволарни билдириш ва уларни кўриб чиқиш тартиби ва муддати, юқлаш бўйича қоидалар ва маҳсулотни етказиб бериш ҳақидаги хабар ва бошқалар киради.

Халқаро савдода олди-сотди контрактларидан ташқари, пудрат контрактлари, ижара контрактлари ва муқобил савдодаги контрактлар тузилади. Савдо сиёсати - давлат томонидан халқаро савдога солиқ, субсидия, валюта назорати ва импорт ёки экспортни тўғридан-тўғри чеклаш сиёсатлари олиб бориш орқали таъсир кўрсатишдир. Мамлакат ташқи савдосини чеклаш борасида олиб борилаётган ҳар қандай чора-тадбирлар аҳоли турмуш фаолиятининг пасайишига олиб келади. Шу нуқтаи назардан олиб қарасак, эркин ташқи савдо сиёсати фойдалироқ ҳисобланади. Аммо, амалиётда ташқи савдони чеклашнинг 50 дан ошиқроқ тури мавжуд. Уларнинг айримлари давлат ғазнасини тўлдиришга йўналтирилган бўлса, баъзилари импортни чеклашга ва яна бошқа бири эса, экспортни чеклашга ёки рағбатлантиришга йўналтирилган. Бундан ташқари, кўпгина мамлакатлардаги катта-катта иқтисодчи ва сиёсатчи гуруҳлар протекционизмни кучайтиришни қўллаб-қувватлашади.

Ташқи иқтисодий савдони тартибга солишнинг энг асосий усулларида бири божхона божлари ва тарифларидир. Таъриф, яъни импортга божхона божи савдо сиёсатининг энг қадимий усулларида бири ҳисобланади ва ундан доимий равишда давлат ғазнасини тўлдириш учун фойдаланилади. Аммо, таъриф нафақат давлат ғазнасини тўлдириш, балки миллий ишлаб чиқарувчиларни импорт рақобатидан ҳимоя қилиш мақсадида ҳам

қўлланилади. Таърифларни ўзгартириш орқали давлат экспорт ва импортни рағбатлантириши ва шу йўл билан ишлаб чиқариш ва истеъмол муносабатларига таъсир этиши мумкин.

Божхона божи — мамлакатга олиб келинаётган ёки мамлакатдан олиб чиқиляётган маҳсулотларга солинадиган мажбурий солиқдир

Божхона божлари ифодаланиши ва фаолият соҳаси бўйича бирлаштирилган икки гуруҳга, аввало, импорт ва экспорт божларига ажралади.

Импорт божлари давлат бюджетини тўлдириш мақсадида ва ички бозорларга тушадиган чет эл товарлари оқимини тартибга солиш учун белгиланади. Ўз навбатида, улар энг кам ва энг кўп миқдордаги импорт божларига бўлинади. Энг кам миқдордаги импорт божлари ўзаро қулай шароитларни яратиб беришни кўзда тутувчи савдо шартномалари ва битимлари бўлган мамлакатлар маҳсулотларига ўрнатилади. Энг кўп миқдордаги импорт божлари эса бундай шартнома-битимлар тузилмаган мамлакатлар маҳсулотига нисбатан ўрнатилади.

Экспорт божлари мамлакат ичида талаб кўп бўлган маҳсулотлар тақчиллигининг олдини олиш мақсадида белгиланади.

Бож олинадиган маҳсулотлар, бож олинмайдиган маҳсулотлар, олиб келиш ва олиб кетиш тақиқланган маҳсулотлар, шунингдек, божхона божлари ставкаси, яъни, уларнинг тартибга солинган рўйхати Божхона тарифлари деб аталади.

Божхона тарифлари табиий фарқлар (ҳайвонот ва ўсимлик дунёси), қайта ишлаш даражасига (хомашё, ярим тайёр маҳсулотлар, тайёр буюмлар) кўра, тақсимланган маҳсулотлар рўйхатини ўз ичига олган маҳсулот сархилловчилар (классификаторлар)га асосланади. Бу классификаторлар маҳсулотларни тарифлаш ва шартли белгилашнинг уйғунлаштирилган тизими бўлиб, уларда олти хонали шартли рақам-белгига эга бўлган маҳсулот ҳақидаги асосий маълумотлар ҳамда унинг маҳсулотлар номенклатурасидаги ўрни кўрсатилган.

Божхона тарифлари бир ёки бир неча бож миқдорлари устунга кўрсатиладиган эга бўлиши, яъни оддий ва мураккаб бўлиши мумкин. Оддий Божхона тарифлари устунни келтириляётган мамлакатларидан қатъи назар маҳсулотларга ягона ставкаларни кўзда тутаяди. Мураккаб Божхона тарифлари устунда эса, маҳсулотга бир неча бож ставкалари белгиланади. Бу ставкалар у ёки бу мамлакатга унда вужудга келган иқтисодий ва сиёсий вазиятларга қараб танлов асосида қўлланилади. Божхона тарифлари, аввало, импорт билан рақобатлашадиган миллий ишлаб чиқаришни химоя қилишни кўзда тутаяди. Агарда та-

рифларни жорий қилиш орқали импорт чекланса, миллий ишлаб чиқариш сотилаётган маҳсулотлар ҳажмини ошириш ва тарифни жорий қилиш орқали нархларни оширади.

Олдинги мавзулар қайд этилганидек тарифларни жорий қилиш орқали импорт товарлари ва нархнинг ошиши биринчи ўринда истеъмолчиларга таъсир этади. Чунки тариф нафақат импорт товарлар, балки, миллий товарларнинг ҳам нархини ошириб юборади. Истеъмолчилар товарларни сотиб олиш учун кўпроқ маблағ сарф қилишга ёки уларни камроқ миқдорда сотиб олишга бу мақсаддаги маблағ сарфию харидни мутаноасиб тарзда олиб боришга мажбур бўлишади. Демак, тарифларни жорий қилиш истеъмолчилар имкониятларини ёмонлаштиради.

Импортга тариф жорий қилинмаган шароитда эркин халқаро нархларда айирбошлашлар амалга оширилади.

Миллий ишлаб чиқариш билан хорижий ишлаб чиқарувчилар ўртасидаги рақобат ички нархларни ҳам халқаро нархларга тенглаштириб қўяди.

Тариф ишлаб чиқарилаётган маҳсулот нархини ошириб, ҳажми камайишига сабаб бўлади. Демак, тарифлар истеъмолчиларнинг қўшимча маҳсулотлари сотиб олиш имкониятларини камайтиради.

Истеъмолчиларнинг тарифни жорий қилиш натижасидаги йўқотишлари миқдорини аниқлаш учун импорт товарларни тариф жорий қилишдан олдинги ва тариф жорий қилишдан кейинги қийматини, шунингдек, уларга бўлган талаб ҳажмини бишлиш лозим.

Агарда тарифни жорий қилиш натижасида истеъмолчилар авсд чегарасида йўқотишса, ишлаб чиқарувчилар а чегарасида ва давлат хазинаси с чегарада нуқталарга эга бўлса, тарифларни жорий қилиш мамлакатга қандай таъсир кўрсатиши мумкин?

Тарифларнинг истеъмолчиларга, ишлаб чиқарувчилар ва давлат хазинасига таъсирини умумлаштириб, импорт қилаётган мамлакатга таъсирини аниқлаш мумкин. Жамият учун таърифларни жорий қилишдан келадиган соф йўқотишлар вд чегарасидан иборат. D чегараси (кўпроқ таърифнинг истеъмол самараси деб юритилади) импорт қилаётган мамлакат истеъмолчиларининг ушбу товарларни истеъмол қилишни камайтириш натажасидаги йўқотишларини кўрсатади. В чегараси (кўпроқ таърифнинг ишлаб чиқариш самараси деб юритилади) мамлакат ичкарисидаги ишлаб чиқаришнинг кўпайиб кетиши натижасида вужудга келади.

Умуман, Божхона тарифлари амалда аҳоли турмуш дара-

жасини пасайтиради, чунки, истеъмолчилар ишлаб чиқарувчилар ва давлатга нисбатан кўпроқ йўқотишади. тарифлар истеъмолчиларнинг импорт қилинаётган маҳсулотлардаги даромадларини бошқа ижтимоий гуруҳлар манфаатига қайта тақсимлайди.

Таърифларни қўллаб-қувватловчи ҳамда уларга қарши фикрлар. Божхона таърифлари асосан миллий даражада қўлланилади ва бунда қатор вазифаларни бажаради.

– фискаль, яъни давлат бюджети даромадларини тўлдириш манбаи бўлиб хизмат қилади;

– протекционистик, яъни миллий ишлаб чиқарувчиларни чет эл рақобатидан ҳимоя қилади;

– бошқарув, яъни иқтисодиёт тузилишини қайта қуришни бошқариш воситаси ҳисобланади ва улар ёрдамида мамлакат иқтисодиётидаги силжишлар рағблантирилади.

Миллий иқтисодиёт тикланиши даврида кўпгина давлатлар ўз ишлаб чиқарувчиларини чет эл рақобатидан ҳимоя қилиш мақсадида протекционизм сиёсатини қўллайдилар, акс ҳолда, маҳаллий корхоналар «синиши» мумкин, бу эса жамиятда ишсизлик хавфини туғдиради. Бироқ, протекционизм сиёсатини қўллаш салбий оқибатларни олиб келиши мумкин. Улар асосан иқтисодиётнинг ҳимоя қилинаётган соҳаларида ресурслар самарасиз сарфланишига олиб келади.

Агар мамлакатлар Божхона иттифоқига бирлашсалар, унда Божхона тарифи барча иштирокчи мамлакатлар учун уларнинг савдо муносабатларида ягона бўлиб қолади (масалан, Европа иқтисодий Ҳамжамияти). Божхона тарифлари миқдори алоҳида мамлакатлар иқтисодиётида ва жаҳон хўжалигида содир бўлаётган жараёнлар таъсирида юз беради. Умумжаҳон божларининг пасайиш тенденцияси кузатилмоқда ва у икки томонлама ҳамда кўп томонлама музокаралар асосида мамлакатлар томонидан рағблантирилмоқда ва назорат қилинмоқда. Асосан ГАТТ доирасида ўтказилган бундай музокаралар натижасида бож-Тариф ён беришларини айирбошлаш ҳақида битимлар тузилган.

Божхона тарифлари божларидан ташқари, ташқи иқтисодий фаолиятни тартибга солишнинг билвосита эгилувчан усуллари сифатида турли солиқ турлари кенг қўлланилади. Бунда фақат ташқи солиқ тизимидаги эмас, балки ички солиқ тизимидаги солиқ турларидан ҳам фойдаланилади.

Фақат ташқи иқтисодий битимларни тартибга солишда қўлланиладиган солиқларга импорт ва экспортга солиқлар киради. Улар олиб келинаётган ёки олиб чиқиладиган маҳсулотларга бу маҳсулотлар оқимларини тартибга солиш, яъни рағблантириш ёки тўхтатиш мақсадида белгиланади.

Кўпгина мамлакатларда импорт тушумларига солиқлар кенг қўлланилса, экспорт маҳсулотини сотишдан тушумларга солиқлар эса муайян имтиёзларга эга. Бу экспортни рағбатлантиришга ички ва ташқи бозорлардаги нархлар фарқи катта бўлганда ўз маҳсулотлари каби импорт маҳсулотларига ҳам мамлакат ичида сотиш учун бир хил шароит яратиш имконини беради. Ташқи иқтисодий фаолият, шунингдек, ички солиқлар тизими ёрдамида ҳам тартибга солинади. Давлат сотишдан олинган фойдага пул капиталидан даромадларга, капиталнинг кўшимча ўсишига, қимматбаҳо қоғозларга, ортиқча фойда ва бошқаларга солиқлар белгилаб, ўзининг ҳамда хорижий ишлаб чиқарувчиларнинг фаолияти учун қулай ва ноқулай шароит яратиши мумкин.

Импорт квоталари ва лицензияларини тақсимлаш услублари. Жаҳон амалиётида ташқи иқтисодий фаолиятни тартибга солишнинг билвосита усулларига қараганда, бевосита усулларидан кенгроқ фойдаланилади. Бевосита усуллар ўз мазмунига кўра, иқтисодий, маъмурий, меъёрий - ҳуқуқий кўринишга эга бўлиши мумкин.

Лицензиялаш ва квоталаш иқтисодий характердаги бевосита усуллар орасида кенг тарқалганидир.

Лицензиялаш – бу, ташқи иқтисодий операцияларни амалга оширишга давлат ташкилотлари томонидан берилган рухсатномадир.

Ўзбекистонда лицензиялар фақат давлат рўйхатига олинган ташқи иқтисодий фаолият қатнашчиларига берилади. Уларни бошқа юридик шахсларга бериш тақиқланган. Ташқи иқтисодий операцияларга маҳсулотлар, ишчи ва хизматчилар экспорти ҳамда молия операцияларини ўтказиш, хорижга ишчи кучини ишга жойлаштириш ва бошқалар киради.

Маҳсулот экспорти ва импортини лицензиялаш давлатга улар оқимини қатъий тартибга солишга, баъзи ҳолларда уларни вақтинча чегаралашга ва шу асосда ташқи иқтисодий тақчиллик ўсишини тўхтатиш ҳамда савдо балансини тенглаштиришга имкон беради.

Маҳсулот ва ишчи - хизматчилар экспорти ва импортига лицензиялар бериш ҳуқуқига Ўзбекистон Республикасининг қуйидаги бошқарув ташкилотлари эга: Вазирлар Маҳкамаси, Молия, Адлия, Ички ишлар, Соғлиқни сақлаш, Халқ таълими вазириликлари, шунингдек, Марказий банк.

Белгиланган чегаралар доирасида амалга ошириладиган битимларга лицензиялар алоҳида ҳар бир битим учун мол етказиб бериш ҳажми ёки қийматига Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги томонидан берилади.

Молия операцияларини ўтказишга лицензиялар асосан Молия вазирлиги ва Марказий банк томонидан мамлакатимиздаги ва хорижий банкларга, молия муассасаларига берилади. Улар молия-кредит муассасаларига мамлакат ичида ва унинг ташқарсида чет эл валютаси билан операцияларни амалга ошириш, хорижий молия-кредит муассасаларига эса ички бозорда юридик ва жисмоний шахсларга хизмат кўрсатиш ҳуқуқини беради.

Лицензиялаш билан бир қаторда жаҳон амалиётида маҳсулот, шунингдек, ишчи кучи экспорт ва импортини чегаралаш мақсадида квоталаш кенг қўлланилади. Бу усулнинг моҳияти шундан иборатки, унда ваколатли давлат ёки халқаро ташкилот алоҳида маҳсулотлар, хизматлар, мамлакатлар ва мамлакатлар гуруҳи бўйича маълум даврга экспорт ва импортга миқдорий ёки қиймат чегараларини белгилайди. Давлат томонидан тартибга солиш тадбири сифатида квоталаш тўлов балансларини ички бозорда талаб ва таклифни баланслаштириш учун музокараларда ўзаро келишувга эришиш учун қўлланилади.

Ўзбекистонда квоталаш халқ истеъмоли моллари ва стратегик хомашёнинг муҳим турларини олиб чиқишни чегаралаш усули сифатида қўлланилмоқда.

Квоталаш фақат маҳсулот оқимларини эмас, балки ишчи кучи оқимларини тартибга солишда ҳам қўлланилади. Кўпгина ривожланган мамлакатлар ички меҳнат бозорини ҳимоялаш мақсадида хориждан ишчи кучи импортга квоталар ўрнатади. Ташқи савдони тартибга солишнинг бевосита тарифли бўлмаган усуллари гуруҳига божхона божларининг махсус демпингга қарши, компенсацион ва бошқа турлари киради.

Баъзи ҳолларда мамлакатлар томонидан махсус божхона божлари қўлланилади. Бундай божлар, масалан, маҳсулот олиб келиш ҳажми ва шартли маҳаллий ишлаб чиқарувчиларга зарар келтирса ёки мамлакат манфаатларига зид бўлганда қўлланилади. Махсус божхона божларининг миқдори хар бир аниқ ҳолат учун алоҳида ўрнатилади.

Демпингга қарши қаратилган божлар жаҳон амалиётида кенг қўлланилиб, ўзида қўшимча импорт божларини акс эттиради. Улар, одатда, жаҳон нархларидан ёки импорт қилаётган мамлакат ички нархларидан паст нархлар бўйича экспорт қилинаётган маҳсулотларга ўрнатилади. Бу божларни белгилаш ҳақидаги қарорни халқаро суд маҳаллий ишлаб чиқарувчилар ва сотувчилар мурожаатидан сўнг чиқаради ҳамда унинг миқдори ва тўлаш тартибини белгилайди. Масалан, демпингга қарши божлар ўз валюта ресурсларини тўлдириш мақсадида

жаҳон бозорига хомашё ресурсларини экспорт қилишни кўпайтирган собиқ иттифоқдош республикаларга нисбатан фаол қўлланилмоқда.

Компенсацион божлар олиб келинаётган маҳсулотлар каби олиб чиқиладиган маҳсулотларга ҳам белгиланади. Улар ишлаб чиқариш ёки экспорт қилишда субсидиялар ажратилган ва бу олиб келиш ёки олиб чиқиш миллий ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчиларга зарар етказиши мумкин бўлганда қўлланилади. Бундай ҳолат давлат мамлакатга етказилган зарарни ёки давлатнинг молиявий харажатларини қоплаши лозим бўлган божларни ўрнатади. Компенсацион божлар миқдори аниқланган субсидиялар миқдоридан ошмаслиги лозим.

Сўнгги ўн йилликларда экспортни ихтиёрий чегаралаш ва энг кам импорт баҳоларини белгилаш ҳақида битимлар тузиш амалиёти кенг тарқала бошлади. Савдо чеклашларининг бу янги турлари хусусиятлари уларни ўрнатишнинг ноанъанавий усулидан иборат, яъни импорт қилувчи мамлакатни ҳимоя қилувчи савдо тўсиқлари импорт қилувчи мамлакат чегарасига киритилганда экспортни ихтиёрий чегаралаш қўлланилади. Худди шунга ўхшаш, энг паст импорт баҳосини ўрнатиш ҳам амалга оширилади. Бундай баҳоларни ўрнатган импорт қилувчи мамлакат билан контрактлар тузишда бунга экспорт қилувчи фирмалар томонидан қатъий амал қилинмоғи лозим. Экспорт баҳоси энг кам даражадан пасайтирилган ҳолда импорт қилувчи мамлакат демпингга қарши бож киритади ва уни қўллаш бозордан чиқишга олиб келиши мумкин.

Экспортни давлат томонидан рағбатлантириш тадбири сифатида кўпгина мамлакатларда экспорт субсидиялари қўлланилади, яъни тажриба-конструкторлик ишлари ва экспортга мўлжалланган ишлаб чиқаришни бевосита молиялаштириш ёки бу мақсадларга давлат бюджетидан имтиёзли кредитлар бериш кўзда тутилади.

Рўйхатга олиш ўрнатилган шаклда тўлдирилган рўйхатга олиш варақасини тақдим этиш, рўйхатга олинганлик рақамини бериш, ташқи иқтисодий алоқа қатнашчиларини расмий равишда чоп этиладиган давлат рўйхатлари тўпламига киритиш ва рўйхатга олинганлик ҳақидаги гувоҳнома беришни ўз ичига олади.

Маҳсулот баённомаси — ташқи иқтисодий алоқа қатнашчиларининг муайян маҳсулот давлат чегарасини кесиб ўтаётгани ҳақида ушбу мамлакатда ўрнатилган қоидаларга мувофиқ берган расмий аризасидир. У икки кўринишда — божхона баённомаси ва товар - транспорт харажатлари бўйича (етарли малака ва тажрибага эга бўлган ташқи иқтисодий бирлашмалар учун)

амалга оширилади. Баъзи фуқаролар мамлакатга киришда ва чиқишда ташилаётган буюмлар, мулк, шу жумладан, валюта ҳақида баённомани бир хил андозадаги варақаларга тўлдиришлари лозим.

Ташилаётган юкларга баённома ташқи иқтисодий операция қатнашчиси томонидан ҳар бир маҳсулот учун тўлдирилади ва унда операция тури (экспорт ва импорт), маҳсулот номи, экспорт ва импорт қилинаётган мамлакат, валюта, маҳсулотнинг умумий ҳақиқий баҳоси ва бошқалар кўрсатилади. Бу ҳужжат асосида импорт, экспорт учун солиқлар миқдори аниқланади, хорижга пул ўтказилишининг тўғрилиги назорат қилинади. У фақат ташқи савдога эмас, балки бутун ташқи иқтисодий фаолиятга тўсиқ бўлган маъмурий тадбир бўлиб, валюта билан чегаралаш ҳисобланади. **Мамлакатнинг маълум вақтдаги барча халқаро иқтисодий фаолияти, шу жумладан, ташқи савдо, капитал ва ишчи кучи миграцияси ҳам тўлов балансида ўз аксини топади.** Ҳар қандай ташқи иқтисодий битим валюта айирбошлаш ва валюта операциялари орқали амалга оширилади. Олиш - сотиш битими ҳисобланар экан, демак, мамлакатнинг жаҳон бозоридаги фаолияти натижалари провардида хорижий валюта тушумлари ва харажатларида ифодаланади. Шунинг учун ҳам тўлов баланси — бир томонида четдан барча тушумлар, иккинчи томонида эса, четга чиқариладиган барча тўловлар кўрсатилган ҳужжатдир.

Очиқ иқтисодиётли қўллаб мамлакатлар ўз тўлов балансларини ХВФ тавсия этган тарх бўйича ишлаб чиқадилар. Бу тарх ривожланган бозор муносабатлари шароитида амалга ошириладиган барча иқтисодий операцияларда қўлланилади. Тўлов балансининг маълумотлари мунтазам чоп этилади ва давлатнинг кредит қобилияти ҳақидаги гувоҳнома сифатида халқаро ташкилотлар, бошқа мамлакатларнинг ҳукуматлари ҳамда тадбиркорлари томонидан кредитлаш ва молиялаштириш, молиявий, техника ва моддий ёрдам кўрсатиш масалаларини ҳал этишда қўлланилади.

Қисқача хулосалар

Фискал сиёсатнинг фундаментал мақсади ишсизлик ва инфляцияни тугатишдир.

Пул-кредит сиёсати деганда, тўла бандлик шароитида жами маҳсулотни ишлаб чиқаришга инфляциянинг таъсирини камайтириш ёки бартараф этиш мақсадида муомаладаги пул миқдорини ўзгартириш тушунилади.

Халқаро валюта муносабатлари пулнинг халқаро тўлов оборотида амал қилиши жараёнида вужудга келади.

Жаҳон савдоси ташқи иқтисодий алоқаларнинг асосий негизидир.

Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Давлатнинг бюджет-солиқ сиёсати нима?
2. Давлатнинг пул-кредит сиёсати нималарни кўзда тутади?
3. Давлатнинг валюта курси сиёсати деганда нималарни тушунаси?
4. Давлатнинг ТИА сиёсати нима?
5. Давлатнинг таркибий-структуравий сиёсати қандай?
6. Халқаро пул-кредит сиёсати нима?

Асосий адабиётлар

1. С.В. Чепель. Устойчивый экономический рост в Узбекистане—задачи, проблемы, механизмы. «Экономическое обозрение», 1999.
2. П.Х.Линдерт. Экономика мирохозяйственных связей. Пер. с англ. — М.: «Прогресс», 1992.
3. Кен Ховард, Галина Журавлева. Принципы экономики свободной рыночной системы. — М.: «Златоуст», 1995.
4. П.Х.Линдерт. Экономика мирохозяйственных связей. — М.: «ёПрогресс», 1992.
5. Экономика переходного периода. Под ред. В.В. Радаева, А.В. Бузгалина. - М.: МГУ, 1995.

РИВОЖЛАНГАН МАМЛАКАТЛАРДА МАКРОИҚТИСОДИЙ ТАРТИБГА СОЛИШ

3.1. Тартибга солиш эволюцияси

Тараққиёт йўлида мустақкам туриш учун халқнинг ижтимоий ва иқтисодий манфаатларига жавоб берадиган бозор керак. Лекин биз капиталистик бозорнинг социал, ташкилий, иқтисодий томонларини юзаки кўчириб олишимиз мумкин эмас, чунки чет эл бозори ҳам XX аср давомида кўпгина ўзгаришларга (эволюцияга) учради. Халқаро айирбошлашнинг ўтган асрнинг 90-йилларигача бўлган ривожланиши кўрсатадики, қадим замонлардан буён мамлакатлар моддий ноз-неъматларни тайёр маҳсулотлар ва турли хил ресурслар кўринишида ўзаро айирбошлаб келишган, яъни бир-бирлари билан халқаро иқтисодий муносабатларга киришишган. Ўз навбатида, айирбошлашнинг ҳажми ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривожланиш даражаси ва товар ишлаб чиқаришнинг ҳажмига бевосита боғлиқ бўлган, чунки ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиши, бир томондан, малакатлар ўртасида хўжалик алоқаларининг кенгайишига имкон яратса, иккинчи томондан, турли хил хомашёлар, материаллар ва бошқа ресурсларга бўлган талабнинг ошиб бориши айирбошлаш заруриятини келтириб чиқаради.

Халқаро айирбошлаш, айниқса, XIX асрда кенг ривожланди. Унинг ҳажми 1800 йилдан 1913 йилгача 20 мартагача ошди ёки 1800 йилда жаҳон ишлаб чиқаришнинг 3%ини, 1913 йилда 33%ини ташкил этди. XX асрда халқаро иқтисодий муносабатлар ўзининг нотекис ривожланиши билан ажралиб туради. Масалан, 1913 – 1950 йилларда халқаро савдо ва ишлаб чиқариш жуда секин суръатлар билан ўсди. Чунки жаҳон хўжалиги шу йиллар давомида бўлиб ўтган I ва II жаҳон урушлари натижасида ҳамда ривожланган капиталистик малакатларда чўзилиб кетган иқтисодий инқирозлар сабабли жуда катта моддий йўқотишларга учради. Аммо кейинги давр, яъни 1950 – 1973 йиллар жаҳон ишлаб чиқаришида ва савдосида «олтин давр» ҳисобланади. Бу даврда ўртача ўсиш саноат ишлаб чиқаришда 6% ни, жаҳон савдосида 10% ни ташкил этди. Бундай юксалиш 1974 йилга келиб, халқаро бозорда нефть баҳосининг кескин кўтарилиб кетиши натижасида узилиб қолди. Масалан, 1973 йилнинг охирида нефтнинг баҳоси 14 долларгача кўтарилди. Эрон - Ироқ можороси сабабли I баррель нефтнинг баҳоси янада ошди ва 35 АҚШ долларини ташкил этди.

Дунёда бошланган «нефть инқирози» ривожланган мамлакатлар иқтисодиётида чуқур тузилмавий ўзгаришлар бошланишига олиб келди. Бу мамлакатларда ўтган асрнинг 70 — 80 - йиллари мобайнида энергия ресурсларини кам истеъмол қилувчи ҳамда интеллектуал имкониятларидан мумкин қадар тўлиқ фойдаланишга мўлжалланган янги ишлаб чиқаришлар барпо этилди.

Шу сабабли 1983 — 1990 йиллар жаҳон иқтисодиётининг энг давомли юксалиш даври бўлди. Янгидан пайдо бўлган тармоқлар ва ишлаб чиқаришлар, ўз навбатида, турли хил хомашё ва табиий ресурсларнинг маълум қисмини кўпроқ четдан ташиб келтиришни ҳамда тайёр маҳсулотларни миллий чегаралардан ташқарида сотиш доирасини кенгайтиришни тақозо қила бошлади. Масалан, XX асрнинг 90-йиллари бошида ривожланган Европа мамлакатлари нефтьга бўлган эҳтиёжларининг 75 — 80 фоизини, АҚШ маргенец рудаси, никель ва бокситга бўлган эҳтиёжининг 75—100 фоизини импорт ҳисобига қондирди. Япония иқтисодиётининг ривожланиши эса, асосан турли хил ёқилғи ва хомашёларни ташиб келтиришга боғлиқ. Шу билан бир вақтда ушбу мамлакатлар фан ва техника ютуқларига асосланган маҳсулотларни дунё бозорига жуда катта миқдорда етказиб берувчилар ҳисобланади. Ер юзининг барча мамлакатларида харид қилинаётган автомобиллар, компьютерлар, мураккаб дастгоҳлар ва асбоб-ускуналар, маиший уй-рўзгор жиҳозлари асосан Ғарбий Европа мамлакатлари, АҚШ ёхуд Япония маҳсулотларидир.

Ривожланган мамлакатларда замонавий истеъмол товарларининг, саноат технологияларининг, ахборот тизимларининг кенг тарқалиши уларга ишлаб чиқариш самарадорлигини кўтаришга ва турли хил ресурслардан тежамли фойдаланишга кенг имкон яратди.

XX асрнинг сўнги йилларида жаҳондаги етакчи мамлакатлар иқтисодий ривожланишидаги туб сифат ўзгаришлари ҳамда жаҳон хўжалиги тузилишида ва ўсиш суръатларида бўлган ўзгаришларнинг кучайиб бориши халқаро муносабатларнинг айни босқичидаги хусусиятларини белгилаб беради.

Чунончи, бу даврда биринчидан, халқаро айирбошланишнинг таркибий тузилиши сезиларли даражада ўзгарди: мамлакатлар маҳсулот айирбошладан ташқари турли хил хизматлар, молия капитали, ишчи кучи, фан-техника ахборотлари, янги технологиялар, бошқарув усуллари ва бошқалар билан фаол савдототиқ олиб боришга ўтдилар. Масалан, жаҳон экспортида хизматлар улуши 60-йилларнинг охиридан 80-йилларнинг охиригача 27 — 30 фоиз кўтарилди, дуёнинг саноатлашган 13 етакчи

мамлакатидан капитал экспорти 1990 йилларнинг бошида 1970 йилдагига нисбатан 8 баравар ошган.

Иккинчидан, четга капитал чиқарилишининг кучайиши ва мамлакатлар ўртасида айирбошлашнинг кенгайиши замонавий халқаро иқтисодий алоқаларнинг мамлакатлараро уйғунлашувига олиб келди. Бундай хусусият ўз фаолиятини бир қанча давлатлар ҳудудида амалга оширадиган трансмиллий корпорациялар (ТМК) ва банклар (ТМБ) сонининг ошиб боришида ўз аксини топди.

Ҳозирги вақтда жаҳонда 20 мингдан ортиқ ТМКлар мавжуд бўлиб, улар жаҳон саноат ишлаб чиқаришининг тўртдан уч қисмидан кўпрогини, ташқи савдонинг эса ярмидан кўпрогини назорат қилиб туради. Мисол учун, «Женерал Моторс», «Ройл Датч шелл», «Эксон» каби йирик ТМКлар обороти ҳажми Ўзбекистонда яратилган ялпи миллий маҳсулот миқдоридан икки мартадан ҳам ортиқ. Ўз ихтиёрида беҳисоб моддий - молиявий қудратни жамлаган бундай корпорациялар ва банклар кўпчилик мамлакатларнинг иқтисодий сиёсатига ва халқаро иқтисодий алоқаларнинг умумривожланишига жиддий таъсир кўрсатадилар.

Учинчидан, халқаро иқтисодий муносабатларнинг замонавий босқичида яна бир муҳим хусусият намоён бўлмоқда: айирбошлашда мамлакатлар тутган ўрнининг қайта тақсимланиш жараёни кечмоқда. Маълумки, собиқ социалистик мамлакатларда ўтказилган чуқур сиёсий ва иқтисодий ислохотлар 9 мустақил давлатни бирлаштирган йирик халқаро иқтисодий ташкилот — Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашининг тарқалиб кетишига олиб келди.

Таъкидлаш лозимки, юқорида қайт этилган мамлакатларнинг ташқи иқтисодий алоқалари асосан мана шу ташкилот доирасида амалга оширилар эди. Масалан, собиқ иттифоқ ташқи савдосининг 67 фоизи социалистик мамлакатлар, 22 фоизи ривожланган капиталистик ва 11 фоизи ривожланаётган мамлакатлар улушига тўғри келар эди. Ўтган асрнинг 90-йиллари бошларидаги ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар Шарқий Европа мамлакатлари ва собиқ иттифоқда ташқи иқтисодий сиёсатнинг туб бурилиши билан кузатилди.

Шу билан бирга, мамлакатларнинг жаҳон хўжалиги алоқаларида фаол қатнашувчиларига ҳалақит берувчи мафкуравий ва сиёсий тўсиқларнинг олиб ташланиши ҳар бир мамлакат халқаро меҳнат тақсимотининг афзалликларидан манфаатдор бўлишига кенг имкониятлар очиб берди. Аммо бу имкониятлардан фойдаланиш учун собиқ социалистик мамлакатларга маълум муддат керак. Ҳозирда эса, жаҳон хўжалиги ва халқаро ай-

ирбошлашнинг умумий йўналишлари ва ўсиш суръатларини дунёнинг 26 та ривожланган капиталистик мамлакати белгилаб беради. Бу мамлакатлар ер юзидаги давлатларнинг 15 фоизини ташкил этади ҳамда уларда жаҳон аҳолисининг 25 фоизи истиқомат қилади. Аммо бу мамлакатлар дунёда ҳосил қилинаётган электр қувватларининг 75 фоизини, ёқилғининг 79 фоизини, ёғочсозлик маҳсулотларининг 85 фоизини ва пўлатнинг 70 фоизини истеъмол қилишади. Саноати тараққий этган мамлакатларнинг ўзаро савдоси жаҳон савдосининг 70 фоизини ташкил этади. Иқтисодиёти ривожланган ва халқаро айирбошлашда юқори ўринда турган барча мамлакатларни ҳудудий жойлашувига қараб шартли равишда уч блокка ажратиш мумкин:

Шимолий Америка блоки — АҚШ, Канада ва Мексика давлатлари. (Бутун жаҳонда ишлаб чиқарилган ялпи миллий маҳсулотнинг 29 фоизи фақат АҚШ ва Канаданинг ҳиссасига тўғри келади.)

Ғарбий Европа блоки — бозор иқтисодиёти ривожланган Европа мамлакатлари (Уларда дунё ялпи миллий маҳсулотининг 32 фоизи ишлаб чиқарилади.)

Япония блоки — Япония ва тез ривожланаётган Жанубий — Шарқий Осиё мамлакатлари (жаҳон ялпи миллий маҳсулотининг 15 фоизи биргина Япония ҳиссасига тўғри келади.)

Таъкидлаб ўтиш керакки, бу уч блокка кирувчи мамлакатлар ўртасидаги жаҳон бозорида ўз таъсир доирасини кенгайтириш ва иштирокини оширишга қаратилган кучли рақобат ҳозирги замон халқаро иқтисодий муносабатларининг моҳиятини очиб беради. Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, ҳар бир мамлакат ўз ишлаб чиқарувчи кучларининг ривожланишига қараб, жаҳон бозорига турли хил товар ва хизматлар етказиб беришга ихтисослашади. Чунончи, иқтисодиёти юқори даражада ривожланган мамлакатлар халқаро айирбошлашда асосан тайёр маҳсулотлар, хизматлар ва капитални хорижга етказиб бериб, айни вақтда ўзига керакли турли хил хомашёлар, арзон ишчи кучини четдан олиб киради. Иқтисодиёти ривожланаётган мамлакатлар аксинча, хорижга асосан иқтисодий ресурсларни етказиб бериб, ўзи тайёр маҳсулотлар, инвестициялар, фан-техника ахборотларини харид этади.

Халқаро айирбошлашда «мутлақ афзаллик» тушунчаси. Нима сабабдан давлатлар халқаро иқтисодий муносабатларни янада кенгайтиришга алоҳида аҳамият берадилар? Чунки ҳар қандай айирбошлашнинг аҳамияти, унинг самарадорлиги, шу жумладан, халқаро миқёсда ҳам келишилган битимлардан томонлар оладиган афзалликлар билан белгиланади. Бу ерда иқти-

содий назария, хоҳ товар ва хизматлар савдоси бўлсин, айир-бошлашдан олинадиган афзалликка ҳар бир қатнашувчи мамлакат эга бўлади ва натижада бутун жаҳон хўжалиги ютади деб тушунтиришга ва исботлашга ҳаракат қилинади. Адам Смит, биринчи бўлиб қайси мамлакат ўз маҳсулотини бошқа мамлакатларга қараганда камроқ харажатлар билан ишлаб чиқарса, шу мамлакат халқаро айирбошлашда қатнашиши мумкин, деб тушунтиради.

3.2. Ривожланган мамлакатларда макроиқтисодий тартибга солиш

Ҳар хил мамлакатларда бозорнинг ижтимоий-иқтисодий оқибатлари, уни бошқариш усуллари бир хил эмас. Айрим иқтисодчилар бозор ва уни тартибга солиш тушунчаларини ўзаро қўшила олмайдиган тушунчалар деб, ҳисоблайдилар. Лекин ҳали XX асрнинг иккинчи ярмида капиталистик ишлаб чиқаришнинг умумлаштириш жараёни кучайиши билан бошқариладиган бозор пайдо бўла бошлади. Биз капитализмдан бозорнинг тартибсиз механизмини олмасдан, уни ташкил қилишда ва бошқаришда фойдали томонларини олишимиз керак. Бу жиҳатдан Туркия, АҚШ, Япония, Италия, Олмония, Швеция, Австрия, Финляндия тажрибалари фойдалидир.

Ҳозирги пайтда капиталистик мамлакатларда бозорни тартибга солишда жонли усуллар ўзлаштириб олинган. Улар жумладан, йирик илмий-техникавий, социал, энергетика, табиатни муҳофаза қилиш ва бошқа дастурларни ишлаб чиқиш ва бажаришда маълум тажрибага эгадирлар. Ҳозирги кунда капиталистик ишлаб чиқаришни ташкил қилишда 2та вазифа ҳал қилувчи роль ўйнайди:

- ишлаб чиқариш таркибини ва бозорни тартибга солишда иқтисодий ва ҳуқуқий усуллар тизимидан фойдаланиш;
- ишлаб чиқариш таркибида салбий ҳодисалар ва танглик ҳолатларини енгил учун давлат ва корхона даражаларида режа усуллари, яъни илмий башоратларнинг мақсадли дастурлар, йиғма ва баланс ҳисоботларини ишлаб чиқиш.

Демак, макроиқтисодий тартибга солиш тизимида режалаштиришнинг роли, аҳамияти жуда ҳам катта. Шунинг учун режалаштиришга катта эътибор бериш керак.

Ривожланган Европа мамлакатларида «режалаштириш» тушунчаси кўпдан буён ташкил топгандир.

Режалаштириш субъектнинг вазифасини қўйишдан ва уни ечиш воситаларини танлашдан иборат бўлган онгли фаолиятни

ифодалайди. Режалаштириш субъектлари айрим шахслар, жамоа ёки давлат бўлиши мумкин. Режалаштириш самарали бўлиши учун дастлабки ишончли маълумотларни ва инсоннинг хўжалик, ижтимоий, маданий, экологик фаолиятларини ифодалайдиган солиқлар тизимини билиш керак.

Халқ хўжалиги фаолият соҳаларининг комплекс ҳисоботи кўп вариантли йўналишларда режалаштиришнинг оптимал вариантини топишга ёрдам беради. Аммо, айрим мамлакатларда режалаштиришнинг даражаси уларнинг шартномалардаги географик, иқтисодий, сиёсий, ижтимоий фарқларга, тарихий ривожланишга, турмуш тарзи ва даражасига ҳамда бошқа мамлакатлар билан иқтисодий ва сиёсий муносабатларига боғлиқ.

Режалаштириш тизимлари. II жаҳон урушидан кейин айрим мамлакатларда хўжаликни режалаштиришнинг турли хил шакллари қўлланилди. Масалан, шарқий Европа мамлакатларида режалаштиришнинг императив усули, бошқача қилиб айтганда, маъмурий-буйруқбозлик тизими аста-секин жорий қилинди. Иқтисодий ривожланган мамлакатларда эса такрор ишлаб чиқариш жараёнини режалаштириш ўзлаштирила бошлади. Режалаштириш, энг аввало, 1946 йилдан кейин Франция, Голландия, Норвегия, Япония мамлакатларида ривожлана бошланди. 50-60-йилларда режалаштириш Швеция, Финляндия, Буюк Британия, Италия, Бельгия, Германия Федератив Республикаси, Испания, Португалия, Греция, Ирландия мамлакатларида тарқалди.

70-йиллар ўрталарида режалаштириш тенденциялари АҚШ ва Канадада юзага келди. Ривожланиш даражалари ҳар хил бўлганлиги туфайли уларда қуйидаги режалаштириш тизимлари шаклланди:

- Шимолий Америка тизими;
- Осиё тизими;
- Европа, Ғарбий Европа тизими.

Бир-биридан фарқ қилувчи бу тизимлар бошқа қитъалардаги мамлакатларда ҳам қўлланилиши мумкин.

Режалаштиришнинг Шимолий Америка тизими (АҚШ, Канада, Мексика). Режалаштиришнинг бу тизим Европа иқтисодиёти уюшмасига ва янгидан ташкил этилган Европа умумий бозорига қарама-қаршиликни кучайтириш учун шароитлар яратди, шунингдек, такрор ишлаб чиқариш жараёни самарадорлигига кучли таъсир кўрсатди.

Австралия ва янги Зеландия каби АҚШ ва Канада ҳам озиқ-овқат маҳсулотлари ва хомашёни, яъни арзон маҳсулотларни кўп ишлаб чиқаради. Бу эса субсидиялар (пул ёрдами)дан фойдаланишни чегаралайди, чунки маҳсулот бирлигига тўғри

келадиган субсидия миқдори ЕИХ (Европа иқтисодий ҳамжамияти)даги бундай субсидиянинг ярмини ташкил қилади. Бунда қуйидаги омиллар асосий роль ўйнайди:

- нарх сиёсати-қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари харид нархининг нисбатан юқори даражада бўлишини таъминлаш;
- ташқи савдони тартибга солиш—жаҳондаги йирик ишлаб чиқарувчиларни ва импорт қилувчиларни ҳамоя қилиш;
- қатъий мақсадга мўлжалланган субсидиялар — ишбилармонларнинг рақобат қобилиятини барқарорлаштириш;
- даромадларни барқарорлаштириш.

АҚШ ва Канадада давлатнинг хўжалик ва тадбиркорлик функцияси контрактлар тизими орқали амалга оширилади. Бунда давлатнинг хусусий компаниялар билан алоқаси бозор муносабатларининг махсус шакли ҳисобланади.

Режалаштиришнинг Осиё тизими. (Япония, Жанубий Корея, Гонконг, Тайван, Сингапур). Бу тизимда кўпроқ режалаштиришнинг Япония моделидан фойдаланилади. У ривожланган капиталистик мамлакатларни индикатив (тавсиявий) режалаштириш афзалликларидан фойдаланишга ҳамда ўрта муддатли (5 йиллик) режаларни макроиқтисодий даражада тузишга асосланган, хўжалик режаларини дунёдаги сиёсий реаллик билан чамбарчас боғлайди.

1988-1992 йилларда Японияда қабул қилинган 5 йиллик иқтисодий дастурда иқтисодиётдаги структура тизимлари кўрсатилган. Шу муносабат билан Япония иқтисодиётидаги давлат ва хусусий секторларда қуйидаги 3 асосий вазифа бажарилади:

- ташқи савдодаги оғир вазиятни енгиллаштириш;
- Япония аҳолисининг турмуш даражасини мамлакат иқтисодий ўсиш даражасига қараб таъминлаш;
- кескин ўзгаришсиз мустаҳкам иқтисодий ва ижтимоий натижаларга эришиш.

Белгиланган вазифаларни изчилдлик билан бажариш. Япония минталикетида хос хусусият бўлиб, у мамлакат иқтисоди юксак даражада ривожланишига олиб келди.

Европа ва Ғарбий Европа режалаштириш тизими. Маълумки, ҳозирги шароитда шарқий Европа мамлакатларида қўлланилган режалаштириш тизими бозор муносабатларига асосланган янги концепцияни амалга оширишга қаратилган. Шарқий Европадаги айрим мамлакатларнинг тарихий, сиёсий, иқтисодий шароитларини ва шу асосда хўжаликдаги фарқларни ҳисобга олиб, шундай ҳулоса қилиш мумкинки, Европа режалаштириш тизими бу мамлакатларда бир хил қўлланилиши мумкин эмас. Шунга асосланган ҳолда режалаштиришнинг ғарбий Европа моделларини қайд этиб ўтамиз.

Конъюнктура ёки режалаштиришнинг Голландия тури. Бунда режалар мамлакат ичидаги ижобий иқтисодий жараёнларни мустақамлашга йўналтирилган.

Улар қисқа муддатга мўлжалла, асосан 1 йилга тасдиқланади.

Худудли ёки режалаштиришнинг Италиянча тури. Бу тизим худудли режалаштиришга яқин бўлиб, у мамлакат иқтисодиётидаги алоҳида тармоқларни ривожлантиришдаги номутаносибликларни, масалан, Италиянинг шимоли ва жануби ўртасидаги; саноат билан қишлоқ хўжалиги ўртасидаги: аҳолининг алоҳида табақаланиш даражаси ва ҳоказолардаги номутаносибликларни бартараф этишга йўналтирилган.

Скандинавия ёки Швеция модели аҳолининг юқори турмуш даражасини таъминлашга кафиллик беради. Бу моделнинг ўзига ҳос хусусияти шундаки, унга кўра, кўп харажат талаб қиладиган ижтимоий таъминот солиқларни юқори даражада жорий этиш орқали молиялаштирилади. Ҳозирги вақтда Швециянинг солиқлар сиёсати танқид қилинмоқда. Шу боис мамлакатда солиқларни барқарорлаштиришга интилиш белгиланаяпти. Демак, Швеция солиқлар миқдорини пасайтириш йўлига ўтиши керак.

Комбинациялаштирилган модел. Режалаштиришнинг юқорида қайт этилган турли моделлари элементларидан бир-галикда фойдаланишга асосланган.

3.3. Ғарбий Европа мамлакатларида режалаштириш тизимлари

Европа мамлакатларида режалаштириш тизимларига турлича ёндашилади. Масалан, Буюк Британияда Лейбористлар ва консерваторларнинг концепциялари ўзаро тўқнашмаяпти. Лейбористлар ташаббускорларга пул ёрдамларини тўғридан-тўғри топширишни афзал кўришади. Консерваторлар эса, рақобатнинг кучайишига имконият берадиган капитал қўйилмалари йўналишларига аралашмасликни афзал кўришади. Уларнинг қоидаси фақат яхши ривожланаётган корхоналарга давлат ёрдамини беришни кўзда тутади. ГФРда иқтисодиёт билан давлат бошқаруви кенг глобал маънодаги раҳбарликка асосланган. Бу ерда иқтисодиётта давлатнинг тўғридан-тўғри аралашувини чегаралашга, бозор механизмига кенгроқ йўл беришга интилиш кузатилмоқда, давлат томонидан ёрдам пулларининг ҳажми камайтирилмоқда. Мақсад солиқлар воситаларидан фойдаланиш даражасини ошириш, давлат харажатларини иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришлар ва фан-техника салоҳиятининг ривожланишига йўналтириш ва мамлакат чегараларидан ташқарига хўжалик экспансияси учун шароитлар яратишдир.

Ғарбий Европа мамлакатлари орасида Франция энг яхши режалаштириш тизимига эга. Мамлакатда режалаштириш шартнома (контракт)лар тизимига асосланади. Бу шартномалар давлат билан 26 хўжалик регионлар ўртасида (бош шартномалар), давлат корхоналари ва регионлари ўртача тузилади. Тузилган шартномаларга улар давлат режаси мақсадлари билан мувофиқ келгандагина бюджетдан маблағ ажратилади.

Инновация режасини ишлаб чиқишда махсус институтлардан ташқари алоҳида шахс ва корпорациялар вакиллари-дан иборат ташаббускор доира ҳам иштирок этади. Парламент режа тўғрисидаги 2 та қонунни тасдиқлайди:

- 1) мақсадларни ўрнатади;
- 2) қўлланган мақсадларни ҳаётга жорий этиш усуллари.

Режани ҳаётга татбиқ этиш устидан парламент, режалаштириш бўйича миллий комиссия назорат олиб боради. Режа амалга ошира бошлаганидан икки йил ўтгач, зарур бўлса, уни бажариш усуллари такомиллаштирилиши мумкин.

Сўнгги вақтларда Ягона Европа Иқтисодий Ҳамжамияти мамлакатларида хўжалик бирлашувви жараёнлари катта аҳамиятга эга бўлмоқда. Бирлашув жамиятга аъзо бўлган мамлакатларда режалаштириш жараёнини кучайтиради ва уларнинг хўжалик сисёатини бир-бирига мослаштиради. ЕИҚ мамлакатлари қишлоқ хўжалигида Ғарбий Европа бозорида қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг ҳаддан ташқари ортиқча жамғармаларини чеклаш тенденцияси намоён бўлмоқда. Бунинг учун қишлоқ хўжалигини экстенсивлаштириш лойиҳалари ишлаб чиқилди. Лойиҳалар моҳияти шундаки, уларга кўра, қишлоқ хўжалигида ишлатиладиган ер майдонлари ҳажми камайтиради. Европа иқтисодий концепцияси (ЕИҚ)да, умуман, ҳамжамият мамлакатларида тахминан 1 миллион га ерда, шу жумладан, Германияда 340 минг; Францияда 300 минг, Буюк Британияда 100 минг га ерда хўжалик юритишни тўхтатиш тавсия қилинмоқда. Баъзи мамлакатларда деҳқонларнинг ишлатиладиган майдонларни қисқартириши рағбатлантирилади. Масалан, Францияда деҳқон ҳайдаладиган ернинг учдан бир қисмини экмасдан қолдирса, унинг ҳар гектари ҳисобига бир йилда ўрта ҳисобда 1750 франк (ернинг сифатига қараб тўлов чегараси 1400-2100 франкни ташкил этади) олади.

3.4. Буюк Британия ва Франция иқтисодиёти

Буюк Британия иқтисоди. Буюк Британия - Ғарбий Европадаги Британ оролларида жойлашган давлат. Мамлакатда 1975 йилдан ишлаб чиқаришда бурилиш, инфляция, оммавий

ишсизлик билан бирга иқтисодий инқирознинг чуқурлашуви кузатилган. Ушанда мамлакатнинг валюта ҳолати ҳам айниқса таранглашган эди. Саноатда ишлаб чиқариш индекси 1975 йилда салкам 5%га қисқарди, 1973 йилда 3- бўлимдаги таназзулдан олдинги юқори нуқта билан солиштирганда пасайиш тахминан 10% ни ташкил этди.

Айниқса, маҳсулотлари ЯИМнинг 1/3 қисми ва экспортнинг 80%ини ташкил этувчи қайта ишлаш саноатидаги капитал қўйилмаларнинг даражаси қониқарсиз бўлди. Бу тармоққа капитал қўйилмаларнинг қисқариши 15%га баҳоланди. Савдо ва хизмат кўрсатиш доирасини инвестициялаш 1973 йил охиридан узлуксиз пасайиб борган. Натижада саноатдаги буюртмалар сони қисқариб, ишлаб чиқариш аппаратининг ишлаши 1975 йилнинг охирига келиб, 70%дан пасайган. Чакана нархларнинг ўсиши 1975 йилда ўртача 24%ни ташкил қилди ва АҚШ, Япония ҳамда Ғарбий Европанинг бошқа мамлакатларига қараганда тезроқ кечди. Инфляцияни меҳнаткашлар ҳисобидан бартараф этиш мақсадида 1975 йил июлдан ҳафталик иш ҳақи оширилди, маош кўтарилади, шунингдек, инфляцияга қарши яна бир қатор чоралар кўрилди. Аммо улар мамлакатдаги иқтисодий инқирозни янада чуқурлаштириб юборди. Капитал тўплаш учун қулай шароит яратиш ва бир вақтнинг ўзида монопол доиралар учун хавфли бўлган оммавий ишсизлик ва ўсиб бораётган инфляциянинг ижтимоий, иқтисодий оқибатларини юмшатиш мақсадида ҳукумат бир қатор тадбирларни амалга оширди. Жумладан, 1975 йил апрелда ва сентябрда компанияларга мамлакат тўлов балансининг пассивлигини камайтиришга фаол ёрдам берувчи тармоқларда инвестицион жараённи тезлаштириш учун 180 млн. фунт стерлинг ажратилди. Ёрдам сифатида юз миллионлаб фунт стерлинг «Алфред Гербет» ва бошқа монополияларга берилди. Бевосита янги иш ўринларини яратиш учун мўлжалланган пул сезиларли бўлмади. Хусусан, металлургия саноатида заҳирага қора металлларни ишлаб чиқаришни молиялаш учун 70 млн. фунт стерлинг ажратилган. Ички хўжалик ҳолати ёмонлашган ва иқтисодий, ижтимоий қарама-қаршиликлар кескинлашган шароитда ҳукумат саноатнинг «қайта туғилиши» дастурига кўра, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва саноат тузилмасини қайта қуриш бўйича тадбирларни молиялаштириш учун 5 йил давомида 1млрд. фунт стерлинг атрофида маблағ ажратишни кўзда тутган.

1975 йилда саноат ва унинг муҳим тармоқларида ишлаб чиқариш қисқартирилиши кузатилди (тоғ-кон саноати, кема-созлик, самалётсозлик ва озиқ - овқат саноатидан ташқари).

Кемасозликда ишлаб чиқариш аввал берилган буюртмалар ҳажми ҳисобига ўсди. Денгиз орқали юк ташиш ҳажми камайиши ва кемаларнинг катта қисми бекор туриб қолиши натижасида (айниқса, танкер флотда нефтнинг нархи ошгандан сўнг) буюртмалар тушиши бирдан камайди. 1975 йилда аввалги буюртмалар бекор қилиниши натижасида кемаларга янги буюртмалар кўпайди.

Машинасозлик тармоғида янги буюртмалар тушиши камайди ва ишлаб чиқариш пасайди.

Авиация саноатидаги фаоллик 1974 йилдагига нисбатан бир мунча ўсди. 1975 йилнинг январи охирида «Комкорд» инглиз-француз самолётининг парвозлари бошланди.

Икки йил давомида қора металлургия саноатида ишлаб чиқариш қисқариб бораётган эди. 1975 йилда у тахминан 15% га қисқарди. Ишлаб чиқариш қувватларининг бандлилиги 50-60% га пасайиб кетди. Рангли металлургияда ишлаб чиқариш 13% га, кимё саноатида маҳсулот чиқариш 85% га камайди. Бу жараён бандлар сонинг камайиши билан бирга кузатилди.

Юқорида қайд этилган товарларни сотишдан 1975 йилда Буюк Британияда 770 млн. фунт стерлинг миқдориди актив баланс шаклланди, капитал қўйилмалар суммаси 1975 йил нархларида 9760 млн. фунт стерлингни ташкил қилди (жорий нархларда 20106), шу жумладан, тоғ-кон саноатида 811 (1906), электроэнергетика, газ ва сув таъминотида 588 (1215); транспорт ва алоқада 1178 (2205); уй-жой қурилишида 1766 (3985); қайта ишлаш саноатида 1807 (3584); шу жумладан, озиқ-овқат саноатида 224 (493); кўмир ва нефтни қайта ишлашда 51 (105); кимё саноатида 301 (608); металлургия саноатида 287 (599); умумий ва электротехника, машинасозлик, асбоб-ускуналар ва кемасозликда 368 (719); транспорт машинасозлигига 130 (253); тери-мўйна, тўқимачилик саноатида 131 (224); қоғоз-целлюлёза ва полиграфияда 129 (249).

1975 йил июнда саноатда қурилиш билан бирга 9534 минг киши, шу жумладан, тоғ-кон саноатида 356 минг, қайта ишлашда 7545 минг, қурилишда 1281 минг, электроэнергетика, газ ва сув таъминотида 355 минг киши банд бўлди. Донли экинларнинг умумий ҳосили 1975 йилда 1974 йилдаги 16,4 млн. тоннадан 13,8 млн. тоннага қисқарди. Бу, аввало буғдой ҳосилининг бирданига 28% га камайиши натижасида вужудга келди. Гўшт ва гўшт маҳсулотлари нархининг сезиларли даражада ошиши таъсирида йирик шохли ҳайвонлар кўпроқ сўйила бошлади. Натижада гўшт етиштириш 2%, шу жумладан, мол гўшти - 14% га ошди. 1975 йилда ёлланиб ишловчилар сони 382 минг кишини ташкил қилди. Бу 1974 йилдагидан 16 минг кишига камдир.

1975 йилдаги «Умумий бозор» мамлакатларига экспорт ҳажмининг ошиши 1975 йилда умумий ўсиш секинлашиши билан импорт ривожланишининг илдамлаб борувчи маромини сақлаб қолган ҳолда алмашди. Натижада ЕИХнинг импортдаги ҳиссаси сезиларли даражада ошди ва Буюк Британиянинг бу гуруҳ билан савдосидаги дефицит бирдан кўтарилди.

Буюк Британиянинг АҚШ ва Япония билан савдоси йирик дефицит билан характерланади. 1974 йилда Яқин Шарқ мамлакатларидан импорт суммасининг нефть нархи ошиши билан боғлиқ ҳолда уч баробардан кўпайиши ва шу минтақа билан савдода катта дефицит шаклланган кейин 1975 йилда экспорт ҳажми сезиларли ошди, импорт камайди. Натижада Буюк Британиянинг Яқин Шарқ мамлакатлари билан савдо дефицити бирдан қисқарди. Буюк Британиянинг стерминг зонасидаги мамлакатлар ва Лотин Америкаси мамлакатлари билан савдо баланси тўлов баланси дефицитининг (жорий операциялар бўйича) 1975 йилда 1,7 млрд. долларни ташкил қилди (1974 йилда 3,7 млрд. доллар) ва унча катта бўлмаган актив билан якунлади. Бу мамлакатнинг валюта ҳолатига салбий таъсир ўтказди. Фунт стерлинг курси тўлиб борди ва 1975 йилнинг охирига келиб бир йил аввалгидан 12%га ортди. Олтин ва чет эл валютаси захиралари 1,5 млрд. долларга камайди (1975 йил охирида улар 5,4 млрд, 1974 йилда 6,9 млрд долларни ташкил этган) ва сўнгги уч йилдаги энг паст даражага тушди.

Охири Буюк Британия халқаро валюта фондига мурожаат қилди. Алқисса, 1975 йил декабрида 2 млрд. долларлик заём бериш тўғрисида келишувга эришилди. 1975-76-молия йилларида ҳарбий мақсадга ажратилган маблағ жорий нархларда 4,6 млрд фунт стерлингни ташкил қилди.

Франция иқтисодиёти. Франция дунёда иқтисодий ривожланиш даражаси ва экспорт ҳажми бўйича тўртинчи ўринда туради. 1997 йил ЯИМ 8183 млрд. франк (1363 млрд \$) ни ташкил этди ва бу Франция аҳолисига сайёрамиздаги ҳаётнинг энг юқори даражаларидан бирини таъминлади. Бу мамлакатнинг иккинчи жаҳон урушидан кейинги даврда иқтисодий жиҳатдан тез ривожланганлиги натижасидир. Европа қурилиш жараёни ва ташқи савдо натижасида мамлакат иқтисоди ХХ асрнинг иккинчи ярмида анча ўзгарди. Қишлоқ хўжалиги модернизациялаштирилди ва Франция бу соҳада ташқи бозорда АҚШ билан рақобатлашди; саноатда таркибий қайта қуриш ўтказилди ва замонавий технологияларга йўналтирилди. Ниҳоят, хизмат соҳаси, банклар, савдо ва туризм миллий иқтисодни ривожланиш йўли бўйлаб олдинга етакловчи кучлардан бирига айланди.

30 йиллардаги инқироз ва иккинчи жаҳон уруши Франция иқтисодини ҳолсизлантирди. 1945 йилда мамлакатда инфратузилма бузилган, ишлаб чиқариш қувватлари эскирган, молия тизими йўқ бўлган, ташқи савдо амалда нолга тушиб кетган эди. 1945-1974 йилгача бўлган даврда Франция саноати ривожланган бошқа давлатлар каби узоқ муддатли иқтисодий ўсиш даврини бошдан кечирди ва «Баракали 30 йиллик» давомида иқтисодиётини оёққа турғазди, савдо муҳофазасини ҳал қилди.

1945-1958 йилларда мамлакатда реконструкция ўтказилди, хусусан, ишлаб чиқариш воситалари модернизациялаштирилди. Бунда давлат режалаштириш ва давлат секторини кенгайтиришда муҳим роль ўйнади. У йирик банклар, кўмир қазиб олиш, газ ва электр таъминоти ҳамда саноатнинг бир қисмини ўз назорати остига олди, «РЕНО» каби корхоналарни миллийлаштирди. Шу билан бир қаторда мамлакат Маршалл режаси доирасида Америка ёрдамидан фойдаланмоқда. Биринчи босқичда давлат ҳокимияти учун муҳим вазифавий соҳаларга транспорт, энергетика ва оғир саноат киради. 1948 йилда ишлаб чиқаришнинг иккинчи жаҳон урушигача бўлган даражасига эришилди ва ишчи кучига ўсиб бораётган талаб натижасида тўлиқ бандлик таъминланди. Мамлакат истеъмолчи жамиятга айлана бошлади, кучли демографик ўсиш эса, ички талабни ушлаб турди. Лекин Франция савдоси асосан олдинги мустамлака империя билангина чегараланиб қолди. 1958 йилда экспорт улуши ЯИМ нинг атиги 9% ини ташкил қилди, совуқ мустамлакаларга эса француз импортининг бир қисми, экспортининг эса 1/3 қисми тўғри келди.

1958-1973 йилгача ўртача иқтисодий ўсиш суръати 5,5% ни ташкил этди, ЯИМ франкда ўзгармас нархларда 2 мартага ўсди, саноат ишлаб чиқаришининг ўсиши эса, йилига 5,7% ни ташкил қилди. Инвестиция соҳасидаги ташаббускорлик давлатдан хусусий секторга ўтди. Хусусий секторнинг ривожланиши учун омил бўлиб энергия ва минерал хомашёлар хизмат қилди. Шу вақтнинг ўзида деколонизация ва айниқса, 1951 йили Европа кўмир ва пўлат бирлашмасига, 1957 йилда Европа иқтисодий ҳамжамиятига аъзо бўлиши натижасида Франция ташқи савдо учун очиқ мамлакатга айланди. 1973 йил «Франк зонаси», яъни собиқ компанияларга мамлакат импортининг 3,5% ва экспортининг 5,1% идан кўп бўлмаган қисми тўғри келди. Шу вақтнинг ўзида саноати ривожланган мамлакатлар Франция ташқи савдосининг 7,6% ини таъминлади, ЕИХга эса 64% товар обороти тўғри келди. Қишлоқ хўжалиги ва саноатда модернизация чуқурлаштирилди. Давлат транспорт инфратузилмасини ривожлантирди, хусусан, автострадалар қурилди ва авиа-

ция саноати ҳамда ядро энергетикаси соҳасида йирик миқёсдаги дастурлари қўллаб-қувватланди. Бундан ташқари, саноат децентрализацияси ва ҳудудларни ривожлантириш сиёсати натижасида Париж ва вилоятлар ўртасидаги иқтисодий ўсиш соҳасидаги дисбаланс қисқарди.

«Баракали 30 йиллик» долларнинг 1971 йилдаги олтинга конвертирланиши бекор қилиниши ва 1973 йили биринчи нефть кони натижасида кучайган валюта мувозанатсизлиги пайдо бўлиши билан тугади. 1979 йилда нефть нархларининг янада кескин ўсиши кузатилди ва бу доллар курси ошиши билан чуқурлашди. Франциянинг энергияга қилган харажатлари 1972 йил 14 млрд. франк (31 млрд. \$) гача ошди. 1985 йилдагина нефть нархлари ва доллар курсининг тушини натижасида ташқи савдо яхшиланди. Шу даврда иқтисодий ўсиш суръати секинлашди ва йиллар ўртасида кескин тебранишлар бўлди. Рақобатдошликни ошириш учун корхоналар меҳнат унумдорлигини ўстириш ва ишчи кучини қисқартириш йўлидан борди. 1980 йилларнинг охиригача Франция кучли инфляция билан курашишига тўғри келди, бу эса нархлар ўсиши ва икки томонлама рақобатга олиб келди: АҚШ ва Япония билан замонавий технологиялар ва ривожланаётган давлатлар билан қундалик истеъмол товарлари соҳасидаги рақобатдан саноатнинг тўқимачилик, қора металлургия, ўйинчоқ ва электроника соҳалари зарар кўрди. Айрим минтақа ва шаҳарларда бу соҳалар етакчи ва ягона бўлгани боис зарба кучлироқ бўлди. Натижада ҳақиқий ижтимоий фалокат юз берди, бу ҳақда Вогез водийларида тўқимачилик саноати, Валансьен ва Лонгви анъанавий металлургия ҳудудларидаги юқори ишсизлик даражалари гувоҳлик беради.

Охириги йилларда Францияда кўпгина иқтисодий кўрсаткичларнинг анча яхшиланиши кузатилди. Бу мамлакатнинг Мاستрихт шартномасида ўрнатилган мезонларга жавоб берувчи даражага чиқишига ва 1999 йил ўнта бошқа шериклари билан валюта Иттифоқига аъзо бўлишига имкон берди. Биринчи навбатда иқтисодий ўсиш жадаллашди. 1990-1996 йиллардаги мўътадил ўсиш суръати 2,3% ни, 1998 йил деярли 3% ни ташкил этди. Бу ўсишга Франция учун ташқи бозорлардаги қулай шароитлар, айниқса, Франция ташқи савдо оборотининг 80%ини ташкил этувчи саноати ривожланган давлатлар бозоридаги шароитлар сабаб бўлди. У 1997 йилдан бери уй хўжаликларини ҳамда кўп йиллар давомида орқада қолаётган, қисқартириш мўлжалланаётган корхоналарнинг инвестицияга талаби билан алоқадор ички бозордаги ҳолати яхшиланишида акс этди. Эндilikда буюртмалар портфели тўлмоқда, товарлар захираси тикланмоқда.

Асосий савдо шерикларидан узоқ вақт давомида баландроқ бўлган инфляция суръатлари тартибга солинди. 1980 йилларнинг бошида 14%ни ташкил этган нархлар ўсиши 1991 йилдан бошлаб 3%гача қисқарди. Бу кўрсаткич 1996 йилда 1,5, 1997 йилда 1,3, 1998 йилда эса тахминан 1 фоизни ташкил этди. Бу шерикларнинг узоқ муддатли консенсуси, сиёсий қарашларидан қатъи назар бир-бирини қўллаб-қавватлашлари 10 йилдан ортиқ давом этган барқарорлаштириш сиёсати ҳаётга татбиқ этилиши натижасидир.

Ташқи савдодаги катта ютуқлар миллий иқтисодиёт ривожланишининг яна бир кўрсаткичи бўлди. Агар 1990 йилларнинг бошларигача таркибий характерли ташқи савдо дефицити кузатилган бўлса, ҳозирги вақтда мусбат сольдо анчагина ошгани сезилмоқда. Чунончи, бу борадаги кўрсаткич 1992 йилда 31 млрд. франк (5,1 млрд. \$), 1996 йилда 122 млрд. франк (20 млрд. \$), 1997 йилда 175 млрд. франк (29 млрд. \$)ни ташкил этди. 1992 йилда улушига ташқи савдо оборотининг 60% тўғри келган Европа Иттифоқидаги кўпгина шериклар билан мусбат сольдо кузатилди.

Шуни ҳам таъкидлаш керакки, Европадаги кўпгина давлатлардаги каби Францияда ҳам ишсизлик аввалгидек катта иқтисодий-ижтимоий муаммолигича қолмоқда. Дарҳақиқат, кейинги 20 йил давомида мамлакат рўйхатига олинган ишсизлар сони муттасил ошиб борди. Бу борадаги ўсиш 1974 йилда 430 минг, 1980 йилда 1.400 минг, 1990 йилда 2.483 минг, 1998 йилда деярли 3 млн. нафарни ташкил этган. Ишчи ўринларининг энг кўп қисқариши қурилиш ва қайта ишлаш саноатлари қайд этилди. Хизмат соҳасида эса меҳнат унумдорлиги ўсишига қарамасдан ишчилар ўринлари анча кўпайди.

Бу ўринда эслатиб ўтиш керакки, сиёсий қарашдан қатъи назар ишсизлик муаммосини ҳал этиш барча мамлакатлар ҳукуматларининг муҳим вазифаси бўлиб қолди. Кейинги ойлarda Францияда иқтисодий ўсиш ва бандлик бўйича кўрилган қатор чоралар, хусусан, кам маош оладиган ишчиларга ижтимоий тўловларни қисқартириш натижасида ишсизлик даражаси бироз пасайди. Аммо шунга қарамай, Франциянинг бу борадаги ютуқлари у билан шериклик қилаётган аксарият мамлакатлардагидан анча кам.

Францияда давлат бюджетининг дефицити яна бир йirik муаммо. Бу борадаги кўрсаткич кўшни давлатлардаги каби анча юқори. Лекин ўтган асрнинг 90-йилларида кескин ёмонлашган. Бу жараён 1994 йилдан бироз яхшилана бошлади. Давлат бошқарувини молиялаштириш эҳтиёжи авваллари ЯИМ-

нинг 5,8%ини ташкил этган бўлса, 1996 йилда 4,2% ни, 1997 йилда 3,1%ни, 1998 йилда эса 3%ни ташкил этди. Бунга маҳаллий ҳокимият органлари ва ижтимоий таъминот тизими даромадлари ва харажатлари таркибини ўзгартиришга қаратилган чора-тадбирлар татбиқ этилиши туфайли эришилди. Агар 1995 йилда бюджет дефицити 323 млрд. франк (53,8 млрд. \$) бўлган бўлса, 1997 йилда 268 млрд. франк (44,6 млрд. \$) гача қисқарди.

Ҳукумат Европадаги бошқа мамлакатлар каби давлат бюджети дефицитини қисқартириш дастурини татбиқ эта бошлади, «Конвергенция» дастури харажатларини қатъий тартибга солишга киришди. Бу жараёнда ишсизликни пасайтириш ва давлат харажатларини қисқартириш учун иқтисодий цикл тебранишига сезгир бўлган соҳаларда алоҳида тадбирлар ўтказишдан воз кечмади. Хуллас, давлат харажатларининг катталиги мажбурий тўловлар — солиқлар ва ижтимоий тўловлар 58%га етишига давлат қарзи кўпайишига олиб келди. Тўғри, бу борадаги кўрсаткич Европадаги кўпгина мамлакатлардагига нисбатан паст, лекин бу қарз бўйича фоизлар тўлови давлат бюджети харажатларининг 14% ини ташкил этмоқда.

Қисқача хулосалар

Чет эл бозорларида ХХ аср давомида кўпгина ижтимоий, ташкилий, иқтисодий ўзгаришлар бўлди.

Ривожланган мамлакатларда иқтисодиётни режали тартибга солиш усуллари бир хил эмас. Шунингдек, Ғарбий Европа мамлакатларида режалаштириш тизимларига ёндашишлар ўта хилма-хил.

Ғарбий Европанинг Британ оролларида жойлашган Буюк Британия саноатида қайта қуриш жараёнлари жонланди. Францияда қишлоқ хўжалиги модернизациялаштирилди, саноатни таркибий қайта қуришда замонавий технологияларга эътибор қаратилди.

Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Ривожланган мамлакатларда иқтисодиётни макроиқтисодий тартибга солиш эволюциясининг асосий босқичларини изоҳлаб беринг.

2. Ривожланган давлатларда давлат сектори қай тарзда пайдо бўлди?

3. ХХ асрнинг 30-70 — йилларида ривожланган мамлакатларда давлатнинг иқтисодиётга аралашуви қандай тавсифланади?

4. Ўтган асрнинг 70-90 — йилларида ривожланган мамлакатларда давлатнинг иқтисодиётга аралашуви қандай натижалар берди?

5. Буюк Британия иқтисодиёти қай ҳолатда?

6. Франция иқтисодиёти-чи?

Асосий адабиётлар

1. Бачурин А. Эволюция рынка при капитализме и государственное регулирование. Ж-л. «Экономист», 1991, №2.

2. Линдерт П.Х. Экономика мирохозяйственных связей. Пер. с англ. — М., «Прогресс», 1992.

3. Ишмухамедов А.Э., Шибаршова Л.И. Регулирование экономики в зарубежных странах. Тексты лекций. — Т.: ТГЭУ, 2000.

4. Р.И. Хасбулатов. Мировая экономика. — М.: ИНСАН, 1994.

ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАР ИҚТИСОДИЁТИНИ ТАРТИБГА СОЛИШДА ХАЛҚАРО ВАЛЮТА-МОЛИЯ ТАШКИЛОТЛАРИ

4.1. Халқаро валюта-молия ташкилотлари: мақсадлари ва хусусиятлари

Жаҳон валюта тизимини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш, жаҳон молиявий ресурслар бозорини барқарорлаштириш ва капитал айланишини рағбатлантириш мақсадида халқаро валюта-молия ташкилотлари ташкил этилган эди. Улар орасида Халқаро валюта фонди (ХВФ) ва қатор йирик банклар - Умужаҳон банки (УБ), Европа тикланиш ва тараққиёт банки (ЕТГБ), Халқаро ҳисоб-китоблар банки (ХХБ), Ислом Тараққиёт банки (ИТБ), Осиё Тараққиёт банки (ОТБ) ва бошқалар энг аҳамиятли ҳисобланади.

1944 йил Бреттон-Вудсда (АҚШ) БМТнинг валюта-молия масалалари бўйича анжумани бўлди. Унда 44 давлат ҳукумати вакиллари қатнашди. Анжуманда қатор битимлар, жумладан, «Халқаро валюта фонди тўғриси»да, «Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки (Умужаҳон банки) тўғрисида» битимлар тузилди. 28 мамлакат томонидан имзоланган бу битимлар БМТ доирасида йирик жаҳон молия ташкилотларини яратишнинг ҳуқуқий асоси бўлди.

Халқаро валюта фонди (ХВФ) 1945 йилнинг охирларидан иш юрита бошлади, ҳозирда унга 178 мамлакат аъзо. ХВФнинг асосий мақсади аъзо-давлатлар валюта-молия сиёсатини мувофиқлаштириш ва уларда тўлов балансини тартибга солиш ҳамда валюта курсини сақлаш учун қарз бериш ҳисобланади. Бунинг учун фонд тўлов балансида қийинчиликлар сезаётган ўз аъзоларини молиялаштиради, уларнинг хўжалик юртиш усулларини яхшилашга қаратилган техник ёрдам кўрсатади. Кейинги ўн йилда ХВФнинг молиявий воситачи ва йирик кредитор сифатидаги роли ошди.

Фонднинг молиявий ресурслари аъзо мамлакатлар бадалларидан, шуниингдек, расмий ва хусусий молиявий муассасалардан бозор шароитида қарзга олинган маблағлардан ташкил топади.

ХВФ операцияларининг хусусияти шундаки, у маблағларни чет эл валютаси ёки СДРни миллий валютага айирбошлаш йўли билан беради. Маълум вақтдан сўнг қарз олган мамлакат

қарзини фонд томонидан ўз ҳиссасидан ортиқ жамғарилган миллий валютасини сотиб олиш йўли билан қоплайди.

Умумий ҳисоб бўйича ХВФга барча аъзо мамлакатлар ундан хорижий валютани олгинда, конвертирланган валюта ва СДРда фонд капиталидаги ўз ҳиссасининг тахминан 25 фоизи чегарасида шартсиз олиши мумкин. Бу миқдордан ортиқ қарз ХВФнинг иқтисодий ва ижтимоий сиёсат соҳасидаги тавсиялари бажарилган тақдирдагина берилади.

ХВФдан суғуланиб келган давлатлар аниқ мақсадлар учун маъмурий ҳисоблар деб номланган имтиёзли кредитлар олишлари мумкин. 1987 йилда ҳар бир мамлакатнинг фонддан олинган кредитлар бўйича қарзи чегараси ўз квотасининг 400-440 фоизини ташкил қилди. Кредитлаш муддати, асосан, 3-5 йил (қарзнинг баъзи турлари бўйича 7-10 йил). Кредитлар учун фоизлар мунтазам қайта кўриб чиқилади. Утган асрнинг 80-йиллари охирида у ўртача 6,4 фоизни ташкил этди.

1986 йилдан кам ривожланган мамлакатлар иқтисодиёти таркибан қайта қуришни молиялаштиришнинг махсус тизими - САФ иш юрита бошлади. Бу тизим доирасида кредитлар имтиёзли шартларда берилади: қоплаш муддати — 10 йил, имтиёзли давр — 5,5 йил, йиллик ставкаси 0,5 фоиз.

Қарз олаётган мамлакат ўз иқтисодий тизимини батамом қайта қуриш юзасидан ХВФ билан келишилган уч йиллик дастурни амалга ошириш мажбуриятини олади.

1988 йилдан кам ривожланган мамлакатлар учун иқтисодиётни таркибан қайта қуришни молиялаштиришнинг кенгайтирилган тизими (ЕСАФ) фаолият бошлади. Бу тизимда молиявий ресурслардан фойдаланиш чегараси 1986 йилда иш бошлаган махсус тизим — САФнинг бундай ресурслардан фойдаланиш чегарасига нисбатан уч йил мобайнида мамлакат ҳиссасининг 150 фоизигача, айрим ҳолларда 350 фоизгача кенгайди.

Кредитлаш фаолиятининг асосий соҳаси бўлиб қолганлиги сабабли, у йирик иқтисодий тадқиқотлар марказига айланди. Бу эса унга мувофиқлаштириш функциясини самарали бажариш имконини берди.

4.2. Умулжаҳон банки фаолиятининг умумий тавсифи

БМТнинг Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки (ХТТБ), Халқаро молия корпорацияси (ХМК), Халқаро тараққиёт уюшмаси (ХТУ) ва Инвестицияларни кафолатлаш бўйича Халқаро Агентлиги (ИКХА) каби ихтисослашган муассасаларидан ташкил этилган гуруҳ Умулжаҳон банки деб аталади.

Умумжаҳон банки умумий раҳбарлик ва балансга эга. Банк қарзларнинг маълум қисмини имтиёзли шартларда, баъзан фоизсиз беришига қарамай, унинг фаолияти умуман фойда келтиради. Ривожланаётган мамлакатларга барча халқаро ташкилотлар томонидан ажратилган маблағлар йиллик ҳажмининг деярли учдан икки қисми айнан шу банк ҳиссасига тўғри келади.

Фаолиятини 1946 йилда бошлаган ХТТБ Умумжаҳон банкининг асосий ташкилоти ҳисобланади. Бу ташкилотга фақат ХВФ га аъзо мамлакатларгина аъзо бўлиши мумкин.

ХТТБнинг асосий мақсадлари — аъзо-мамлакатларга иқтисодий қайта қуриш ва ривожлантириш учун капитал қуйилмалар бериш, хусусий чет эл инвестицияларини рағбатлантириш орқали қўмаклашиш, тўлов баланси мувозанатини таъминлашга қаратилган қарз бериш. Банк томонидан қарзлар:

- асосан ривожланаётган мамлакатларга фақат ишлаб чиқариш мақсадлари, шунингдек, қишлоқ хўжалиги, энергетика, соғлиқни сақлаш, йўл хўжалиги ва бошқаларни ривожлантириш учун;
- қайтарилиши ҳукумат томонидан кафолатланган ҳолларда ва аниқ лойиҳалар учун;

- зарур маблағларни бошқа манбалардан олиш мумкин бўлмаган ҳоллардагина берилади.

ХТТБнинг молиявий ресурслари аъзо давлатларнинг банк томонидан чиқариладиган облигацияларга ёзилиши, шунингдек, халқаро пул бозорларида жойлаштириладиган облигация заёмлари ҳисобига олинган маблағлардан ташкил топади.

ХТТБ муайян мамлакатга кредит беришда унинг иқтисодий аҳволи ҳақида тўлиқ маълумот талаб қилади ва у ерга экспертлар гуруҳини жўнатади. Экспертлар гуруҳи тегишли мамлакатнинг иқтисодий ва молиявий аҳволини текширади, текшириш яқунларига асосан аниқ тавсиялар ишлаб чиқади. Агар кредит олаётган мамлакат бу тавсияларни қабул қилмаса, унга кредит берилмаслиги мумкин.

80-йиллардан бошлаб ХТТБнинг фаолияти қарзларга муҳтож мамлакатларда (Туркия, Филиппин, Индонезия, Чили, Аргентина, Мексика, Нигерия) иқтисодий таркибан қайта қуриш дастурини амалга оширишга қаратилмоқда. Бу йўналишда ХТТБ фаолияти ХВФ фаолияти билан бирлашиб кетади. ХТТБ аъзо-мамлакатлар ҳукуматларига ёки ҳукуматлар кафолат берган хусусий ташкилотларга ўрта ва узоқ муддатли (25 йилгача) қарзлар беради, берилган қарзларнинг қўрсатилган мақсадларга ишлатилишини назорат қилади, қарзлар бўйича фоизлар халқаро капиталлар бозоридан Банк оладиган кредитлар қийматига боғлиқ. 1993 молия йилида ўрта ва узоқ муддатли қарз капиталининг ўртача қиймати 5,97 фоизни ташкил этди.

Банкнинг бошқарув Кенгашида 7 етакчи мамлакат — АҚШ, Япония, Буюк Британия, Франция, Канада, Германия, Италия ҳал қилувчи овозга эга. Улар ХТТБнинг кредит сиёсатини аниқлайдилар.

ХТТБ ихтисослашган иккита шохобчага — Халқаро молия корпорацияси (ХМК) ва Халқаро тараққиёт уюшмаси (ХТУ)га эга. 1956 йилда яратилган ХМК ўз шахсий ресурсларига эга бўлган мустақил юридик шахс ҳисобланади, лекин унинг фаолияти ХТТБ билан чамбарчас боғланган. 1995 йилда ХМКга 165 мамлакат аъзо эди.

ХМКнинг асосий мақсадлари — ривожланаётган мамлакатларни қўллаб-қувватлаш, хусусий ва аралаш иқтисоддаги корхоналарни капитал қўйилмалар ёрдамида молиялаштириш, ишлаб чиқаришни ривожлантиришга хусусий инвестицияларни рағбатлантириш, иқтисодиётни бошқаришда ёрдам бериш.

ХМК фаолиятининг хусусияти шундаки, у қурилаётган ёки кенгайтирилаётган корхоналарнинг акционерлик капиталида хусусий акционерларга акцияларни қайта сотиш ҳуқуқи билан бевосита қатнашиши мумкин. Бироқ ХМКнинг ҳиссаси акционерлик капиталининг бешдан бир қисмидан ошмаслиги лозим.

ХМК молиявий ресурслари қуйидагилар ҳисобига яратилади:

ХМК акцияларига ёзилган аъзо давлатларнинг бадалларидан;

ХМК фойдасидан ажратмалардан;

ХТТБ дотацияларидан;

ХТТБдан қарзлар кўринишида жалб этилган маблағлардан.

ХМК Умумжаҳон банки муассасалари орасида энг даромадли ташкилот ҳисобланади. У устун равишда ўрта муддатли қарзлар (7-12 йил муддатга) беради, улар бўйича фоиз ставкалари бозордагидан юқори, чунки ХМК ресурсларининг катта қисми ХТТБ бадаллари ҳисобига шаклланади. Шу сабабли унинг кредитларидан кўпинча барқарор ривожланаётган мамлакатлардаги юқори фойда олувчи корхоналар фойдаланадилар. Ажратмалар асосан қайта ишловчи, қазиб олувчи саноат, сайёҳлик, коммунал корхоналарга йўналтирилади. Қарз қандай валютада олинган бўлса, шу валютада қайтарилади.

Халқаро тараққиёт уюшмаси (ХТУ) - 1960 йилдан ХТТБнинг шохобчаси сифатида фаолият кўрсатмоқда. Унинг фаолияти кам ривожланган мамлакатларга ёрдам беришга йўналтирилган ХТУдан кредит олиш учун 4 шарт ёки ҳолат асос бўлади. Чунончи, кредит олаётган мамлакат:

- жуда камбағал бўлиши (бу тоифага 1993 йилда ЯММ аҳоли жон бошига 690 доллар миқдорида тўғри келган мамлакатлар киради);

- иқтисодий, молиявий ва сиёсий жиҳатдан барқарор бўлиши;
- ўз тўлов балансида катта қийинчиликларни бошидан кечираётган бўлиши ва хорижий валютани имтиёзли шартларда олишдан бошқа имкониятларга эга бўлмаслиги;
- ривожланишга ҳақиқатда интилиши ва бу унинг сиёсатида акс этиши керак.

Шундай қилиб, ХТУнинг асосий мақсади ривожланаётган мамлакатларга имтиёзли кредитлар беришдир. Уюшманинг молиявий ресурслари қуйидагилардан ташкил топади:

- биринчи гуруҳ мамлакатларнинг бадаллари — бу 20 дан ортиқ ривожланган мамлакат, шунингдек, Қувайт ва Бирлашган Араб Амирликларининг конвертирланадиган валютадаги бадаллари;
- иккинчи гуруҳ мамлакатларнинг бадаллари — бу кам ривожланган мамлакатларнинг бадаллари (10 фоиз конвертирланган валютада ва 90 фоиз миллий валютада);
- аъзо-мамлакатларнинг миллий валютадаги қўшимча бадаллари;
- ХТТБ субсидиялари;
- Швейцария ажратадиган кредитлар.

ХТУ асосан узоқ муддатли кредитлар беради: кам ривожланган мамлакатлар учун (БМТ рўйхати бўйича) 40 йил муддатга ва бошқа мамлакатлар учун 35 йил муддатга. Бу муддатга қарз олган мамлакат ҳеч қандай тўловларни амалга оширмайдиган 10 йиллик давр ҳам киритилади (бунда фақат маъмурий харажатлар учун 0,75 фоиз миқдорида воситачилик ҳақи олинади).

3-жадвал

ХТТБ ва ХТУ томонидан 1993-1995 молия йилларида берилган кредитлар (млн. АҚШ доллари)

	1993 йил		1994 йил		1995 йил	
	Жами	Европа ва Марказий Осиё	Жами	Европа ва Марказий Осиё	Жами	Европа ва Марказий Осиё
Кредитлаш ҳажми	23696	3844	20836	3726	22522	4499
Улардан:						
ХТТБ	16945	3740	14244	3533	16853	3954
ХТУ	6751	104	6592	193	5669	545

Кредитлар асосан иқтисодий ва ижтимоий инфратузилмани, шунингдек, қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга йўналтирилади.

Европа тикланиш ва тараққиёт банки: мақсадлари ва фаолият доираси. Жаҳон валюта тизимининг ривожланишида, валюта операциялари ва кредит оқимларини халқаро миқёсда тартибга солишда БМТнинг ихтисослашган муассасалари қаторига кирмайдиган йирик молиявий ташкилотлар катта роль ўйнайди. Европа тикланиш ва тараққиёт банки (ЕТТБ)нинг шундай ташкилотлар орасидан таъсисчилари – 34 мамлакат. Уларга Марказий Европа мамлакатлари (жумладан, собиқ иттифоқ), АҚШ, Япония, Австралия, Янги Зеландия, Туркия, Кипр, Мальта, шунингдек, Европа Ҳамжамияти Комиссияси ва Европа инвестиция банки киради. У Марказий ва Шарқий Европа мамлакатларига бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнида ислохотларни ўтказишга кўмаклашиш мақсадида 1991 йилда тузилган.

ЕТТБ нинг асосий фаолият доирасига қуйидагилар киради:

– турли лойиҳаларни молиялаштириш ва кредитлаш. Бунда ресурсларнинг 60 фоизи хусусий бўлинишига, 40 фоизи давлат бўлинишига мўлжалланган;

– хусусий капитал қўйилмаларга кафолатлар бериш;

– иқтисодиётни таркибан қайта қуриш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқиш.

Низом капиталининг 51 фоизи ЕХ мамлакатларига, 15 фоизи Шарқий Европа мамлакатларига (шу жумладан, собиқ иттифоққа 6 фоиз) тўғри келади.

Халқаро ҳисоб-китоблар банки фаолиятининг хусусиятлари. Халқаро ҳисоб-китоблар банки (ХХБ) ёки Базель банки молиявий операциялар олиб боришни ХВФдан 17 йил аввал бошлаган бўлса-да, ундан ресурсларининг миқдори ва ҳиссадор-мамлакатлар сони бўйича сезиларли даражада орқада. АҚШнинг кучли таъсирида бўлган ХВФдан фарқли равишда, ХХБда Фарбий Европа давлатларининг мавқеи баланд. У қисқа муддатли кредитлар беришга ихтисослашган. Ҳозирги вақтда кўп-лаб Европа мамлакатларининг Марказий банклари унинг кредитларидан фойдаланади ва ўз резервларини шу ерда жойлаштиради. Банк ўз ҳисоб бирлигига эга. Бу Швейцария франки. ХХБ ҳиссадор-мамлакатларнинг Марказий банки, шунингдек, бошқа йирик халқаро валюта ва кредит ташкилотлари билан ҳаммуносабатларда Халқаро валюта тизимининг ривожланиши, аҳволи ва келажаги ҳақида турли маълумотларга эга. Бу эса банкка баъзи миллий пул бирликларининг аҳволи, шунингдек, бозор ва валюта-молия конъюнктурасини аниқ баҳолашга имкон беради.

Осиё ва Ислон тараққиёт банклари. Осиё Тараққиёт банки (ОТБ) - ўз кредит фаолиятини 1967 йилдан бошла-

ди. Унга Осиёнинг 43 давлати эъзо. Банкнинг асосий мақсадлари — китаънинг ривожланаётган мамлакатларига иқтисодий ва ташқи савдони юксалтиришда кўмаклашиш, ҳудудий ҳамкорликни рағбатлантириш, аъзо мамлакатларга техник ёрдам кўрсатиш ва уларнинг иқтисодий сиёсатини мувофиқлаштириш.

Фаолиятининг хусусияти шундан иборатки, у ўз кредитларининг 30 фоизини имтиёзли шартларда махсус фонддан беради. У бу маблағларни Европа бозорига жалб этиб, уларни ривожланаётган мамлакатларга 25-40 йилга мўлжалланган узоқ муддатли кредитларга айлантиради. Бунда аниқ имтиёзли фоиз ставкаларини кўзда тутлади.

Кредитлар, шунингдек, тижорат шартларида ёки юқори бозор фоиз ставкаси бўйича 10-25 йил муддатга оддий фондлардан ҳам берилади.

Ислом тараққиёт банки (ИТБ) фаолиятини 1975 йилнинг охирида ҳукуматлараро даражада бошлади. Унга ислом дини ҳукмрон бўлган мамлакатлар, яъни Ислом анжуманининг деярли барча аъзолари киради. Низом капиталининг миқдори ОТБ Низом капиталидан 5 марта кам.

Асосий мақсади аъзо-мамлакатларнинг ривожланиш лойиҳаларини, ташқи савдони кредитлаш ва савдо ҳамда sanoat компаниялари капиталларини сармоялашдан иборат.

4.3. Халқаро валюта-молия ташкилотларининг ўзаро алоқалари

Халқаро валюта-молия ташкилотлари ҳамда йирик трансмиллий банклар бир мамлакатдан бошқа мамлакатга капитал қуйилишини таъминлаш билан бирга, турли минтақалар ижтимоий-иқтисодий ривожланишини тенглаштириш, жаҳон хўжалиги самарадорлиги ўсишига ёрдам беради. Бу ташкилотларнинг ўзига хос хусусиятлари шундаки, улар бир-бирларига ўзаро боғлиқ, молиявий операцияларни юқори тезликда амалга оширишади, доимо жаҳон молиявий ресурсларининг аҳволи тўғрисида оператив ахборотларга эҳтиёж сезишади. Бундай муаммолар, ўз навбатида, халқаро банклараро коммуникациялар ёки халқаро тўловларни амалга оширишнинг автоматлашган тизимини (СВИФТ, «Виза Интернейшнл»), халқаро ахборот марказларини (DATA-STAR — Швейцария, DIALOG — АКШ, EUROSTAR — Европа иқтисодий ҳамжамияти, Рейтер, TRADSTAR — Швейцария ва бошқалар) барпо этиш орқали ҳал этилади.

Ўзбекистон қатор молиявий ташкилотлар аъзоси сифатида 80 дан ортиқ хорижий банклар билан иқтисодий алоқалар

ўрнатиб, халқаро банклараро коммуникациялар (СВИФТ, «Виза Интернейшнл») тизимларига уланган.

Савдо ва саноат соҳасидаги халқаро ташкилотлар. Халқаро иқтисодий муносабатлар дастлаб ҳунармандчилик, кейинчалик саноат маҳсулотларини айирбошлаш кўринишида ривожлана бошлади. Ҳозирда савдо ва саноат соҳасида қуйидаги йирик халқаро ташкилотлар мавжуд: Умумжаҳон савдо ташкилоти (УСТ), савдо ва ривожланиш бўйича БМТ Анжумани (ЮНКТАД), Саноат ривожланиши бўйича БМТ ташкилоти (ЮНИДО) ва бошқалар.

Умумжаҳон савдо ташкилоти — 1995 йилнинг бошида ташкил этилган бўлиб, муҳим халқаро ташкилот - ГАТТ нинг давомчисидир. ГАТТ кўп томонли халқаро битим ижрочилари бўлиб, иштрокчи мамлакатлар ўртасидаги савдо муносабатларини тартибга солувчи, шунингдек, савдо масалалари бўйича музокаралар ва маслаҳатлар ўтказувчи халқаро ташкилот эди. Халқаро савдо муносабатлари масалалари билан шуғулланувчи ушбу халқаро ташкилот 1974 йилда тузилган. Дастлаб битимга 23 мамлакат имзо чеккан. 1994 йилнинг охирида унда 128 мамлакат қатнашди.

ГАТТнинг асосий мақсади халқаро савдодаги тўсиқларни, айниқса, Божхона тарифлари ва импорт квоталарини камайтириш эди.

Кейинги 30 йил ичида саноат маҳсулотига импорт тарифлари ривожланган мамлакатларда 40% дан 5% гача пасайди. Бош битим ўз ичига тўртта катта қисмни олади:

- шартнома тузаётган томонларнинг асосий мажбуриятлари;
- бу мажбуриятлардаги истисно;
- йиллар мобайнида қўшилган тузатмалар йиғиндиси;
- ривожланаётган мамлакатларнинг ўта муҳим муаммоларига тааллуқли моддалари.

ГАТТнинг барча қатнашчилари амал қилиши лозим бўлган асосий қоидалари қуйидагилардан иборат:

- савдо камситишларисиз амалга оширилиши лозим. Бу қоидага кўра, агар икки мамлакат Божхона тарифларини қисқартириш ёки бошқа янги тадбирни амалга ошириш ҳақида келиш бўлса, у ҳолда бу ГАТТнинг бошқа қатнашчи мамлакатларига ҳам тарқатилиши керак;

- миллий саноат миқдорий ёки бошқа маъмурий чора-тадбирлар ёрдамида эмас, балки фақат Божхона тарифлари ёрдамида ҳимояланиши;

- Тарифлар оширилиши мумкин эмас, аксинча кўп томонламали музокаралар натижасида қисқартирилиши лозим;

- иштрокчи мамлакатлар савдо муаммоларини ҳал этиш юзасидан ўзаро маслаҳатлашишлари зарур.

Халқаро савдонинг ривожланишида ГАТТ муҳим роль ўйнайди. Лекин жаҳон иқтисодиётининг ўсиши ва жаҳон хўжалиги алоқаларининг мураккаблашуви, халқаро инвестициялар ва хизматлар савдосининг кенгайиши янги ташкилий тизим барпо қилинишини талаб этди.

Умумжаҳон савдо ташкилоти (УСТ) ГАТТ нинг давомчиси бўлиб, ундан бир қатор хусусиятлари билан ажралиб туради. Биринчидан, ГАТТ ташкилий асосга эга бўлмаган кўп томонлама битим иштирокчилари уюшмаси бўлса, УСТ ўз котибиятига эга бўлган доимий муассасадир. Иккинчидан, ГАТТ қоидалари фақат маҳсулотлар савдосига тегишли эди, УСТ қоидалари эса хизматлар савдосини ҳам қамраб олади.

Ўзбекистон ГАТТ га кириш ҳақида бошлаган музокара-ларни УСТ билан давом эттирмоқда. Шу сабабли Республика-мизнинг бу соҳадаги қонунчилиги УСТ қоидаларига мослашти-рилмоқда. Бу халқаро савдони тартибга солувчи миллий меъёр-лар, қоидаларни бир шаклга келтиришга ёрдам беради ҳамда Ўзбекистоннинг УСТга қўшилишини енгиллаштиради, ортиқча расмиятчиликка барҳам беради, ташқи иқтисодий фаолият ха-ражатларини қисқартиради.

4.4. Европа Валюта Иттифоқи

Европа Валюта Иттифоқи шаклланишида унинг босқич-лари ҳамда Ягона Валютага ўтиш тартиби, шунингдек, «Европа ҳудуд» ига кириш учун «Конвергенция шартлари» тўғрисида чуқурроқ тўхталиб ўтиш талаб этилади.

Биринчи босқич. Европа Валюта Иттифоқи шаклланиши-нинг биринчи босқичи 1990 йил 1 июлдан 1993 йил 31 декабрга-ча давом этди ва ҳозирда тўлиқ якунланган. Унинг доирасида Европа Иттифоқи ҳақидаги Маастрихт шартномаси бандлари рўёбга чиқиши учун зарур бўлган тайёргарлик ишлари олиб бо-рилди. Хусусан, Европа Иттифоқи аъзо давлатлари ўртасида ва Европа Иттифоқи ҳамда учинчи давлатлар ўртасида капитал миграцияси йўлидаги барча тўсиқлар олиб ташланди. Европа Иттифоқи ичидаги давлатларнинг иқтисодий кўрсаткичларини бир-бирига яқинлаштиришга катта эътибор берилди. Шу мақсаддаги шартномалар имзоланди, уларда антиинфляцион, бюджет сиёса-тининг конкрет мақсадлари ва кўрсаткичлари кўрсатилди. Евро-ни киритишга тайёргарлик сифатида бу дастурлар Европа Итти-фоқининг иқтисодий ва молиявий масалалар бўйича Кенгаши

(ЭКОФИН) га тақдим этилиб, Маастрихт шартномасида кўрса-тиб ўтилган инфляциянинг паст суръатларини, аъзо давлатлар валюталари ўртасидаги алмашинувни барқарор сақлаб қолишга ва давлат молиясини соғломлаштиришга қаратилди.

Иккинчи босқич. Европа Валюта Иттифоқини шакллантиришнинг иккинчи босқичи 1994 йил 1 январидан бошланиб, 1998 йил 31 декабргаа давом этади. У аъзо давлатларнинг евро киритишига янада пухта тайёргарлик кўришига мўлжалланган эди. Унинг асосий ташкилий воқеаси Европа Марказий Банкининг аввалгиси сифатида Европа Валюта институти тузилмаси бўлди. Унинг асосий вазифаси евро киритилишининг 3-босқичидан бошлаб Европа Марказий Банки ўз функцияларини ба-жара олиши учун зарур бўлган керакли ҳуқуқий, ташкилий, моддий-техник шарт-шароитни шакллантириш эди. У шунингдек, Европа Иттифоқига аъзо давлатларининг миллий пул сиёсатлари мувофиқлиги кучайиши учун масъул ва миллий давлатлар Миллий банкларига шу доирада тавсиялар бера олар эди.

Бу босқичдаги бошқа асосий воқеалар қуйидагилардир:

1. Европа Иттифоқига аъзо давлатлар ичида давлат секторидаги корхона ва ташкилотларни Марказий банклар томонидан кредитлаш орқали молиялаш ва Марказий банклар давлат қарзларини сотиб олишни тақиқловчи қонунчиликнинг қабул этилиши. Бу тақиқ 3-босқичда ЕМБга ҳам тарқатилди;

2. Давлат сектори корхоналарининг молиявий институтлар маблағига имтиёзли фойдаланишини тақиқловчи қонун қабул этилиши. Бу 3-босқичда ЕМБ га ҳам тарқатилди;

3. Бирон аъзо давлатнинг давлат секторлари қарзларини бошқа аъзо давлат ва ЕВИ сотиб олиши тақиқланди;

4. Барча аъзо давлатлар бюджет дефицитининг ҳаддан ташқари ошиб кетмаслигига барча кучларни сафарбар этишлари қатъий талаб қилинди. Бу ЕИ Кенгаши томонидан назорат жараёнига киритилди ва бунақа дефицит бўлган тақдирда соғломлаштирувчи чора-тадбирлар ҳақида таклифлар киритиш белгиланди;

5. Шароити бор давлатларда миллий Марказий банклар устав мустақиллигини таъминловчи миллий қонунчилик қабул қилиниб, уларнинг ҳуқуқий мақомини ЕМБ ҳуқуқий мақоми билан тенглаштирилди.

Нихош, 1998 йил 2 майда давлат бошлиқларидан иборат ЕИ Кенгаши сессиясида кўпчилик овоз билан қайси давлатлар ЕВИ шаклланишининг 3-босқичида еврога ўтиши белгилаб берилди. Бу ҳақдаги қарор ЭКОФИН тавсиясига кўра, қабул қилинди. Тавсия эса Маастрихт шартномаси ва бунга тегишли прото-

кол билан ўрнатилган, еврога ўтишда бажарилиши лозим бўлган давлат молиясини барқарорлаштириш бўйича «ўтиш» мезонларига асосланганди. Бу мавзуда ЕвроПарламент билан консултациялар ўтказилди ва тегишли хулосалар ЕИ Кенгашига юборилди. 3-босқичдан Еврога ўта олмайдиган давлатлар айрим шартларни вақтинча бажармаслик ҳуқуқини олди (ri ins).

Учинчи босқич ва ягона валютага ўтиш тартиби. Учинчи босқич 1999 йил 1 январдан бошлаб, еврони миллий валюталарга нисбатан қатъий алмашув курслари ўрнатилди, Евро эса унга ўтган давлатларнинг умумий валютаси бўлиб қолди. У ЭКЮ ни 1:1 нисбатда алмаштирди. Европа Марказий банклари тизими бу борада иш бошлади, ЕМВ эса аъзо давлатлар учун пул сиёсатини олиб боришда евродан фойдалана бошлади.

2002 йил 1 январдан Евро банкнотлари ва тангаларини муомалага чиқариш ва миллий валюталарни муомаладан чиқариш жараёни бошланди. 2002 йил 1 июлигача давом эттирилган бу босқич Еврони ягона қонуний тўлов ва муомала воситасига айлантирди.

Тўртинчидан, «Евро ҳудуди»да қатнашиш учун «конвергенция мезонлари» ЕИ доирасида иқтисодий ва Валюта Иттифоқи самарали фаолият олиб бориши учун аъзо давлатлар барқарор конвергенциянинг юқори даражасига эришишлари талаб этилади. Шу мақсадда ягона валютага ўтишдан манфаатдор давлатлардан Мааастрихт шартномасида ва 6-Протоколда кўзда тутилган барча «конвергенция мезонларига» риоя қилиш талаб этилади. Бу мезонлар қуйидагилардир:

- баҳолар барқарорлигининг юқори даражасига эришиш;
- ҳукуматнинг барқарор молиявий ҳолати;
- курс тебранишининг ўрнатилган меъёрларига риоя этиш;
- «яқинлашиш» динамикаси.

Қисқача хулосалар

Жаҳон валюта тизимини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш, жаҳон молиявий ресурслар бозорини барқарорлаштириш ва капитал айланишини рағбатлантириш мақсадида халқаро валюта-молия ташкилотлари ташкил этилган.

БМТнинг Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки, Халқаро молия корпорацияси, Халқаро тараққиёт уюшмаси ва Инвестицияларни кафолатлаш бўйича Халқаро Агентлиги каби ихтисослашган муассасалардан тузилган гуруҳ Умумжаҳон банкни ташкил этади.

Халқаро валюта-молия ташкилотлари ҳамда йирик транснационал банклар бир мамлакатдан бошқа мамлакатга капитал қўйилишини таъминлаш билан бирга турли минтақалар ижтимоий-иқтисодий ривожланишини тенглаштиришга, жаҳон хўжалиги самардорлигининг ўсишига ёрдам беради.

Европа Валюта Иттифоқи шаклланишида унинг босқичлари ҳамда ягона валютага ўтиш тартиби, «Европа ҳудуди» га кириш учун «Конвергенция шартлари» ўзига хос аҳамият касб этади.

Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Халқаро валюта-молия ташкилотларининг мақсадлари нима?
2. Халқаро валюта-молия ташкилотларининг ўзига хос хусусиятлари нималарда намоён бўлади?
3. Умумжаҳон банки гуруҳи фаолиятига умумий тавсиф беринг.
4. ХТТБ нинг асосий мақсадлари нималардан иборат?
5. ХМК нинг асосий мақсадлари нималардан иборат?
6. ХТУ нинг асосий мақсадлари-чи.
7. ЕТТБ нинг асосий фаолияти нималарга йўналтирилган?
8. ИТБ нинг асосий мақсади нималарга қаратилган?
9. Европа Валюта Иттифоқи ҳақида нималарни биласиз?

Асосий адабиётлар

1. П.Р.Кругман, М. Обстфельд. Международная экономика. Теория и политика. МГУ, – М.: 1997.
2. Р.И.Хасбулатов. Мировая экономика. – М.: «ИНСАН», 1994.
3. Р.И.Хасбулатов. Международные экономические отношения. – М.: «Новости», 1991.
4. А.Э.Ишмухамедов, Л.И. Шибаршова. Регулирование экономики в зарубежных странах. – Т.: ТГЭУ, 2002.

РИВОЖЛАНГАН МАМЛАКАТЛАР ИҚТИСОДИЁТИДА КАПИТАЛНИНГ ХАЛҚАРО ҲАРАКАТИ

5.1. Капитал ҳаракатининг моҳияти ва унинг юзага келиш шарт-шароитлари

Капитал ҳаракати ёки унинг юқорироқ фойда олиш мақсадида бир мамлакатдан бошқасига кўчиб юриши халқаро иқтисодий муносабатларнинг тез ривожланаётган шакли ҳисобланади.

1983—1989 йилларда Халқаро валюта фондига аъзо мамлакатларда товарлар экспорти 1,7 марта, капитал экспорти 3,7 марта ошди. Капитал экспортининг тезлашувига биринчи навбатда иқтисодий ривожланган мамлакатларда ишлаб чиқаришнинг янада марказлашуви ва молия капиталининг жамғарилиши асосий туртки бўлди. Йирик корпорацияларнинг пайдо бўлиши ва уларнинг кредит-банк тизими билан бирлашуви капиталнинг мамлакатлараро кўчиб юришига шароит яратди ва шу орқали товарлар сотиш бозорлари янада кенгайтирилди. Тадбиркорлар ва ҳукумат чет эллик шерикларига кредит ёки қарзлар бериш, хорижда ўз ишини ташкил этиш ва хорижий банкларда ўз банкларининг корреспондент ҳисобларини очиш, бошқа мамлакатда қимматли қоғозлар ва кўчмас мулкни сотиб олиш орқали капитал олиб чиқишни амалга оширадилар. Капитални олиб чиқиш билан бир вақтда ҳар қандай мамлакат, капитал ҳам олиб келади, яъни капиталнинг халқаро ҳаракати жараёни боради. Ўз моҳиятига кўра, бу асосан молиявий мажбуриятларни, молиявий оқимларнинг бир мамлакатдан бошқа мамлакатга кўчиб ўтишини билдиради. Яъни, қарз берувчилар ёки мулкдорлар қарз олувчиларга ёки компанияларнинг хориждаги корхоналарига ҳозирда фойдаланиш учун пул ёки инвестицион товарни берганда ҳамда унинг эвазига келажакда фоизлар ёки дивиденд келтирувчи мажбуриятларни ёки акцияларни олган тақдирда капитал ҳаракати юз беради. Шунга мувофиқ, капитални олиб келиш ва олиб чиқишнинг бир неча шакллари ажратилади.

4-жадвал

Капитал ҳаракатининг шакллари

Иқтисодий мазмунига кўра	Ким томонидан амалга оширилишига кўра	Кўриниши бўйича	Муддатига кўра
Сеуда капитали	Ҳусусий, давлат	Пул кўринишида	Қисқа муддатли
Тадбиркорлик капитали	Халқаро ташкилотлар капитали	Товар кўринишида	Узоқ муддатли

Ссуда капитали олиб чиқиш — бир мамлакатдаги қарз берувчининг бошқа мамлакатдаги қарз олувчига маълум муддатда қайтариб бериш ва фоизларини тўлаш шарти билан кредит беришидир. Агар капитал фоизлар шаклида фойда олиш мақсадида берилмасдан, балки хориждаги корхоналар, жумладан, қўшма корхоналарни яратишга сарфланса, у ҳолда бу тадбиркорлик капиталини олиб чиқиш ёки хорижга инвестиция чиқариш, деб аталади. Чет эл инвестициялари инвесторга хорижий корхоналар устидан назоратни таъминлаш ҳуқуқини берса, улар турли инвестициялар ҳисобланади, корхоналар эса асосий компаниянинг чет эллардаги ишлаб чиқариши бўлиб қолади. Хорижий инвестор томонидан назорат қилиш ҳуқуқини аниқловчи кўрсаткич сифатида улар эга бўлган акционерлик капиталининг ҳиссаси ишлатилади. Бу АҚШда 10, Франция ва Буюк Британияда 20 фоизга яқин, Германияда 25 фоиздан 50 фоизгача, Ўзбекистонда у 49 фоиз даражасида. Агар хорижий инвесторларнинг компания активларидаги ҳиссаси ушбу мамлакатда ўрнатилган даражадан паст бўлса, у ҳолда чет эл инвестори корхонани бевосита бошқаришда қатнаша олмайди ва фақат акциялардан дивидендлар олиб туради. Инвестицияларнинг бундай шакли портфель инвестициялари деб юритилади.

5-жадвал

Капитал ҳаракати

Ссуда капитали	Қарзлар ва кредитлар Банк депозитлари ва бошқа молиявий институтлар ҳисобидаги маблағлар
Тадбиркорлик капитали	Бевосита (тўғридан-тўғри) инвестициялар Портфель инвестициялар

Капитал хорижга хусусий бизнес, давлат компаниялари ва ҳукумат, халқаро ташкилотлар томонидан қарзга берилиши ёки инвестиция қилиниши мумкин. Шу сабабли ҳам капитал ҳаракати хусусий ва давлат капитали, шунингдек, халқаро ташкилотлар капитали шаклида амалга оширилади.

Капитал машина ва асбоб-ускуналар, патентлар ва «ноу-хау»лар, хорижий фирма устав капиталига қўйилмалар, товар кредитлари кўринишида олиб келиниши ва олиб чиқилиши мумкинлиги учун унинг ҳаракати пул ва товар шаклларига ажратилади. Муддати бўйича капитал ҳаракати қисқа ва узоқ муддатли бўлиши мумкин. Қисқа муддатли капиталга банк депозитлари ва турли молиявий институтлар ҳисобларидаги маблағлар, қисқа муддатли қарзлар киради. Узоқ муддатли капитални олиб келиш ва олиб чиқиш деганда тури инвестициялар, портфель инвестициялар, узоқ муддатли қарзлар тушунилади.

Капитал ҳаракатининг барча шакллари бир-бири билан ўзаро боғлиқ ва уларни ажратиш шартлидир. Масалан, капитал қўйилмалар кўринишидаги хорижий портфель инвестициялар халқаро кредитга ҳам киритилиши мумкин.

Замонавий босқичда капитал ҳаракати ўзига хос қатор хусусиятларга эга бўлиб, улардан қўйидагиларни ажратиб кўрсатиш мумкин: ривожланган мамлакатларда капитал жамғаришнинг катта миқдордаги ва нисбатан ортиқчалиги туфайли капитал ҳаракатининг кескин ўсиши. Сўнги 20 йил давомида капитал экспортининг жаҳон товар айланишидаги ҳиссаси икки марта кўпайди ва ҳозирги вақтда 15 фоиздан ортиқни ташкил этади. 1970 йиллардан бошлаб халқаро айирбошлаш тарихида биринчи бор ривожланган мамлакатларнинг хорижий корхоналаридаги ишлаб чиқариш ҳажми уларнинг товар экспортдан ортиқ бўлди, яъни бу мамлакатлар ўзларининг хорижда амал қилаётган иккинчи иқтисодиётларини ярата бошладилар. Масалан, АҚШ «иккинчи иқтисодиёти»нинг кўлами Ғарбий Германия, Англия, Францияникидан икки марта кўпроқдир.

Илғор ғарбий Европа мамлакатлари хорижий корпорацияларининг ишлаб чиқариш ҳажми улар яши маҳсулотининг 30 фоизга яқинини ташкил этади. Капитал ҳаракатининг яна бир муҳим хусусияти шундан иборатки, замонавий шароитларда унинг йўналишлари сезиларли ўзгарди. Агар дастлаб, у энг ривожланган мамлакатлардан кам ривожланган мамлакатларга устун равишда ссуда шаклида берилган бўлса, ҳозирга келиб хорижий капитал асосан ривожланган мамлакатлар ўртасида инвестициялар кўринишида берилади ва олинади. Ўтган асрнинг 90 - йиллар бошларида бу мамлакатлар ҳиссасига хорижий капитал экспортининг 97 фоизи ва импортнинг 75 фоиздан ортиғи тўғри келди. Бу ўзаро инвестициялаш жараёнининг кучайиши билан боғлиқ бўлиб, унда турли мамлакатлар иқтисодиётнинг бир тармоғига мансуб корхоналарни ривожлантириш учун биргаликда маблағ жалб этидилар. Масалан, Германиядаги кимё концерни АҚШ га, Америка корпорацияси эса Германия кимё саноатига маблағ қўяди.

Капиталларни байналмилаллаштириш жараёни, айниқса, илмий тадқиқотлар ва улардан фойдаланиш соҳасида яққол намоён бўлмоқда, ўтган асрнинг 80-йиллари охирида саноатда олиб борилган илмий тадқиқот ишларида хорижий инвестициялар ҳиссаси умумий харажатларда Канадада 26,3 фоизни, Буюк Британияда 16,9 фоизни, Францияда 10,3 фоизни ташкил этди. Саноатнинг ахборотлар технологияси, биотехнология ва янги материаллар каби илғор тармоқларида АҚШ, Япония ва Европа корпорациялари хорижий фирмалар билан ўз миллий фирмала-

рига нисбатан кўпроқ битим туздилар. Капитал ҳаракати жараёнини таҳлил қилиб, қуйидагиларни таъкидлаш мумкин:

Капитал олиб чиқишда баъзи жаҳон марказларининг роли сезиларли ўзгарди. Бунда аввало, капитал экспортида АҚШ ҳиссасининг пасайганини таъкидлаш лозим. 1988 йилдан бошлаб бу мамлакат жаҳондаги йирик қарз берувчидан қарздорга айланди. Шу вақтда Япония жаҳоннинг етакчи инвестори ўрнини эгаллади: унинг хорижий инвестициялари 1986—1990 йилларда 1981—1985 йиллардагига нисбатан деярли беш марта кўпайди.

Европа мамлакатларининг ягона ҳамжамиятга бирлашуви капиталнинг марказлашувига олиб келди ва уларни бошқа давлатларга олиб чиқишга имкониятлар яратди. Чунончи, 1988 йилда Европа Ҳамжамияти ва унинг баъзи аъзолари ривожланаётган мамлакатларга кўрсатилаётган ёрдамнинг 47 фоизини берган бўлса, АҚШ ва Япониянинг кўрсатилаётган ёрдамдаги ҳиссалари 20 фоиздан ошмади.

Капитал ҳаракати географиясидаги ўзгаришларга, шунингдек, янги саноатлашган мамлакатлар ҳам ўз ҳиссаларини қўшдилар. Уларнинг бир маромда ривожланиши хорижий капитални ўзига жалб этибгина қолмай, балки ўз капиталини экспорт қилишга ҳам имкон берди. 1990 йиллардан бошлаб собиқ социалистик мамлакатлар ҳам жаҳон капитал айирбошлаш жараёнига фаол қўшилдилар. Бу мамлакатларда туб структуравий ўзгаришларни амалга ошириш учун зарур бўлган ички жамғармаларнинг етишмаслиги ташқи қарзлар ва чет эл инвестицияларига бўлган эҳтиёжни келтириб чиқарди.

Халқаро айирбошлашнинг таркибий қисми ҳисобланган капитални олиб келиш, олиб чиқиш мамлакатлар ўртасидаги иқтисодий муносабатларнинг бошқа шакллари, жаҳон ҳўжалиги тараққиётининг барча жараёнлари билан ўзаро чамбарчас боғланган.

Етакчи давлатлардаги ёки мамлакатлар гуруҳидаги иқтисодий пасайишлар ва ўсишлар, сиёсий инқирозлар ва ҳарбий ихтилофлар капитал миграциясининг кўлами ва ривожланишида бевосита акс этади. Бу жараёнлар билан бир вақтда, капитал ҳаракатининг ўзи ҳам жаҳон иқтисодиётининг ривожланишига сезиларли таъсир кўрсатади ва халқаро муносабатлар хусусиятларини белгилаб беради.

5.2. Халқаро кредитнинг асосий турлари ва уларнинг тавсифи

Капитал ҳаракатининг муҳим шакли ссуда капиталининг халқаро кредит кўринишида олиб келиниши ва олиб чиқили-

ши ҳисобланади. Корхоналар, аҳоли ва давлатда бўш пул жамғармаларининг пайдо бўлиши, уларнинг банклар, суғурта ва инвестиция компанияларида тўпланиши, шунингдек, трансмиллий компаниялар, банклар, халқаро молия-кредит муассасаларининг пайдо бўлиши ссуда капитали жаҳон бозорининг шаклланишига олиб келади. Бу бозорда турли мамлакатлардаги қарз берувчилар ва қарз олувчилар кредит бериш шартлари ва кредит миқдорини белгиловчи шартномалар тузадилар.

Турли белгиларига кўра, халқаро кредитнинг бир неча кўринишлари мавжуд. Капиталнинг халқаро ҳаракати каби кредит ҳам қарз берувчи ва муддати бўйича алоҳида турларга бўлинади. Кредитлар ким томонидан берилишига қараб хусусий, ҳукумат ва халқаро ташкилотлар кредитларига ажратилади. Хусусий кредитлар хусусий фирмалар ва банклар томонидан берилади ҳамда фирма ва банк кредитларига бўлинади.

Фирма кредити. Фирма ёки тижорат кредити бир фирма томонидан бошқасига тўлов муддатини тўзиш шarti билан товарларни сотиш кўринишида берилади. Ушбу ҳолда кредит олиш-сотиш битимига хизмат қилади ва товарни ишлаб чиқариш соҳасидан истеъмол соҳасига ҳаракатлантиради. Кредитнинг бу тури вексель шаклида ёки очиқ ҳисоб бўйича берилади. Вексель шаклидаги кредитда импорт қилувчи товар ҳужжатларни олиб экспорт қилувчи томонидан ўтказиладиган вексель (траттани) тўлашга розилик билдиради (акцепт) ёки оддий векселни расмийлаштиради.

Очиқ ҳисоб бўйича кредитда экспорт қилувчи импорт қилувчининг қарз мажбуриятларини олмайди, балки қарздор томонидан вақт-вақти билан қопланадиган (ҳар 1—2 ойда) қарздорлик ҳисобини очади. Фирма ёки тижорат кредити халқаро савдода кенг қўлланилади, чунки у маҳсулотни сотиш ва фойда олиш жараёнини жадаллаштиради. Бироқ, фирмалар молиявий имкониятларининг чегараланганлигини ҳисобга олган ҳолда, у инвестиция товарларини етказиб беришда ишлатилмайди. Бундай ҳолларда экспорт қилувчилар тижорат кредитини банк муассасалари ёрдамида қайта молиялаштиради.

Банк кредити. Фор-фейтинг, факторинг ва харидор кредити. Банк кредити кенг тарқалган кредит турларидан ҳисобланиб, тижорат кредитидан фарқли равишда унинг кредит битимлари йўналиши, муддати чегараланмаган. Банк кредитининг қўлланиш соҳаси кенгроқ бўлиб, у фақат товарлар айланишига эмас, балки капитал жамғарилишига ҳам хизмат кўрсатади. Шунинг учун банк кредити икки томонлама хусусиятга эга. Биринчи ҳолда у пуллар ссудаси сифатида, яъни қарз мажбуриятларини қоплаш учун зарур бўлган тўлов маблағлари сифатида қатнашиши мум-

кин. Қарз олувчи товар, вексель, қимматбаҳо қоғозларни гаровга қўйиб, ўзи учун таъминланган кредит олади. Бу кредит қўшимча капитал ҳисобланмайди. Иккинчи ҳолда, қарз олувчи таъминланмаган кредит олади ва уни амалдаги капитални кўпайтиришда қўллайди. Бунда банк кредити капитал ссудаси шаклида қатнашади. Фор-фейтинг, факторинг ва харидор кредити банк кредитининг ўзига хос шакллари ҳисобланади.

Фор-фейтинг — импорт қилувчи томонидан тўлашга розилик билдирилган векселларни экспорт қилувчидан сотиб олиш шаклидаги ташқи иқтисодий операцияларни кредитлашдир. Бунда тўлов мажбуриятлари бўйича барча хавф-хатарлар ҳам векселларни сотиб олувчига (фор-фейтерга) ўтади. Шунинг учун харидор импорт қилаётган мамлакат банкининг кафолат беришини талаб қилади. Кредитнинг бу шакли ўрта муддатлидир, яъни етти йилгача. Унинг асосида кредит берувчи экспортёр, импортёрга бўлган талабларини бошқаларга ўтқазиб, ўзининг молиявий балансини яхлитлашга имкон яратади.

Вексель — қатъий белгиланган шаклдаги ёзма қарз мажбурияти бўлиб, унинг эгасига муддат тугаши билан (расман 1 йил, ҳақиқатда 1—3 ой) қарздордан кўрсатилган пул миқдорини тўлашни талаб этиш ҳуқуқини беради. Оддий ва ўтказиладиган векселлар ажратилади. Оддий вексель қарздор томонидан берилади ва имзоланади. Ўтказиладиган вексель (тратта) кредит берувчи томонидан (трассант) берилади ва имзоланади ҳамда ўзида кўрсатилган муддатда белгиланган миқдорни учинчи шахсга (реамитентга) тўлаш ҳақидаги қарздорга (трассат) буйруқни акс эттиради.

Ўтказиладиган вексель бўйича розилик бериш (акцепт) — тўловчи томонидан векселда кўрсатилган муддат келиши билан уни тўлаш мажбуриятини олишдир. Бу векселнинг олд томонида тўловчи қўйган оддий имзо бўлиши мумкин. Вексель ҳам чеклар, банкнотлар каби кредит пуллари деб аталади. Бироқ, агар банк вексели товар битими билан мустаҳкамланмаган бўлса, унда вексель қимматбаҳо қоғоз, яъни акция ва облигация каби қўлланиши мумкин.

Облигация — қарз бериш ҳақидаги гувоҳнома. Унинг эгаси ҳар йил белгиланган даромадни олиш ҳуқуқига эга, яъни у қатъий фоиз келтиради. Акциядан фарқли равишда у облигация бошқаришда овоз бериш ҳуқуқини бермайди, фақат белгиланган миқдорда даромад келтиради ва маълум муддат ўтгандан сўнг сотиб олинishi лозим бўлади.

Факторинг — воситачи компания томонидан қарздорнинг тўлов мажбуриятларини тўловга қабул қилиб, уни тезда ёки ўр-

натилган муддатларда мол эгасига тулаш. Кредитлашнинг бу шакли шунинг учун ҳам устунки, унда факторинг компаниясига (воситачига) ҳисоб-китоб ҳамда бозорга чиқишнинг молиявий натижаларини таҳлил қилиш функцияларининг маълум қисми ҳам ўтади. Кредитнинг бу шаклидан истеъмол молларини ишлаб чиқаришга ихтисослашган, экспорт обороти катта бўлмаган фирмалар кўпроқ фойдаланади.

6-жадвал

Халқаро кредитнинг кўринишлари

1. Ким томонидан оширилишига кўра	Хусусий кредитлар	Фирма ёки тижорат	Вексель шаклида	
			Очиқ ҳисоб бўйича	
		Банк кредити	Қарз мажбуриятларини қоплаш учун	Фор-фейтинг
				Факторинг
				Хоридор кредити
Капитал ўсишини таъминловчи				
Давлат кредити				
Халқаро ташкилотлар кредити				
2. Муддатига кўра	Қисқа муддатли (1 йилгача)			
	Ўрта муддатли (1 йилдан 5 йилгача)			
	Узоқ муддатли (5 йилдан кўп)			
3. Кредитлаш объектига кўра	Молиявий кредитлар	Қарзларини тулаш учун		
		Қимматбаҳо қоғозларга сармоялар қўйиш		
		Тўғридан-тўғри сармоялар		
	Боғлиқ кредитлар			
4. Таъминланиш хусусиятларига кўра	Таъминланган (товар, қимматбаҳо қоғозлар билан)			
	Таъминланмаган кредитлар			
5. Шаклларига кўра	Товар кредитлари			
	Валюта кредитлари			

Факторинг компаниялари тижорат банклари фаолияти билан чамбарчас боғланган бўлиб, улардан кредит ёрдами ва харидорларнинг кредит қобилияти ҳақида маълумотлар олади. Шунингдек, факторинг компаниялари ўзаро халқаро гуруҳларни, ассоциацияларни ташкил этадилар. Бу компаниялар экспорт қилувчиларни кредит хавф-хатарларидан ва кредитни суғурта қилиш харажатларидан озод қилади.

Харидор кредити экспорт қилувчи банк томонидан бево-сита импорт қилувчига ёки унга хизмат кўрсатувчи банкка берилади. У контракт баҳосининг 80—85% фоизигачасини қамраб олади, қолганини импорт қилувчи қўшимча манбалар ҳисобига молиялаштиради. Келишилган миқдор чегарасида у кредит берувчи мамлакат, баъзан эса бошқа мамлакатларнинг ҳам ҳар қандай фирмасига мол етказиб бериш ҳақини тулаши мумкин. Бу фирмаларни танлашда кредит бераётган банк аҳами-

ятли роль ўйнайди. Экспорт қилувчилар учун бундай кредитлар доирасида мол етказиб бериш нақд тўловларни билдиради.

Капитал ўсишини таъминловчи банк кредити ёки банк инвестициялари — банк ресурсларини фоизлар ёки дивидендлар кўринишида олиш мақсадида узоқ муддатга қурилиш ва бошқа ишлаб чиқариш тармоқларига, асосан саноатга қўйишдир.

Ҳукумат ва халқаро ташкилотлар кредитлари . Ҳукумат кредитлари ёки ҳукуматлараро ва давлат заёмлари ҳукумат кредит муассасалари томонидан масалан, АҚШ, Япониянинг экспорт-импорт банклари томонидан, Франциянинг ташқи савдо банки ва экспортни узоқ муддатга кредитлаш, қайта молиялаштириш, хусусий банкларнинг суғурта кредитларини кафолатлаш билан шуғулланаётган бошқа банклари томонидан берилади. Бу кредитларнинг хусусияти уларнинг имтиёзлилиги ва мақсадлилигидадир.

Халқаро ташкилотларнинг кредитлари асосан Халқаро валюта фонди, Умумжаҳон банки, Европа Ҳамжамиятининг кредит-молия муассасалари, шунингдек, қатор ҳудудий кредит банклари томонидан берилади.

Молиявий ва боғлиқ кредитлар. Кредитлашнинг объектига қараб, молиявий ва боғлиқ кредитлар ажратилади. Молиявий кредит деганда, молиялаштириш объектини келишмаган ҳолда, яъни кредитлаш мақсадларини аниқламастан туриб, пул-валюта кўринишида маблағлар бериш тушунилади. Бу қарзларни тўлаш ҳам, инвестициялар бериш ҳам бўлиши мумкин. Молиявий кредитнинг кенг тарқалган шакли облигация ҳисобланади. Улар хорижий қарз олувчилар томонидан банклар ёрдамида ссуда капиталининг халқаро ва миллий бозорларида жойлаштирилади.

Молиявий кредитлар кредит бераётган мамлакатлар валютасида, шунингдек, учинчи валютада ёки агар қарз бир неча мамлакатларда жойлашган бўлса, бир нечта валюталарда берилиши мумкин. Облигациялар ҳиссасига ссуда капиталлари халқаро бозорлардаги барча ўзлаштирилган маблағларнинг 61 фоизи тўғри келса, қолган 39 фоизи банк кредитларига тўғри келади.

Боғлиқ кредитлар маълум мақсадлар учун берилади. Бу аниқ ташқи савдо операциялари (тижорат кредити) ёки маълум инвестиция ва бошқа лойиҳалар бўлиши мумкин.

Халқаро кредитнинг барча кўринишлари ва шакллари бири-бири билан ўзаро боғланган, баъзи ҳолларда бир-бирига мос келади. Масалан, фирма, тижорат ва боғлиқ кредитлар ёки қисқа муддатли ва тижорат кредитлари, узоқ муддатли ва молиявий кредитлар ва ҳ. к.

Халқаро кредит миллий иқтисодиёт ва жаҳон хўжалиги ривожланишида муҳим роль ўйнайди.

Биринчидан, у бўш пул маблағларини айрим мамлакатлар ўртасида қайта тақсимлайди, уларни жаҳон хўжалиги самарадорлиги ўсишини таъминловчи соҳаларга йўналтиради.

Иккинчидан, капиталнинг айланиш вақтини қисқартиради, ҳисобларни жадаллаштиради ва шу билан муомала харажатларини камайтиради.

Ўчинчидан, миллий иқтисодиётга таъсир этувчи муҳим воқита ҳисобланиб, халқаро кредит давлатга иқтисодий ўсиш самарадорлигини тартибга солиш имконини беради.

5.3. Халқаро ссуда капитали бозори

Ссуда капитали бозори нима ва унинг асосий иштирокчилари кимлар?

Қарз берувчи ва қарз олувчи ўртасида воситачи бўлиб ссуда капитали бозори қатнашади. Халқаро ссуда капитали бозори — бут турган пул капиталларини тўпланиш ва мамлакатлар ўртасида қайта тақсимлаш бўйича муносабатлар мажмуасидир. Унинг асоси евро-бозор ҳиобланади. Унда операциялар устун равишда долларда, шунингдек, немис маркасида, иенада ва бошқа конвертирланадиган валюталарда, улар келиб чиққан мамлакатлар ташқарисида амалга оширилади. Бу бозорнинг асосий иштирокчилари йирик фирмалар ва банклар, молия, суғурта, инвестиция, холдинг компаниялари, нафақа фондлари, ҳукумат ташкилотлари ва халқаро валюта-кредит муассасалари ҳисобланади.

Пул бозори ва капитал бозори. Халқаро ссуда капитали бозори ўз ичига пул ва капиталлар бозорларини олади.

Пул бозори — халқаро савдога хизмат кўрсатиш билан боғлиқ қисқа муддатли операциялар (бир неча соатдан бир йилгача) бозоридир. Унинг муҳим қисми банклараро бозор ёки қисқа муддатли таъминланмаган банклараро ссудалар (депозитлар) бозоридир. Бу ерда ссуда капитали харид ва тўлов маблағи сифатида амал қилади, юқори ликвидлилик ва ҳаракатчанлиги билан ажралиб туради.

Капиталлар бозори узоқ муддатли операциялар бозори ҳисобланади. Унда ссуда капитали ўз-ўзидаи ўсиб борувчи қиймат сифатида қатнашади, яъни шаклига кўра у, ўз иавбатида, кредит ва қимматбаҳо қоғозлар бозорларига бўлинади (7-жадвал).

Жадвалдан кўриниб турибдики, халқаро кредит бозорида асосий қатнашувчилар иқтисодиёти ривожланган мамлакатлар-

дир. Улар нафақат молия ресурсларининг асосий етказиб берувчилари, балки шу маблағлардаи ўзлари ҳам кенг фойдаланадилар. Масалан, 1994 йилда жаҳон кредит бозорларида 634,5 млрд. доллар тўпланган бўлса, шунинг 87 фоизи иқтисодиёти ривожланган мамлакатлар томонидан қарзга олинган.

7-жадвал

1990—1994 йилларда халқаро кредит бозорларида тўпланган молия маблағлари, млрд. долл.

Барча мамлакатлар	1990	1991	1992	1993	1994
Қарз олувчи гуруҳи бўйича	361,4	432,5	458,3	625,8	634,5
Ривожланган мамлакатлар	312,4	374,0	398,4	537,3	554,2
Иқтисодиёти ўтиш давридаги мамлакатлар	4,7	1,7	1,5	6,3	3,7
Ривожланмаётган мамлакатлар	28,9	42,2	37,5	61,5	64,3
Кўп томонлама муассасалар	15,4	14,7	20,9	20,7	12,4

Қимматбаҳо қоғозлар бозори капиталлар бозорининг асосий бўғини ҳисобланади. Унда облигациялар, акцияларни чиқариш ва уларни иккиламчи жойлаштириш амалга оширилади. Дастлаб, у фонд биржалари сифатида пайдо бўлди, бироқ ҳозирги вақтда унинг биржа бўлмаган бўғини кенгаймоқда.

Пул ва капиталлар бозорлари бир-бири билан ўзаро чамбарчас боғланган ва бу, айниқса, қисқа муддатли ресурсларнинг ўрта ва узоқ муддатли кредитларга айланиш жараёнида яққол намоён бўлади.

Жаҳон ссуда капитали бозори географик жиҳатдан жаҳон савдоси ва капитал миграциясига хизмат кўрсатувчи кўп сонли кредит-молия муассасалари тўпланган йирик халқаро молиявий марказлар мажмуаси сифатида акс эттирилиши мумкин. Облигация, акциялар чиқариш ва қимматбаҳо қоғозлар савдоси кенг тарқалган Нью-Йорк, халқаро валюта, депозит ва кредит операцияларида етакчи мавқега эга бўлган Лондон, Цюрихларни шулар жумласига киритиш мумкин. Сўнгги йилларда жаҳон савдо ва молия марказлари қатори Сингапур, Гонконг, Бахрейн ва бошқалар ҳисобига кенгайиб бормоқда.

Ссуда бозорида капиталлар ҳаракатининг асосий тартибга солувчиси кредит қиймати ҳисобланади. У учта таркибий қисмдан иборат:

- фоиз ставкаси;
- комисион ва бошқа тўловлар;
- суғурта мукофотлари.

Бевосита қарз берувчига тўланадиган асосий қисм фоиз

ставкаси ҳисобланади. Унинг даражаси жаҳон миллий пул бозорларининг аҳволига, шунингдек, қарз берувчи ва қарз олувчи ўртасидаги келишувларга боғлиқ.

Фоиз ставкалари қайд этилган ва сузиб юрувчи ставкаларга бўлинади.

Қайд этилган фоиз ставкалари кредитнинг барча муддатига белгиланади.

Сузиб юрувчи фоиз ставкаси қарз берувчи ва қарз олувчи ўртасида келишилган муддат орасида (асосан 3 ва 6 ойдан кейин) капитал бозоридаги аҳволга қараб қайта кўриб турилади.

Сузиб юрувчи фоиз ставкаси икки қисмдан таркиб топади:

Асос қилиб олинган ставка. Бундай ставка сифатида АҚШ банкларининг биринчи даражали қарз олувчилари учун ставкалари, шунингдек, Лондон банклари томонидан шу тоифадаги мижозларга қисқа муддатли ссудалар беришда ишлатиладиган ўрта фоиз ставкалари (либор) қўлланилади. Расмий жиҳатдан либорнинг ўрнатилган даражаси мавжуд эмас. Ҳар бир йирик Лондон банки бу ставкани валюта бозоридаги талаб ва таклифга қараб аниқлайди. Либор валюта турлари ва муддатига қараб (1, 3, 6 ва 12 ой) табақалаштирилган.

Устамалар ёки маржа. Унинг миқдори қарз олувчи ва қарз берувчи ўртасидаги келишув бўйича аниқланади.

Кредит қийматининг иккинчи қисми — комисион тўловларидир. У қарз берувчи банкка белгиланган муддат мобайнида зарур кредит ресурсларини қарз олувчи ихтиёрига бериш ва резервда сақлаш мажбурияти учун тўланади. Шунингдек, комисион тўловлар агар кредит алоҳида банклар томонидан эмас, балки банклар уюшмаси томонидан берилса, кредит операцияларини ўтказишни бошқариш учун ҳам тўланади. Сўнгги ҳолда етакчи банк ёки уюшма ишини ташкил этувчи менежер кредитлашда қатнашиш ҳиссасини ҳамда қарзни узишдан, фоизларни тўлашдан тушадиган маблағларни уюшма аъзолари ўртасида тақсимлайди. Бунинг учун қарз олувчидан бошқариш учун бир марталик тартибда комисион тўловлар олинади.

Кредит қийматининг сўнгги қисми суғурта мукофоти бўлиб, махсус суғурта муассасаларига тўланади. Чунки улар юз бериши мумкин бўлган йўқотишларни суғурта қилувчи билан келишилган миқдор доирасида қоплаш мажбуриятини ўз зиммасига олади. Ҳозирги вақтда экспорт кредитларининг суғурта қилиш миқдори эҳтимоли бўлган йўқотишларнинг 80—90 фоизини ташкил этади, баъзида эса ҳатто 100 фоиз ҳам бўлиши мумкин.

Кредит қиймати ссуда капитали бозоридаги талаб ва таклиф асосида аниқланади. Кредитларнинг барча турлари, яъни

хусусий, ҳукумат ва халқаро ташкилотларнинг кредитлари устун равишда бозор қиймати бўйича берилади, бироқ баъзи ҳолларда қарз олувчи томонидан маълум шартлар сақланганда ҳукумат кредитлари ва халқаро ташкилотларнинг кредитлари бозор қийматидан паст бўлган имтиёзли нархда берилиши мумкин. Белгиланган муддат тутагандан сўнг қарз олувчи асосий қарзи ва фоизлар бўйича қарзларни тўлаши лозим. Биринчи асосий қарз — бу, фойдаланилган ва маълум вақтгача ҳали қопланмаган кредит, иккинчиси — бу, узилмаган асосий қарз бўйича ҳисобланган ва маълум муддатгача ҳали тўланмаган фоизлар миқдоридир.

Асосий узилмаган қарзга тўловлар ва у бўйича ҳисобланган фоизларга тўловлар ўзида ташқи қарзга хизмат кўрсатиш бўйича харажатларни акс эттиради.

Кредит муддати: фойдаланиш муддати, имтиёзли давр ва узиш муддати.

Ҳар бир қарз олувчи қарзидан ўз вақтида қутилиш имкониятига эга бўлиши учун олинган қарздан максимал даражада самарали фойдаланишга ҳаракат қилиши лозим. Бунда кредит муддати муҳим аҳамиятга эга. Кредитнинг тўла ва ўрта муддатлари фарқланади. Кредитнинг тўла муддати фойдаланиш муддатини, имтиёзли даврни ва узиш муддатини ўз ичига олади.

Банк кредитидан фойдаланиш муддати бу қарз олувчи ўз мажбуриятларини бажариш (тўлаш) учун банк ссудасидан фойдаланиш, фирма кредити бўйича эса, товарни етказиб бериш ва харидор томонидан экспорт қилувчига ўз розилигини билдириш йўли билан қарздорлигини тан олиш муддатидир.

Имтиёзли давр — кредитдан фойдаланиш муддатидан кредитни ўзиш бошланишигача бўлган даврдир. Бу даврнинг миқдори инвестиция товарларини етказиб беришни кредитлашда катта аҳамиятга эга. Чунки у кредитни қоплаш бошланишини олинган ускуналарни ишга туширишга яқинлаштиради ва шу асосда капитал қўйилмаларни қоплаш муддатини қисқартиришга имкон беради.

Узиш муддати — кредитлар бўйича асосий қарзни, ҳисобланган фоизлар ва комисион тўловларни тўла тўлаш юз берадиган вақтдир.

Фойдаланиш - узиш муддатлари ва имтиёзли даврни кредитлашнинг турли вариантларида турлича бўлганлиги сабабли, кўплаб ҳисоб-китобларни амалга оширишда кредитнинг ўртача муддати қўлланилади.

Қисқача хулосалар

Капиталнинг ҳаракати ёки капитални юқорироқ фойда олиш мақсадида бир мамлакат доирасидан бошқа мамлакатга кўчиб юриши халқаро иқтисодий муносабатларнинг тез ривожланаётган шакли ҳисобланади.

Капитал ҳаракатининг муҳим шаклларида бири ссуда капиталини халқаро кредит кўринишида олиб келиниши ва олиб чиқиб кетилиши ҳисобланади.

Халқаро ссуда капитали бозори деганда пул капиталининг бир жойга тўпланиши ҳамда бу капитални мамлакатлар ўртасида қайта тақсимлаш бўйича муносабатлар мажмуасини тушунамиз ва бунинг асоси евро бозор ҳисобланади.

Назорат ва муҳоакма учун саволлар

1. Капитал ҳаракатининг моҳияти нимада?
2. Уни қандай шарт-шароитлар юзага келтиради?
3. Мамлакатлар ягона ҳамжамиятга бирлашувдан қандай мақсадларни кўзда тутуди?
4. Халқаро кредитнинг қандай асосий турлари мавжуд?
5. Халқаро ссуда капитали бозори ҳақида нималарни биласиз?
6. Устамалар ва маржа қандай аниқланади?

Асосий адабиётлар

1. П.Х.Линдерт. Экономика мирохозяйственных связей. Пер. с англ. – М.: «Прогресс», 1992.
2. П.Р.Кругман, М. Обстфельд. Международная экономика. Теория и политика. – М.: МГУ, 1997.
3. Р.И.Хасбулатов. Мировая экономика. М.: «ИНСАН», 1994.
4. Р.И.Хасбулатов. Международные экономические отношения. – М.: Новости, 1991.
5. А.Э.Ишмухамедов, Л.И. Шибаршова. Регулирование экономики в зарубежных странах. – Т.: ТГЭУ, 2002.

ЯНГИ САНОАТЛАШГАН ДАВЛАТЛАР ИҚТИСОДИЁТИНИ ТАРТИБГА СОЛИШ

6.1. Янги саноатлашган давлатларнинг ижтимоий- иқтисодий ривожи

Ҳозирги кунда жаҳон иқтисоди 2 та қийин тараққиёт жараёнини бошдан кечирмоқда. Бу бир томондан, бозорларнинг глобаллашуви бўлса, бошқа томондан, минтақавий иқтисодий уюшмаларнинг вужудга келишидир. Бошқача қилиб айтганда, жаҳон иқтисодиётида 2 хил таъсир юз бермоқда: глобаллашиш ва минтақавийлашиш. Токиода бўлиб ўтган «катта еттилик» кенгашида (1994й) мана шу 2 хил таъсир ҳақида ижобий томондан айтиб ўтилди: йириклашиш ва минтақавийлашиш ўзаро зид эмас, балки бир-бирини тўлдиреди. Айни вақтда буюк иқтисодчи, олдинги ГФР канцлери Гельмут Шмидт ўзининг «Германияга хизмат қилмоқ» китобида таъкидлашича, дунёни ларзага солувчи иккинчи ҳолат — иқтисодиётнинг глобаллашуви содир бўлмоқда. Ҳақиқатда эса бу геосиёсий миқёсидаги ўзгартиришлар, Шарқий Европадаги ўзгаришлар ва сайёрамиз минтақаларидаги иқтисодий ривожланишнинг нотекислигидан яқин ўртада дунёдаги энг етишиб бўлмайдиган давлатларга нисбатан рақобат кўрсатиш учун иқтисодий марказларни фаол ташкил қилиш билан боғлиқ. Биринчи навбатда буларга Осиё - Тинч океани минтақаларидаги иқтисоднинг 55%и ЯММ ва 40% и жаҳон савдосига тўғри келадиган давлатлар кирди. Булар дунё аҳолисининг кўп қисми яшайдиган, жуда кўп хомашё ва меҳнат ресурсларига эга бўлган минтақалардир.

Ривожланаётган минтақалар орасида Осиё тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш соҳаси бўйича етакчидир. Унга жаҳон савдосидаги енгил саноат ва тайёр кийим-кечакнинг 40 %и тегишли. Тез суръатларда ривожланаётган минтақа бўлганлиги сабабли, Осиё дунёнинг бошқа қисмларидаги инвестицияларни ўзига жалб қилади. Бундан ташқари, у жуда кўп савдо-сотик қилади ва капитални минтақа ичкарасига йиғади (Осиёдаги экспортнинг деярли ярмиси ички минтақавий бозорга тўғри келади), бу эса ўзига яраша мувозанатни тутиб туради.

Ҳозир Ўзбекистон олдиде ечилиши қийин бўлган масалалар — ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг янги шакллари қидириш ишлари турибди. Мана шу масалаларни ечиш учун ижтимоий ва маданий қолоқликни жаҳон тажрибасидан фойдаланган ҳолда йўқотиш ва тараққиёт моделини янгилаш йўллари қидириш керак. Жаҳон тажрибаси деганда охириги 20-30

йил ичида иқтисодий ривожланишга эришган янги саноатлашган давлатлар тажрибаси тушинилади.

Янги саноатлашган давлатларнинг иқтисодий ривожланиш тажрибаси, уларнинг яхши ва ёмон томонларини ўрганиш, жаҳон хўжалигининг шаклланишида ўзаро муносабатларни аниқлаш Ўзбекистон иқтисодий стратегияси муаммоларига янгича қарашни тақозо этди.

Осиёнинг янги индустриаллашуви ҳақида гапирар эканмиз, биз «ривожланишнинг 3-йўли»ни назарда тутмаймиз, балки жаҳондаги ривожланган ва ривожланаётган давлатлар орасида маълум бир вақтда ўз ўрнини эгаллаган янги саноатлашган давлатлар (ЯСД): «биринчи» (Жанубий Корея, Тайвань, Сянган (Гонгконг), Сингапур), иккинчи (Индонезия, Филиппин), учинчи (Малайзия, Таиланд)нинг иқтисодий қолоқликни бартараф этиш усуллари назарда тутаямиз. Гап тез суръатлар билан миллий бозорни ташкил қилиш ва иқтисодий, сиёсий масалаларни ҳал этиш учун бюрократик давлат аппарати монополиясини сақлаб қолган ҳолда жаҳон хўжалигига кириш ҳақида кетаяпти. А й н а н мана шу жиҳатлар Марказий Осиё давлатлари учун ЯСД тажрибасини тарихан яқин ва қизиқарли қилади.

Ўтган асрнинг 70-90 — йиллари иқтисодий адабиётларида Гонгконг, Сингапур, Тайвань ва Жанубий Корея ЯСД жумласига кирувчи ва булардан биринчи 2 та шаҳар давлатлар иқтисодининг асосий вазифасини савдо-сотиқ орқали амалга ошириши анъанавий бўлиб келган. Бошида улар қайта экспорт қилиш савдосини, кейинчалик халқаро кредит соҳаларини ҳам қамраб олишди. 70-йиллар охирига келиб, Сингапур ва Гонгконг Шарқий Осиёдаги йирик молия марказига айланишди.

Бозор иқтисодиёти ривожланган давлатлар, биринчи навбатда, АҚШ, Жанубий Корея ва Тайваннинг иқтисодий ўсиши билан қизиқиб қолганликлари сабабли, уларга сезиларли даражада, яъни миллиардлаб доллар атрофида молиявий ёрдам кўрсатишди. Бу маблағлар ишлаб чиқарилмайдиган (шу жумладан, ҳарбий) мақсадларга кетган бўлса ҳам, лекин уларнинг иқтисодий аҳамиятини кам деб бўлмади.

Республикамизда ЯСД саноатини ривожлантириш тажрибалари ҳам ўрганиб (текшириб) чиқилмоқда.

6.2. Шарқий Осиё давлатлари саноатлашишининг афзалликлари

Сиёсий мустақилликка эришилгандан кейин иқтисодиётни таркибан қайта қуришга ўтишда, халқ хўжалигининг ко-

лониал структураси синаётган даврда давлат вазифалари кўпайди ва ривожланаётган давлат раҳбарларидан иқтисодий ва ижтимоий соҳаларга асосланган муҳим қарорлар қабул қилишни талаб этди. Ички ва ташқи ҳолатдаги муаммоларни ҳал қилган ҳолда келажакдаги мақсадларга, сиёсий томондан ривожланишга эришиш учун муҳим қарорлар қабул қилиш керак.

Хоҳлаган иқтисодий моделнинг асосий талаблари унинг ҳақиқатда бор бўлган иқтисодий жараёнларни тушунтириб бериш қобилиятидан иборат.

Иزلанишларнинг услубий асоси Фарбда ва Шарқда иқтисодий мактабларнинг пайдо бўлишида эди: неокейнчилик, неолибералчилик, ҳар хил ижтимоий оқимлар. Аммо озод бўлаётган давлатлар иқтисодий ва сиёсий ривожининг амалий таҳлили вақт ўтиши билан чуқурлашиб кетиши, уларнинг жаҳон хўжалиги тизимидаги ўрни ўзгариши янгича ёндашиш, қайта қуриш ёки одатий тушунчаларни қайта кўриш меъзонларини ишлаб чиқишни талаб қиларди.

Ривожланиш муаммоларини ҳал этишга, хўжаликни бир бутун ва структуравий қайта қуришга ҳар хил ёндашиш XX асрнинг 50-60 йилларида сезиларли даражада кўрина бошлади, яъни бу давр иқтисодий назария ўсишининг юксалган пайтларига тўғри келди.

70-йилларда саноат ривожланишини таъминлаш масалаларини ишлаб чиқишнинг назарий ва тамойилий фарқи, қайта ишлаб чиқариш жараёнида структуранинг алоҳида элементлари роли, саноат ва қишлоқ хўжалик секторларининг ҳозирги ва одатий ўзаро алоқаларини кўриб чиқиш давомида келинган хулосалар ва улардан фойдаланиш жараёни борган сари кучайди. Стратегиянинг тамойилий базаси «диверсификация» жараёни жамланган баъзи давлатлар гуруҳи ва ҳудудлар учун моделларни қидириш билан параллел равишда давлатлар микесида ҳам илдам кетади. Бунга мисол қилиб социалистик тамойиллар — «ўсишни тақсимлаш», «асосий эҳтиёжлар», «ўз кучига таяниш» ни бир томондан, иккинчи томондан эса нео либералистик тамойиллар «устунликларини солиштириш»ларнинг асосий элементларини кушишга ўринишларни кўрсатиш мумкин.

Ўтган асрнинг 60-70 - йилларида «ташқи иқтисод» назарияси халқаро ривожланиш стратегиясининг тамойили базасига катта ҳисса бўлди, шу билан бирга озод бўлган давлатларнинг саноатлашиши учун халқаро иқтисодий муносабатларни қайта қуриш зарурати туғилади. Кўпчилик «периферийниклар» амал қилаётган тараққиётга тўсқинлик қилувчи тезисдан фойдаланган ҳолда 70-80 - йилларда озод бўлган дунёда дифференциация жараёнининг катта ҳаракатини тушунтириб бериш қийин, шу жумладан, ўзгар-

тиришга интилувчи даврни бошдан кечираётган, янги саноатлашган давлатлар ва хуудлар гуруҳининг пайдо бўлиши Шарқий Осиёда, жумладан, Жанубий Корея, Тайвань, Сингапур ва Гонконг, шунингдек, яна — АСЕАН (Жанубий Шарқий Осиё давлатларининг ассоциацияси) аъзолари ҳам қўшилишмоқда. МРТ интеграциясининг юқори босқичини ифодаловчи бу давлат ва хуудларда янги хўжалик структурасини ташкил қилиш жараёнлари яққол номоён бўлмоқда. Саноатни ривожлантириш соҳасидаги асосий ташаббускорлик давлат ва маҳаллий бизнес томонидан кўрсатилмоқда. 80- йиллар охирида янги саноатлашган давлатлар монополияни ривожлантириш учун чет эл инвестицияларини кўпайтирувчи «субимпериалистик марказлар»га айланди. 80-йиллар ўртасига келиб Гонгконгнинг чет эллардаги тўғридан-тўғри капитал қўйилмалари 2 млрд. долларни, Сингапурда — 1 млрд. долларни ташкил этди. Бундан ташқари, 80-90-йилларда янги саноатлашган давлатларнинг АҚШ ва Ғарбий Европа иқтисодига капитал қўйилмалари тез суръатлар билан кўпайиб бораверди.

Янги саноатлашган давлатлар (ЯСД) ўзининг юқори динамизми билан бошқалардан фарқ қилади. ЯММ нинг ўртача йиллик ўсиши 70- йиллардан 80- йилларнинг бошигача 6-8% ни ташкил қилади. 80- йилларнинг иккинчи ярмидаги ўсиш тезлашди. Бу 8-жадвалда ифодаланган.

8-жадвал

ЯСД ва АСЕАН мамлакатларининг ривожланиш даражаси ва динамикаси

	ЯММ нинг ўртача йиллик суръати, %		ЯММнинг жон бошига тўғри келадиган миқдори (дол.), 1988
	1981-1985	1986-1988	
Гонконг	4,2	9,8	7800
Жанубий Корея	7,5	11,1	3800
Сингапур	6,0	6,9	8000
Тайвань	6,1	9,3	6000
Индонезия	3,6	3,0	550
Филиппин ороллари	0,9	3,3	600
Малайзия	5,1	4,0	2400
Умумжаҳон ўртача Кўрсаткич			2300

Манба - Михеев В.В., Ривожланишнинг Осиё модели, М.МО. 1990й.

Бу ЯСДнинг ЯММ аҳоли жон бошига ишлаб чиқариш бўйича ўрта дунё даражасидан ошиб кетишига ва ривожланган давлатларга яқинлашишга имкон яратди.

1970 йилда Жанубий Кореяда ЯММ аҳоли жон бошига АҚШ даражаси билан – 8% ни, Япония даражаси билан 1989 йилда бу кўрсаткичлар тегишли 20 ва 26% га етди. Бошқа давлатлар мисолида ҳам кўриш мумкин бўлган бу борадаги кўрсаткичлар 9-жадвалда акс эттирилган:

9-жадвал

	1970й.	1985й.	1989й.
АҚШ	100	100	100
Жанубий Корея	8	14	20
Гонконг	26	41	44
Сингапур	23	45	46
Тайвань	10	20	32
Япония	100	100	100
Жанубий Корея	15	20	26
Гонконг	52	56	57
Сингапур	56	60	61
Тайвань	20	27	36

Осиё-Тинч Океани минтақаси (АТР) умумий ЯММнинг 13 фоизи ЯСДга, 12 фоизи АСЕАНнинг 4та давлатига, 56фоизи Япония ва 15 фоизи Хитойга тўғри келади.

ЯСД иқтисодий ривожланишнинг биринчи этапида қуйидаги босқичларни ўтган:

- савдо ва тўлов балансини валютани девальвация қилмасдан туриб таъминлаш учун мамлакат бошқармасидан фойдаланиш (масалан, ЯСД ҳудудида чет эл коорпорациялари учун ўз ҳисоб - китобини баланслаштириш талабларини қўйиш йўли билан)

- ишлатиладиган предметларни сотиб олиш учун кўп фоизли қарзларини, ишлаб чиқарадиган ташкилотлар учун эса кам фоизли қарзларни белгиланган кўпайиш даражасида солиқ ставкаларини ноль деб олиш йўли билан қўллаб-қувватлаш.

- лицензия сотиб олиб, янгича технологияларни импорт қилиш, жаҳон инновацияларини ўрганиш ва давлат ичидаги технологияларни ривожлантириш.

- саноатлаштириш босқичлари:

- 1-босқич – технологияларни импорт қилиш учун қишлоқ хўжалик маҳсулотларини экспорт қилиш;

- 2-босқич – саноатни инвестициялаш учун асосан йирик ер эгаларини қишлоқ хўжалик (аграр) секторига йўналтириш;

- 3-босқич – воситаларни таъминлаш ва уни давлат лойиҳаларини амалга оширишга йўналтириш учун давлат солиқ тизимидан фойдаланиш;

- 4-босқич – аҳолининг қишлоқ хўжалигидан бўшатилиши ва саноатда ишчи кучининг кўпайиши;

- қишлоқ хўжалигида бундай субсидия сиёсатининг олиб борилиши, фермер хўжалигини қўллаб-қувватлайди ва айни пайтда унинг мустақамлигини таъминлайди;

- бутун жаҳонда экспортнинг қўллаб-қувватланиши, шу жумладан, давлат ташкилотларини мана шу мақсадлар учун ташкил қилиш.

ЯСДнинг ҳар бирида бу омиллар комбинациясининг ўзига хос афзалликлари бор. ЯСД ва ҳудудларнинг кўпчилиги кичик ва ўртача давлатлар гуруҳига мансуб. Иқтисодий мақоннинг сезиларли даражада чегараланган ўлчамларга, шу жумладан, қишлоқ хўжалик ҳудуди, импорт ўрнини босувчи биринчи фазани тугатишга имкон яратилди ва 60-йилларнинг ўрталарига келиб, бир қатор саноатлашган соҳалар пайдо бўлди.

Шундай қилиб, 80-йилларнинг ўрталарида илмий-техникавий инқилоб натижасида улар маҳсулотининг жаҳон бозорига чиқиши ривожланган давлатлар иқтисодининг тармоқлари кескин ўсган даврга тўғри келди. Ишлаб чиқариш структурасини оптималлаштириш, мураккаблашган, кам харажатли материал-ресурсларни ишлаб чиқаришнинг ўсиши, периферия давлатларидаги экспорт структурасини ўстириш ва ўзгартиришни талаб қилади.

6.3. Жанубий Корея, Тайван, Таиланд, Малайзия, Филиппин, Индонезия мамлакатларининг асосий иқтисодий кўрсаткичлари

Ўтган асрнинг 50 - йиллари ўрталаридан мураккаб енгил саноат тармоқларини ривожлантиришга қаратилган импортнинг ўрнини босувчи сиёсат ўтказиб келинган. 60-йилларда берилган иқтисодий курс ўз имкониятларини тугатди. Бунга, АҚШ шеригига нисбатан ички муқобил манбаларни қидиришга мойилликни уйғотиш учун ўз ёрдамни қисқартириш йўлига ўтиши сабаб бўлди.

60-йилларда экспортни кўпайтириш мақсадида экспорт тармоқларига импорт хомашё учун тўланадиган Божхона тарифларини камайтириш, экспортдан тушадиган, киримларга олинадиган солиқларни қисқартириш, экспорттерларга импорт чегараларини қисқартириш учун кўзда тутилган курс ишлаб чиқилди. Ҳукумат рўйхат асосида ва четга чиқариладиган товарлар сифатига қараб, ишлаб чиқарувчиларни рағбарлантирди. Экспортёрларни қўллаб - қувватлаш мақсадида 60-йилларда Корея савдогарлар ассоциацияси (КОТРА) тузилди.

Экспортнинг мўлжали вона (Корея пул бирлиги)ни қадрсизлантириш ва барча операциялар учун долларга нисбатан уни ягона курс сифатида қабул қилишни тақозо этди.

Ташқи савдо регламентида импорт қилишга рухсат этилган товарлар рўйхати экспорт қилиш ман этилган товарлар рўйхати билан алмашганда, бу рўйхатга компьютерлар, қурилиш ва қишлоқ хўжалик ускуналари, спорт анжомлари ва бошқа тармоқ маҳсулотлари киритилади.

Чет эл инвесторлари учун яхши шарт - шароитлар яратилди, яъни солиқ ставкалари олиб ташланди ёки камайтирилди, капитални кўпайтириш мақсадида «экспорт зона»лари ташкил қилинди. Айни пайтда иқтисоднинг айрим тармоқлари чет эл капитали учун ёпиқ бўлиб қолаверди, масалан, суғурта, банк иши, қимматбаҳо қоғозлар бозори.

70-йиллар охирига келиб, кўп иш талаб қиладиган экспорт тармоқлари кейинчалик кўп капитал талаб қиладиган тармоқлари (пўлат, кемасозлик, автомобиль, кимё саноати)га, 80-йиллар охирига келиб, илм талаб тармоқларга эътибор кучайди.

Ҳукумат ва вазирликларнинг аралашуви натижасида жуда муҳим тармоқлар, электроника, қора металлургия, станоксозлик, автомобиль ишлаб чиқариш жонлади.

Давлатнинг кредит тизими тўла - тўқис ҳукумат назорати остида эди. 1961-80 йиллари Марказий банкдан ташқари 5та миллий тижорат банклари ҳукумат қўлида эди. Лицензия тизимидан фойдаланган ҳолда, божхона солиқлари камайтирилганлигига қарамаздан, миллий саноатни чет эл товарлари рақобатидан сақлаш мақсадида бир қанча тўсиқлар қўйилди. Тайвань Япония қўли остида бир қанча ишлаб чиқариш инфратузилмалари: сув хўжалиги, транспорт, шаҳарни сув билан таъминлаш тизимлари ривожланди.

50-йилларда Тайвань ташқи савдо дефицитини камайтириш ва енгил саноатни ривожлантириш мақсадида импорт ўрнини босувчи стратегиядан фойдаланди. Аммо ички бозор ва катта ҳарбий харажатлар мана шу стратегиянинг имкониятлари тугатилишига олиб келди.

50-йилларнинг охирига келиб, иқтисодиётда бир қанча ўзгаришлар бўлди. Ислохот қишлоқ хўжалигидан бошланди. Катта хусусий ерлар бўлиб ташланди ва фермерларга сотилди. 1958 йилдан бошлаб экспортни қўллаб-қувватловчи курс олиб борилмоқда. Мана шу мақсадлар учун 1961 йилда валюта курслари кўплигига ва миллий валютанинг қадрсизланишига барҳам берилди, экспорт тармоқлари учун импорт чеғирмалари олиб ташланди. Экспорт йўллари учун кредитлар, экспортдан тушадиган киримга солиқлар миқдори камайтирилди, экспорт товарларини энг актив ишлаб чиқарувчилар давлат томонидан рағбатлантирилди. Кейинчалик, юқори технология соҳаларига ҳам бундай шарт-шароитлар яратилди.

1965 йилдан чет эл капиталлари солиқ ва бюрократизмдан озод бўлиши учун муҳим экспорт зоналарини яратиш бошланди.

Шу билан бир қаторда, Тайвань иқтисодининг «эски» тармоқлари учун ҳам ҳимоя чора-тадбирлари қўлланилди.

Тайванда ҳам иқтисодни ривожлантиришда давлат сиёсатининг аҳамияти жуда катта эди. Индустриянинг бошланғич bosқичида орол раҳбарияти томонидан саноатлашган кўплаб ташкилотлар ташкил топди, кейинчалик эса, булар хусусий секторларга берилди.

Саноатда давлат компанияларининг салмоғи камайтириб борилса ҳам, барибир, олдингидек энергетика, нефтни қайта ишлаш саноати, қора металлургия, кemasозлик, оғир машинаsoзлик, ўғит ишлаб чиқариш каби асосий тармоқларни бошқариш уларнинг назорати остида эди. Хусусий секторга боғлиқ ҳолда раҳбариятга ташқи манбаларни молиялаштириш учун деярли ҳамма банклар тегишли эди.

Таиланд. Давлат ва хусусий сектор ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг хусусияти 1980 йилларнинг бошида бош вазир бошчилигида давлат ва хусусий иқтисодиёт қўмиталари тузилиши орқали расмийлаштирилди. Қўмитага иккита иқтисодий ташаббускорлик манбалари ўртасидаги кўприк сифатида қаралади. У хусусийлаштириш тадбирларида бош вазифани бажаради.

Мамлакатда асосий қисми самарасиз бўлган 70 та давлат корхонаси мавжуд. Уларнинг харажатларини қоплаш учун ЯММнинг 30,5 % и сарфланмоқда. 1984 йилда эълон қилинган хусусийлаштириш дастурининг мақсади бу харажатларни камайтиришдан иборат эди. Бу дастур миллий қимматбаҳо қоғозлар бозорида, энергетикада, авиатранспорт, туризм, саноат соҳаларидаги давлат корхоналари акцияларини сотишга қаратилган.

ЯСД ва АСЕАН давлатларининг хусусийлаштириш сиёсати умумиқтисодий аҳамиятини аниқлашга ёрдам беради. Давлатнинг ишлаб чиқарувчиларга қилаётган ёрдами чорасизликнинг натижаси эди.

90-йилларнинг иккинчи ярмида Шарқий Осиё давлатларининг иқтисодиётида сусайиш белгилари кўзга ташланди. Жаҳон молиявий инқирози ЯСД давлатларига ҳам катта таъсир кўрсатди. Шарқий Осиёнинг турли худудларида иқтисодий муҳитнинг ўзгариши ўзига хос хусусиятга эга эди. Таиландда 1996 йилларда турли муаммолар вужудга келди. Бу муаммолар асосан молия-кредит соҳасига тегишли эди. 1996 йилда ЯММнинг ўсиши 6,7%гача пасайиб кетди. Иқтисодий ўсиш сусайишининг асосий сабабларидан бири экспортнинг қисқаришида бўлиб, бу даврда экспорт ЯММнинг учдан бир қисмини ташкил этар эди.

Таиланд маҳсулотларида рақобатбардошликнинг пасайиши иш ҳақининг ошиши ва бата (пул бирлиги)нинг реал алмашиш курси ўсиши билан боғлиқ эди.

Иқтисодий ўсишнинг юқори даражадаги шиддати иқтисодиётга инфляциян босим берди. Бу 1994 йилдаёқ чакана нархларнинг ўсишида намоён бўлди. Давлат инфляцияни ушлаб туриши учун юқори фоиз ставкасини маъқул кўрди. Бундай шароитда Таиланд бизнес инвестициясини молиялаштириш учун чет эл билан ўзаро мунасобатларни кенг йўлга қўйишига тўғри келди. Натижада шундоқ ҳам юқори тўлов балансининг камомади 1996 йили 8% гача ўсиб кетди.

ОЭСР нинг башорати бўйича, 1997 йилда мамлактда камомад ўсиши ЯИМ нинг 8,5%га тенг бўлиши керак эди. Аммо иқтисодий фаолликнинг сусайиши, импортнинг қисқариши ва натижада йил охирида ташқи сальдонинг камайиши унинг камайишига олиб келди.

Ўтган асрнинг сўнги чорагида Таиланднинг иқтисодий ўсиши доимий сиёсий чалкашликлар шароитида рўй берди. Бирорта ҳокимият давлат тепасида 2-2,5 йилдан кўпроқ тура олмади. Давлат бир қанча кечиктириб бўлмайдиган муаммоларни ечиш учун кўплаб чоралар белгилади. Аввало, давлат бюджети харажатларини камайтириш ва даромадларини ошириш чоралари кўрилди. Шундоқ ҳам давлат бюджети охирги 10 йилда ижобий сальдога, яъни ЯИМ нинг 2,5% эга эди. Молия вазирлиги 1997-98 йиллар мобайнида бюджет харажатларини 5% га қисқартиришни кўзда тутди (атиғи 3,9 млрд. АҚШ доллари). Бунинг учун иккинчи даражали инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш вақтини секинлаштириш лозим эди. Бу ҳеч бўлмаганда камомад муаммосининг чуқурлашувини сусайтирарди.

Камомадларни қисқартириш учун давлат хусусийлаштириш дастурини ҳам амалга оширишни кўзда тутди, яъни давлатнинг электроэнергия, телефон, телекоммуникация каби хизматларини хусусийлаштириш ва уларга чет эл инвестицияларини жалб қилишни мақсад қилиб қўйди. Аммо бир қанча партияларнинг қаршилиги туфайли бу иш амалга ошмай колди. Йирик халқаро агентликлар 1996 йилидаёқ Таиланд молиявий аҳволининг ёмонлашувини таъкидлаб ўтган эдилар. Шу билан бир вақтда Халқаро Валюта Фонди (МВФ) давлатни инқироз ёқасида, деб ҳисобламаган эди.

Молиявий секторлардаги жараёнлар кескинлашувининг энг муҳим белгиларидан бири давлат банклари кредит портфелидаги «ёмон» қарзлар ҳиссасининг ўсиши эди. Таҳлилчиларнинг ҳисобига кўра, 1995 йил охиридан 1996 йилнинг ўртасигача

«ёмон» қарзлар 7,7%дан 9,8%гача ўсди ва энг муҳими, ўсишда давом этаверди. 1997 йилнинг бошида Марказий банк молиявий компаниялар ва банкларнинг заҳира талабларини оширишга мажбур бўлди. Бундан мақсад кўчмас мулк секторида тўпланган шубҳали қарзларни суғурталаш эди. Бундан ташқари, молиявий органлар молиявий компанияларнинг бирлашишини маъқуллади. Бу йўл билан уларнинг рақобатбардошлигини ошириш ва улар устидан назоратни енгиллаштириш кўзда тутилди.

10-жадвал

Таиланднинг асосий иқтисодий кўрсаткичлари

ЯИМнинг ўсиши	1991	1992	1993	1994	1995	1996	1997
		8,5	8,1	8,3	8,8	8,6	6,7
Саноатнинг ўсиши	7,2	10,4	10,5	9,2		7,2	1,0
Чакана нархларнинг ўсиши	5	4	3	5	5	5	7,7
Товар экспорти (млрд. доллар)	28	31	37	45	51	57	
Импорт (млрд. доллар)	37	40	46	54	70	73	
Жорий операциялар бўйича тўлов ва баланси сальдоси	-	-	-	-	-	-	-5
Валюта заҳираси, млрд. доллар	18	21	25	30	3	38	26
Валюта курси	25	25	25	25	25	25	46

Таиланд бати (пул бирлиги) 1996 йил ва 1997 йилнинг биринчи ярми давомида халқаро чайқовчилар мўлжали остида эди. Улар бат курсининг ўзгариб туриши орқали фойда топар эдилар. 1996 йилдаёқ Таиланддаги компаниялар акциялари курсининг индекси 20%га тушди. Бироқ, давлатнинг 40 млрд. долларлик валюта жамғармаси четга чиқиб кетиши шароитида ҳам давлатни таъминлаб тура олар эди.

МАЛАЙЗИЯ. Охирги 10 йил ичида (1997 йилдан ташқари) мамлакат ЯИМ ининг ўсиш даражаси 8% дан ошиб борди. Лекин 1996-97 йилларда иқтисодий динамика сузлашганлиги кузатилди. Бунда истеъмол харажатларининг кескин пасайиши асосий роль ўйнади. Оқибатда ҳатто инфляция даражаси ҳам пасайди. Жамғариш ҳаракатлари кўплиги натижасида ички капитал қўйилmalarини молиялайдиган манбалар салмоғи ошди. У 1995 йилда 80% ни ташкил этган бўлса, 1996 йилда 90%га етди. Шу билан бирга 1996 йилдаги жорий операциялар тўлов балансидаги танқисликнинг кескин қисқаришига имкон берди.

Ҳукумат иқтисодиётнинг издан чиқишидан хавфсираб, ҳисоб ставкасини кўтарган ҳолда бюджет харажатларини кескин чегаралаб қўйиб, 1996 йилда молия-кредит соҳасида қаттиққўллик сиёсатини қўллай бошлади ва иқтисодий ўсишни таъ-

минлади. 1997 йили кейинги иқтисодий ўсишларда пасайиш юз бериши режалаштирилган эди. Лекин, ҳақиқатда эса ўсиш бўйича қутилгандан ҳам юқори натижаларга эришилди.

Жадаллик билан кетаётган иқтисодий ўсиш ишчи кучи танқислиги муаммосини юзага келтирди. Асосан, бу ҳолат қайта ишлаш саноати ва хизмат кўрсатиш соҳасида кузатилди. Ишсизликнинг паст даражаси иш ҳақининг ошишига олиб келиб, ўз навбатида, инфляция потенциали ошишига ва жаҳон бозорларида Малайзия маҳсулотлари рақобатбардошлигининг жиддий сусайишига туртки бўлди. Шу пайтгача иш ҳақи ошишининг салбий оқибатлари ўсиб кетаётган меҳнат унумдорлиги даражаси олдида унчалик сезилмас эди. Бу кузатиш 1992-1995 йилларда юз берди. Лекин 1996 йилда иш ҳақининг ўсиш даражаси меҳнат унумдорлигига қараганда 1,5 бараварга ошиб кетди. Ҳақиқатда, Молия вазирлигининг фикрига қараганда, ушбу ҳолатга ташқи бозордаги талабнинг пасайиши туфайли электроника саноатида ишлаб чиқариш сусайгани сабаб бўлиши мумкин экан.

Ушбу муаммо сабабларидан яна бири қурилиш соҳасидаги кучли активлик экан. Бу эса, 1997 йилнинг иккинчи ярми ва 1998 йилнинг бошларида офис ва тураржой бозорларининг кўпайиб кетганлиги туфайли кўчмас мулк нархларининг кескин пасайишига олиб келди.

Малайзия ҳукумати ХВФ ёрдамани рад этган бўлса-да, амалда у бошқа мамлакатларнинг маслаҳатларидан фойдаланган. Қисман олганда, давлат узоқ муддатли молиялаштиришни қисқартиради ёки умуман, тўхтатади.

Истиснолардан бири — валюта курсини барқарорлаштириш мақсадида ҳисоб ставкаларини оширишдан воз кечишдир. Муҳим даромад манбаларидан бири эса, Малайзия ҳукуматида шижоат бағишлайдиган энг таниқли мультимедия коридори ХХІ асрда электроника соҳасини ривожлантирадиган машҳур лойиҳа ҳисобланади.

Жаҳон банкининг бошлиғи — Дж. Вульфенсоннинг фикрича, Таиланд ва Индонезияда мавжуд бўлган муаммолар Малайзияда йўқ эди. Аниқроғи, унинг катта миқдордаги ташқи қарзлари йўқ, боз устига унда қисқа муддатли тезкор кредитлаш ўз аксини топмаган. Дж. Вульфенсоннинг фикрича, бу Малайзияга инқироздан эртароқ ва яхши ҳолатда чиқиб кетишга имконият яратади. Лекин мамлакат иқтисодиётидаги ҳолат, албатта, «булутсиз» эмас. Ишсизликнинг ўсиши 90 - йилдан кузатила борди. Банкларда нобарқарор аҳвол мавжуд.

ФИЛИППИН. Узоқ давом этган ички сиёсатларнинг таъсири натижасида Филиппин давлати 90-йиллар ўртасига келиб,

«Осиё касали»дан «Янги Осиё юлдузи»га айланди. Саноат ишлаб чиқариши ва ЯИМда ўсиш суръатлари салбий ёки ноль бўлиб турган бир неча йиллардан сўнг 1994 йили иқтисодий ўсишнинг кўтарилиши кузатила бошланди. Таҳлилчиларнинг фикрига қараганда, бу кўтарилиш 1997-98 йилларгача давом этмоғи лозим эди. Охири етти йил мобайнида иқтисодий ўсишда инқироз ҳолати 1997 йилда жуда юқори бўлган.

1994 йилда бошланган циклик кўтарилишнинг алоҳидалиги хусусий секторни инвестициялашнинг жадаллашишида, аввало, оилавий бизнесда эди. Муҳим ролни чет эл капиталининг кириб келиши ҳам ўйнади. Олдинги циклик кўтарилишлар асосан давлат ҳисобидан ва фоиз ставкаларини манипуляция қилиш орқали амалга оширилар эди. Ушбу босқичда инвестиция учун кўп қулай шарт-шароитлар яратилганди. Чунки 1990 йилда ўрта даражадаги бизнеслар учун хос бўлмиш фоиз ставкалари ярим баробар, яъни 12 фоизгача қисқарди. Фоиз ставкаларининг бундай тушиши 1991 йилда инфляция суръатининг 2 баробарга қисқаргани билан боғлиқдир. 1997 йилнинг 1 чорагида истеъмол қийматларининг ўсиш суръати охириги 10 йил ичида энг паст -4,4% бўлди.

1994-95 йилларда давлат бюджети унча катта бўлмаган ижобий сальдо билан чиқди. Бунга асосан хусусийлаштиришдан тушган даромадлар ёрдам берди. Уларнинг қисқариши (қарийб тўрт баробар, 1996 йилга режалаштирилган кўплаб корхоналарнинг хусусийлаштирилишини кечиктириш оқибатида) давлат бюджетининг танқислигига олиб келди. Лекин, 1997 йили ҳукумат давлат харажатларини қисқартиришда давом этди. Бундан мақсад, оз бўлса ҳам ижобий бюджет сальдосига эришиш ва чет эл инвесторларининг ишончини мустаҳкамлаш эди.

1996 йили Филиппин давлати нафақат экспорт суръатининг тушишидан қутилишга муваффақ бўлди, балки Шарқий Осиё мамлакатлари ичида шу кўрсаткич бўйича биринчи ўринга чиқиб олди (жорий нархларда 18% атрофида). Экспортнинг 80 %и қайта ишлаш саноатига тўғри келади. Лекин бу даврда импорт суръати экспортга қараганда жадалроқ ошиб борар эди. Чунки ўсаётган иқтисодиёт минерал ёқилғи ва жиҳозларга катта эҳтиёж сезарди. Шундай бўлса-да, тинимсиз оқиб келаётган чет эл капитали жорий операциялар бўйича тўлов балансининг танқислигидаги ўсишни ушлаб туришга имкон берди. У 1996-97 йилларда ЯИМнинг 4,5-5 фоизида баҳоланган бўлса-да, лекин барибир Таиланд ва Малайзия кўрсаткичларидан анча паст эди. Мамлакат учун рекорд ҳисобланмиш 12 млрд.доллардан ортиқ маблағ валюта захиралари қувватини оширди. Песо-миллий валюта курси барқарорлашди.

Аҳамиятлиси шундаки, Филиппин ЯИМнинг истеъмол харажатлари салмоғи бўйича энг юқори ўринда ва аксинча, жамғарма меъёри бўйича регионда энг паст ўринни эгаллайди. Иқтисодиётнинг оёққа туриши филиппинликларнинг истеъмолга бўлган эҳтиёжларини оширди. Бу асосан ўрта табақалиларга, кўпроқ 35 фоиз аҳолиси камбағал бўлган Манила туманида яшовчи аҳолисига тааллуқлидир.

Нисбатан олганда, 70 млн. аҳолига эга ушбу давлатнинг ривожланаётган мамлакатлар учун унчалик катта бўлмаган ишсизлик даражаси ишчи кучини экспорт қилиш орқали таъминланади. Шу билан биргаликда бу валюта оқимининг муҳим манбаларидан биридир. Чет элда ишлаётган филиппинликларнинг бир чорак (квартал)да кўчирадиган маблағлари 1 млрд. долл. дан ошиб кетади.

Филиппин ҳукумати молияни тартибга солиш соҳасида анча секин ҳаракат қилди. Тижорат банкларининг Марказий банкда сақлашлари керак бўлган мажбурий резервлари миқдори 1997 йил январь ойида атига 15% дан 13% га туширилди. Индонезия ва Таиландда бу меъёр мос ҳолда 5% ва 7% ни ташкил этади. Филиппин банкларининг кредит тақсимлашдаги чекловлари кўпроқ. Банк кредитларининг 40 %и қишлоқ хўжалиги ташкилотларига ва иқтисодиётнинг бошқа тармоқларидаги майда бизнесларга берилмоғи лозим. Президент Ф.Рамос ҳукумати инқироз олдидан ҳам бироз мустаҳкам бўлган молиявий ҳолатни янада яхшилашда давом этиш зарур, деб билди. Шу билан бирга, у мамлакатни барқарор ривожланиш йўлига ўтган, деб ҳисоблайди.

Хўжалик конъюнктурасидаги ноаниқлик элементлари янги президент, катта эҳтимол билан ғолиб чиқувчи-халқаро молиявий жамоалар ишончини қозонмаган Ж. Эстрада сайловлари билан боғлиқ воқеаларнинг ривожидида ўз аксини топди.

Филиппин иқтисодчиларнинг ҳисоблашларича, мамлакатнинг жорий иқтисодий ҳолати нисбатан олганда унчалик ёмон эмас, лекин кутилаётган фоиз ставкаларининг баланд ҳолда сақланиши ўрта ва майда бизнесга қаттиқ шикаст етказиши мумкин. Песонинг паст алмашиниш курси эса инфляцияни секин-аста ўзига сингдириб олади.

Қисқача хулосалар

Янги саноатлашган давлатларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожига жаҳон иқтисодийида глобаллашиш ва минтақавийлашиш асосига қурилмоқда.

«Ташқи иқтисод» назарияси халқаро ривожланиш стратегиясининг тамойили базасига катта қўшимча бўлиб, озод бўлган давлатларнинг саноатлашиши учун халқаро иқтисодий муносабатларни қуриш зарурлигини таъкидлайди.

Жанубий Корея, Тайван, Таиланд, Малайзия, Филиппин, Индонезия мамлакатлари ўтган асрнинг 50-йиллари ўрталаридан импорт ўрнини босувчи сиёсатдан 60-йиллардан бошлаб экспортни кўпайтириш учун импорт хомашё учун туланидиган Божхона тарифларини камайтириш, экспортдан тушадиган киримларга олинadиган солиқларни қисқартириш, экспортёрларга импорт чегараларини қисқартириш учун кўзда тутилган курсни ишлаб чиқдилар.

Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. ЯСД ўсишининг (кўпайишининг) муҳим жиҳатлари нимада?
2. ЯСДда хусусийлаштириш жараёни XX асрнинг иккинчи ярмида қандай кечди?
3. Саноат тузилишининг ҳаракати нимада акс этади?
4. Минтақалар интеграциясининг муаммолари ечимини кўрсатинг.
5. ЯСД саноатининг ривожланиш услубларини санаб ўтинг.
6. ЯСД лар саноатининг ўсиш омилларини айтиб беринг.
7. ЯСД нинг жаҳон ҳўжалигидаги ўрнини кўрсатинг.
8. Шарқий Осиё давлатларининг Ўзбекистон Республикаси билан ўзаро иқтисодий алоқалари ҳақида маълумотлар келтиринг.

Асосий адабиётлар

1. Р.И. Хасбулатов. Мировая экономика. – М.: «ИНСАН», 1994.
2. В.Д. Андрианов. Новый индустриальные страны в мировом капиталистическом хозяйстве. – М.: Международные экономические отношения. 1989.
3. Т.Х. Линдерт. Экономика мирохозяйственных связей. Пер. с англ. – М.: «Прогресс», 1992.
4. А.Э. Ишмухамедов, Л.И. Шибаршова. Регулирование экономики в зарубежных странах. Тексты лекций. –Т.: ТГЭУ, 2000.

ШИМОЛИЙ АФРИКА ВА ЯҚИН ШАРҚ МАМЛАКАТЛАРИ ИҚТИСОДИЁТИНИ ТАРТИБГА СОЛИШ

7.1. Минтақанинг умумий тавсифи ва жаҳон иқтисодиётида тутган ўрни

Охириги ўн йилликда халқаро ташкилотларнинг тахлилий маълумотларида Шимолий Африка ва Яқин Шарқ (ШАЯШ) мамлакатларига ягона минтақавий жамият сифатида қараш қабул қилинган бўлиб, бунга уларни бирлаштирувчи қатор омиллар (этнодемографик, геосиёсий, маданий-динний ва иқтисодий) имкон беради.

Одатда, ШАЯШ мамлакатлари деганда қуйидаги 20та давлат тушунилади: Миср, Марокаш, Жазоир, Тунис, Ливия (Шимолий Африка мамлакати), Исроил, Фаластин, Сурия, Ливан, Иордания, Туркия, Ироқ, Қувайт, Саудия Арабистони, Яман, Уммон, Эрон, Бирлашган Араб Амирликлари (БАА), Катар ва Баҳрейн (Яқин Шарқ мамлакатлари). Баъзан, агар илғор белги сифатида этник яқинлик олинса («араб дунёси» ёки «араб мамлакатлари» ҳақида гап бормокда), юқорида кўрсатилган давлатларга Мавритания, Судан ва Сомали қўшилади ва мувофиқ равишда Исроил ва Туркия истисно қилинади. Ушбу ишда гап асосан ҳудуди Атлантика океанининг шимолий-ғарбий қирғоғидан Урта ер денгизи қирғоқларигача ва Қизил денгиз қирғоқларидан Ҳинд океанигача чўзилган, юқорида айтиб ўтилган 20та давлат ҳақида боради.

Минтақа мамлакатларининг учта континентдаги географик жойлашуви ва Сувайш каналининг очилиши билан денгизга чиқиш имконияти мавжудлиги Европа-Осиё саводосида уларнинг анъанавий муҳим ролини белгилайди. Шунингдек, минтақанинг муҳим ҳарбий-стратегик ҳолатини ҳам таъкидлаб ўтиш мумкин.

Минтақанинг ўзига хос хусусиятларидан бири, этник-диний ягоналиги ҳисобланади, бинобарин, аҳолисининг кўпчилиги мусулмон-араблардан иборат. Масалан, Саудия Арабистони, БАА, Қувайт, Уммон, Катар, Яман ва Ливанда араблар 96-100% ни ташкил қилади, бошқа мамлакатларда араблардан ташқари барбар ва курдлар ҳам кўп. Исроил ва Туркия бундан мустасно, аммо ушбу мамлакатлар аҳолисининг бир қисми ҳам ислом динига эътиқод қилади. Минтақада эътиқод қилувчи бошқа динлардан яҳудийлик ва христианликни таъкидлаб ўтиш за-

рур (7млн. дан зиёд араб, курд ва бошқалар). Деярли барча араб мамлакатларида давлат дини ислом дини ҳисобланиб, фақат мусулмон кишигина давлат бошлиғи бўлиши мумкин.

Шу билан бирга минтақа мамлакатлари иқтисодий имконият бўйича ҳам, ривожланиш даражаси бўйича ҳам ажралиб туради, кўпгина мамлакатлар ўртача даромадли гуруҳга тегишлидир (Мисрда йилига 790 доллардан Саудия Арабистонидаги 7040 долларгача). Аммо минтақанинг энг камбағал мамлакати бўлган Яманда жон бошига даромад 1995 йили фақат 260 долларни ташкил қилган бўлса, ўша йили Кувайт ва БАА да у 17 минг доллардан зиёд бўлган. Шунингдек, таъкидлаш лозимки, Иордания, Ливан, Марокаш ва Тунис ишлаб чиқаришнинг диверсификациялашган тузилмасига эга бўлиб, минтақа бўйича йирик нефть ишлаб чиқарувчилар ва экспорт қилувчилар ҳисобланади (Жазоир, Эрон, Форс кўрфази мамлакатлари).

1989-1996 йиллар мобайнида минтақанинг ўртача йиллик иқтисодий ўсиш суръатлари 3,4% ни ташкил қилди, аммо демографик тенденциялар сабабли ЯММ ни жон бошига ўсиш суръатлари салбий бўлди (- 0,3).

Минтақавий ривожланишнинг асосий муаммоларини ҳал этиш учун иқтисодий ўсиш суръатларини жадаллаштириш ва ишлаб чиқаришни диверсификация қилиш мақсадида иқтисодиётни таркибан қайта қуриш, минтақавий ва хорижий сармоядорларга қулайроқ инвестицион иқлимни яратиб бериш мақсадида туб ислохотларни амалга ошириш зарур. Одатда, ислохотлар дастури ўз ичига хусусийлаштириш, иқтисодиётни қайтадан тартибга солиш ва таркибан қайта қуриш, шунингдек, умуман, бозор ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга имкон берувчи савдони эркинлаштиришни олади. Миллий иқтисодиётни ислох қилиш жараёни Жазоир, Иордания, Тунис, Марокаш ва Мисрда аллақачон бошланган, бошқа мамлакатлар эса бу йўлга ўтиш арафасида.

ХВФ экспертларининг фикрича, минтақа мамлакатлари сезиларли иқтисодий имкониятларга эга. Аммо шунга қарамай, улар сармоя нормасини ҳозирги 20%дан 25% га оширмагунларича уларни тўла амалга ошира олмайдилар (эслатиб ўтамиз, Жанубий-Шарқий Осиёнинг тез ривожланаётган мамлакатларида ушбу кўрсаткич 30% ва унда зиёд). Минтақанинг жаҳонда тутган ўрнини қуйдагича белгилаш мумкин: 1998 йили ШАЯШ мамлакатларида планетанинг 5,7% аҳолиси яшаган, унга жаҳон экспортининг 3,0%и (ривожланган мамлакатлар экспортининг 17.2%и) тўғри келган. 1998 йили минтақанинг ташқи қарзи умумий ЯИМ нинг 34,8%идан ёки 234,5 млрд. доллардан иборат бўлган.

7.2. Ривожланишнинг демографик омили

ШАЯШ минтақаси демографик режа бўйича тез ривожланаётган минтақалардан бири ҳисобланади. Агар унинг аҳолиси 1990 йили планета аҳолисининг атиги 1,5% ини ташкил қилган бўлса, бу борадаги кўрсаткич 1950 йили 2%, 1998 йилга келиб 5,7%га етган. Шу билан бирга аҳолининг йиллик ўртача ўсиш суръати ўта энг юқори (80-йилларда 3,1%, 1991-1995 йилларда 2,7%). Бир авлод ҳаёти давомида аҳоли сони икки баробар ошишига олиб келмоқда.

Минтақа бўйича аҳолининг ўртача сифими 1 кв. км. га 27 кишидан иборат (жаҳонда бу борадаги ўртача кўрсаткич — 44 киши). Аммо ҳудудининг тўртдан уч қисми чўл ва ярим чўллардан иборат, минтақада мамлакатлараро ва мамлакатлар ичкари-сида бу борада катта тафовутлар мавжуд. Масалан, Туркия ва Мисрнинг унумдорроқ ерларида минтақа аҳолисининг 43% и жойлашган. Аҳолисининг сони ўртача 15-30 млн. киши бўлган мамлакатларга Ҳазоир, Марокаш, Ироқ, Саудия Арабистони, Сурия ва Яман киради. Тунис, Ливия, Йордания, Ливанда 3 млн.дан 8 млн. нафаргача аҳоли яшайди. Мамлакат ичкари-сида аҳоли яшаш учун қулайроқ бўлган районларда жойлашган. Масалан, 1967 йилги «олти кунлик уруш» пайтида Йордания фақат 6% ҳудудини йўқотди, аммо у ерда мамлакатнинг 50% аҳолиси яшаган, муҳим саноат қорхоналари ва қишлоқ хўжалигининг асосий ишлаб чиқариш районлари жойлашган эди.

Минтақадаги урбанизация жараёни ўтган асрнинг 60-70 йилларида фаолроқ тус олди, бунинг устига Яқин Шарқ мамлакатларида суръати юқори бўлди: 1950 — 1990 йиллар мобайнида Шимолий Африка мамлакатларидаги шаҳар аҳолисининг улуши 25 фоиздан 45 фоизга, Яқин Шарқ мамлакатларида эса 24 фоиздан 63 фоизга ўсди. Охириги ўн йилликда минтақадаги Туркия, Ливия, ва Арабистон ярим оролидан бошқа мамлакатларнинг кўпчилигида урбанизация жараёни секинлашганлиги кузатилди. Шуниси қизиқки, Саудия Арабистонида 1950 йили фақат 16% аҳоли шаҳарларда яшаган бўлса, 90-йиллар бошларида эса шаҳар аҳолиси 77%ни, БАА да мувофиқ равишда 78%ни ташкил қилган. Уммон ва Яман кам урбанизациялашган бўлиб, шаҳарларда мувофиқ равишда аҳолининг фақат 11 ва 29 фоизи яшайди.

Ёш тузилмаси (минтақанинг 40 % аҳолиси 15 ёшга етмаган), шунингдек, меҳнат бозорининг (шариат қонунлари аёлларнинг ёлланиб ишлашни тақиқлайди) ўзига хос хусусиятлари иқтисодий фаол аҳолига минтақанинг атиги 30% аҳолиси тўғри келаётганлигини англатади. Шу билан бирга яқин кела-

жақда кўпгина мамлакатлар олдида ўсиб келаётган авлодни ишга жойлаштириш муаммоси кескинлашади.

Урбанизациянинг юқори даражаси, саноат секторининг ривожланмаганлиги 80 - йилларда ўсиш суръатларининг секинлашганлиги юқори даражадаги ишсизликни юзага келтиради: 90 - йиллар бошларида ишчи ўринлари камайди. Ишсизлар сони Жазоирда 136000 ва Марокашда 60000 нафарни ташкил этди. Мисрда жорий ўн йиллик охиригача қўшимча равишда камида 5 млн. ишчи ўринларини барпо этиш зарур.

Ҳам қўшни мамлакатлардан, ҳам Жанубий-Шарқий Осиёдан ишчи кучини фаол импорт қилаётган Форс кўрфазидаги қатор мамлакатларда ишчи кучининг етишмаслиги минтақанинг ўзига хос хусусиятларидан ҳисобланади. Ғарбий Европа мамлакатларида ишчилар миграцияси сезиларли бўлиб, умумий ҳолатда минтақанинг қатор мамлакалари тўлов балансини қўллаб-қувватлашда трансфертлар катталигини белгилайди.

7.3. Ривожланишнинг табиий омиллари

ШАЯШ мамлакатлари 10,2 млн. кв. км. дан зиёд ҳудудни эгаллайди. Бу ҳудуднинг 80%и чўллар ва фақат 4%и ўрмонлардан иборат (ярми Туркияда жойлашган). Минтақанинг ўзига хос хусусияти шундаки, ундаги мамлакатлараро сув ресурслари чекланган ва номутаносиб тақсимланган (Туркия ва Мисрга 77 фоизи, Арабистон ярим ороли ва Ўрта ер денгизининг 10 та мамлакатига эса атиги 10) фоизи тўғри келади. Минтақа аҳолисининг 55% қисман ёки хроногик сув танқислигидан жабр кўрмоқда. Тунис, Сурия, Жазоир, Ливан, Марокаш, Иордания ва Фаластинда ушбу муаммо жуда ҳам кескиндр.

ШАЯШ мамлакатлари ер ости фойдали қазилмалари (фосфат, темир рудаси, рух, боксит, хром ва бошқалар)га бой, аммо минтақанинг асосий бойлиги нефть ҳисобланади. Нефтнинг асосий конлари Форс кўрфазининг нефть-газ бассейнида жойлашган. Баъзи баҳолашларга кўра, минтақада жаҳон нефть захирасининг 60 дан 70% гачаси ва жаҳон табиий газ захирасининг 20% и жойлашган. Биргина Саудия Арабистонида топилган нефть захиралари АҚШ ва Шимолий денгиз бассейни захираларидан кўп.

Нефть қазиб олиш бўйича биринчи концессия 1901 йилда олинган. 30-йилларда конларни фаол қазиб олиш ишлари бошланган бўлиб, 50 - йилларда минтақа жаҳон нефть қазиб олиш марказига айланди. Аммо Яқин Шарқ мамлакатлари нефть-газ секторини национализация қилиш ва Халқаро нефть экс-

порт қилувчи мамлакатлар ташкилоти (ОПЕК) доирасида ўз кучларини жаҳон нефть бозорида бирлаштириш орқали фақат 70-йиллардагина ўз бойликларидан тўла фойдаланиш имкониятига эга бўдилар. ОПЕК мамлакатлари яқдилликда олиб борган ҳаракатлари туфайли 1970 - 1980 йиллар мобайнида нефть нархини тахминан 20 баробар ошириш ва мисли курилмаган бойлик олишга мувофиқ бўдилар. 1973-1974 йилларда нефть монополияларининг даромади 50-500% га ўсди. Нарх ўз чўққисига 1981 йили чиқди (бир баррель нефть учун 34 доллар.)

Нефть экспорт қилувчи мамлакатларнинг даромадлари шунча юқори эдики, ҳатто миллий иқтисодиёт уларни сиғдира олмай қолди. Олинган воситаларнинг қатта қисми, «нефть долларлари», АҚШ ва Ғарбий Европадаги банк депозитларига жамғарилган. «Нефть шов-шуви»нинг натижалари ОПЕКка аъзо-мамлакатлар учун жуда ҳам қулай келмади, чунки, улар ишлаб чиқараётган нефтга бўлган талабнинг пасайиши юз берди. Бу уларнинг истеъмолчи мамлакатларда энергияни тежовчи технологияларга ўтишида ҳам, нефт инқирозини жадаллаштирган миллий нефть-газ конларини ишга туширишида ҳам номоён бўлади. 1974 – 1993 йиллар мобайнида минтақанинг жаҳон нефть ишлаб чиқаришидаги улуши 40 фоиздан 30 фоизга пасайди.

Жаҳон бозорида нефтга бўлган талабнинг камайиши унинг нархи пасайишидан далолат бера бошлади. бунга қарши ОПЕК мамлакатлари 1979 йилдан 1985 йил декабригача нефть қазиб олиш ҳажми ва экспортини қисқартиришга ҳаракат қилдилар. Аммо вазият кескинлашди ва кескинлашишда давом этмоқда. Чунки, 1986 йилдан бошлаб ОПЕК мамлакатларида унинг квотаси бўйича мавжуд зиддиятлар сабабли нефть қазиб олиш кўпайтирилиб, бу билан нефть нархининг пасайиши муқаррарлаштирилди. 1986 йилда нефть нархининг деярли уч баробарга пасайиши ШАЯШ мамлакатлари экспорт ҳажми қийматини жиддий қисқартириш билан уларни 1974 йил даражасига қайтарди. 1980-1993 йиллар мобайнида ОПЕКка аъзо-давлатларнинг аҳолиси жон бошига тўғри келувчи нефть рентаси 1500 доллардан 300 долларга қисқарди. Агар нефть экспорт қилувчи мамлакатларда экспорт тушумлари ва давлат даромадларида нефтдан олинаётган даромадларнинг улуши 50 дан 90% гача ни тапқил қилаётганлиги эътиборга олинса, буларнинг ҳаммаси жиддий бюджет муаммоларига, ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг капитал сиғими юқори дастурларидан воз кечиш, ташқи боғлиқликнинг ўсиши ва иқтисодий ўсишнинг сусайишига олиб келиши аниқ бўлиб қолади. Умуман, сезиларли ўсиб-тушишларга қарамай, жорий ўн йиллик охиригача нефть нархининг пасайиш тенденцияси кутилади. Масалан, фақат 1997 йили октябридан 1998 йил

мартигача бўлган давр мобайнида нархлар 25% га — 20 дан 14 долларга пасайди.

Вазият минтақа мамлакатлари учун миллий ишлаб чиқаришни диверсификация қилиш ва миллий иқтисодиётнинг нефть-газ экспортига боғлиқлигини бартараф этиш зарурлигини англайди. Ушбу йўналишда БАА жуда ҳам олға ҳаракат қилмоқда: 1980 йилдан 1993 йилгача бўлган давр мобайнида миллий экспортдаги нефть ва нефть маҳсулотларининг улуши 95 % дан 63 % гача қисқартирилди. Шундай боғлиқликни бартараф этишга Бахрейн офшор банк бизнеси ва хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш ҳисобига муваффақ бўлинмоқда.

7.4. Иқтисодиётнинг тармоқ тузилмаси

Қишлоқ хўжалиги. Шимолий Африка ва Яқин Шарқ мамлакатларидаги ноқулай табиий иқлим шароитларига қарамай, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши қадимий анъаналарга эга. Бугдой, яслик ва бошқа экинлар айнан шу ерда пайдо бўлган, чорвачилик анъанавий равишда ривожланган эди. Экиладиган ерлар Евферат водийси, Нил ва бошқа дарёларда жойлашган чекланган ирригация имкониятлари ва кам ёғингарчилик сабабли минтақа ҳудудининг 30% ини ташкил қилади. Туркия, Эрон, Ироқ, Сурия, Миср, Марокаш ва Судан йирик қишлоқ хўжалиқ маҳсулотларини етиштирувчилар ҳисобланади.

Ўрта ва кам даромадли ривожланаётган мамлакатларда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари нархи бўйича давлат сиёсати миллий иқтисодиётдаги қишлоқ хўжалик сектори реал мазмунининг қисман кам баҳоланишига олиб келади, бинобарин у ердаги бандлик даражаси тўла акс эттирилади. Масалан, Туркияда қишлоқ хўжалиги улушига ЯММнинг атиги 15%и тўғри келади, аммо унда ишчи кучининг 53 фоизи банд.

Бу борадаги кўрсаткич мувофиқ равишда Яманда — 21 ва 61%, Суданда — 30 ва 70%, Мавританияда — 28 ва 55% дан иборат. Умуман, минтақа бўйича 90 йиллар ўрталарида қишлоқ хўжалигида 35% ишчи кучи банд бўлган ва ЯММнинг 14 фоизи ишлаб чиқарилган бўлиб, жаҳон қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқаришнинг тахминан 5 % ини ташкил этган.

Қишлоқ хўжалик экинлари таркибининг тўртдан уч қисмини дон экинлари (38%), мева-сабзавотлар (38%) эгаллайди. Дон экинлари орасида бугдой ва арпа етакчи ўринни эгаллайди, ШАЯШ мамлакатлари бу экинларни ривожланаётган бошқа мамлакатларга нисбатан кўп етиштиради. Умумий ишлаб чиқариш ҳажмида мева ва сабзавотлар улуши бўйича минтақа етак-

чилик қилади. Маҳсулотнинг деярли 12% и чорвачиликка тўғри келади. Кўп миқдорда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқаришга кирмайдиган учта мамлакат айрим маҳсулотлар мавқеи бўйича йирик ишлаб чиқарувчилар сонига кириши қизиқарлидир: Исроил (мева ва сабзавотлар), Саудия Арабистони (буғдой) ва Ҳазоир (гўшт-сут ва дон маҳсулотлари).

Аҳолининг юқори ўсиш суръатлари ва умуман, дехқончилик учун ноқулай иқлим шароитлари минтақанинг озиқ-овқат маҳсулотлари импортига доимий боғлиқ қилиб қўймоқда. Ушбу боғлиқликни баргараф этиш мақсадида Арабистон ярим оролининг нефть қазиб олувчи қатор мамлакатлар ўтган арнинг 70-йиллар охирида ўзини-ўзи озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш дастурини ишлаб чиқдилар ва ҳаётга татбиқ қилдилар. Бу қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш суръати бироз бўлсада ўсишига олиб келди. Масалан, 1980 – 1993 йиллар мобайнида бу борадаги кўрсаткич Саудия Арабистонида 12% ни, БААда – 10, Уммонда – 7, Катарда – 6% ни ташкил қилди.

Умуман, асосий озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни жамлаш минтақа қишлоқ хўжалигининг ўзига хос хусусиятларидан ҳисобланади.

Саноат. ШАЯШ мамлакатлари, айниқса, нефт ишлаб чиқарувчи мамлакатлар иқтисодиётини ўзига хос хусусияти шундаки, уларда қазиб олиш саноати ҳаддан ташқари ривожланган. Минтақа иқтисодиётида қайта ишлаш саноатининг улуши унчалик юқори эмас: унда минтақа ЯИМнинг 22 фоизи ишлаб чиқарилади, банд аҳолининг тахминан 20 фоизи машғул. Бу ўринда таъкидлаш керакки, минтақада саноат жуда ҳам номуносиб ривожланган (Туркия, Исроил ва Саудия Арабистони минтақа ЯИМининг 63% ини ишлаб чиқаради), шунингдек, саноатлаштириш юқори даражада эмас (фақат Шимолий Африка мамлакатлари Туркия ва Баҳрайн бундан мустасно).

Арабистон ярим ороли мамлакатлари ва Ҳазоирда, одатда, давлат тасарруфида бўлган нефть-газ мажмуаси ва кимё саноати юқори даражада ривожланди. Гарчи, ушбу тармоқлар миллий иқтисодиётда етакчи ва йирик саноат мажмуалари ҳисоблансада, уларда давлат секторининг роли жуда юқори.

Тунис, Марокаш, Туркия ва Мисрда паст малакали арзон ишчи кучидан кенг фойдаланиш қайта ишлаш саноати, хусусан, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, тўқимачилик, тери, озиқ-овқат саноати, металлни қайта ишлаш жуда ҳам ривожланган. Одатда, ушбу тармоқлар хусусий мулк қўлида бўлган кичик ва ўрта корхоналарга қарашли, уларнинг сармоя ва замонавий ишлаб чиқариш технологияларига эҳтиёжи жуда ҳам юқори.

Ишлаб чиқариш маҳсулотларининг катта қисми норасмий секторда. Қатор мамлакатларда металлургия корхоналари фаолият кўрсатмоқда, аммо маҳаллий бозорларнинг чекланганлиги сабабли улар, одатда, тўла қувватда ишлай олмаяптилар.

Минтақа саноати давлатнинг саноатлаштириш дастурини амалга оширилган, минтақага кўплаб нефть доллари оқимлари кириб келган 70-йилларда жуда ҳам жадал ривожланди. Нефть нархи пасайиб, давлат даромадлари қисқариши оқибатида 80-йиллар ўрталарида нефть экспорт қилувчи мамлакатларда саноатнинг ўсиш суръати секинлашди. Ҳозирги пайтда катта ишонч иқтисодиётдаги давлат секторини хусусийлаштириш ва қайта ташкил этиш дастурини амалга ошириш орқали саноатни фаоллаштиришга умид қилинмоқда.

Хизмат кўрсатиш соҳаси. Минтақа иқтисодиётида маиший хизмат кўрсатиш соҳаси минг йиллар давомида «савдо чорраҳаси» ролини ўйнаган, анъанавий аҳамият касб этган. Унга бандликнинг деярли 40%и ва ЯИМ нинг 50-60%и (Ливанда-69%, Иорданияда – 65%) тўғри келади. Фуқаролар урушигача Ливан Яқин Шарқнинг йирик молиявий маркази бўлган, ҳозирда эса Баҳрайн хиобланади. Баҳрайнда молиявий операциялардан тушаётган даромад ЯИМнинг 16%ини ташкил қилади.

Даромад ва валюта тушумларининг муҳим манбаи, айниқса, Туркия, Миср, Марокаш ва Тунис каби мамлакатлар учун туризм бизнеси ҳисобланиб, улар ҳиссасига минтақага келаётган сайёҳларнинг ярми тўғри келади. Масалан, Тунисда ЯИМнинг 5% ини ва валюта тушумларининг тўртдан бир қисмини туризмдан тушаётган даромадлар ташкил қилади. Аммо сиёсий нобарқарорлик, миллатлараро ва диний зиддиятлар сайёҳларнинг минтақага бўлган қизиқишини маълум даражада пасайтирмоқда.

ШАЯШ мамлакатларида инфратузилмани ривожлантиришга катта эътибор берилмоқда, баъзи мамлакатларда инфратузилма лойиҳаларининг хусусий бизнесга берилиши айтилмоқда.

Ривожланишнинг тарихий хусусиятлари, ички сиёсий зиддиятлар ва йирик нефть-газ конларининг мавжудлиги сабабли ШАЯШ мамлакатлари минтақаси деярли доимо давлатлараро ва миллатлараро зиддиятлар майдони ва дунёнинг энг нобарқарор ҳудудларидан бири бўлиб қолмоқда. Бу унинг иқтисодиёти юқори даражада ҳарбийлашганлигини англатади. Охириги ўн йилликда ШАЯШ мамлакатлари ҳарбий харажатлари «учинчи дунё» мамлакатлари барча ҳарбий харажатларининг ўртача 50%ини ташкил қилди. Миср, Туркия, Ироқ, ва Исроил сезиларли ҳарбий-саноат

базасига эга, минтақанинг қолган мамлакатлари ҳарбий техника ва қурул-аслаҳаларни йирик импорт қилувчилари ҳисобланади. Чунинчи минтақа мамлакатларининг 20 тадан 5 тасида ЯИМдаги ҳарбий харажатлар улуши 9 фоиздан 13 фоизгачани (Уммон ва Саудия Арабистонида — 13,1, Яманда — 12,5, Қувайтда — 12,1%), Исроил ва Иорданияда эса салкам 10%ни ташкил этади.

БМТ маълумотларига кўра, 1993 йили бир фуқарога ҳарбий харажатлар даражаси бўйича жаҳон рейтингда Қувайт (1958 доллар) биринчи, Саудия Арабистони (1338 доллар) иккинчи, Исроил (1337 доллар) учинчи, БАА (1131 доллар) олтинчи, Уммон (1039 доллар) еттинчи ўринни эгаллайди. 80-йиллар охирида ҳарбий хизматларнинг умумий аҳоли сонидаги улуши Ироқда 5,86%ни, Сурияда — 3,63%, БААда — 2,93%, Катарда — 2,15%, Ливияда — 1,86%, Уммонда — 1,65%, Туркияда — 1,25%ни ташкил қилган. Холбуки, бу борада ривожланаётган мамлакатларда ушбу кўрсаткич ўртача 0,4%га тенг эди.

Ҳарбий тузилмаларнинг асосий қисми Яқин Шарқ мамлакатларида жойлашган. Бу ерда одамларни қурбон қилувчи ва улкан иқтисодий йўқотишларга олиб келувчи кўплаб зиддиятли вазиятлар тез-тез юзага келмоқда. Дарвоқе, Ливанда 16 йилга (1974-1990йй.) чўзилган фуқаролар урушида 144 мингдан зиёд киши ҳалок бўлди. Тахминан 500 минг киши ёки аҳолининг 14%и мамлакатдан эмиграция қилинди, унинг саноат қуввати деярли тўла яксон этилди, ҳарбий ҳаракатлар зонасида жойлашган унумдор қишлоқ хўжалик ерларига зиён етказилди. Натижада 1990 йили Ливан ЯИМ 1974 йилдагига нисбатан атиги 30%ни ташкил қилади. Оқибатда, ҳаёт даражаси кескин пасайди. Буларнинг ҳаммаси мамлакатдан капитал чиқиб кетишининг табиий натижасидир. Турли баҳолашларга кўра, 1991 йилда хорижда ливанликларнинг банк қўйилмалари 15 млрд. доллардан 18 млрд. долларгачани ташкил қилган.

Миллий иқтисодиётнинг оёққа туриши мамлакатни халқаро молия бозорларига заёмлар чиқаришга мажбур қилади ва жуда катта воситаларни талаб этади. Экспертларнинг фикрига кўра, ҳарбий зиддиятларга барҳам бериб, ҳарбий харажатларни қисқартириш минтақа мамлакатларида иқтисодий ўсиш суръатларини 1-2%га тезлаштириш имконини берарди.

7.5. Ташқи иқтисодий алоқалар

ШАЯШ минтақасининг иқтисодий ривожланишида ташқи омиллар анъанавий равишда муҳим роль ўйнаган. Умуман, бу ҳудудда сезиларли ички минтақавий тафовутлар мавжуд. Аммо

шундай бўлсада, Ўрта ер денгизи мамлакатларига нисбатан Яқин Шарқ мамлакатлари жаҳон иқтисодиётига жуда ҳам тез интеграциялашмоқда. 1995 йили минтақанинг жаҳон экспортидаги улуши 3%дан ошмаган. Минтақанинг кўпгина мамлакатлари экспорт тузилмасида энергетика маҳсулотлари, нефть ва саноат маҳсулотлари (асосан енгил саноат) етакчи, улар умумий экспорт ҳажмида мувофиқ равишда 65 ва 25 % ни ташкил қилган. Энергетика маҳсулотларининг экспорти Жазоир (умумий экспорт ҳажмининг 97%), Уммон (92%) ва Саудия Арабистони (91%) каби мамлакатларда катта роль ўйнайди.

ШАЯШ минтақаси асосан ЕИ мамлакатларига мева ва сабзавотлар ҳам етказиб беради. Мавритания ва Судан экспортида қишлоқ хўжалик маҳсулотлари салмоғи юқори. Саудия Арабистони ва Туркия дон маҳсулотларини экспорт қилади.

Халқаро банк тавсифига кўра, Миср, Иордания, Ливан ва Яман хизматларни экспорт қилувчи мамлакатлар ҳисобланади (экспорт даромадларида ишчи-мигрантлардан тушадиган ташқи трансферлар улуши юқори). Сурия, Туркия, Марокаш, Тунис диверсификациялашган экспорт қилувчи мамлакатлар сирасига киради. Минтақанинг қолган мамлакатлари нефть экспорт қилувчилар сифатида тавсифланган. Минтақавий импорт тузилмасида саноат маҳсулотлари 75%ни, озиқ-овқат маҳсулотлари 10%ни, қишлоқ хўжалик хомашёси 2%ни ташкил қилади. Миср, Марокаш ва Иордания халқаро озиқ-овқат ёрдамини йирик олувчилар ҳисобланади. Саноати ривожланганроқ Туркия ва Миср тўқимачилик саноати ва бошқа саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш учун хомашё импорт қилади.

Савдо географияси тарихан шаклланган алоқаларни акс эттиради: Миср, Туркия, Исроил, Жазоир, Марокаш ва Тунис ЕИ га йўналтирилган, Форс кўрфази мамлакатлари АҚШ ва Осиё минтақаси билан фаол ҳамкорлик қилмоқда. Минтақа миллий иқтисодиёт тузилмаси кўшимча ҳисобланади, шунингдек, ички минтақавий савдодаги қатор сиёсий омиллар сабабли унга маҳсулот айланмасининг умумий ҳажмидан 15 % гина тўғри келади, холос.

Тариф ҳимоясининг юқори даражаси минтақа мамлакатлари учун хосдир (ўртача тариф қўйилмалари 10% дан ошмайдиган Кувайт ва Саудия Арабистони бундан мустасно). Шунинг учун 2010 йилга бориб, ягона эркин савдо зонаси ташкил этиш, шу муносабат билан божхона иттифоқи ҳақида ЕИ билан Ўрта ер денгизининг 12 мамлакати имзолаган шартнома улар ҳамкорлигининг янги босқичи бўлиши мумкин.

Минтақавий ҳамкорликни ривожлантириш мақсадидаги дастлабки қадам Араб давлатлари лигаси (АДЛ) ни ташкил этиш

ҳақидаги «Искандария протоколи» имзоланган 1945 йилдаёқ қуйилган эди. 1964 йили Араб умумий бозори ташкил этилди. Ҳозирда у Миср, Ироқ, Иордания, Сурия, Яман ва Мавритания ўртасидаги божхона Иттифоқи ҳисобланади. 1981 йил августда АДЛ тасарруфи остида яна бир божхона Иттифоқи — Форс кўрфази мамлакатлари ҳамкорлиги бўйича кенгаш ташкил қилинди. Унга Баҳрайн, Катар, Қувайт, БАА ва Саудия Арабистони кирган. 1989 йили таркибида Жазоир, Ливия, Мавритания, Марокаш ва Тунис бўлган Макриб иқтисодий Ҳамжамиятини ташкил этиш жараёни ниҳоясига етказилди. Бундан ташқари охириги ўн йиллик мобайнида кўплаб ўзаро савдо битимлари имзоланди. Унда Иордания Сурия, Ливан, Марокаш ва Тунис жуда фаол иштирок этди.

Ўтган асрнинг 90-йиллари бошларида иқтисодий ривожланиш масалалари бўйича бўлиб ўтган минтақавий саммитларнинг асосий эътибори ҳамкорликнинг кейинги ривожланишига қаратилган. Масалан, 1994 йили Касабланкада минтақавий ривожланиш банкини ташкил этиш ҳақидаги масала муҳокама қилинди.

Қисқача хулосалар

Шимолий Африка ва Яқин Шарқ мамлакатларига ягона минтақавий жамият сифатида қараш уларнинг этнографик, геосиёсий, маданий-диний ҳамда иқтисодий омиллари ягоналигига асосланади.

Ривожланишнинг табиий ҳамда демографик омиллари — минтақанинг ўзига хос хусусиятлари — мамлакатлараро сув ресурслари чекланганлиги ва номутаносиб тақсимланганлиги, ишлаб чиқаришни диверсификациялаш ва нефть-газ экспортига миллий иқтисодиёт боғлиқлигини бартараф этиш зарурлиги ҳамда урбанизация жараёнининг юқорилиги билан характерланади.

ШАЯШ мамлакатларида инфратузилмани ривожлантиришга катта эътибор берилмоқда, шу билан бирга баъзи мамлакатлардаги инфратузилма лойиҳаларининг хусусий бизнесга берилиши айтиш мумкин ҳисобланади.

Ҳудудда ички минтақавий тафовутлар мавжуд бўлса ҳам минтақа иқтисодий ривожланишида ташқи омиллар муҳим ўрин тутди.

Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Минтақа жаҳон иқтисодиётида қандай ўрин тутди?
2. Минтақа ривожланишининг демографик ва табиий омиллари нималардан иборат?
3. Ташқи иқтисодий алоқалар таҳлили.
4. ШАЯШ мамлакатларидаги инфратузилма лойиҳалари нимага боғлиқ?
5. Иқтисодиётдаги тармоқлар ҳаракати нималарга боғлиқ?

Асосий адабиётлар

1. П.Х. Линдерт. Экономика мирохозяйственных связей. Пер с англ. — М.: «Прогресс», 1992.
2. А.Э.Ишмухамедов, Л.И. Шибаршова. Регулирование экономики в зарубежных странах. Тексты лекций. — Т.: ТГЭУ, 2000.
3. Р.И.Хасбулатов. Мировая экономика. — М.: «ИНСАН», 1994.
4. П.Р.Кругман, М. Обстфельд. Международная экономика. Теория и политика, — М.: МГУ, 1997.

ФОРС КЎРФАЗИ МАМЛАКАТЛАРИНИНГ НЕФТЬ БОЗОРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДАГИ ВА ТАРТИБГА СОЛИШДАГИ ЗАМОНАВИЙ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ

8.1. Форс кўрфази мамлакатларининг нефть борасидаги сиёсати

Нефть прогнозининг мукамаллиги ва унинг асосида истиқболда мувофиқ сиёсатни ишлаб чиқиш, нарх ўзгаришлари ва тушиши билан Форс кўрфази (ФК) чет экспорт қилувчиларини чора кўришга мажбур этди. Бундай ҳолат, айниқса, ўтган асрнинг 70-80 — йилларида яққол сезилди. Экспертларнинг бу ҳақидаги фикрлари жуда ҳам хилма-хил бўлиб, уларда баъзан диаметриал қарама-қаршилиқлар сезилади.

Дарҳақиқат, уларнинг тахминича ФК мамлакатлари нефть борасидаги сиёсатни кўриб чиқиш пайтида жаҳон бозорида имкониятлари углеводород хомашёси захираси ва уни қазиб олиш таннаригига кўпроқ боғлиқлигини эътиборга олишлари лозим. Ўз йўналишларини ишлаб чиқиш билан бирга улар, шунингдек, таъминлаш ёки аксинча, миллий вазифаларга эришишни кескинлаштириш қудратига эга.

Айни пайтда улар Саудиядаги нефть ва иқтисодий омилни ҳисобга олишга мажбурдирлар. Шунингдек, Қувайт ва БАА имконияти ҳам етарли даражада кенг. Аммо, ҳатто, Саудия Арабистонини ноқулай шароитга тушириб қўйиш учун биргаликда ҳаракат қилсалар ҳам, натижа кутилган даражада эмас. Яна шундай тахмин минтақавий ишлардаги Саудия Қувайтнинг ўзаро кетма-кетлигини ҳисобга олган ҳолда сиёсий кўринишларда ҳам акс этади. Уммон ва Катар экспорт қилувчи мамлакатлар орасида жуда ҳам ночор аҳволда бўлса, Баҳрайн ўз нефть ресурсларини тугатгандан кейин миллий ишлаб чиқариш учун Саудия ва баъзан Қувайт нефтдан фойдаланмоқда.

ФК мамлакатларининг халқаро муносабатлардаги нефть-газ муаммоларига бўлган ёндашуви босқичма-босқич шаклланмоқда. Биринчи босқичда максимум миллий даражага етказиш вазифаси белгиланган. Сўнгра ушбу ёндашув ўзаро манфаатлар асосида ва Саудия ёндашувини ҳисобга олган ҳолда ФК доирасида тартибга солинади. Охири у ОПЕК доирасида келишилади. Аммо бу уларнинг давлат ҳамкорлик кенгаши ва ОПЕКдаги шериклари фикрича, дастлабки ёндашувидан воз кечишга мажбурлигини англамайди. Саудия Арабистони анъанавий шерик-

лари билан музокара бошлашдан олдин баъзи йирик аутсайдерлар билан ўзаро ҳамкорликни тўхтатишга интилмоқда. Ушбу тузилмани ҳал этиш тавсиявий характерда бўлиб, давлат бу борадаги ўз қарашини заҳирага олиб қўйиш ҳуқуқига эга. Аммо бундай вазиятда у бозор конъюнктурасини тенглаштириш борасидаги қўшма ҳаракатлардан четда қолиши, бундай ҳаракат иштирокчилар манфаатини чеклаб қўйиши мумкин. Масалан, Уммон Баҳрайн каби ОПЕК аъзоси эмас, аммо у шунга қарамай ўзининг нефть борасидаги сиёсатини нефть экспорт қилувчиларнинг ушбу халқаро тузилмасида асосий роль ўйнаётган ФКдаги шериклари сиёсати билан мувофиқлаштиришга интилмоқда.

Ўтган асрнинг 70-йиллари биринчи ярмида, ҳар бир давлат хусусиятини ҳисобига олган ҳолда ОПЕК доирасида ҳамкорликда фаолият кўрсатиб, ФК биринчи навбатда, қазиб олиш соҳасидаги назоратни тасдиқлашга йўналтирилган нефть борасидаги манфаатларига муваффақият билан эришилди. Концессия шартномаларини кўриб чиқиш борасидаги амалий ҳаракатлар, шунга уларни бекор қилиш жараёнида эҳтимол Жазоир ёки Ливиядаги миллийлаштириш актмейри каби унчалик сиёсий ҳамлалар бўлмаган, аммо улар иқтисодий жиҳатдан самарали бўлган.

Нефть ишлаб чиқарувчиларнинг Фарб монополиялари билан концессия шартларини қайта кўриб чиқиш борасидаги музокаралар 1972 йил январида Женевада бошланган. Амалий режада суҳбат Саудия Арабистонининг нефть вазири Аҳмад Закки Ямани ва АРАМКО вакили ўртасида бўлиб ўтди. Нефть ишлаб чиқарувчи мамлакатлар иштирокини компенсациянинг мувофиқ қийматида 25% дан 51% га ошириш саудияликларнинг дастлабки таклифи бўлган. 1972 йил декабрида Саудия Арабистони, Катар ва Абу Даби томонидан тасдиқланган Бош битим имзоланди.

Шундай қилиб, углеводород ресурслари тақсимланишида давлатнинг асосий устувор йўналишларини белгилаш назарда тутилган. Аммо ушбу жараёнга нефть ишлаб чиқарувчи мамлакатлар тузилмасини радиаллаштириш борасидаги сиёсий ҳодисалар халақит берди. Араб-Исроил уруши ва вужудга келган «нефть шов-шуви» таъсирида юзага келган шароитда Саудия Арабистони ўз капиталидаги улушини 1974 йили 51% га, кейинги йили эса 60% гача етказди. 1980 йили подшоҳлик АРАМКО мулки қийматидан ошувчи тавонни тўлаб, ушбу пропорцияда барча акция пакетининг мутлақ эгаси бўлиб қолди. 1974 йили Қувайт ҳукумати «Қувайт Ойил Компони» қазиб олаётган нефтнинг, шунингдек, давлатнинг ўзида қайта ишланаётган қув-

ватнинг 60% ига эришди. Уша вақтда «Аминойил» компаниясининг 85% акцияси сотиб олинди. 1976 йили Бахрайнинг ички нефть бозори Бахрайн миллий нефть компанияси назоратига ўтди. 1980 йили мамлакатдаги нефть қазиб олиш тизими тамомила унинг ихтиёрига берилди.

Катар мустақилликга эришгандан сўнг нефть саноатини қайта ташкиллаштирди. 1972 йили нефть операциялари устидан назорат қилувчи «Катар Нешнл Петролеут» компанияси ташкил қилинди. 2 йилдан сўнг ҳукумат унинг негизида «Катар Жeneral Петромут Корпорейшин»ни ташкил қилди ва хорижий компаниялар билан шартнома имзолаб, унга кўра, у 60% акцияни олди. 1974 йил декабрида ҳукуматда қолган 40% акцияни ҳам сотиб олишини эълон қилди. Уммон ҳукумати 70-йил бошида нефть ишлаб чиқариш хажми кунига 300 минг баррелдан 846 минг баррелгача етказишга эришган «Петромуш Девелопмед оф оман»нинг 60% акциясини сотиб олди. Аммо бу билан у нефть ва газни қидириб топиш ва кашф этишга хорижий капитални жалб қилиш имкониятини ошира олмади. Мувофиқ равишда, 1996 йили «Джекс Монтасир», «Арко Оман», «Филипс Петромум Оман» ва «Тритон Омон» компаниялари, 1997 йили эса Саудиянинг «Нитр Перомум Компони» ва Канаданинг «Галф Стрим Ресоусис» билан битимлар имзоланди. Аввал Уммон нефть бозорига «Элф» ва «Оксидентал Оман» компаниялари мустақкам ўрнашиб олган эди. «Арабистон олтилиги» пойтахтларида аввалгидек, АҚШ ва Буюк Британия ҳукмдор сулолаларнинг ташқи таянчи сифатида қабул қилинган бўлиб, уларнинг заифлашуви кескинлашган монархия тартиботлари учун узоққа чўзилувчи оқибатларни олиб келиши мумкин. Фарб учун нафақат унинг иқтисодиётидаги йўқотишларни қийин тўлдирилувчи ва чуқур энергетика қийинчиликларини юзага келтирувчи, балки антиимпериализм мавқеидаги кучлар фойдасига дунёдаги глобал сиёсий муносабатларни ўзгартиришга ҳам таъсир этувчи Форс кўрфазидаги мавқеини йўқотиш истиқболлари шунчалик номақбулдир. Айниқса, Қувайтнинг Ас-Сабих ҳукмдор оиласига шундай ёндашувда туриш қийин кечади.

САП, Катар ва Бахрайндан фарқли равишда у ердаги ҳокимият мутлақ бўлиб, у нефть борасидаги сиёсатини радикаллаштиришни талаб қилаётган Миллий мажлис билан иш олиб боришига тўғри келади. Бунинг устига кейинги ҳодисаларнинг кўрсатишича, Қувайт парламенти ушбу вазиятни бир хилда ҳис этади. Саудия нефть вазири ишгирокида «Қувайт ойл Компани»ни Буюк Британия назоратига ўтказиш борасида ишлаб чиқилган шартнома лойиҳасини бекор қилган ҳолда Миллий мажлис ҳукумат-

ни қазиб олинаётган нефтнинг 60%ини давлат ихтиёрига ўтказишга даъват қилди. Аммо кўрфаз нефть монархияларининг «етақчиси» сифатида барибир Саудия Арабистони қолмоқда. Унинг раҳбарлари «олган» манёврлар чамбарчас боғланган йўналишлар — қазиб олиш, қайта ишлаш, транспортировка ва нефтни сотиш асосида олиб борилаётган бўлиб, у доимий равишда янги чўққиларни эгалламоқда. Ўзининг араб қўшниларидан фарқли равишда САП Америка нефть монополиялари билан бўлган барча музокараларда яширин муқаррар далилга таянмоқда, яъни унинг мислсиз углеводород хомашё захираларига эга эканлиги назарда тутилган. 1974 йилги ҳолатга кўра, Саудия Арабистони кўрсатилган жаҳон нефть захирасининг 21% ига эга бўлиб, унга Яқин Шарқдаги нефть ресурсларининг 38%и ва ОПЕК мамлакатларидаги 33% нефть тегишли эди. Бойкот эълон қилиниши билан жаҳон нефть нархининг кўтарилиши ва концессия шартномаларини қайта кўриб чиқиш натижасида араб мамлакатларининг, айниқса, САПнинг, нефтдан олаётган даромадлари кескин ошди. 1975 йили подшоҳлик ҳиссасига ОПЕК даромадининг 30%и ва ушбу ташкилотга кирувчи давлатлар умумий бюджетининг деярли 50%и тўғри келган. Хориждаги Саудия валюта захиралари 23,7 млрд. доллар деб баҳоланган бўлиб, у жаҳон валюта захираларининг тахминан 10%ини ташкил қилади. Саудия Арабистони, Қувайт ҳукумати, ишбилармон доиралар ва Абу Дабидаги нефть қазиб олишга қўшилувчилар 70-йиллар ўрталарида уларнинг нефть соҳасидаги хорижий сармоялари қисқаришини эътиборда тутган ҳолда экспорт қилувчи мамлакатлар иқтисодий ҳолатига салбий таъсир кўрсатган нефть импорт қилувчи мамлакатларда стагнация белгилари кўзга ташланишининг бошланишидан хавотирга тушдилар. Уша вақтда Катар ва Дубай каби майда ишлаб чиқарувчиларнинг ушбу муаммога бўлган муносабати бошқача эди. Улар кейинги ўн йиллик мобайнида бозорнинг имкониятидан фойдаланиш борасидаги мунозаралардан бош тортиб, ҳали уларда нефть мавжуд бўлган ўша давр мобайнида энг юқори даражада даромад олишга интилганлар. Вужудга келган ноқулай иқтисодий конъюнктура узоқ муддатли оқибатларга олиб келиши мумкин бўлиб, подшоҳликнинг нефть борасидаги стратегиясига мувофиқ келмади. Шунинг учун САП ҳукумати подшоҳликнинг нефть борасидаги стратегиясидаги йўналишлардан воз кечишга мажбур бўлди. Подшоҳлик Абу Даби амирлиги томонидан тўла қўллаб - қувватланди. Катар, Дубай ва Баҳрайнда эса шундай ғайрат кузатилмади. Бундан ташқари Саудия Арабистони ўзидаги кенг иқтисодий ва сиёсий воситалардан шериклари мавқеини кўтариш учун фойдаланди.

1976 йил декабрида Дохадаги ОПЕК мамлакатлари нефть вазирларининг кенгаши САП ва БАА фикрларини назарда тутган ҳолда яқин ярим йиллик мобайнида нархни 10% га, кейинги ярим йилликда эса яна 5% га қўтаришга қарор қилди. Ар-Риёд ва Абу Дабида ушбу қадам «ўйланмасдан қилинган иш» сифатида қабул қилинди. Ваҳоланки, у вақтинчалик даромад кўришига эга бўлиб, ҳатто қисқа муддат ичида жаҳонда энергетика инқирозининг янги оқимини вужудга келтириши мумкин эди. Ушбу ҳаракатга жавоб тариқасида Саудия Арабистони дарҳол қазиб олишни кунига 8,5 дан 10 млн. баррелга қўтарди ва нефть нархлари кескин тушиб кетди. Саудия Арабистони билан келишилмаган ҳолда нарх борасидаги сиёсатни олиб бориш мумкин эмаслигини тан олиб, ОПЕКнинг «исёнчи» мамлакатлари таклиф қилинган мурасага, яъни нархларни фақат 5% га қўтаришга рози бўлдилар. ФКнинг шундай сиёсий аҳтимоли АҚШ, Ғарбий Европа, Япония томонидан маъқулланган бўлиб, иқтисодий ўзаро ҳамкорлик ва сиёсий ўзаро тушунишни мустаҳкамлаш имконини берди.

Минтақавий ва халқаро ишларда ўз мавқеъларини ошириш, шунингдек, субрегионал даражадаги интеграцияни ривожлантириш мақсадида кўрфазнинг араб монархиялари қулай восита сифатида, шунингдек, нефть соҳасидаги сиёсатини мувофиқлаштириш учун 1981 йили ФКни ташкил қилдилар. Ушбу ҳодиса нефть нархидаги ўпирилиш, шов-шув ва жаҳон бозорини мажбуран қисқартириш шароитида юз берди. Агар 1980 йили Ҳамкорлик кенгашига кирувчи мамлакатлар ҳиссасига дунёдаги нефть ишлаб чиқаришнинг 26,61%и тўғри келган бўлса, 1985 йил ўрталарига келиб, ушбу кўрсаткич 10,34%гача қисқарди. Аммо қазиб олишни 16,62%дан 4,76%гача пасайтирган йирикроқ нефть ишлаб чиқарувчи сифатидаги Саудия Арабистони ҳаммадан кўра кўпроқ зиён кўрди. Нефть экспорт қилувчи давлатлар томонидан шундай кескин ҳодисалар кўзда тутилмаганлиги ФК мамлакатларини нефть соҳасидаги сиёсий ва амалий ҳаракатларини янада жипсроқ мувофиқлаштиришга ундади. Ўзаро ҳаракатлар зарурияти сиёсий сабабга ҳам эга эди — нефть воситасидан Форс кўрфази араб давлатларига нисбатан босқинчилик туйғусини яширмагани, қўшни Эронга қарши фойдаланишни тасдиқлаши натижасида ЭИР эълон қилган даражадаги нархни 2 долларга доимий равишда пасайтирган ҳолда Эрон нефть экспортига тўсқинлик қилиш билан САП-БАА таркибида кетма-кетлик юзага келди. Унга Қувайт ҳам қўшилди. Шундай тактика нафақат Эронга, балки бошқа радикал нефть экспорт қилувчиларга (Ироқ, Ливия, Жазоир) ҳам моддий за-

рар етказган бўлсада, умуман, эркин рақобат принципларига зид келмасди. Аммо уларни жаҳон бозоридан сиқиб чиқарди.

САПнинг шундай сиёсати оқибатида нефть бозорида Саудия Арабистони нефти кўпайди, бу реал эҳтиёжлардаги таклифлар ошиши ва мувофиқ равишда ОПЕК жаҳон нефть нархининг пасайишига қарши туриш имкониятига эга эмаслигини кўрсатди. Экспорт қилувчи мамлакатларда, шунингдек, подшоҳликнинг ФКдаги шериклари орасида бошқа ишлаб чиқарувчилар манфаатини янгидан чеклаш ҳисобидан жаҳон бозоридаги Саудия Арабистони экспансиясининг давом этиш имкониятидан хавсираш юзага келди. Шундай йўналиш бўйича 1983 йили биринчи маротаба ОПЕКга аъзо-давлатлар учун нефть экспортини квоталашга уринишлар бўлиб, умумий қазиб олиш кунига 31 млн. баррельдан 14 млн. баррельгача қисқартирилди. Аммо кенг кўламли мустақил ҳаракатни амалга ошириш имкониятига эга эканлигини эълон қилган ҳолда Саудия Арабистони нефть соҳасидаги етакчилик ролининг тан олинishiга тўлиқ муваффақ бўлди ва бу унга ҳамкорлик кенгашидаги шериклари орасида қўшимча обрў берди.

1984 йил ноябрда Қувайт ва Катар, шунингдек, Венесуэла ва Индонезия кўмагига таянган ҳолда САП ОПЕК давлатларидаги нефть қазиб олишни кунига 17,6 млн. баррельдан 16 млн. баррелга қисқартиришга эришди. Шу билан бирга подшоҳликнинг ўзидаги ишлаб чиқаришни кунига 5 млн. баррелдан 4,35 млн. баррелга қисқартирди. Аммо САПнинг мувофиқлаштирувчи ҳаракатлари ОПЕК самарадорлигини пасайтирди. Қувайт ва Жазоирдан ташқари ОПЕК нинг бошқа аъзолари янги квотани рад этдилар. САП ҳукумати ўз вақтида Қувайтни ўзининг янги тактикаси ҳақида огоҳлантирди ва дарҳол квота борасида шундай ҳаракатни бошлаб юборди. Шунингдек, БАА жуда кеч бўлсада шундай сиёсатга қўшилди. Саудия Арабистонининг огоҳлантиришсиз ва нафақат ОПЕК даги шериклари билан, балки ФКдаги араб иттифоқчилари билан келишмаган ҳолда янги тактик йўналишларга ўтиши Саудия Арабистонининг нефть борасидаги сиёсати аввало миллий характерга эга эканлиги ва ўз мақсадига эришиши учун ҳамкорлик кенгашидаги шериклари фойдасидан ҳам воз кечишга, подшоҳликнинг стратегик манфаатларига зид келувчи унинг ҳар қандай ҳаракатлари даражасида ҳам, тайёр эканлигидан далолат беради.

Қувайтда қазиб олишни, САП билан кунига 1 млн. баррелга қисқартиришга келишган бўлсада, 1986 йилнинг биринчи ярмида бу борадаги кўрсаткич 70% га ўсди. Бу ОПЕК белгилаган квотадан юқори эди. Ўша пайтда Катар янги вазиятни ту-

шунмаган ҳолда ишлаб чиқаришни пасайтиришда давом этиб, 1987 йил бошида қазирни кунига 2000 минг баррелга етказди ва бу 1984 йилга нисбатан икки марта кам эди. БААдаги ҳолат қийин кечди. Федерал ҳукумати ОПЕК белгилаган квотадан норози эди. Муаммо икки амирлик - Абу Даби ва Дубай ўртасидаги рақобат оқибатида янада кескинлашди. Тахминан 75 % нефть ишлаб чиқараётган Абу Даби Дубай томонидан ОПЕК белгилаган квотага Дубай билан келишмаган ҳолда БАА номидан рози бўлганликда айбланиши оқибатида қисқартманинг катта улушини ўз зиммасига олишга мажбур бўлди. Амирликлар ўртасидаги рақобат туфайли БАА улар учун белгиланган қазиб олиш даражасини доимий равишда ошириб борди. 1987 йил бошларида ФК аъзолари биргаликдаги ҳаракатлари туфайли БААнинг белгиланган квотага риоя қилишига эришдилар, аммо бундай ҳолат сақланиб қолинишига ишонч йўқ эди.

Уммон ҳамкорлик кенгашидаги шериклар билан фақат бир хил йўналишда ҳаракат қилди. ОПЕК ва ОПЕК ка аъзо бўлмаган ҳолда у 80-йил ўрталарида топилган унчалик катта бўлмаган нефть захираларида қазиб олишни кўпайтиришга ҳаракат қилди. Агар кўрфазнинг бошқа монархияларида нефть инфратузилмаси тўлиқ ҳолатда шаклланган бўлса, Уммон энди ушбу тузилмани барпо этишга киришаётган эди. Ишлаб чиқариш ҳажми бўйича у фақат 1985 йил июнида кунига 500 минг баррелга яқинлаштирди ва 1986 йил охирига келиб, кунига 575 минг баррел ҳажмига етказишни мўлжаллаган эди. Аммо Саудия босими билан дуч келган ҳолда султонлик кунига 530 минг баррел даражасида тўхтаб, режалаштирилган ўсишда воз кечди.

Саудия ва Қувайтнинг нефть экспертлари асосан бир баррелга 27,6 доллар нарх бўйича аввал тузилган шартномалардан келиб чиққан ҳолда орттириб кўрсатганлари боис нефть бозорини кенгайтира олмадилар. ФК мутахассисларининг ҳисобига кўра, ўша шароитларда бир баррел нефть 16-18 доллар бўлган. Бунинг устига нафақат САП, балки тўлов балансининг сезиларли профицитига эга бўлган Қувайт, БАА ва Катар нархнинг 10 долларгача пасайишини қийинчиликсиз кўтара олар эдилар. Чунки, жаҳонда нефть таннархи 4 доллардан 17 долларгача ўзгариб турган шароитда Саудия Арабистонидаги унинг энг паст таннархи 2 доллар, Қувайт ва БАА да эса 2,5 долларни ташкил қилган. Шу билан бирга барча давлатлар хорижий банкларда ўз валюта воситаларига эга эди (Масалан, САП тахминан 40-50 млрд. доллар).

Хизмат кўрсатиш соҳасига кўпроқ йўналтирилган Баҳрайн иқтисодиёти нефть нархининг пасайишидан кам даража-

ли зиён кўрди. Ва фақат Уммон кейинги нефть таъминотига эга эмас эди. Пировард натижада ҳамкорлик кенгаши доирасида бир фикрга келишиб олинди. Унга мувофиқ САП нархни 16 доллар даражасида барқарорлаштириш учун олишни кўпайтиришда давом этиши керак эди. Натижада нархлар пасая бошлади ва бу эҳтимол кўрфаз альянсига кирмайдиган ОПЕК нинг бошқа аъзоларини хавотирга солди.

Эрон бошчилигидаги радикал гуруҳлар босими остида 1986 августида саудияликлар ОПЕКнинг парчаланиб кетмаслиги учун ушбу ташкилот аъзоларида нефть ишлаб чиқаришни икки ой қисқартиришга (20 дан 16,8 млн. баррел кунига) рози бўлиб, жой беришга мажбур бўлдилар. Бунинг устига бу асосан Саудия подшоҳлиги ва Қувайт ҳисобидан амалга оширилди. (0,7 млн. барр.лар кунига). Нефть нархи дарҳол 4-5 долларга кўтарилган бўлиб, бу ОПЕК учун Қувайтни қўшган ҳолда аъзо-давлатларнинг экспорт квотасини бир мунча кўпайтиришга асос бўлди. Аммо САП бюджет даромади пасайган вақтда Ахмад Заки Ямани томонидан нефть нархи ва ҳажми билан олиб борилган мураккаб ўйин Қирол Фахд норозилигини келтириб чиқарди. Қирол 1987 йили уни нефть вазири мансабидан четлаштирди.

8.2. Форс кўрфази мамлакатларининг жаҳон нефть бозорида тутган ўрни

1990 йил июлида ОПЕК нефть вазирларининг мажлиси бўлиб ўтди. Унда Ироқ вакили жаҳон бозоридаги депрессия ҳолатига қарамай ўз шерикларидан нефть нархини 25 долларга кўтаришни ультиматум шаклида талаб қилди. Бундай ёндашувни Саудия Арабистони, Қувайт ва БАА қатъий инкор этдилар. Уша вақтда Боғдод ва БАА ни Ироқ иқтисодиётини яқсон қилиш мақсадида белгиланган квотани атайлаб ошираётганликда айблади. Ироқ таклифи деярли инобатга олинмаган ушбу учрашувдан кейинроқ Саддам Ҳусайн Қувайтга ҳарбий қўшин киритиш ҳақида буйруқ берди. Нефть соҳасидаги қарама-қаршилиқлар ҳам, хусусан, углеводород ресурсларига бой чегара худудларининг кимга тегишли эканлиги ҳақидаги қадимги баҳс Қувайт давлати босиб олинишининг асосий сабабларидан бири эди.

Форс кўрфазида ҳарбий- сиёсий инқироз кескинлашганлиги боис 1990 йилнинг учинчи чорагида нефть нархи 14 доллардан 32 долларгача кўтарилди. Аммо Ироқ ҳам, Қувайт ҳам ўзлари учун очилаётган истиқболдан фойдалана олмадилар. Ироқ ва Қувайтни нефть бозоридан кетиши, аввало, Саудия Арабис-

тони томонидан дарҳол компенсация қилинди. Чунки ОПЕК мамлакатларидан ҳеч бири нефть қазиб олишда захиравий имкониятларига эга эмас ва қисқа муддат ичида уни ҳаракатга келтирмайди. САП 1995 йили ишлаб чиқаришни зудлик билан 1989 йилги даража — кунига 5,38 млн. баррелдан 8,03 млн. баррелгача кўтарди. Шунинг учун «янги нефть шов-шуви»нинг бир кўриниши юзага келган ҳолат тарзида, бозор талабига мувофиқлаштирилди ва 4-5 ойдан кейин нархлар 16,30-20 доллар атрофида мустаҳкамланди.

1991 йили озод қилинган Қувайт нефть бозорига қулайроқ конъюнктура шароитларида қайта кирди. Бу жаҳон нефть нархининг пасайиши билан боғлиқ эмасди. Чунончи, 1992 йилиёқ Қувайт даромадлари деярли 1990 йил даражасида, 1993 йили эса 9,7 млрд. доллар бўлиб, олти йил мобайнидаги ўртача даражадан юқори эди.

ФКга аъзо давлатлар Саудия нефть экспансиясига рози бўлдилар. Бўнинг устига Ар-Риёд «антипроқ коалицияси»нинг ҳарбий ҳаракатларини молиялаштириш борасидаги йирик харажатлар компенсация қилинишига эҳтиёж сезарди. Аммо Ироқ квотасини ажратишда реал иштирок этиш учун етарли захиравий имкониятга эга бўлмасада, Ироқ шундай ёндашувга очик - ойдин қарши чиқишга интилди. Бўнинг асосида САП билан анъанавий рақобатчиликка боғлиқ сиёсий-иқтисодий ваз, шунингдек, ким уни қўллаб-қувваталанишига қарамай, Форс кўрфазидagi хорижий иштирокнинг мавжудлигига қаршилиқ ётар эди. Шунга қарамай, ОПЕКдаги вазиятдан келиб чиқиб, нефть ишлаб чиқариш кунига 8,5 млн. баррел белгиланди.

90-йил бошларида ОПЕКнинг «нефть маятниги» тактикаси доирасида нефть ишлаб чиқаришни ривожлантириш шартлари 1986 йилдаёқ, кам самарали, деб тан олинган нефть сиёсатининг таянч воситаси бўла олмади. Шунинг ҳисобга олган ҳолда подшоҳликнинг моҳияти 1992 йили нефть ва минерал ресурслар вазири маслаҳатчиси Ибраҳим Муханна томонидан баён қилинган янги нефть концепцияси ишлаб чиқилди. У қуйидаги олти принципга асосланган:

- Саудия ва жаҳон иқтисодиётининг олға қараб ривожланиши кафолати сифатида барқарорлик ва нефть бозори ҳақида олдиндан айтиб беришни таъминлаш;

- нархлар бозор омиллари асосида белгиланиши, нефтни сунъий равишда кўп ишлаб чиқармаслик учун бозор механизмини мувофиқлаштириш: унинг ёқилги-энергетика соҳасидаги фаолияти экспорт қилувчининг кафолатланган даромадини таъминлаш учун ҳимоя қилинган бўлиши зарур;

- суюқ углеводород ташувчилар ва энергетика хомашёсига қўйилган солиқни қўшган ҳолда нефть учун дискриминацион божларни жорий этишга қарши туриш;

- бозорни мувофиқлаштириш борасида амалий чоралар ўтказаятган экспорт қилувчиларни рағбатлантириш бўйича бақарорлаштирувчи омилларни ушлаб туриш;

- нефть экспорт қилувчилар орасида ҳам, уни импорт қилувчилар орасида ҳам САП ҳеч қачон «маятник» сиёсатидан олдинга ўтиб кетмасликни тушунтириш;

- ўзаро хавфсизлик принципига риоя қилиш. бу импорт қилувчилар бозор нархлари бўйича узлуксиз нефть етказиб берилишига ишонишлари кераклигини, ишлаб чиқарувчилар эса нефть саноатининг тижорий фойдали интеграциясига кўмак бериш учун бозорга эркин киришлари лозимлигини англатади.

Баён қилинган концепция «маятник даври»дагидан кескин фарқ қилади.

САПнинг янги ёндашувларига бўлган қарашлар ҳамкорлик кенгашидаги шериклар орасида ижобий эди. Хусусан, Қувайт, БАА ва Уммон Катар амалиётида Саудия декларациялари «ишлашига» ишонч ҳосил қилинишини инobatга олган ҳолда ўз фикрларини баён қилмади. Саудия концепциясини саноати ривожланган мамлакатлар ҳам маъқуладилар. Айниқса, Форс кўрфазини нефтини асосий импорт қилувчилардан бўлган АҚШ ушбу принциплар ОПЕК мамлакатлари ва улар нефтини истеъмол қилувчи давлатлар ўртасидаги ўзаро алоқалар йўналишида тарқатилишига чақирди. Шу билан бирга Саудия Арабистонига нефть бозоридаги «кво» статуси кескинлашиши маъқул келган бўлиб, у унинг мустақамланишига интилмоқда. Амалиётда бу подшоҳликнинг кунига 8 млн. баррел нефть қазиб олиш ёки ОПЕК да ишлаб чиқарилаятган нефтнинг 1-3 қисмига эгаллик қилишдаги қатъийлигини англатади. 90-йилнинг биринчи ярмида нефть бозоридаги Саудия - Қувайт — Бирлашган Араб Амирликларининг ўзаро ҳаракати мустақамланади. Ушбу мамлакатлар ҳиссасига ОПЕКнинг аъзо- давлатларида 1995 йили кунига қазиб олинган 25,585 млн. баррел нефтдан 12,486 млн. баррели тўғри келган бўлиб, у 50% дан озгина камдир. Уларнинг асосий оппоненти бўлган Ироқ, қазиб олишни кўпайтиришга истиқболсиз, деб қараб, кунига 3,608 млн. баррел ишлаб чиқарди. Шунинг учун у «нефть қисқартириши» сиёсатини амалга оширишга ҳеч қандай қаршилиқ кўрсатиш имкониятига эга эмас эди.

Бу ҳамкорлик 90-йил ўрталарида Саудия Арабистони Қувайт ва БАА билан биргаликда ОПЕК мамлакатларида умумий қазиб олиш ҳажмини кунига 25,03 млн. баррел атрофида

тўхтатиб туриш сиёсатини қулай даражада ушлаб туриш имконини берди. Бир пайтнинг ўзида улар рақобатчилар, шунингдек, муқобил энергия манбалари ишлаб чиқарувчиларни ушбу ахборотлардан маълумот нархлар сифатида фойдаланишларига имкон бермаслик ва белгиланган Саудия доминантларига тўқтинлик қилувчи бошқа йирик экспорт қилувчилар билан тўқнашдан қочиш мақсадида ўзларининг нарх йўналишларини эълон қилишдан эҳтиёт бўдилар.

Саудияликлар ва уларнинг ҳамкорлик кенгашидаги етакчи шериклари нефть масаласидаги ноаниқликлар билан рентабеллиги кафолатланмаганлиги боис бошқа давлатлардаги нефть комплексининг барча бўғинларини ривожлантиришда кучли сармоядорларни ушлаб туришга интилганликлари аниқ эди. Аммо 1997 йил ноябрида ОПЕК нинг нефть вазирлари мажлисида САП, Қувайт, БАА ва Катар қазиб олиш даражасини ошириш ва квоталарни мувофиқ равишда тўғрилаш ҳақидаги қарорни қабул қилишда ташаббус кўрсатадилар. Ушбу таклиф ўрта муддатли истиқболдаги қулай нефть нархи прогнозига асосланган эди. Ваҳоланки, нефть бозори ушбу йилнинг тўртинчи чорагида, фавқулодда сигнални бериб бўлган эди. ОПЕК ишлаб чиқариш режаси кунига 25,03 барелдан 27,5 млн. баррелга кўтарди. Бунда Саудия квотаси 9,5%га ёки кунига 8,76 млн. баррелгача кўпайди. САП нинг нефть ва моддий ресурслар вазири Иброхим Ан-Нуэйми бундай оширилишни изоҳлаб, бир баррел учун нархлар 21 доллар атрофида ушлаб турилишига ишонтирди. Ваҳоланки, ОПЕК мамлакатларида экспорт қилинаётган нефтга бўлган реал эҳтиёж кунига 28 млн. баррелдан кам бўлмаслиги лозим эди. Аммо нефть бозоридаги кейинги ҳодисалар ривожини саудияликлар ўз баҳоларига таянганликларини кўрсатди. Албатта, ОПЕКка тааллуқли бўлмаган Осиёдаги молиявий-иқтисодий инқироз кескинлашиши, шимолий ярим шарда қишнинг кутилганидан енгил ўтиши, шунингдек, БМТ нинг «озик-овқат ўрнига нефть» дастури доирасида нефть бозорига Ироқнинг қисман қайтиши каби субъектив ҳолатлар сабабли жиддий тузатишлар киритилди. 1997 йил декабридаёқ нефтнинг ўртача нархи ноябрдаги 18,81 доллардан 16,58 долларга пасайди. ОПЕК мамлакатлари, айниқса, ФК аъзо давлатлари, 12 йил прогнозларга таянган ҳолда янги белгиланган квоталардан ким ўзарга нефть ишлаб чиқаришлари сабабли вазият кескинлашди. Шу билан бирга САП нефть вазири Тинч океани минтақасидаги инқироз нефть портларига кенг таъсир кўрсатишини, шунингдек, Хитой ва Ҳиндистон каби йирик мамлакатлардаги вазият қулай ҳолатда ва нефтга бўлган эҳтиёж пасаймаслиги-

ни таъкидлашда давом этди. Нарх пасайиши пайтида қазиб олишнинг кўпайтирилиши САП учун ягона фойда — Америка нефть хомашё бозоридаги мавқеининг тикланишига олиб келган ва шунинг учунгина саудияликлар жаҳон нархидан паст нархларда нефть етказиб бериш борасидаги шартномаларни имзолаш билан деярли демпинг ҳолатига бордилар. Шундай ёндашув аввалги «маятник» тактикасининг замонавий варианти эслатади.

Қувайт, БАА ва Катар амалий нархлар бўйича кафолатланган маҳсулотни етказиб бериш асосида бозорни барқарор ушлаб туриш, шунингдек, юқори қазиб олиш харажатлари билан экспорт қилувчиларни сиқиб чиқариш ҳаракатида бўлиб, ривожланаётган ноқулай тенденцияларни кузатиб турдилар. Улар ваҳимаси ҳамкорлик кенгашининг қатор давлатлари томонидан 1998 йилги миллий бюджети тузилиши билан қабул қилинган базавий даражадаги нарх 14 долларга тушиши сезила бошлагач, уларнинг ваҳимаси янада ошди.

Қалтис вазият бошланаётганлигини тан олган саудияликлар унинг таъсиридан чиқиш учун 1998 йил мартда Венсуэла ва Мексика вазирлари билан учрашиш ташаббуси билан чиқдилар. Учрашувда ОПЕКнинг барча аъзолари билан қазиб олиш ҳажмини унга қўшилаётган аутсайдерлар имконияти бўйича кунига 1,355 минг баррелга қисқартиришга келишиб олдилар. Бунда подшоҳликнинг ўзи қазиб олишни кунига 0,3 минг баррелга қисқартириш вазифасини олди.

«Учлик» режаси ОПЕКка аъзо-давлатларнинг Венадаги мажлисида қўллаб-қувватланди. ФК давлатларининг мақсади осонроқ тадбирлар билан вазиятдан чиқиш мумкунлигига ишонган ҳолда кейинги қисқартиришга қарши турган Эрон ва Индонезиянинг ўз фаолиятларига мувофиқ бетарафлашувига эришишдан иборат эди. Улар муваффақиятли иқтисодиётга эга мамлакатлар учун чеклов юкламаларини қўйишга интилдилар. Қувайт нефть вазири Саунаир аксинча, нефть бозоридаги тенденцияларни бартараф этиш учун қазиб олишнинг келишилган ҳажмда қисқартирилиши етарли эмас, деб ҳисоблади.

САП, Венесуэла, Мексика ташаббуси билан ОПЕКнинг аъзо-давлатлари ва айрим аутсайдерлардаги қазиб олишнинг қисқартирилиши нарх пасайишини маълум муддатга тўхтади, аммо ноқулай тенденцияни умуман бартараф эта олмади. Бу, хусусан, ишлаб чиқарувчилар қазиб олишни фақат кунига 0,9 млн. баррелга пасайтирганликлари, яъни режалаштирганидан кунига 0,4 млн. баррел камлиги билан изоҳланади. Саудия Арабистони, Қувайт ва Венесуэла томонидан мантиқий равишдаги шартла-

шишлар қўллаб-қувватланди. Натижада нархлар нисбатан паст даражада 13-14 доллар атрофида барқарорлаштириб, «учлик» Амстердамда учрашув ўтказишга чақирилади. Шу билан бирга Амстердам учрашуви иштирокчилари ОПЕКнинг қолган аъзолари ва улар билан ҳамкор аутсайдерларни ўзларидаги қазиб олишни энг кам даражага — кунига 350 минг беррелга қисқартиришга чақирдилар. ФК нефть вазирлигининг учрашувида ва ОПЕКнинг йўлга қўйиш юзасидан келишиб олди. 1998 йил июндаги сессиясида Саудия дипломатияси Қувайт, БАА, Катар ва Уммон, сўнгра Эрон билан ҳам самарали алоқаларни олиб борди. Бунда аввал эришилган келишувга қатъий амал қилишга, шунингдек, қазиб олишни янада қисқартиришда араб шериклар билан ўзаро келишувга муваффақ бўлинди. Аммо келишилганидек ҳаракат қилиш ўта мураккаб эди. Чунки, экспорт қилувчи мамлакатлар навбатдаги қисқартириш уларнинг нефть бозоридаги иштирокига путур етказишидан хавотирда эдилар. Чунки улар учун Саудия Арабистон каби техник ва транспорт имкониятларини сезиларли даражада қайта тиклаш қийин эди. Эронга эса умуман, кунига 200 минг беррелдан юқори, деб тасдиқланган квотани эмас, балки захиралар асосида амалий ишлаб чиқариш кўлами ошганлигини рўқач қилди. Саудияликларнинг ўзи ҳам янги кондаги юқори сифатли нефть тўлиқ ҳажмда (кунига 500 минг баррел) экспорт қилина бошланишини назарда тутган ҳолда учрашувларда нефтнинг оғир ва енгил навларига урғу бера туриб, унинг тақсимланиши қандай бўлишини била олмадилар.

Саудия дипломатияси яна ОПЕК ўрнига, Эрон кириши мумкин бўлган бошқа йирик нефть экспорт қилувчи мамлакатлар билан ҳамкорликда янги халқаро ихтисослашган ташкилот тузиши мумкинлиги ҳақидаги яширин таҳдидий ғоя билан чиқди. Умуман, бундай пўписа шунчаки топилган ва подшоҳнинг ФКдаги шериклари билан бўлган узвий ўзаро алоқаларини, шунингдек, Венусуэла ва Мексика билан юзага келган блокни ҳисобга олган ҳолда аниқ асосларга эга эди.

Ироқнинг нефть бозорига қайтиш истиқболига келсак, айти дамда халқаро санкциялар сабабли унинг нефть саноатидаги фаолиятида Ироқнинг кунига 2,5 минг баррел чегарасидан чиқиш имконияти 1999 йилда равшан бўлиб қолди. 90-йил бошларидан нефть бозорида Ироқнинг қатнашмаганлигини ҳисобга олган ҳолда қазиб олишни кунига 1,5 минг баррелга қисқартириш юзасидан Бағдоднинг Саудия Арабистонига қилган мурожаати Ар-Риёд томонидан эътиборсиз қолдирилди. Бундан ташқари аутсайдерлар томонидан жаҳон бозорига ортиқча нефть олиб келиниши ва ОПЕКнинг айрим аъзолари «ўжарлиги» билан бир қаторда ошиқ-

ча нефть захирлари юзага келганлиги сабабли нархлар пасайди, 2000 йилнинг биринчи чорагида 1 берел нефть 10 доллардан ҳам тушиб кетди. Оғир бюджет йўқотишларидан қочиш мақсадида кейинчалик ишлаб чиқаришни қисқартириш лозимлигига ишонтирувчи нефть экспорт қилувчилари бошига тахдидий вазият тушди. Шамба районидаги йирик сиудме енгил нефть конини ишга тушириши билан 2000 йил мартида САП, Қувайт, Уммон ва Карейр нефть вазирлари яқин келажақда олиб бориш келишилган нефть борасидаги сиёсатни ишлаб чиқдилар. Улар томонидан қабул қилинган баённомада белгиланган нефть нархлари ва фойдаланилаётган қувватлар ишлаб чиқарувчи мамлакатлар манфаати ва нефть саноатига мувофиқ келмаслиги айтиб ўтилди. Бундай ҳолат жаҳон иқтисодиётига салбий таъсир кўрсатди, нефть соҳасида сармояларнинг қисқартирилиши келажақда етказиб бориш ҳажмини қисқартиришга олиб келди; нефть бозорининг тўлдириб юборилишини бартараф этиш учун ОПЕК нинг қолган аъзоларини ҳам, бошқа нефть экспорт қилувчи мамлакатларни ҳам нефть қазиб олишни янги қисқартириш зарурлиги амалга оширишга ишонтириш лозим. 23 март 200 йил ОПЕК тарихида энг тез турдаги вазирлар учрашуви бўлиб ўтди. Унда нефть ишлаб чиқаришни кунига 22,976 минг баррелга пасайтириш ва аъзо-давлатларнинг янги квотаси ҳақидаги келишув тасдиқланди. Нефть бозорининг яхшиланишини кўрган Саудия Арабистони шериклари босимига ён бериб, энг катта қисқаришни ўз зиммасига олди (кунига 585 минг баррел). Ҳамкорлик кенгаши давлатлари орасидаги квоталар қуйидагича тақсимланган: кунига Саудия Арабистони 7,438 минг баррел, БАА 2 млн баррел, Қувайт 1,836 минг баррел, Катар 593 минг баррел.

Шу билан бир қаторда ОПЕК баъзи аутсайдерлар билан қазиб олишни қисқартириш бўйича келишувга эришди: Мексика билан 3,6%га, Норвегия-3,3%га, Уммон-6,8%га. Шу тариқа умумий нефть ишлаб чиқариш кунига 2,029 млн. баррелга камайиши керак эди. 1999 йили қабул қилинган тадбирларни ҳисобга олган ҳолда улар нефть бозори конъюнктурасининг қулай прогнози ва атирленти нархи даражаси учун асос бўлади. Энг охирги ҳолатда, САП, Қувайт ва Катар нефть вазирлари 2000 йилда нефть нархини 17-18 доллар атрофида ушлаб туришга муваффақ бўлинди, деб ҳисоблайдилар. ФК нефть экспорт қилувчи давлатлари нефть бозорида нафақат бошқа нефть қазиб олувчи давлатлар билан доимий рақобатда бўлмақдалар, балки бунда қазиб олишдан сотишгача бўлган охирги ишлаб чиқариш ҳалқаси иқтисодий хавфсизликнинг кафолати ҳисобланади. Ишончли импорт қилувчилар билан узоқ муддатли

шартномалар асосида сиёсий ва иқтисодий барқарор районларда сотишни мўлжалган ҳолда нефть экспорт қилувчи мамлакатлар ишлаб чиқаришини кўпайтиришнинг режалаштирилиши ва нафақат қисқа муддатли, балки ўрта муддатдаги вазифаларни ҳам тартибга солишлари мумкин.

XX асрнинг охирларида жўшқин ривожланган Осиё-Тинч океани минтақаси, ЕИ текисликлари, шунингдек, Шимолий Америка бозори асосий рақобат зоналари саналади. Ҳамкорлик кенгашининг углеводород энергетика ресурслари асосий истеъмолчиси, шубҳасиз, Япония ҳисобланади.

Қувайт, Катар ва Уммон учун ҳам Япония нефть хомашёсини етакчи импорт қилувчи мамлакат ҳисобланади. Шунинг эслатиб ўтиш керакки, 1985 йилдан 1986 йилгача Қувайт экспортини 21,4% га кўпайтиришга эришган бўлса, ўша вақтда Уммон аксинча, 63% га камайтиришга мажбур бўлди.

Яқин йилларда ФК мамлакатларидан углеводород ресурсларининг етакчи импорт қилувчи мамлакат тарзида Япониянинг аҳамияти Катар, шунингдек, Уммонда суюлтирилган газ ва нефтнинг ҳамма турдаги маҳсулотларини катта миқдорда сотиб олинишига боғлиқ ҳолда янада ўсмоқда.

Катар, Қувайт, БАА ва Уммоннинг Жанубий Корея, Тайланд, Малайзияга қилаётган экспорт хажми кўпаймоқда. Саудия Арабистони Хитой нефть бозорини эгаллади. Осиё-Тинч океани минтақасидаги давлатлар нафақат қайта ишлаш, балки қазиб олиш бўйича нефть-газ соҳаларидаги ўз сармояларини кўпайтиришга интилоқда. Бу Катар ва Уммонда юз бермоқда.

1998 йилги инқирозга қарамай АТРдаги рақобатчилик туфайли янги асрнинг биринчи ўн йиллигида қулай иқтисодий ўсиш истиқболлари сақланиб қолмоқда. Россия, шунингдек, Шимолий денгиздан етказиб берилаётган углеводород ресурсларидан фойдаланишнинг имконияти туфайли Фарбий Европадагига нисбатан нефть пасайди. 1985 йилдан 1986 йилгача фақат Саудия Арабистонида қилинаётган экспорт жиддий равишда ўсди. Ўша пайтда БАА, Катар, Қувайт нефть етказиб беришни қисқартирган эдилар. 1996 йили ЕИга кўрфазнинг бешта араб монархияларидан қилинаётган умумий импорт миқдори 13 млрд. доллар деб баҳоланган.

Ўша йили АҚШ ушбу мамлакатлар гуруҳидаги 11,2 млрд. доллар миқдоридagi нефтни импорт қилган. Америка бозори учун Саудия Арабистони жиддий кураш олиб бормоқда. Ў Мексика ва Уругвайни сиқиб чиқаришга муваффақ бўлди. Ўз экспортини 1985 йилги 1,5 млрд. доллардан 1996 йили 8,6 млрд. долларгача етказишга ваъда берган ҳолда, айниқса охириги йилларда подишоҳлик улкан муваффақиятларга эришди.

Қисқача хулосалар

Нефть маҳсулотига нисбатан ишлаб чиқилган прогнознинг мукамаллиги ва шу асосдаги ишлаб чиқариш нархлари тебранишига асосланиб, четга нефть маҳсулотини экспорт қилувчиларга нисбатан чора кўришга зарурат туғилган давр ўтган асрнинг 70-80 йиллар ҳисобланади.

Форс кўрфази нефтини асосий импорт қилувчилардан бўлган АҚШ ОПЕК мамлакатлари ва улар нефтини истеъмол қилувчи давлатлар ўртасидаги ўзаро алоқаларда тузилган халқаро ширинликлардан иборат.

Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. ФК мамлактлари ҳамкорлиги нималардан иборат?
2. Нефт, газ муаммоларига ёндашувлари қандай?
3. ОПЕК доирасидаги ҳамкорлик қандай амалга оширилади?
4. Нефт саноатининг ривожланиши истиқболи қандай?
5. Форс кўрфази мамлакатлари жаҳон нефть бозорида қандай ўрни тутади?
6. Нефт бозорида Ироқни ўрни қандай?

Асосий адабиётлар

1. Р.И. Хасбулатов. Мировая экономика. – М.: «ИНСАН», 1994.
2. П.Р. Кругман, М.Обстфельд. Международная экономика. Теория и политика. – М.: МГУ, 1997.
3. А.Э.Ишмухамедов, Л.И.Шибаршова. Регулирование экономики в зарубежных странах. Тексты лекций. – Т.: ТГЭУ, 2000.
4. П.Х.Линдерт. Экономика мирохозяйственных связей. Пер. с англ. – М. «Прогресс», 1992.

ТУРКИЯ ИҚТИСОДИЁТИНИ МАКРОИҚТИСОДИЙ ТАРТИБГА СОЛИШ

9.1. Туркия ижтимоий-иқтисодий ривожланишида давлат бошқарувининг ўзига хос хусусиятлари

Туркия ўтган ўн йиллик мобайнида юқори иқтисодий ўсиш суръатларига эришди. Ушбу муваффақиятларга, албатта, давлат иқтисодий ривожланишининг кучли сектори бозор муносабатлари тартибида фаолият кўрсатаётган хусусий сектор билан бирга ҳаракат қилганлиги асос бўлди.

Иқтисодиётга давлат аралашувининг имкониятлари борасидаги масалалар 1982 йилдаги конституциянинг охириги қисмига махсус киритилган бўлиб, у «Молиявий ва иқтисодий ҳолатлар» деб номланади. Унга бюджетни молиялаштириш, савдони тартибга солиш, табиий ресурслар ва ўрмонлар устидан назорат олиб бориш, ҳамкорлик қилиш, истеъмолчи ва кичик шаҳар ишлаб чиқарувчиларини ҳимоя қилиш каби масалалар тегишли, шунингдек, саноат ва аграр соҳани мувофиқ ва жадал ривожлантиришдаги режалаштиришга катта аҳамият берилган. 169-модда давлатга пул-кредит механизми, капитал бозори ва хизмат кўрсатиш соҳасини соғломлаштириш ва режалаштириш, ички бозордаги «монополлаштириш ва картелизация» дан огоҳ бўлиш ваколатини беради.

Хусусий капитал ҳуқуқини кенгайтириш билан янги конституция иқтисодиётдаги давлат сектори ролини ҳам оширди. Масалан, «табиий бойлик ва ресурслар давлат тасарруфида ва эгаллигида бўлиши, уларни қидириб топиш ва қазиб олиш ҳуқуқи давлатга тегишли» эканлигини тасдиқлаш билан бирга бундай бойликларни қидириб топиш ва ишлатишга хусусий капиталнинг жалб этилиши белгиланади. Шу йўл билан табиий бойликларни қидириб топиш ва қазиб олиш ҳуқуқини олган хусусий ва хорижий фирмаларнинг концессия шартномаларини бажариш устидан давлат назорати кучайтирилади.

Миллий иқтисодиётнинг ташкил этилиши бўйича президент назоратининг янги йўналишлари кўзда тутилган. 108-моддага биноан Республика Президенти тасарруфида ташкил этилган орган — Давлат назорат кенгаши (ДНК) барча маъмурий органлар, ижтимоий-иқтисодий ташкилотлар ва капиталининг ярмидан кўпи давлатга тегишли компаниялар, шунингдек, профессионал ишчи, тадбиркор ва бошқа ижтимоий ташкилотлар

ишини текшириш ва назорат қилиш ҳуқуқига эга. ДНК иқтисодиёт, давлат иқтисодий ташкилотлари, савдо ва саноат капитали устидан давлат назорати кучайтиришининг янги муҳим воситаси бўлди.

Шундай қилиб, янги конституция нафақат хусусий мулкнинг буржуа ҳуқуқи ва унинг ҳимоясини тасдиқлади, балки иқтисодиётдаги давлат фаолиятини кенгайтириб, ривожланган мамлакатлардагига нисбатан қатъийлаштирди. Буларнинг ҳаммаси иқтисодиётни бошқаришда Туркия давлатининг кенгроқ реал фаолиятини акс эттирувчи этатистик моделни юзага келтиради.

Мусулмон давлатининг ўзига хос шароитларидаги иқтисодий ва ижтимоий муаммолар ҳал этилишининг характерли мисоли рақобат ва аристократлар муаммосига бўлган муносабатлар ҳисобланади. Ислом бозоридаги рақобатни Фарбдаги рақобат билан таққослаб бўлмайди. Тарихан ислом шахсийликнинг ривожланишига фаол имкон берган. Унинг ҳозирдаги антиподи - рационалист бўлиб, у доимий ҳолатда фақат кўпроқ ишлаб чиқариш ҳақида ўйлайди. У ўзини жамият олдида маъсул ҳисобловчи, адолатли даромад олаётган, ҳар кимдан устун деб ҳисоблайди, қачонки, у даромад облигациялари чиқаргандагина ҳокимият томонидан ҳисобга олинади. Иқтисодиётда иштирок этиш учун улардан фойдаланиш мумкин, лекин эътиқодли мусулмонлар учун фоиз олиш ҳаромдир.

Бешинчи беш йиллик режаси бўлимларининг бирида таъкидланишича, «хўжаликни амалга ошириш иқтисодий қонунчилик билан белгиланади; иқтисодиётга аралашиб борасида макросиёсий воситаларга, зарур ҳолларда ташкилий тартибга солиш воситаларига асосий эътибор берилади».

Ушбу ва бошқа кўплаб назарий ва амалий ҳолатларни ҳисобга олган ҳолда охириги ўн йиллик мобайнида Туркияда доимий равишда давлат иқтисодий сиёсатини қайта кўриб чиқиш ва унга тузатишлар киритиш амалга оширилган бўлиб, бу давлат бошқаруви ва назоратининг барча тизимини туб қайта ташкил этиш билан олиб борилди. Марказ ва жойлардаги бошқарув аппарати қисқартирилди.

Давлат назорати, аввалгидек, икки хил йўналишда амалга оширилмоқда. Бозор муносабатлари йўлида мамлакат ривожланишининг барча шароитларини яхшилаш иқтисодий ўсиш суръатини рағбатлантириш, ижтимоий зиддиятларни камайитиришга интилишдан иборат. Иккинчиси — иқтисодий ривожланишнинг фаолроқ ва таъсирчан иштирокчисига айланаётган хусусий капитални жамлаш ва марказлаштириш учун қулайроқ шароитларни яратиб бериш. Бу билан давлат халқаро меҳнат тақси-

мотидаги Туркия йўлини ўзгартиришга мўлжалланган, мамлакат ижтимоий-иқтисодий тузилмасини қайта қуришда ўз режаларини амалга ошириши учун тадбиркорлар синфини рағбатлантириш борасида турли қарорларни қабул қилмоқда. Ушбу қарорлар саноатлаштириш, аграр соҳани ривожлантириш, энергетика, қурилиш, транспорт, алоқа ва бошқа муаммоларни қамраб олади. Миллий ишлаб чиқариш рақобатбардошлигини ошириш, саноат экспортини рағбатлантириш, қонун томонидан мустаҳкамланувчи ишлаб чиқаришда бозор муносабатларининг бошқа шароитларини ҳам яратиш борасида ишлар олиб борилмоқда.

Бизнингча, ушбу тадбирларнинг самарадорлиги, уларни амалга оширишдаги аниқ йўл ва услублар Марказий Осиё мамлакатлари учун, шубҳасиз, катта қизиқиш уйғотади.

Иккинчидан, ҳукуматнинг фаол антиинфляция сиёсати туфайли инфляция бўйича баъзи пасайишлар кузатилади. 1998 йил натижаларига кўра, инфляция тахминан 85% ни ташкил қилди.

90-йилнинг иккинчи ярми Туркия учун оғриқли кечди. Мамлакатда 1994 йил инфляция жараёнларининг кескинлашиши билан характерланади (йил натижаларига кўра 106,3%). 1999 йилга қадар давлат бюджетининг мислсиз дефицити (1996-ЯММ нинг 8,6%, 1998-6,2%), давлат ташқи қарзининг жадал ўсиши (1994 йилги 65,6 млрд. доллардан 1998 йили 104 млрд. долларгача) сақланиб қолди. Ушбу муаммолар Туркия иқтисодиёти учун янгилик ҳисобланмайди. Юқори инфляция ва давлат бюджетининг барча ўтган йиллар мобайнида Туркия иқтисодиётининг нобарқарорлаштирувчи асосий омиллар сифатида қолиб, унинг ривожланишига у ёки бу даражада таъсир кўрсатган.

Аммо 1994 йилдан иқтисодиёт ва, аввало, молиявий соҳадаги вазият кескин ёмонлашди. Бу солиқ имтиёзларини жорий этиш орқали сармояларни рағбатлантириш ва қимматбаҳо қоғозлар бозорини фаоллаштиришга йўналтирилган ҳукумат сиёсатининг «қўшимча» натижаси ҳисобланади. Амалиётда ушбу чоралар СКВга бўлган талабнинг кескин ортишига, турк лирасининг жадал пасайишига, инфляция суръатларининг жадаллашувига, кредит бўйича банк ставкаларининг ошишига олиб келди. Молиявий соҳа деярли тўла кучсизланди. Бу 1994 йили ишлаб чиқаришнинг 6% га пасайишига олиб келди.

Биринчи навбатда инқироз мамлакатнинг илғор саноат тармоқларига: тўқимачилик, қурилиш, автомобилсозликка таъсир кўрсатди. Инқирозни зудлик билан бартараф этиш борасида мамлакат ҳукуматидан ХВФ билан қатор консультацияларни олиб бориш ва иқтисодиётда тузилмавий қайта қуришни амалга ошириш мақсадида Туркияга фонд томонидан умумий 713 млн.

доллар ажратиш ҳақидаги шартномани имзолаш талаб қилинар эди. Ташқи ёрдамнинг шунчалик кўп жалб қилиниши молиявий соҳадаги муммоларни тартибга солиш имконини берди. Аммо 1995 йилда бошланган сиёсий инқироз сайлов натижаларида, Эрбакан бошчилигидаги Рефах ислом партияси ғолиб чиққан пайтда, очиқ-ойдин акс этди. Буларнинг ҳаммаси сиёсий барқарорликка, унинг оқибатида мамлакатдаги иқтисодий вазиятга ҳам салбий таъсир кўрсатди. Яна молиявий ҳолат кескинлашиб, иқтисодий ислохотларни амалга ошириш сустрлашди. Халқаро молия бозорларидаги конъюктуранинг Туркия учун ноқулайлигини ҳисобга олган ҳолда (1994 йилдаёқ Туркиянинг кредитни тўлаш бўйича рейтинги пасайиши унинг учун хорижий кредитлар жалб эттирилишини сезиларли ёмонлаштирди), хазина ички заём сиёсатини фаол амалга оширишга мажбур бўлинди. Улар 1995 йил охиридан жадал ўса бошлади. Ва, ниҳоят, 1996 йил ноябрда у 1996 йил бошларидагига нисбатан деярли 100% га ўсди. Давлат қарзини (ҳам ички, ҳам ташқи) қоплашга хазинадаги солиқ тушумларининг 60%и харажат қилинмоқда. Кўриб турганимиздек, уни қоплашга бюджетнинг катта қисми жалб қилиниши ва бунинг оқибатида давлатнинг сармоявий имконияти қисқартирилиши билан ички қарз кескин кўпайди. Сиёсий нобарқарорлик шароитларида, ислом элиталарининг зиддиятлари ички заёмларни жалб этиш ва жамғариш шароитларини кескинлаштириб, молиявий соҳадаги ҳолатни янада мураккаблаштирди. Хазина ДҚО жамғариш муддатларини 7-9, кейинчалик 12-13 ойгача узайтириш ва улардаги йиллик фоизни 110-130% гача пасайтиришга мувоффақ бўлди. Маҳаллий тижорат банклари орасида тахминан 2 млрд. доллар миқдоридаги йирик ички валюта заёмлари 3 йил муддат билан тарқатилди ва бошқалар. Аммо, умуман, 1999 йил апрелдаги сайловларга қадар мамлакатдаги сиёсий ва ижтимоий вазият нобарқарорлигича давом этди.

Ушбу йилларда Туркия ва Халқаро валюта фонди томонидан эълон қилинган иқтисодий тадбирларга ўзига хос ёндашилди. Туркия иқтисодий ҳолати ва ХВФ билан янги кредит шартномасини имзолаш имкониятлари муҳокама қилинган 1996 йил кузида ХВФнинг Нью-Йоркда бўлиб ўтган йиллик йиғилишида фонд вакиллари хусусийлаштиришни жадаллаштириш, туб солиқ ислохотлари ўтказиш ва Туркия иқтисодиётини тuzилмавий қайта қуриш бўйича бошқа ислохотларни амалга оширишга йўналтирилган, Н. Эрбанан ҳукумати томонидан жиддий иқтисодий барқарорлаштириш дастури олиб борилиши борасида янги шартномани имзолаш шарти билан ушбу чораларнинг қабул қилинишини деярли эътиборсиз қолдирдилар.

Мураккаб молиявий ҳолатни ҳисобга олган ҳолда 1996 йили 7,9%, 1997 йили эса 8,3% ни ташкил қилган юқори иқтисодий ўсиш суръатлари экспертларни ҳайратда қолдирди. Ушбу парадоксни тушунтирган ҳолда, турк иқтисодчилари мислсиз «мокки» савдосининг (Туркияда «чемодан» савдо деб номланади, кўлами) асосан Россия билан боғлиқ деб изоҳлайдилар. Ушбу каналлар орқали Туркияга валюта ҳажми кириб келаётган бўлиб, иқтисодий ҳисоботларда ҳисобга олинмайди. Экспертлар уларни айрим йилларда 10 млрд. доллар деб ҳисоблаганлар. 1998 йил ёзида Россиядаги молиявий инқироз натижасида «мокки» савдосининг бирданига кескинлашуви Туркия иқтисодиётидаги ўсиш суръатларига тезда салбий таъсир кўрсатди: 1998 йили улар 3,8% дан ошмади. Аммо барибир Туркия иқтисодиётининг шундай ҳолатини белгиловчи асосий омил унинг ички захиранини жиддий таъминлаётган тузилмаси ҳисобланади. Охириги ўн йилликларда саноатни ривожлантириш ва унинг экспортга йўналтирилган тармоқларини халқаро рағбатлантиришга қаратилган.

Туркия раҳбариятининг иқтисодий сиёсати 90-йиллар ўрталарида мамлакат экспорт имкониятини шундай шакллантирдики, ҳатто у инқироз даврида ҳам экспорт ҳажмини кўпайтириш давом эттирилишига олиб келиб, шундай йўл билан ички бозорда кескинлашган вазиятни сезиларли даражада енгиллаштириш имконини беради.

9.2. Туркия иқтисодий сиёсатининг асосий стратегик йўналишлари

Бозор муносабатлари принципининг кенг жорий этилиши, саноат ишлаб чиқариш соҳасидаги тафовут, хорижий капиталнинг фаол жалб этилиши ва бир вақтнинг ўзида Туркия товарларининг халқаро бозорларга фаол ҳаракати — буларнинг ҳаммаси охириги йиллардаги Туркия иқтисодий сиёсатининг асосий стратегик йўналишлари ҳисобланади. Мамлакат иқтисодиётининг ушбу йўналишдаги муваффақиятлари, шубҳасиз, халқаро меҳнат тақсимотига фаол қўшилган Туркия иқтисодиётидаги анъанавий тармоқлар ривожланишига ҳамда замонавий юқори технологик ишлаб чиқариш — электроника, автомобилсозлик, фармацевтика ва бошқаларни ташкил этиш, ривожлантиришга туртки бўлди.

Бир вақтнинг ўзида Туркия иқтисодиётини таркибий қайта қуриш муқаррар номуносивлик ва нумувофиқлик шароитида юз берган ва юз бермоқда. Айрим тармоқ ва регионларда мувофиқ ўсиш мавжуд эмаслиги, хомашё ва яримфабрикатлар импор-

тига боғлиқлик, иқтисодиётга давлатнинг ортиқча аралашуви бундай номуваносибликлар ва номуваффақиятларнинг асосийлари ҳисобланади. Охиргиси кейинги иқтисодий ўсиш йўлидаги реал тормоз сифатида баҳоланади, яъни Туркия иқтисодиётидаги давлат секторининг юқори улуши шароитида (масалан, саноатда 38% қўшимча қиймат давлат корхоналарига тўғри келади) давлат корхоналарининг катта қисми норентабл ҳисобланади. Бир томондан уларни молиявий қўллаб-қувватлаш зарурияти давлат бюджетидан катта маблағ сарф этилишига олиб келади. Аммо бошқа томондан, шундай қўллаб-қувватлашнинг тўхтатиб қўйилиши мумкин эмас, яъни саноат ишлаб чиқаришининг юқори диверсификацияси ва тармоқлараро ҳамда ички тармоқлараро меҳнат тақсимотини ривожлантириш шароитида давлат корхоналари иқтисодий алоқаларнинг умумий тузилмасида «қўп томонлама» бўлиб қолиб, рентабелсиз ёки кам даромад келтирувчи ишлаб чиқаришни қўллаб-қувватлашнинг тўхтатилиши барча хўжалик мажмуаси учун ҳалокатли оқибатларга олиб келиши мумкин. Тўла ёки қисман давлат тасарруфида бўлган корхона ва компанияларни хусусийлаштиришни амалга оширишни Туркия ҳукумати ушбу зиддиятларни бартараф этишда асосий восита сифатида кўрди.

Туркияда хусусийлаштириш 80-йиллар охиридан амалга оширилмоқда. Утган ўн йиллик мобайнида умумий қўламда 211 та давлат корхона ва фирмалари хусусийлаштирилди (тўла ёки қисман), бу ҳазинага 4,5 млрд. доллар олиб келди. Аммо хусусийлаштириш жараёни қийин кечмоқда. Қисман бу охирги йиллардаги сиёсий нобарқарорлик билан изоҳланади. Бу ўринда эслатиб ўтиш керакки, хусусийлаштириш натижасида бўшаб қолган ишчи кучларини иш билан таъминлаш масалаларининг ҳал этилишини талаб қилаётган касаба уюшмалари ва муҳолиф партиялар ҳукуматга катта таъсир ўтказмоқда. Албатта, сармоядорлар хусусий капитал воситалари тез айланмайдиган, хусусийлаштирилган шундай корхоналарга ўз маблағларини қўйишга шопилмаяптилар. Айни пайтда даромадли корхоналар ўз эгаларини топмоқда. Цемент саноати, озиқ-овқат саноати корхоналари, баъзи йирик давлат банкларини хусусийлаштириш деярли ниҳоясига етказилди. Истиқболда мамлакат телекоммуникациясининг асосий воситаларини, ишлатаётган почта ва телефон-телеграф алоқаларини (РТТ), «Турк ҳаво йўллари» давлат авиация компаниясини, кучли спиртлик ичимликлар ва тамаки маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва сотишда монополияга эга бўлган «ТЕКЕЛ» компаниясини хусусийлаштириш режалаштирилмоқда. 1998 йили давлат корхоналарининг акцияларини хусусий капиталга сотиш ҳажми кескин қўпайган, ОАВ таъкидлашича, улар йил натижасига кўра, 1 млрд. доллардан ошади.

Хусусийлаштиришдан ташқари яқин йилларда Туркия ҳукумати томонидан солиқ тизими, давлат секторидан бўшаб қолган ишчи кучларини қайта тайёрлаш ва ишга жойлаштириш, ижтимоий таъминот тизими, маҳаллий маъмурий органларни молиялаштириш ва бошқалар борасида ислохотларни амалга ошириш мўлжалланган.

Бундан ташқари, раҳбариятнинг иқтисодий стратегияси марказида гарбдаги саноати ривожланган регионлар билан иқтисодий муносабатларда қолоқ ҳисобланган шарқий районлар ўртасидаги мутаносибликни акс эттирувчи, мамлакатнинг айрим регионлари иқтисодий ривожланишидаги номутаносибликни бартараф этиш юқори даражада бўлиб қолмоқда. Қолоқ регионларни « тортиш » ҳукумат бюджет сиёсатида ҳам, турк сармоялари ва хорижий сармояларни жалб этиш ва рағбатлантиришнинг мавжуд тизимида ҳам назарда тутилган.

Масалан, 90 - йил бошидан Туркияда жанубий-шарқий Анталия регионини комплекс ривожлантиришнинг 2005 йилгача мўлжалланган кенг кўламли лойиҳаси амалга оширилмоқда. У, аввало, Дажла ва Евфрит дарёларининг гидроэнергетик имкониятини эгаллашни кўзда тутаяди: умумий миқдорда 22 та тўғон ва 5 та ГЭС қурилиши керак. Улар 27 млрд. квт/соатни таъминлайди (Туркияда фойдаланаётган умумий энергия ресурслари ҳажмининг 22% и). Шунинг учун ушбу лойиҳанинг амалга оширилиши кенг ирригация имкониятлари туфайли қишлоқ хўжалигига кўшимча 1,7 млн. га ерни кўшиш имконини беради. Бу ушбу минтақада арпа, пахта, маккажўхори, кунгабоқар, мева ва сабзавотларни кўплаб етиштириш истиқболини, шунингдек, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлашга асосланган минтақавий агросаноат комплекси ташкил этилишини англатади.

Охирги йилларда минтақавий интеграцион жараёнларга ва турли халқаро иқтисодий ташкилотларда иштирок этишга бўлган эътиборнинг ўсиши Туркия сиёсатининг ўзига хос хусусияти бўлди. Бу унинг Европа кенгаши, иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти (ИХРТ), халқаро ривожланиш ва таъмирлаш банки (ХРТБ), халқаро валюта фонди (ХВФ) га аъзо бўлишига олиб келди.

9.3. Туркиянинг Европа мамлакатлари билан иқтисодий интеграцияси

Гарбий Европа мамлакатлари билан иқтисодий интеграция унинг устун йўналиши бўлган ва шундай бўлиб қолади. Туркиянинг Европа иттифоқи билан ҳамкорлиги, ушбу интег-

рацион гуруҳга тўла аъзо бўлишга эришиш мақсади охириги 30 йилдан зиёд вақт мобайнида Туркия давлатининг муҳим стратегик вазифаларидан бири бўлган. Ҳозирги пайтда Туркиянинг ЕИ билан муносабати 1963 йилдаги ЕИ даги Туркиянинг ассоциациялашган аъзоси ҳақидаги шартнома (Анқара шартномаси), 1970 йилги қўшимча протокол (1973 йили кучга кирган), қўшма ишчи органини ташкил этиш – ассоциация кенгаши ва ниҳоят, 1995 йили имзоланган божхона Иттифоқи ҳақидаги шартнома (1996 йил 1 январдан кучга кирган) асосида амалга оширилмоқда.

ЕИ билан савдо-иқтисодий алоқалар Туркия учун жуда муҳимдир. 1998 йилги маълумотларга кўра, Туркия экспортининг 50%и ЕИ мамлакатларида амалга оширилган, ушбу мамлакатлар Туркия импортининг 52%дан зиёдини таъминлаган. Бундан ташқари, Туркиядаги хорижий сармояларнинг 70%и ушбу мамлакатлардан келган сармоядорлар ҳиссасига тўғри келади. ЕИга тўла аъзо бўлиш йўлида Туркия миллий иқтисодий ривожланиш манфаати асосида ЕИнинг тузилмавий фондларидан фойдаланиш, турк ишчи кучининг эркин ҳаракатини таъминлаш, Туркия товарлари сифатини оширишга имкон берувчи миллий иқтисодиётда рақобат муҳитини барпо этиш, сармоя ва замонавий технологиялар оқимини жадаллаштиришни мақсад қилиб қўяди.

1970 йилги қўшимча протоколга мувофиқ ЕИ билан божхона Иттифоқи (БИ)ни амалга ошириш ушбу ташкилотга Туркияни аъзо қилишнинг дастлабки шартларидан бўлиб, маълумки, шартнома бир неча муддатдан кейин 1995 йил 6 мартда Брюсселда имзоланган. Шартнома аниқ қоидаларни белгиланган бўлиб, унга мувофиқ 1996 йил 1 январидан Туркия билан ЕИ ўртасида божсиз савдо амалга оширила бошланди. Бир вақтнинг ўзида квота ва бошқа шунга ўхшаш чекловлар олиб ташланди. Шу билан боғлиқ ҳолда Туркия, айниқса, ЕИнинг турк тўқимачилик маҳсулотларига қўйган квотаси бекор қилинишидан манфаатдор. Аммо шартнома бир шартни ўз ичига олган бўлиб, бу шартга мувофиқ Туркия ўз қонунчилигига зарур ўзгартиришларни киритгандан сўнг ЕИ ўз томонидан ушбу ҳолатни амалга оширишни бошлайди. Бу ўринда гап аввало ЕИ ҳуқуқий нормаларга жавоб берувчи патент қонунчилигини қабул қилиш, саноат ва интеллектуал мулк тўғрисидаги қонун, савдо маркази, рақобатчилик тўғрисидаги қонунлар ҳақида боради.

ЕИ билан савдода божхона тартибини тўла эркинлаштириш орақли шартнома доирасидаги мажбуриятларга мувофиқ Туркия саноат гуруҳларининг товарларига нисбатан учинчи мамлакатлар билан бўлган савдода ЕИнинг ягона Божхона та-

рифи (ЯБТ) жорий этилди. Бу учинчи мамлакатлар билан бўлган савдодаги ўртача олинадиган импорт тарифи 1995 йил охиридагига нисбатан деярли уч баробар қисқарди. Ҳозирда у 5,7%ни ташкил қилади. Туркияда ЕИ нормаларига мувофиқ келувчи ишлаб чиқариш шароитларини таъминлаш шартноманинг муҳим банди ҳисобланади. Бу ерда гап, аввало, ЕИда ҳаракат қилувчи стандартларни Туркияда ҳам қабул қилиш ҳақида бормоқда. Шунингдек, шартнома, айтиб ўтилганидек, эркин рақобат принципларини яқсон қилувчи ёки Туркия экспорт ҳаракатида афзалликларни таъминловчи ишлаб чиқарувчилар ёхуд экспорт қилувчиларга давлат томонидан ҳар қандай ёрдам кўрсатилиши бекор қилинишини назарда тутати. Фақат Туркиянинг кам ривожланган районларига капитал кўяётган сармоядорларга ёрдам кўрсатиш бундан мустаснодир.

Божхона Иттифоқи ўз ичига ишчи кучининг эркин ҳаракатини олмайди. Аммо БИ ҳақидаги шартнома томонларни ЕИда яшаётган турк ишчиларининг ижтимоий кафолат ва меҳнат шароитларидаги баъзи ҳолатларни ҳисобга олмасликларни бар-тараф этиш ва шу йўл билан улар аҳволини яхшилаш мақсадида ўзаро муносабатни қўллаб-қувватлашни тавсия қилади.

ЕИ Туркияга кўрсатиши мажбур бўлган молиявий ёрдам шартноманинг муҳим томони ҳисобланади. Молиявий ёрдам дастури 5 йил ичида умумий миқдори 3,2 млрд. доллар бўлган кредит ва бегараз ёрдамларни назарда тутган. Бундан ташқари Туркия ЕИ билан БИ га ўзининг кредитни тўлашга лаёқатлигини рейтингни кўтариш учун сабаб ҳисоблайди. Шундай йўл билан унинг ўзи фойдали шароитларда жаҳон молиявий бозорларидаги воситалар билан ҳамкорлик қила олади.

Статистиканинг кўрсатишича, БИ даги Туркия иштирокининг дастлабки икки йиллиги, кутилганидек, ЕИ мамлакатлари билан ташқи савдодаги вазиятлар ўзгаришига олиб келди. Аммо ушбу ўзгаришлар кўп жиҳатдан Туркия фойдасига бўлмади. ЕИдан Туркияга қилинаётган импортлар шунчалик тез суръатда ўсдики, ҳатто 1996 йиллар охирига келиб, ташқи савдо балансидаги дефицит Туркия учун мислсиз – 22 млрд. долларга ортиб, тўлов балансининг ҳолатига жуда салбий таъсир кўрсатди. Мўлжалланган экспортнинг ўсиши, аксинча, хусусан тўқимачилик маҳсулотларида юз бермади. Бу бир томондан, Туркиянинг йирик савдо шериклари ҳисобланувчи баъзи Европа мамлакатларида, масалан, Германия ва Италияда истеъмол талаби ўсиши пасайганлиги, бошқа томондан эса, шарқий Европа мамлакатлари ва Хитой томонидан ўсаётган рақобатчилик билан изоҳланади.

Шу вақтнинг ўзида ЕИ билан БИга Туркиянинг қўшилиши, шубҳасиз, ижобий томонларини ҳам намоён қилади. Бу ўринда, аввало, таъкидлаш лозимки, Туркия ЕИдан кенг қўламда қилаётган импорт тузилмасида асосий ўсиш машина ва ускуналарга тўғри келиб, бу Туркия саноатининг ЕИдан келтириладиган сифатли замонавий ускуналар ва юқори технологиялар билан жиҳозланаётганлигидан далolat беради.

Туркия ҳокимияти тепасига Рефарх партияси келиши билан катта эътибор ислom давлатлари билан савдо-иқтисодий муносабатларни фаоллаштиришга қаратилди. Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти (ИХТ) билан ишлар жонланди.

Туркия ислom конференцияси ташкилоти (ИКТ) фаолиятида иштирок этади, Ислom ривожланиш банки ва Ислom ривожланиш ва савдо марказининг аъзоси ҳисобланади. ИХТ 1995 йили ташкил этилган бўлиб, унинг таркибига Эрон, Покистон ва Туркия кирган. 1992 йили ташкилотга Озарбайжон, Афғонистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркменистон ва Ўзбекистон қабул қилинган. Охириги йиллар ИХТ фаолиятининг сезиларли ўсганлиги билан характерланади. Кветтин ҳаракат режаси ва узoқ муддатли истиқболлар ҳақидаги Истанбул Декларацияси каби асосий ҳужжатлар имзоланган бўлиб, уларда 2000 йилга қадар ташкилотнинг йўналиш ва мақсадлари белгиланган. 1 майдан имтиёзли Божхона тарифларини жорий этиш ҳақидаги Измир протоколи кучга кириб, ҳозирда унинг доирасида ИХТ давлатлари ўртасидаги божхона тўсиқларини тўла олиб ташлаш мақсадида тарифларни босқичма-босқич қисқартириш борасида ишлар олиб борилмоқда. Бундан ташқари, савдо ва ривожланиш банки, қўшма денгиз ва авиация компанияси, суғурта компаниясини ташкил этиш каби масалалар ишлаб чиқилди, шунингдек, хизмат ташрифлари ва савдо транзити бўйича виза муносабатларини енгиллаштириш ҳақидаги шартнома имзоланди.

Аммо белгиланаётган тадбирларга қарамай, ИХТ фаолиятидаги амалий самара сезиларсиз бўлиб қолмоқда. Бу, биринчи навбатда, ташкилот минтақавий лойиҳаларни молиялаштириш учун етарли воситаларга эга эмаслиги билан изоҳланади. Иштирокчи-давлатларнинг ўзида ҳал этилмаган иқтисодий ривожланиш муаммоларининг мавжудлиги, шунингдек, Туркия билан ИХТнинг бошқа асосчилари ўртасидаги баъзи келишмовчиликлар ташкилот ишини тўхтатиб қоладиган жиддий сабаблар ҳисобланади.

Туркиянинг ИХТга муносабатлари соф иқтисодий манфатларга асосланади. Туркия тўртта устун соҳаларни олға сур-

моқда: савдо, транспорт, энергетика ва телекоммуникация. Туркиянинг фикрига кўра, юқорида айтиб ўтилган соҳаларда муваффақиятга эришиш даражасида бошқа соҳаларда ҳам ўзаро ҳамкорликда лойиҳаларни амалга ошириш имконияти туғилади. Бунда шунини ҳисобга олиш лозимки, Туркия ИХТда иқтисодий лидерлик ролига даъвогарлик қилиш билан нафақат йирик кўламли иқтисодий лойиҳаларни амалга оширишдан, балки ИХТнинг бошқа аъзо давлатлари хомашё ресурсларидан, ушбу мамлакатлардан ўз саноат маҳсулотлари учун сотиш бозори сифатида фойдаланишдан манфаатдор. Туркия ИХТ доирасида савдо-иқтисодий ҳамкорликни фаоллаштириш учун мамлакат регионларида чеккадаги савдони ривожлантиришни рағбатлантириш, эркин иқтисодий зоналарни ташкил этиш, миллий банклар ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлаш, кафолатли кредитлар тизимини ривожлантириш зарур, деб ҳисоблайди. Туркия ушбу вазифаларни амалга оширишда регионнинг кейинги ривожланишида локоматив бўлувчи транспорт коммуникациясини ривожлантиришга асосий ўрин ажратмоқда.

Қора денгиз иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти (КИХТ=ЧЭС) доирасидаги ҳамкорлик Туркия ташқи иқтисодиётида нисбатан янги йўналиш ҳисобланади. КИХТни тузиш ҳақидаги декларация 1992 йили Истанбулда 11 та – Россия, Болгария, Туркия, Албания, Озарбайжон, Арманистон, Грузия, Молдова, Руминия, Украина ва Греция мамлакатларининг давлат ва ҳукумат бошлиқлари томонидан имзоланди. Кейинчалик КИХТ ишини кузатувчи сифатида Миср, Польша, Исроил, Тунис, Италия ва Слования иштирок этди. Туркия ташаббускор ва КИХТнинг асосий муассисларидан бири сифатида чиқди. 80 йилда Туркия иқтисодиётида ишлаб чиқаришнинг нисбатан тез ўсиши кузатилган бўлса ҳам, Туркия маҳсулотлари учун янги сотиш бозорларини ахтариш ва Туркия саноатини арзон хомашёлар билан таъминлаш жиддий муаммо бўлиб қолди. Ушбу масалани ҳал этиш вариантларидан бири сифатида Туркия ишчи кучига бой, кучли ишлаб чиқариш имкониятига эга, фойдали қазилма бойликлари манбаи ва аввало, энергия манбалари мавжуд Қора денгиз региониди иқтисодий Иттифоқни тузиш таклифи билан чиқишга қарор қилди.

Имзоланган декларация одамлар, капитал, хизмат ва товарларнинг эркин ҳаракатланиши, шунингдек, қўшма лойиҳаларни амалга ошириш воситаси сифатида Қора денгиз савдо-инвестицион банкни тузишни мақсад қилиб қўяди. Бундан ташқари савдо, саноат, транспорт, алоқа, фан ва техника, энергетика моддий хомашёларни қазиб олиш ва қайта ишлаш, туризм

ва экология соҳаларида ҳам ҳамкорликни кенгайтириш мўлжалланмоқда. Иштирокчи-мамлакатларнинг ўзаро ҳаракати, аввало, иқтисодий ахборотлар алмашинуви, ишбилармонларнинг ўзаро алоқаси учун қулай шароитлар яратиш, шунингдек, ўзаро қизиқиш уйғотувчи аниқ тармоқ лойиҳалари доирасини аниқлаш каби амалий вазифа ва эҳтиёжларга йўналтирилган. Бундан ташқари КИХТга Қора денгиз региони мамлакатларининг бозор иқтисодиёти принциплари ва демократик асосда жаҳон иқтисодий тизимига қўшилиш борасидаги вазифалар ҳам қамраб олинади.

КИХТ фаолияти юқори даражада аниқ минтақавий лойиҳаларга қаратилмоқда. Қора денгиз атрофида трасевропа магистрали, Яқин ва Урта Шарқ мамлакатларига чиқувчи транспорт халқа йўлини барпо этиш бундай лойиҳаларнинг энг йирикларидан ҳисобланади.

Туркиянинг КИХТ мамлакатлари билан бўлган маҳсулот айланмаси юқори суръатларда ўсмоқда. Агар 1992 йили у фақат 2,8 млрд. долларни ташкил қилган бўлса, ўтган беш йил мобайнида тўрт баробарга ўсди. Бу Туркиянинг КИХТ мамлакатлари билан савдо-иқтисодий алоқалари янада кенгаётганлигидан далолат беради.

Қисқача хулосалар

Туркия даладининг ижтимоий-иқтисодий тараққиёти са-
ноат ва аграр соҳа ривожлантирилганлиги билан изоҳланади.

Туркия товарларининг халқаро бозорларга фаол ҳарака-
ти иқтисодий сиёсатнинг асосий стратегик йўналишлари ҳисоб-
ланади.

Европа Иттифоқи билан савдо - иқтисодий алоқалар Тур-
кия учун иқтисодий интеграцион макондир.

Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Туркия иқтисодиётида давлат бошқарувининг ўзига хос
хусусияти нимада?

2. Туркия иқтисодиётида хусусий капиталнинг кенгайиши
қандай изоҳланади?

3. Туркиянинг саноати ва қишлоқ хўжалиги қандай ри-
вожланган?

4. Туркия иқтисодий сиёсатининг асосий стратегик йўна-
лишлари нималарга асосланади?

5. Туркиянинг ғарбий Европа мамлакатлари билан иқти-
содий ҳамкорлиги қандай?

6. Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти Туркия иқтисодиёти-
да қандай аҳамиятга эга?

7. Минтақавий лойиҳаларни молиялаштириш қандай амалга
оширилади?

8. Ўзбекистон Республикасининг Туркия давлати билан
иқтисодий ҳамкорлиги тўғрисида нималарни биласиз?

Асосий адабиётлар

1. Ж. Жалолов. Бозор иқтисодиёти: Туркия моделининг
сири. — Т.: «Адолат», 1994.

2. Р.И. Хасбулатов. Мировая экономика. — М.: «ИНСАН»,
1994.

3. П.Р. Кругман. Международная экономика. Теория поли-
тика. — М.: МГУ, 1997.

4. А.Э. Ишмухамедов, Л.И. Шибаршова. Регулирование эконо-
мики в зарубежных странах. Тексты лекций. — Т.: ТГЭУ, 2000.

ЎТИШ ДАВРИ ИҚТИСОДИЁТИНИ БОШИДАН КЕЧИРАЁТГАН МАМЛАКАТЛАРНИ МАКРОИҚТИСОДИЙ ТАРТИБГА СОЛИШ

10.1. Ўтиш даври иқтисодиётини бошдан кечираётган мамла- катлар иқтисодиётини либераллаштириш

Бозор иқтисодиётига ўтиш даврини бошидан кечираётган барча давлатларда иқтисодий шарт-шароитларни мувофиқлаштириш жараёнида кенг миқёсидаги либераллаштириш ва мунтазам барқарорлаштириш муҳим роль ўйнайди. Либераллаштириш жараёни баҳо шаклланишини эркинлаштириш, савдонинг давлат томонидан назорат қилиниши тугатилиши ҳамда тўсиқларсиз янги-янги компаниялар ташкил топишини кўзлайди.

Барқарорлаштириш ўз ичига халқ хўжалиги соҳаларида номуаносибликнинг олдини олиш, инфляциянинг ўсишига йўл қўймаслик, ташқи иқтисодиётдаги барқарорликни таъминлаш каби масалаларни олади. Бир-бири билан узвий боғлиқ бу ислохотлар комплекси ўтиш жараёнининг дастлабки босқичларида амалга оширилиши зарур. Узоқ муддатли ислохотларда эса институционал ўзгаришларни — мулкчиликнинг аниқ ҳуқуқий шакллари яратиш, оптимал молиявий, юридик инфратузилмани шакллантириш, давлат аппаратини қайта тузиш ва бошқаларни ўтказиш зарур. Бу тадбирлар бозорнинг самарали ишлашини ва барқарор иқтисодий ўсишни таъминлайди. Аммо либераллаштириш ва барқарорлаштириш иқтисоднинг кечиктириб бўлмайдиган ўтиш қадамлари ҳисобланади. Улар ёрдамида бир қатор масалаларни, ҳатто самарали бозор иқтисодиётининг бошқа таркибий қисмлари бўлмаган ҳолатда ҳам ечиш мумкин бўлади.

Либераллаштириш икки асосий фундаментал муаммони — хато кўрсатилаётган стимуллар тузилиши ҳамда маълумотлар етишмовчилиги каби муаммоларни ҳал қилишга кўмаклашади. Либераллаштириш корхоналар фаолиятини истеъмолчилар талабига мос равишда ва тўлиқ рақобат шароитида даромад топишга мажбур қилади.

Барқарорлаштириш сиёсати ҳам ўтиш жараёнининг ажралмас қисми бўлиб, макроиқтисодий тенгсизликнинг олдини олишга қаратилгандир. Бозор иқтисодиёти шароитидаги давлатлар тажрибаси шунини кўрсатадики, агар инфляция даражаси ўзининг чегаравий қийматидан, яъни тахминан йилига 40% дан ошса, иқтисодиётнинг ўсиши кескин пасаяди. Юқори инфляция

баҳолар даражасини бузиб кўрсатади ҳамда жамғариш ва инвестиция қилишга тўсқинлик қилувчи ноаниқ вазиятни вужудга келтиради. Шунинг учун либераллаштириш жараёни доимо иқтисодий ўсишнинг асоси ҳисобланган барқарор баҳо даражаси билан олиб борилиши лозим. Статистик маълумотларга кўра, ўтиш даври иқтисодиёти давлатларида либераллаштириш суръатлари турлича бўлган, аммо бирортасида ҳам инфляцияни жиловлаб турмасдан мунтазам иқтисодий ўсишга эришилгани йўқ.

Либераллаштириш ва иқтисодий ўсишнинг боғлиқлиги.

Ривожланган мамлакатларда «эркинлаштириш» тушунчаси баҳоларни эркин қуйиш ҳамда улар устидан назоратни чеклаш, бошқарилиб туриладиган соҳалардаги савдо тўсиқларини олиб ташлаш, шулар қаторида бозорда янги корхоналарнинг вужудга келиши, уларнинг йириклашуви, танлаш ҳуқуқининг эркинлашуви, товарлар ассортиментининг ўзгариши кабилар билан шарҳланади. Турли мамлакатларда бу жараён турлича олиб борилди. Масалан, Венгрияда 1960 йилларда қисман, Хитойда 1970 йил, Вьетнамда эса 1989 йилда бу ислоҳот тезлаштирилди. Польшада 1990 йилда «бир йўла» 90% нархни эркин қўйиб юбориб, давлатнинг савдодаги монополияси бекор қилинди ҳамда миллий валютанинг конвертацияси очиб юборилди. Бу каби тезкор ва комплекс либераллаштириш Албания, Болтиқбўйи давлатларида, Қирғизистонда ҳам олиб борилди. Россияда 1992 йил январь ойида баҳолар ва импорт операциялари либерализацияси амалга оширилди, аммо 1995 йилгача маҳсулотлар экспортида кўпгина чекланишлар мавжуд эди. Бир қанча истеъмол товарларининг нархлари эса ҳали ҳам маҳаллий ҳокимият назорати остидадир. Асосан ижара ҳақининг коррективкасида, коммунал хизматлар ва жамоат транспорти тарифлари либерализацияси жуда секин борарди.

Европа ва Марказий Осиё давлатлари ўтиш даври иқтисодиётида ишлаб чиқаришнинг кескин пасайиши кузатилган. Масалан, Россияда 1990-95 йилларда ишлаб чиқариш ҳажми 40%га қисқарган, ислоҳотларнинг дастлабки босқичларида аҳоли турмуш тарзи салбий томонга ўзгарган. Украина ва Эстония давлатларининг ўзаро ташқи иқтисодий алоқалари уларнинг олиб бораётган савдо сиёсатидаги принципиал фарқларни намён қилди.

Савдони эркинлаштириш борасида Эстонияда 1992 йил охирида экспортдаги деярли барча чеклашлар олиб ташланди, импортнинг баъзи миқдорий тўсиқлари бекор қилинди ва миллий валютанинг жорий ҳисоб-китоблар бўйича тўлиқ конвертацияси таъминлади. Импорт либерализацияси туфайли ташқи

савдо товарларининг нархлари жаҳон нархлари билан мос кела бошлади. Эстония бошқа янги мустақил давлатлардан фарқли ўлароқ, қисқа давр ичида жаҳон бозорида ўз ўрнини эгаллаб олди. Бу мамлакатларда ғарб стандартларига ўтиш жараёни тезлашди ҳамда экспорт операцияларидан тушадиган валюта тушумлари ошириб юборилди. Ҳозирги кунда Эстониянинг 50%дан ортиқроқ экспорти ва импортининг учдан икки қисми Ғарбий Европа давлатлари ўртасидаги савдо орқали амалга ошмоқда. Бунга, албатта, мамлакатнинг географик жойлашуви, Финляндия билан чегарадошлиги, денгизга очиқлиги ва бошқалар қулайлик туғдирмоқда.

Секин либераллаштириш катта харажатларга сабаб бўлади. 1994 йилнинг қузигача Украинада ташқи савдони бошқариб туриш ва бир қанча товарлар нархига бўлган назорат сақланиб келди. ЯМД лар билан бўладиган икки томонлама савдо шартномалари тизими ва етказиб берувчилик вазифасини зиммасига олган давлатнинг савдо тизими умуман ўзгарди. Турли директив чора-тадбирлар ёрдамида ички баҳолар даражаси нисбатан пастроқ ушлаб турилди. Қаттиқ экспорт чеклашлари четга субсидияланган товарларнинг сотилишига йўл қўймасди. Экспортёр давлатларга валюта тушумини бозор нархларидан паст нархларда сотишга мажбур эди. Бошқа томондан эркин импорт режими шароитида маҳаллий истеъмолчилар импорт товарларини харид қилиш учун чет эл валютасига эга эмас эдилар. Шу йўсинда олиб борилаётган савдо сиёсати вазиятни кескинлаштираётган эди. Жаҳон бозоридан ажралиб қолиш корхоналарни қайта қуришни тўхтатиб қўярди ва иқтисодиётнинг самарадорлигини пасайтирарди. 1994 йил охирида Украинада олиб борилган ислохотлар қисман ўз ичига нархнинг эркинлашуви ва экспортга қўй чеклашларни бекор қилишни олди. Натижада 1995 йилда экспорт ҳажми ўсди.

Ислохотларнинг дастлабки даврларида ташқи савдо ижобий натижаларни бериши мумкин. Бунга сабаб, биринчидан, ташқи савдодан мустақил бўлиш (марказлашган режали иқтисодиётнинг мероси) ва йирик корхоналарнинг мавжудлиги ишлаб чиқариш самарадорлиги ошишга ва ташқи бозор рақобати га бардош беришга мажбур қилади. Болгария, Польша ва Россия давлатларида савдони эркинлаштириш натижасида рақобатдош бозорларнинг вужудга келиши ва корхоналарнинг қайта тузилиши рўй берди. Иккинчидан, либераллаштиришнинг дастлабки босқичларида қўпгина давлатлар ишлаб чиқарувчилари чет эл фирмалари билан валюта алмашинув курслари ниҳоятда пастлиги туфайли рақобат қила олмадилар. Шунга қўра,

ишлаб чиқарувчиларда яратган маҳсулотни кўпроқ экспорт қилишга қизиқиш пайдо бўлди.

Иқтисодий ўсишнинг иккинчи муҳим омили хизмат кўрсатиш соҳаси ҳисобланади. Тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, ЯМД да илгари қолақ ривожланган хизмат кўрсатиши соҳаси миллий даромад 10%дан кўпроқ ўсишига ва деярли 6 млн. кўшимча иш ўринларининг пайдо бўлишига олиб келиши мумкин. Масалан, 1989-1995 йиллардаги ўртача кўрсаткичларга кўра, лебераллаштириш 4,4 бўлганда ЯИМ улушида ўзгаришлар қуйидагича бўлди: қишлоқ хўжалиги – 2% , саноат - -6%, хизмат соҳаси – 5%. 4-гуруҳ давлатлари бўйича (Ўзбекистон, Украина, Белорус, Озарбайжон, Тожикистон ва Туркменистон) мос равишда: либераллаштириш - 2,0: қишлоқ хўжалиги – 2%, саноат – 3% , хизмат – 1% бўлди. Кўришиб турибдики, қишлоқ хўжалигининг ЯИМдаги улуши кўпгина давлатларда қисқарган. Бу секторда нархларнинг кескин кўтарилиши юз берди: ишлаб чиқариш ресурсларига асосан ёнилғи нархининг ошиши қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари баҳосининг 4 марта ошишига сабаб бўлди. Бу ҳолатнинг юзага келишини қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирилиб берилиши ва қайта ишлаш соҳасида етарлича рақобатга эга эмаслиги ҳамда маҳсулотлари фиксирланган нархларининг мавжудлиги билан изоҳлаш мумкин. Либераллаштириш қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчилари инқироздан чиқишига ёрдам беради.

Саноат соҳасида ҳам либераллаштириш туфайли катта ўзгаришлар юз беради – янги корхоналар пайдо бўлади, бошқалари йириклашади ёки биттага бирикишади, кичик корхоналар сони ошади ва ҳоказо.

10.2. Ўтиш даври иқтисодиёти мамлакатларининг келажақда амалга оширилиши зарур бўлган вазифалари

Европа ва Осиё давлатларида ўтиш жараёни тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, ишлаб чиқаришни янгидан ривожлантириш ёки унинг ўсиш суръатларини тезлаштириш ҳамда меҳнат унумдорлигини ошириш жараёни бозорни эркинлаштириш ва иқтисодиётнинг барқарорлиги таъминланган мамлакатларда рўй бермоқда. Хитойда қулай шарт-шароитлар ва жиддий макроиқтисодий бошқарув бозор иқтисодиётига ўтишни босқичма-босқич амалга оширишга имкон берди. Аммо ўсишнинг асосий омиллари Хитойда ҳам Марказий - Ғарбий Европа ва янги мустақил давлатларда бўлгани каби ривожланди: экспортнинг ўсиши, хизмат соҳасининг ривожланиши ва ҳоказо. Хитой олдида қуйи-

даги вазифалар турибди: банк тизими ва ишлаб чиқариш корхоналарининг ислоҳ қилиш давомида имкониятлардан фойдаланган ҳолда ишлаб чиқариш самарадорлигини янада ошириш, ислохотларни изчил амалга ошириш орқали макроиқтисодий барқарорликни таъминлаб бориш, жамғарма ва инвестицияни кўпроқ жалб қилиш мақсадида иқтисодиётнинг хаддан ташқари кўп тартибга солинишидан воз кечиш ҳамда давлат аппарати қайтадан ислоҳ қилиш.

Хулоса қилиб айтсак, бозорни либераллаштириш ва ташқи савдога йўл очиш, барқарор нархлар ёрдамида янги корхоналар вужудга келиши билан олиб бориладиган мунтазам иқтисодий сиёсат, ҳатто аниқ мулкчилик шакллари ва ривожланган бозор институтлари мавжуд бўлмаган давлатларда ҳам юқори натижаларга эришишга имкон беради.

Либераллаштириш ва барқарорлаштириш сиёсати Марказий Осиё давлатларида иқтисодий ислохотларини олиб боришда, жумладан, давлат ва хусусий корхоналарни радикал қайта қуришда катта имконият яратди. Марказий-режали бошқарувни чеклаш орқали корхоналар олдига қаттиқ бюджет чеклашларини қўйиш ёрдамида харажатларни (чеклаш), қисқартиришга, уларни эркин мулкчилик фаолияти бўйича қайта ташкил этишга эришилди, янги турдаги маҳсулотлар вужудга келди, эски хўжалик фаолияти тузилишида зарурийат бўлмаган янги соҳалар, хусусан, маркетинг, молиявий бошқарув мутахасисликлари ривожлана борди.

Утиш даври иқтисодиётида кузатилаётган муҳим йўналишларидан яна бири тадбиркорлик соҳасида йирик компанияларнинг вужудга келишига тўсқинлик қилувчи турли чегирмаларнинг бекор қилиниши бўлди. Масалан, Хитойда даставвал, бозорнинг асосий иштирокчилари қишлоқ хўжалиги кооперативлари эди. Эндиликда иқтисодий ўсишга, бандлик ва экспортнинг динамик тарзда ўсишига янги хусусий компаниялар ва қўшма корхоналар тузилиши сабаб бўлмоқда.

Меъёрий даражасидан ошиб борувчи инфляция бозорнинг нормал ҳолатига ҳамда ривожланишига ҳалақит қилади. Либераллаштиришнинг биринчи босқичлари нархларнинг кескин ўсиб кетиши билан юз беради: кўп сарф-харажатларга қарамай, Марказий Европа давлатлари ва янги мустақил давлатларда бу жараён давлат билан корхоналар ўртасидаги алоқаларни чеклашга ҳамда субсидиялар беришни қисқартиришга имкон яратади ва шу орқали иқтисодиётни барқарорлаштириш учун шароитни вужудга келтирди.

10.3. Ривожланаётган давлатлар иқтисодиётида давлатнинг роли

«Учинчи дунё» мамлакатларининг замонавий иқтисодий ривожланишда фарқлантирувчи белгилардан бири — иқтисодиётдаги давлат ролини кучайтиришнинг яққол намоён бўлишидир. Бу, бир томондан, замонавий умумжаҳон миллий стратегик дастурлари ва узоқ муддатли ривожланиш мақсадларини ишлаб чиқиш амалиёти билан, бошқа томондан, ривожланаётган мамлакатларда чуқур иқтисодий қолоқликнинг олдини олиш ва жаҳон хўжалиги тизимида ривожланаётган мамлакатларнинг ўрнига алоқадор ўзига хос сабаблар мавжудлиги билан боғлиқ. Энг қашшоқ мамлакатларда иқтисодиётнинг паст даражаси капитал жамғаришнинг бошланғич стадиясига тўғри келади. Шунингдек, жаҳон хўжалиги марказларининг таъсири бу мамлакатларнинг ижтимоий ривожланишини чеклаб қўяди. Шунинг учун давлат иқтисодиёт мақсадли ривожланишининг асосий мобилизацион кучидир.

Ҳукуматлар томонидан ишлаб чиқиладиган стратегик ривожланиш дастурни амалга ошириш мамлакатда кечаётган иқтисодий ва ижтимоий жараёнларга давлатнинг аралашувини назарда тутати. Бу аралашув икки турда амалга оширилади:

- жамоат маҳсулотини ишлаб чиқаришда давлатнинг ўрни;
- билвосита тартибга солиш тури.

Жамоат маҳсулотини ишлаб чиқишда давлатнинг тўғридан-тўғри иштирок этиши унинг тасарруфига бу маҳсулотнинг баъзи қисмлари ва тўпланган жамоат бойлиги, шунингдек, ишлаб чиқариш ашёларидан бир қисмининг ўтиши билан боғлиқ. Давлат мулки асосида фаолият кўрсатаётган иқтисодиётнинг бир қисми давлат секторини ташкил этади.

Билвосита тартибга солиш иқтисодиётнинг барча тузум ва тармоқларига тегишли. Бу ҳукмрон кучларнинг иқтисодий - стратегик тузуми ва ижтимоий сиёсатидан келиб чиқади.

Ривожланаётган мамлакатлар иқтисодиётида давлат секторининг пайдо бўлишига сабаб, маҳаллий хусусий ишбилармонликнинг имкониятлари ва бозорни тартибга солиш, тез ижтимоий-иқтисодий ривожланиш учун зарур бўлган структуравий силжишлар ва ўзгаришлар миқёсига тўғри келмаслигидир.

У ёки бу мамлакат шароитидан келиб чиққан ҳолда бу умумий сабаб қуйидагилар орқали ифодаланади: миллий асосда янги турдаги маҳсулотлар ва хизматларни ишлаб чиқаришни кенгайтириш ёки йўлга қўйиш, бандликни ўстириш, импортнинг ўрнини босиш орқали валютани тежаш, мамлакатлар ичида қолоқ

туманларни ривожлантириш, техник даражаларни, маълум бир тармоқдаги ишлаб чиқаришни, валюта ресурсларини кўпайтириш мақсадида экспорт ва ишлаб чиқаришни юксалтириш, фойдани кўпайтириш ва аҳолининг ижтимоий аҳволини яхшилаш.

Кўпгина ривожланаётган мамлакатларда давлат корхоналари чет эл капиталининг иқтисодий таъсирига қарши чиқади.

Иқтисодиётда давлат секторларининг пайдо бўлиш сабабларини Ҳиндистон мисолида яққол кўриш мумкин. Мамлакатнинг сиёсий бошчилиги давлат секторларининг имкониятлари ва устунликларини ўз ичига олган тез иқтисодий ривожланишни кўрсатади. Утган асрнинг 50-йилларида Ҳиндистон парламенти томонидан ҳукуматнинг саноат сиёсатидаги резолюцияси мамлакат томонидан танланган иқтисодий йўл шунини талаб этадики, базавий ва стратегик аҳамиятга эга ишлаб чиқариш тармоқлари, шунингдек, ўз табиати бўйича жамоат талабини қондиришга қаратилган тармоқлар фақатгина давлат сектори томонидан таъминланадиган, юқори ҳажмдаги сармояларни талаб этадиган давлат секторида қолишини кўрсатади.

Иқтисодиётнинг давлат тармоғи турли ижтимоий-сиёсий йўналишга эга ривожланаётган мамлакатларда ташкил топди. Кўпгина ривожланаётган мамлакатларда давлат корхоналари кўпинча маҳаллий хусусий тадбиркорликни компенсация қилиш учун яратилган.

Бошқа ривожланаётган мамлакатларда иқтисодий сектор ижтимоий мотивлар ҳисобига тузилди.

Иқтисодиётнинг давлат секторини тузиш колонист маъмуриятчилиги тегишли бўлган саноат объектларининг давлат тасарруфига ўтиши орқали бошланди. Кейинчалик, иқтисодиётда давлат секторининг ривожланишига кўпгина шарқ мамлакатларида чет эл ва маҳаллий капитал мулкларида мавжуд бўлган корхоналарни миллийлаштириш ҳисобига эришилди. Бу жараён 60-70-йилларда қарийб ҳамма ривожланаётган мамлакатларнинг амалиётида кузатилди. Айнан шу даврда 1500 дан ошиқ турли объектлар давлат секторига ўтди.

Бироқ мустақил ривожланиш меъёрига кўра, иқтисодиётнинг давлат секторини барпо этишда давлат капитал қўйилмалар дастури чегарасида янги давлат корхоналарининг қурилиши асосий аҳамият касб этди. Ресурсларни қайта тақсимлаш механизмидан фойдаланиш орқали кўпгина мамлакатлар 60-70 — йилларда миллий даромаднинг давлатга тегишли қисмини кўпайтиришди. Шу сабабли, ривожланаётган мамлакатлар ялпи ички маҳсулотнинг ўсишига нисбатан капитал қўйилмаларнинг ўсишини илгарилатиш имкониятига эга бўлишди. Бу капитал

қўйилмалар нафақат давлат тармоғида, балки бошқа тармоқларда юзлаб корхоналарни, саноатни ривожлантириш ва қурилишга қаратилган эди.

Ўтган арнинг 80-йилларидаги кризис кўпгина мамлакатларда жамғариш жараёнини узиб, иқтисодиётда давлат секторининг ўсишини секинлатиб қўйди. Шунинг учун, баъзи ривожланаётган мамлакатлар ундан бош тортиб, хусусий тармоқни ривожлантиришга ўтишди.

Ҳозирги пайтда, илгари ривожланаётган, ҳозир эса ўртача ривожланган мамлакатлар қаторига кирадиган баъзи мамлакатларда (Аргентина, Мексика, Бразилия, Индонезия ва бошқалар) маълум бир жараёнда иқтисодиётни қўллаб-қувватлаган, кейинчалик эса, ташқи жаҳон учун иқтисодиётни очиб бериб, чет эл сармояларига ҳалақит бермай қўйган давлат тармоғи орқали шундай кўрсаткичга эгалар. Ҳиндистонда давлат секториди мис, кўмир, нефть маҳсулотлари, тоғ-шахта қурилмалари, транспорт машинасозлиги ва кemasозлик ишлаб чиқаришининг асосий қисми мужассамлашган.

Мексикада давлат сектори нефть, металлургия, кимё саноати ва бошқа соҳаларда устунликка эга. Давлат устунлиги хусусий ишбилармонликнинг ўсиши билан боғлиқ.

БМТ иқтисодий қўмитасининг маълумотларига қараганда, 80-йилларнинг охирида ялпи капитал қўйилмаларининг 32,4%и Африкага, 25% Осиёга, 22%и қолган регионларга тўғри келади.

Шундай қилиб, қарийб ҳамма ривожланаётган мамлакатлар озми-кўпми иқтисодиётнинг давлат секторини ижтимоий ва иқтисодий муаммоларни ечиш учун ривожлантирган.

Ривожланаётган мамлакатларнинг давлат сектори фаолияти амалиётида Эта асосий ташкилий шакллар ишлаб чиқилган:

- департамент шакли;
- давлат коорпорациялари шакли;
- хусусий тадбиркорлик фаолияти чегарасида фаолият кўрсатадиган акционерлик компанияси шакли.

Департамент шакли. Бунда, корхона ҳукумат департаменти ҳуқуқларида фаолият кўрсатади ва бутунлай унга тобе бўлади. Бу шакл, кўпинча, почта, алоқа, телеграф хизмати, темир йўл транспорти ва умуммиллий аҳамиятга эга бошқа тармоқларда қўлланилади.

Давлат коорпорациялари шакли. Умумий сиёсатни ва унинг фаолиятини назорат қилиш давлат зиммасида қолиши бошқариш ва молиявий масалалар ечими.

Хусусий тадбиркорлик фаолияти чегарасида фаолият кўрсатадиган акционерлик компанияси шакли. Бундай компа-

ния коорпорацияларга нисбатан молиявий ва ишлаб чиқариш масалаларида эркиндирлар. Давлат уларни фақатгина кўпроқ акция соҳиби сифатида назорат қилади.

Давлат секторидаги асосий масала — унинг қанчалик фойдалилиги даражасидир. Уларда фойдалилик даражасининг ўзгариши фойдалилик даражасига ўхшаш категориялардан фойдаланиш билан боғлиқ. Бироқ бу кўрсаткичдан фойдаланиш кўпинча ишлаб чиқаришни давлат томонидан режалаштиришда зиддиятларни келтириб чиқаради.

Давлат сектори жамият миқёсидаги муаммоларни ечиш учун тузилади. Бунда муаммолар хусусий тадбиркорликнинг фойда олиш каби мақсадлари чегарасидан чиқиб кетади. Бундан чиқдики, давлат сектори хусусий капитални қайта тиклаш, тор чегараларини четлаб ўтиш, давлат иқтисодий ривожланишга қаратилган умуммиллий характерга эга масалаларни ечиш учун тузилади.

Қисқача хулосалар

Ўтиш даври иқтисодиётини бошдан кечираётган мамлакатлар иқтисодиётини эркинлаштириш асосан тўсиқларсиз янги янги компаниялар ташкил топишини кўзлайди.

Бозорни эркинлаштириш ва ташқи савдога йўл очиш, барқарор нархлар ёрдамида янги корхоналар вужудга келиши билан олиб бориладиган мунтазам иқтисодий сиёсат юксак натижаларга эришишга имкон беради.

Жаҳон хўжалиги тизимида замонавий иқтисодиётни шакллантиришда давлат бош ислохотчидир.

Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Либераллаштириш ва иқтисодий ўсишнинг ўзаро боғлиқлиги нималарда намоён бўлади?
2. Барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашда таркибий-структуравий сиёсатлар қандай ўрин тутуди?
3. Жаҳон иқтисодиётидаги барқарорлаштириш сиёсатлари.
4. Келажақда амалга оширилиши зарур бўлган вазифалар.
5. Барқарорлаштириш сиёсатида аҳолини ижтимоий муҳофаза этиш қандай ўринга эга?

Асосий адабиётлар

1. Мировой отчёт всемирного банка. Дж. Д. Вулфенсон. Женева – Брюссель, 1996.
2. Р.И. Хасбулатов. Мировая экономика. – М.: «ИНСАН», 1994.
3. П.Р. Кругман. Международная экономика. Теория политика. – М.: МГУ, 1997.
4. А.Э. Ишмухамедов, Л.И. Шибаршова. Регулирование экономики в зарубежных странах. Тексты лекций. – Т.: ТГЭУ, 2000.

РИВОЖЛАНГАН ДАВЛАТЛАР ИҚТИСОДИЁТИДА ХАЛҚАРО МУНОСАБАТЛАРНИНГ ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБГА СОЛИНИШИ

11.1. Ривожланган давлатлар иқтисодий ҳамкорлигида халқаро ҳуқуқнинг ривожланиши

Инсоният тарихининг ажралмас таркибий қисми ҳисобланган халқаро иқтисодий муносабатлар илдизи уруғчилик тузуми вужудга кела бошлаган даврларга бориб тақалади. Жаҳон цивилизациясининг ўчоқлари бўлган қадимги Миср, Бобил, Рим, Греция каби давлатларда чет мамлакатлар билан савдо-сотиқ ва бошқа иқтисодий муносабатлар кенг йўлга қўйилган, ҳар томонлама рағбатлантирилган ва қўллаб-қувватланган. Ўрта Осиё халқлари, хусусан, Ўзбекистон мағрибу машриқ билан савдо-сотиқ алоқаларини амалга оширган. Буюк ипак йўли Ўрта Осиё худудидан ўтганлигининг ўзиёқ мамлакатимиз халқаро савдо алоқаларида муҳим ўрин тутганлигидан далолат беради.

Мараказий Осиёнинг собиқ СССР таркибидаги барча республикалари, шу жумладан, Ўзбекистон ташқи сиёсатини юритиб, жаҳондаги кўплаб давлатлар билан иқтисодий-савдо алоқаларини йўлга қўймоқдалар. Ўзбекистон Франция, Германия, Голландия, Япония, Хитой каби кўплаб давлатлар билан икки томонлама савдо-иқтисодий шартномалар тузди, ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйди ва уни кенгайтирмоқда.

Ўзбекистон умумжаҳон иқтисодий жараёнларига тобора фаолроқ қўшилиб бормоқда, шу мақсадда халқаро иқтисодий ташкилотларга аъзо бўлиб кирмоқда, кўп томонлама халқаро шартномаларга қўшилмоқда, жаҳон миқёсида амалга оширилаётган тадбирларни қўллаб-қувватламоқда ва уларда бевосита фаол иштирок этмоқда.

Бозор иқтисодига асосланувчи жамият барпо этаётган Ўзбекистон жаҳондаги илғор тажрибаларни, эришилган ютуқларни кенг жорий қилишга, ривожланган мамлакатларга ҳос бозор структураларини шакллантиришга, бозор иқтисодининг ҳуқуқий асосларини яратишга алоҳида эътибор бермоқда.

Дарҳақиқат, Ўзбекистоннинг буюк давлат сифатидаги келажаги унинг жаҳон иқтисодий жараёнларига қўшилиши, жаҳон тажрибаларини ўзлаштира билиши билан бевосита боғлиқдир.

Жаҳоннинг энг янги тарихи деб аталмиш асримизнинг бошларидан то ҳозирги давргача бўлган босқични кузатиб кўриш мумкинки, бу вақтга келиб, халқаро майдонда давлатларнинг ўзаро уюшган ҳолда ҳаракат қилишига интилганликларини, фан ва техникада юз берган буюк сакрашлар туфайли инсоният ижтимоий ҳаётида ҳам чуқур ўзгаришлар содир бўлганлигини, ер шари миқёсидаги глобал муаммолар кўпаяётганлиги ҳамда инсониятга жиддий хавф-хатар туғдираётгани туфайли уларни биргаликда муҳокама қилиш, бартараф этиш чораларини ҳамжиҳат ҳолда ишлаб чиқиш долзарб вазифалардан бўлиб қолмоқда. Шунингдек, технология соҳасида юз берган инқилобий ўзгаришлар турли мамлакатлар иқтисодий тараққиётини кўп жиҳатдан бир-бирларига боғлаб қўяётганлигини яққол кўришимиз мумкин.

1945 йил июнь ойида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Устави имзоланиши билан давлатлараро муносабатлар янги босқичга кўтарилди. БМТ ва унинг таркибига кирувчи ва ихтисослашган муассасалар жаҳон иқтисодиётини барқарорлаштириш, давлатлараро иқтисодий алоқаларни кучайтириш, жаҳон хўжалик тизимини такомиллаштириш, жаҳонда янги иқтисодий тартиботни шакллантиришга қаратилган катта ишларни амалга оширомоқдалар.

Давлатлараро савдо-иқтисодий алоқаларни кучайтириш, бу алоқаларни осонлаштирувчи ва самарадорлигини оширувчи ҳуқуқий ва бошқа механизмларни ишлаб чиқиш ҳамда жорий этиш юзасидан БМТ, унинг таркибига кирувчи ёки у билан ҳамкорлик қилувчи халқаро ташкилотлар амалга ошираётган ишлар жаҳон иқтисодий тараққиётига хизмат қилмоқда.

«Ҳуқуқ манбаи» атамаси икки маънода қўлланади. Биринчидан, ҳар қандай ҳуқуқнинг бирламчи манбаи жамият ҳаётининг моддий шароитлари ҳисобланади. Жамиятнинг турмуш тарзи турли-туман ғоялар, назариялар, қарашларда ифодаланади. Ҳуқуқий ғоялар, қарашлар ҳам ана шундай шакллардандир.

Инсоннинг хулқ-атвориغا оид қоидалар ҳуқуқий нормаларга айланмоғи учун улар муайян шаклда ифодаланмоғи лозим. Бундай шаклга солинганлик давлатнинг қонун қабул қилиш фаолияти натижаси, давлат идорасининг кўриниши бўлиб, энди ушбу қоидаларнинг барча томондан сўзсиз бажарилиши давлат куч-қудрати билан таъминланади. Тартиб-қоидаларнинг ифодаланиш шакли-ҳуқуқ манбаи, деб аталади. Ушбу маънода «Ҳуқуқ манбаи» атамаси махсус юридик атама сифатида қўлланилади.

Давлатларнинг ички қонунларидан фарқли равишда хал-

қаро ҳуқуқ соҳасидаги у ёки бу хатти-ҳаракат қоидалари халқаро ҳамкорлик иштирокчилари хоҳиш-иродаларининг мувофиқлаштирилиши натижасида ҳуқуқий хусусият касб этади. Халқаро ҳуқуққа оид актлар халқаро иқтисодий ҳуқуқ манбалари ҳисобланади. Уларнинг энг асосийлари халқаро шартномалар ва халқаро одат нормаларидир.

Халқаро иқтисодий шартномалар давлатлараро иқтисодий ҳамкорликнинг асосий шакли сифатида икки томонлама ва кўп томонламалик асосида жаҳон иқтисодий жараёнларини бошқаришда тобора самарали роль ўйнамоқда.

Халқаро иқтисодий ҳуқуқ манбалари орасида халқаро ташкилотлар амалиёти, улар қабул қиладиган ҳужжатлар ҳам муҳим ўрин тутаяди. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош Асамбилеяси ва бошқа халқаро ташкилотлар қабул қиладиган қарорлар, тавсиялар, резолюциялар халқаро иқтисодий ҳуқуқ манбаларининг шакллантирувчи етакчи омилларидир.

Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик бўйича 1975 йилги кенгаш яқунловчи актлари халқаро иқтисодий ҳуқуқ манбалари орасида улкан аҳамиятга эга эканлиги алоҳида қайд этилмоғи лозим. Яқунловчи актлар янги шаклдаги халқаро иқтисодий муносабатларни йўлга қўйиш, саноат на илмий-техникавий соҳаларда ҳамкорликни кучайтириш юзасидан ҳаммабоп тавсиялар бериш билангина чекланмайди, балки давлатлараро муносабатларнинг бош принципларини ҳам белгилаб беради.

Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик бўйича 1975 йил 1 августдаги яқунловчи актга Европадаги 33 давлат ҳамда АҚШ ва Канада имзо чекди. У халқаро иқтисодий ҳуқуқнинг шаклланиши на ривожланиши учун муҳим аҳамиятга эга. Ушбу акт жаҳондаги турли ижтимоий сиёсий тузумга эга давлатларнинг ҳуқ - атвор кодексиدير.

БМТ таъсис шартномаси ва устави, бошқа халқаро ташкилотларнинг уставлари ҳам халқаро иқтисодий ҳуқуқнинг муҳим манбалари сифатида баҳоланмоғи лозим. Чунки, давлатлараро муносабатларнинг асосий қоидалари ушбу ҳужжатларда мустаҳкамланган.

Одат нормалари ҳам халқаро иқтисодий ҳуқуқнинг муҳим аҳамиятга эга бўлган манбаларидандир. Чунки, уларда давлатлараро муносабатларнинг турли шарт-шароитлари билан белгиланувчи, тарихан таркиб топган ва катта синовдан ўтган қоидалари ифодалангандир. Одат деганда узоқ вақтлар давомида қўлланилиши натижасида вужудга келган хатти-ҳаракат қоидалари тушунилади.

Одат ҳуқуқи нормалари, яъни давлатнинг ёки бошқа халқаро

ташкilotнинг куч ишлатиши мумкинлиги билан таъминланувчи юридик нормалар ахлоқий, диний хулқ-муаллиф қоидаларидан фарқ қилинмоғи керак, чунки, улар давлат аралашувидан холидир.

Одат нормалари давлат вужудга келаётган илк даврларда ҳуқуқнинг дастлабки манбаи бўлган.

Одат нормаларининг халқаро иқтисодий ҳуқуқ манбаларидан бири сифатида кўриб чиқиляётганда халқаро хўжалик фаолияти амалиётида таркиб топган русумлар ҳам диққат марказида сақланмоғи лозим.

Жумладан, халқаро савдо-сотиқ муносабатларида ва халқаро денгиз ҳуқуқида «Кема турган порт қоидалари» принципи, яъни барча савдо кемалари, уларнинг экипажи кема турган портда амал қилувчи қоидаларга сўзсиз амал қилишлари лозимлиги белгиланган.

Суд прецеденти (амалиёти). Суд амалиёти ва суд прецеденти қадимги Рим давлатидаёқ ҳуқуқ манбаи сифатида аҳамият касб эта бошлади. Чунки, Рим ҳуқуқининг бир қатор тармоқлари бевосита суд амалиёти таъсирида шакллана бошлаган. Судларнинг муайян ишлар юзасидан чиқарган қарорларига юридик куч бериш, уларни норматив актларга тенглаштириш ўрта асрларда ҳам мавжуд бўлган. Феодал судларида амал қилувчи кўплаб қоидалар шу тариқа вужудга келган. Денгиз ва савдо ҳуқуқига тааллуқли кўплаб қоидалар савдогарлар судларида шаклланган. Суд прецеденти Англияда ҳамда «англо-саксон умумий ҳуқуқи» ўзлаштирилган бошқа кўплаб мамлакатларда кенг тарқалди.

АҚШда ёзилган қонунлар ҳуқуқнинг асосий манбаи саналсада, шу билан бирга суд прецеденти ҳам сезиларли аҳамиятга эгадир.

Давлатларнинг ички, миллий қонунчилиги халқаро иқтисодий ҳуқуқ манбаларидан биридир.

Давлатнинг ички қонунчилик актлари шунингдек, Миллий суд органлари қарорлари, одатда, миллий қонунчилик субъектлари бўлган мазкур давлат жисмоний ва юридик шахсларига қаратилгандир. Давлат ички қонунлари халқаро иқтисодий ҳуқуқ манбаи бўлиши, айрим қоидалари халқаро майдонда эътироф этилиши ва шартнома асоси бўлиши ёки халқаро одат қоидаларига айланиб қолиши орқали юз бериши мумкин. Шу билан бирга, давлат ички қонунчилигида миллий суд қарорларида халқаро ҳуқуқнинг амалдаги нормалари қайд этилиши, такрорланиши мумкин. Ушбу маънода мазкур актлар муайян халқаро хатти-ҳаракат қоидаларига давлатнинг муносабатини аниқлашга кўмаклашади, шу йўл билан бевосита ҳуқуқ манбаи ҳисобланади.

Доктриналар (халқаро ҳуқуқ соҳасидаги юристларнинг илмий қарашлари) айрим кишиларнинг шахсий фикрлари ифодаси бўлсада, халқаро муносабатларда ҳамкорликнинг янги шакллари ва йўналишларнинг айрим жабҳаларини ўзига хос тарзда изоҳлашда муҳим аҳамиятга эга.

Доктриналарнинг аҳамияти шундаки, мутахассисларнинг илмий ишлари у ёки бу муайян принципиал қоидаларни аниқлашга ёрдамчи материал вазифасини ўташи мумкин. Доктриналарда халқаро муносабатларнинг янги шакллари ва қоидалари ишлаб чиқиши (шу маънода илмий корпорациялар, халқаро ҳуқуқ бўйича юристлар бирлашмаларининг роли жуда улкан) мумкин. Аммо улар одатдаги оферто доирасидан четга чиқмайди. Улар халқаро ҳуқуқ соҳасидаги мажбурий юридик нормаларга айланиши учун халқаро майдонда эътироф этилиши лозим.

Халқаро иқтисодий ҳуқуқ принциплари — халқаро ҳамжамият аъзолари ўзаро муносабатларда риоя этиши лозим бўлган умумий қоидалар, раҳбарий ғоялар учун даструламал бўлиши кўзда тутилган қоидалардан иборатдир.

Ҳар бир давлат халқаро савдо ва бошқа иқтисодий ҳамкорликларда иштирок этиши, ўз ташқи иқтисодий фаолият шаклини эркин танлаши, икки ва кўп томонлама шартномалар тузиши мумкин.

1. Ҳар бир давлат мутлақо мустақил равишда:

а) бож-Тариф тизимларини жорий қилиши, импорт ва экспорт соҳасида маҳсус солиқлар жорий этиши;

б) муайян давр учун (одатда 6-12 ой доирасида) импорт ва экспорт товарлари ҳажмини чеклаб қўйиши (контенгировкалаш);

в) импорт ва экспорт соҳасида тақиқлаш-рухсат бериш тизимларини ишлаб чиқиши ва жорий этиши;

г) савдо эркинлигини ёки ташқи савдо монополиясини жорий қилиши мумкинлиги кўзда тутилгандир.

2. Барча табиий ресурслар ҳамда ҳар қандай иқтисодий фаолият устидан давлат суверенитетининг белгиланганлиги.

Шу туфайли ҳар бир давлат ўз олдига қўйилган стратегик мақсад, юритилаётган сиёсат, таркиб топган муайян иқтисодий ва сиёсий вазиятга мувофиқ равишда хорижий сармояларнинг мамлакатга кириб келишини ўз миллий қонунчилиги воситасида ташкил этади ҳамда назорат қилади. Хорижий сармояларга, транснационал компанияларга имтиёзлар бериш юзасидан ташқи тазйиқ ўтказилиши мумкин эмас.

3. Иқтисодий камситиш (дискриминация) нинг тақиқланганлиги.

Иқтисодий, сиёсий, ҳарбий қудрати, ҳудуди, аҳолиси сони ва бошқа имкониятларидан қатъи назар барча давлатлар халқаро муносабатлар, шу жумладан, иқтисодий муносабатлар соҳасида ўзаро тенг эканликлари жаҳон ҳамжамиятининг барча аъзолари томонидан сўзсиз тан олинган ва БМТ уставида, Бош Ассамблея қарорларида ҳамда бошқа нуфузли халқаро ташкилотлар қабул қилган ҳужжатларда қатъий белгилаб қўйилган. Шу тўғрисида халқаро иқтисодий муносабатларда бир давлатнинг бошқа бир давлат ёки давлатлар гуруҳи томонидан тазйиқ остига олиниши, ёмонроқ шароит яратиш, импорт ва экспорт, бож ва солиқ соҳасида одатдагидек ноқулай шароит яратиш ва бошқалар ғайриқонуний хатти-ҳаракатлар деб баҳоланмоғи лозим ва улар камситиш сиёсатининг кўринишларидир.

Халқаро ҳуқуқ принциплари тўғрисидаги 1970 йилги Декларацияда «Давлатларнинг иқтисодий ҳуқуқлари ва мажбуриятлари тўғрисидаги Хартия»да ва бошқа халқаро ҳуқуқий ҳужжатларда бу принцип ифодаланган.

1949 йилда АҚШ ташаббуси билан тузилган социалистик мамлакатларга экспортни назорат қилиш бўйича мувофиқлаштирувчи комитет (КОКОМ) узоқ йиллар давомида иқтисодий камситиш сиёсати юритиш ташкилотчиси бўлиб келди.

Ҳар бир давлат муайян шароитдан келиб чиққан ҳолда халқаро иқтисодий алоқалар бўйича ҳар хил чеклашлар жорий этиш йўли билан ўз иқтисодий манфаатлари ва хавфсизлигини ҳимоя қилишга тўла ҳақли. Аммо бундай чеклашлар ўзи билан алоқада бўлган барча давлатларга нисбатан ёки ўзига нисбатан иқтисодий чеклашлар жорий этган давлатларга нисбатан жорий этилаётган бўлиши, айрим давлатларни камситишга қаратилмаслиги лозим.

4. Адолатли иқтисодий ҳамкорлик ва ўзаро манфаатдорлик.

Давлатлар ўртасидаги иқтисодий алоқалар ўзаро тенгликка, бир-бирини камситмасликка, икки томонлама ва кўп томонлама шартномаларнинг адолатлилиги ва ўзаро фойдалилигига асосланмоғи лозим. Куч ишлатиш билан дўқ-пўписа қилиш, муайян манфаатларни хавф остида қолдириш йўли билан эришилган битимлар адолатсиз битимлар сифатида кўриб чиқилиши ва бекор қилиниши мумкин.

Халқаро иқтисодий ҳуқуқнинг юқоридагилардан ташқари бир қатор принциплари ҳам мавжуд (масалан, жаҳондаги ижтимоий тараққиётга кўмаклашиш; давлатлар ўртасида иқтисодий ва илмий-техникавий алоқалар ривожини кўллаб - қувватлаш; тараққиёт мақсадларида халқаро ҳамкорлик қилиш; умумланетар миқёсларда табиатни муҳофаза қилиш ва ҳоказолар).

Уларнинг барчаси жаҳонда барқарорликни таъминлаш, иқтисодий тараққиётга кўмаклашиш, ягона жаҳон хўжалик тизимини янада мустаҳкамлаш, янги жаҳон иқтисодий тартиботини тўла ҳажмда вужудга келтириш ва мустаҳкамлашга қаратилган.

11.2. Халқаро иқтисодий ҳуқуқ субъектлари

Халқаро иқтисодий муносабатлар деганда халқаро ҳуқуқий ва муомала лаёқатига эга бўлган турли иштирокчилар орасидаги иқтисодий, савдо-сотиқ, илмий-техникавий, маданий ва бошқа соҳалардаги ўзаро алоқалар тушунилади. Демак, халқаро иқтисодий муносабатлар халқаро ҳуқуқ субъектлараро юз берувчи ижтимоий-иқтисодий муносабатлардир. Шунга кўра, халқаро иқтисодий ҳуқуқ субъектлари бўлган, халқаро ташкилотлар, давлат ташкилотлари, ўз мустақиллиги учун курашаётган халқлар ва миллатлар айни пайтда халқаро иқтисодий муносабат субъектлари сифатида ҳам иштирок этишлари мумкин. Бироқ халқаро ҳуқуқ соҳасидаги мустаҳассислар, турли мамлакатларда мавжуд доктриналар бу масалада бошқача қарашларни ҳам илгари сурадилар. Жумладан, В. Фикентшер (ГФР) нинг фикрича, жисмоний ва юридик шахслар, айниқса, транснационал компаниялар ҳам халқаро иқтисодий ҳуқуқнинг субъектлари бўла оладилар.

Француз олими М. Беллоне эса, халқаро иқтисодий ҳуқуқ субъектлари бўлиб давлатлар, халқаро иқтисодий ташкилотлар ва транснационал компаниялар ҳисобланади, деб таъкидлайди. Халқаро иқтисодий ҳуқуқ субъектлари таркиби юзасидан турли қарашларнинг мавжудлиги халқаро ҳуқуқнинг бу соҳаси ҳали шаклланиш жараёнида эканлиги билан изоҳланиши мумкин.

Халқаро иқтисодий ҳуқуқнинг асосий субъекти — суверен давлатлардир. Сиёсий ва бошқа муносабатларда бўлгани сингари иқтисодий муносабатларда ҳам давлат мустақил равишда ва тўла ҳажмда қатнаша олади. Бунда катта-кичиклиги, иқтисодий, сиёсий салоҳияти ва бошқа кўрсаткичлари унинг ҳуқуқлари қандайдир тарзда чекланишига ёки алоҳида имтиёз даъво қилишига асос бўлмайди. Давлат халқаро иқтисодий ҳуқуқ субъекти сифатида бевосита бошқа давлатлар ва халқаро ташкилотлар билан алоқалар ўрнатиши, музокаралар юритиши, халқаро шартномалар тузиши ва халқаро ҳуқуқ нормаларига мос келувчи бошқа турли хатти-ҳаракатлар қилиши мумкин. Янги ташкил топган давлатнинг халқаро ҳамжамиятнинг бошқа аъзолари томонидан амалда (де факто) ёки юридик (де юре) жиҳатдан тан олинган-олинмаганлиги, одатда, унинг халқаро иқтисодий ҳуқуқ субъекти бўла олишига тўсқинлик қилмайди,

Суверен давлатнинг халқаро иқтисодий ҳуқуқ субъекти сифатидаги ҳуқуқ ва муомала лаёқати у вужудга келган пайдан пайдо бўлади ва барҳам топиши билан тугайди.

Суверинитет, яъни ички ва ташқи фаолиятни юритишда тўла мустақиллик ҳар қандай давлатнинг ажралмас хусусиятидир.

Бир давлат ва унинг органлари бошқа давлат судларига ва унинг қарорларига ўз розилигисиз бўйсунмаслиги ҳам давлат иммунитетининг кўринишларидандир.

Ўз мустақил давлатини барпо этган ҳар бир халқ халқаро ҳуқуқнинг субъектидир. Унинг бошқалар томонидан тан олинган-олинмаганлиги аҳамиятга эга эмас, Аммо халқаро ҳуқуқнинг бошқа субъектлари томонидан тан олинган бўлиши халқаро муносабатларга киришиши, чет давлатлар билан иқтисодий ва бошқа алоқалар ўрнатиши учун қулай имкониятлар яратади.

Янги барпо этилган давлатни тан олиш у билан нормал халқаро муносабат ўрнатишга қаратилган расмий, юридик актдир.

Халқаро ҳуқуқ субъекти сифатида тан олиниши натижа-сида тегишли давлат ҳокимияти муайян ҳудуд доирасида ёйи-лади, муайян халқ номидан вакиллик қилиши, сиёсий ва иқтисодий мустақиллиги, халқаро ҳуқуқ ва муомала лаёқатига эга-лиги тан олаётган давлатлар томонидан эътироф этилади.

Халқаро ҳуқуқда икки хил тан олиш:

— юридик жиҳатдаи тўла ҳажмда тан олиш — до юре;

— расмий жиҳатдан тан олмаган ҳолда амалий алоқаларни ўрнатиш — де факто тан олиш мавжуд.

Янги барпо бўлган давлатни тан олиш халқаро муносабатларга тенг ҳуқуқли янги субъект қўшилганлигини билдиради ва у билан дипломатия, савдо-сотик, маданий ҳамда бошқа алоқаларни йўлга қуйишни тақозо этади.

Янгидан вужудга келган давлатни юридик жиҳатдан тан олиш декларация эълон қилиш, товар айирбошлаш, битимлар тузиш каби шаклларда амалга ошади. Дипломатия алоқаларининг ўрнатилиши янги вужудга келган давлатнинг тўла, яъни де юре тан олинганлигидан гувоҳлик беради.

Ўзбекистон Республикаси мустақил давлат бўлиб шаклланиш жараёнини босиб ўтди. Бунда, айниқса, 1990 йил 20 июнда Ўзбекистон ССР Олий Совети томонидан қабул қилинган «Мустақиллик декларацияси» муҳим аҳамиятга эга бўлди. Мазкур акт 12 банддан иборат бўлиб, унда Ўзбекистон Республикаси мустақил давлат, деб эълон қилинди ва давлат мустақиллиги асослари баён этилди.

1991 йил 31 август куни Ўзбекистон Олий Совети томонидан «Ўзбекистон Республикаси Давлат мустақиллиги асосла-

ри тўғрисида»ги қонуннинг қабул қилиниши жаҳонда халқаро ҳуқуқнинг тўлақонли субъекти бўлган янги суверен давлат дунёга келганини эълон қилди. Шу даврдан бошлаб, Ўзбекистонни бошқа давлатлар ва халқаро ташкилотлар томонидан расмий, юридик тан олиш жараёни авж олди. Ҳозирги пайтда Ўзбекистон жаҳондаги 150 дан ортиқ давлат томонидан юридик тан олинди, уларнинг кўплари билан дипломатия ва консуллик алоқалари йўлга қўйилмоқда, элчилар айрибошланмоқда.

Ўзбекистоннинг 1992 йил 29 январда Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик кенгашига (СБСЕ), айниқса, БМТ Бош Ассамблеяси томонидан 1992 йил 2 март куни бир овоздан БМТ аъзоллигига қабул қилиниши унинг жаҳон ҳамжамияти томонидан тан олиниш жараёнидаги юксак нуқталар бўлди.

11.3. Халқаро иқтисодий ҳуқуқ ва давлат иммунитетиди

Халқаро муносабатларда давлатларнинг бир-бирларини ҳурмат қилишлари, ўзаро тенг муносабатларда бўлишлари ҳамда бир - бирларининг ички ишларига аралашмасликлари иқтисодий ҳамкорликни чуқурлаштириш ва ривожлантиришнинг муҳим шартларидандир.

Давлатлараро алоқаларнинг узоқ тарихи давомида бу жаҳада бой тажриба тўпланган бўлиб, ушбу тажриба асосида манфаатларни ҳисобга олиш ва дахлсизликни таъминлаш юзасидан ёзилган ва ёзилмаган муайян қоидалар шаклланган. Ўзга давлат суверинитети ва мустақиллигини тан олиш, ўзга давлатлар билан кучлар позициясидан туриб алоқа ўрнатишга уринмаслик ана шундай қоидалар сирасидандир.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Уставининг 2-моддаси 4-бандида айтилганидек, «БМТнинг барча аъзолари ўз халқаро муносабатларида ҳар қандай давлатнинг ҳудудий дахлсизлигига ёки сиёсий мустақиллигига қарши, шунингдек, БМТнинг мақсадларига тўғри келмайдиган бошқа бирон тарзда куч билан таҳдид қилиш ёки куч ишлатишдан сақланадилар».

Мавжуд халқаро ҳуқуқ нормаларига кўра, ҳеч бир давлат, унинг органлари ўзга давлатга, унинг органларига ҳеч қандай тарзда ҳисоб бермайдилар, ўзга давлат судлари олдида жавобгарликка тортилишлари мумкин эмас. Бир давлат томонидан қабул қилинган қонунлар ўзга давлат ҳудудида амал қилиши мумкин эмас. Юқоридаги ва унга ўхшаш масалаларда бир давлат томонидан иккинчи давлатга нисбатан талаблар қўйилиши давлат мустақиллигига, суверинитетига дахл қилиш, ўзга давлат ички ишларига аралашини, деб баҳоланади.

Халқаро муносабатлар, жумладан, иқтисодий муносабатлар соҳасида давлат иммунитети, айтилганлардан ташқари, ташқи муносабатларни амалга ошируви давлат муассасалари, уларнинг мансабдор шахслари иммунитети ва имтиёзларини ҳам ўз ичига олади.

«Дипломатия алоқалари тўғрисида»ги 1961 йилги, «Консуллик алоқалар тўғрисида»ги 1963 йилги Вена Конвенциялари ва бошқа қатор халқаро ҳуқуқий ҳужжатларда давлат иммунитетининг таркибий қисми бўлган дипломатия ва консуллик ваколатхоналари ҳамда уларнинг ходимлари иммунитети ва имтиёзларини назарда тутди.

Қуйидагилар ана шундай иммунитетлардан ҳисобланади:

1. Бинолар дахлсизлиги, яъни дипломатия ваколатхонаси бошлигининг розилигисиз бу бинога у жойлашган давлат ҳокимияти вакиллариининг киришлари мумкин эмаслиги. Бино, ундаги жиҳозлар, бошқа мулклар, ҳаракатланиш воситалари тинтув қилиниши, олиб қўйилиши, арест солиниши ва уларга нисбатан бошқа ижро ҳаракатлари амалга оширилиши мумкин эмас;

2. Фискал ёки солиқ соҳасидаги иммунитет. Дипломатия ваколатхонасининг ўзига тегишли бўлган ёки ижарага олинган барча бинолари барча давлат солиқларидан, маҳаллий йиғим ва тўловлардан тўла озод қилинади. Коммунал ва бошқа хизматлар учун тўланиши лозим бўлган ҳақ бундан мустаснодир;

3. Дипломатия архиви ва бошқа ҳужжатлари дахлсизлиги. Ушбу ҳужжатлар ваколатхона жойлашган ер давлат ҳокимияти органлари томонидан олиб қўйилиши, кўздан кечирилиши, ушбу ҳужжатлар ҳаракатига тўсқинлик қилиниши мумкин эмас;

4. Ваколатхонанинг алоқаларни амалга ошириш соҳасидаги иммунитет. «Дипломатия ваколатхонаси ўз давлат органлари, бошқа давлат ваколатхоналари билан хоҳлаган пайтларида ва хоҳлаган алоқа воситасидан фойдаланган ҳолда алоқалар олиб бориши мумкин. Барча расмий ёзишмалар дахлсиздир;

5. Ўз давлат байроғи ва гербидан фойдаланиш ҳуқуқи. Дипломатия ваколатхонаси, унинг бошлиғи биноларда, ўз қароргоҳида, транспорт воситаларида ўз давлат байроғи ҳамда гербидан фойдаланишга ҳақлидирлар.

Дипломатия ваколатхонаси билан бир қаторда унинг ходимлари ҳам иммунитет ва имтиёзлардан фойдаланадилар. Бундай иммунитет ва имтиёзлар жумласига дипломатия ваколатхонаси ходимларининг:

- шахсий дахлсизлиги;
- тураржой дахлсизлиги;
- юридикцион дахлсизлиги (яъни, жойлашган ердаги дав-

лат суриштирув, дастлабки тергов ва суд органлари томонидан ушлаб турилишлари, сўроқ қилинишлари, жиноий жавобгарликка тортилишлари, шунингдек, фуқоролик ишлари бўйича судга элитилишлари мумкин эмас) киради.

Дипломатия ваколатхонаси ходимлари маъмурий ва бошқа турдаги ҳуқуқий жаобгарликларга тортилишлари ҳам мумкин эмас. Иммуниет ва имтиёзлар нафақат дипломатия ҳамда консуллик муассасаларига, балки халқаро ташкилотлар, махсус миссиялар ҳузуридаги давлат ваколатхоналарига ҳамда у ердаги ходимларга ҳам берилиши кўзда тутилган. Бу масалада 1975 йил 14 мартда Вена конвенциясида қабул қилинган бўлиб, унда халқаро ташкилотлар ҳузуридаги ваколатхоналарга бериладиган иммуниет ва имтиёзлар батафсил баён этилган. Хукуматлараро ва бошқа халқаро ташкилотлар муайян бир давлат ҳудудида жойлашган ва бир меъёрда фаолият юритишлари учун ушбу давлатдан мустақил ҳаракат қилишини кафолатлайдиган иммуниет ва имтиёзларга эга бўлишлари лозим. Бундай иммуниет ва имтиёзлар барча турдаги универсал ва минтақавий халқаро ташкилотларга берилади. Халқаро ташкилот аъзоси бўлган давлатлар катта-кичикларидан қатъи назар тенг иммуниет ва имтиёзлардан фойдаланадилар. Аммо халқаро ташкилот иммуниет ва имтиёзлари ҳажми унинг мақсад ва вазифаларига мувофиқ мазкур ташкилотнинг устави ҳамда бошқа тавсия ҳужжатларида белгилаб қўйилади.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва унинг ихтисослашган муассасалари дипломатия ваколатхоналари эга бўлган барча иммуниет ва имтиёзларга эгадир. Бундан ташқари БМТ қўшимча имтиёзларга ҳам эга бўлиб, бу нарса унинг ўзига хос ташкилот эканлигидан келиб чиқади. БМТ ва унинг ихтисослашган муассасалари ходимлари орасида тўла ҳажмда иммуниет ва имтиёзлардан фойдаланишга ҳақли бўлган мансабдор шахслар доираси бирмунча чекланган. Бундай шахслар қаторига Бош котиб, унинг муовинларигина кирадилар. Бошқа мансабдор шахсларнинг иммуниетлари эса чекланган. Халқаро муносабатларда иммуниет ва имтиёзларга таҳдид қилиш, бу соҳадаги ҳуқуқларни бузиш оғир жиноят саналади ва айбдорларга нисбатан қатъий таъсир чоралари кўрилишини кўзда тутади. Ўзбекистон Республикаси халқаро ҳуқуқнинг мустақил субъекти сифатида ўз халқаро алоқаларини тобора кенгайтириб бормоқда. Ёш, суверен давлатимиз хорижий давлатлар, халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик алоқалари ўрнатмоқда, улар билан иқтисодий ва бошқа муносабатларга киришмоқда. Ана шундай шароитда республикамизда хорижий давлатларнинг,

қўпгина халқаро ташкилотларнинг доимий ва муваққат ваколатхоналари очилмоқда. Ўз навбатида давлатимизнинг дипломатия, консуллик ваколатхоналари хорижий давлатлар ҳудудида очилмоқда, халқаро ташкилотлар ҳузурида доимий ваколатхоналаримиз ташкил этилмоқда.

Ўзбекистон халқаро муносабатлар соҳасида ҳамма тан олган халқаро ҳуқуқий нормаларга қатъий риоя этажagini эълон қилди ва Ўз Конституциясида ҳамда бошқа қонунларида халқаро ҳуқуқ қоидалари ва принципларини тўлалигича акс этдирди. Мамлакатимизнинг ушбу қонунларида хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотлар дахлсизлиги, уларнинг ходимлари шахсий ва мулкый манфаатлари кафолатланиши ҳамда ҳар томонланма ҳимоя қилиниши қатъий белгилаб қўйилди. Ўзбекистон БМТнинг аъзоси сифатида иммунитетлар ва имтиёзлар соҳасидаги барча конвенцияларни тўла тан олди.

Халқаро иқтисодий муносабатлар соҳасида фаолият юритувчи мутахассиснинг давлат иммунитет масаласидаги халқаро ҳуқуқ қоидаларидан хабардор бўлиши муҳим аҳамиятга эгадир. Чунки, бу нарса ташқи муносабатларда давлатимиз манфаатларини тўла ва самарали ҳимоя қилишга ёрдам беради, унинг халқаро обрў-эътибори ошишига кўмаклашади.

11.4. Халқаро иқтисодий муносабатлар йўналишларини ҳуқуқий тартибга солиш

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Уставида ва бошқа халқаро ҳуқуқий ҳужжатларда суверен давлатларнинг ҳеч қандай чеклашларсиз ўзаро иқтисодий, савдо-сотиқ муносабатларига киришишлари мумкинлиги, бундай ҳамкорлик жаҳонда янги тартибот қарор топишига, тинчликнинг мустаҳкамланишига, жаҳон тараққиётига кўмаклашиши қайд этилган.

Ташқи иқтисодий алоқаларни ташкил этиш шаклларини танлашда ҳар бир давлатнинг эркин эканлиги халқаро иқтисодий ҳуқуқнинг асосий принципларидандир. Шунга мувофиқ равишда БМТ Бош Ассамблеяси ХХІХ сессияси томонидан 1974 йил 9 декабрда қабул қилинган «Давлатларнинг иқтисодий ҳуқуқ ва мажбуриятлари хартияси»нинг 4-моддасида: «Ҳар бир давлат халқаро савдо-сотиқ муносабатларида ва бошқа иқтисодий муносабатларда қатнашишга ҳақли, ўз ташқи иқтисодий алоқалари шаклини эркин танлаши, ўз халқаро мажбуриятларига ва халқаро иқтисодий ҳамкорлик манфаатларига мос келувчи икки томонлама ва кўп томонлама битимлар тузиши мумкин» дея қайд этилган.

Халқаро иқтисодий алоқаларда ҳуқуқий асос — халқаро савдо шартномаларидир. Бу шартномалар иқтисодий шартномаларнинг бир тури бўлиб, уларни тузишдан унинг иштирокчилари муайян турдаги, миқдордаги товарларни олиш ёки сотишни, улар муайян бўғинлар оша ишлаб чиқарувчидан истеъмолчига етиб боришини кўзлайдилар.

Давлатлараро иқтисодий муносабатларнинг асосий қисмини савдо-сотик соҳасидаги битимлар ва шартномалар ташкил этади. Давлатлараро савдо аҳдлашувларида томонлар бир-бирларига белгилаб берадиган қулай режим, бож, солиқ, товарларни олиб кириш ва олиб чиқиб кетиш, кема ва бошқа транспорт алоқалари, транзит қатнов, бир мамлакат фуқароси ва юридик шахслари учун иккинчи мамлакат ҳудудида фаолият юритиш тартиблари каби кўпгина муҳим масалалар ҳал этилади.

Давлатлар ўртасидаги савдо-сотик шартномалари ва аҳдлашувлари, одатда, 5 йил ва ундан ортиқ муддатга тузилади. Бироқ муддати қайд этилмаган ёки бир йилдан камроқ муддатга шартнома тузиш ҳоллари ҳам учрайди.

Савдо соҳасида шартнома тузган давлатлар, одатда, бир-бирлари учун қулай шароит яратадилар. Савдо шартномалари билан ўзаро боғланган давлатлар томонидан шартномавий шериклари бўлган мамлакат жисмоний ва юридик шахслари учун ўз ҳудудларида энг қулай иқтисодий ҳамда бошқа шароитлар яратиб берилиши ўзга давлатлар томонидан камситиш (дискриминация) сиёсати деб баҳоланиши мумкин эмас.

Давлатлараро савдо аҳдлашувлари тузилши билан боғлиқ равишда ўзаро қулай режим белгилаш сиёсати Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик бўйича 1975 йилда ўтказилган Хельсинки кенгашининг яқунловчи актида халқаро иқтисодий муносабатларнинг энг ижобий шаклларида бири сифатида маъқулланди.

Товарларни бир давлат чегарасидан бошқа давлат чегарасига ўтказишга қаратилган шартномалар контингентга тааллуқли битимлар, деб юритилади. Контингентга оид битимлар деганда, икки давлат ўртасида муайян турдаги ва миқдордаги товарларни маълум вақт давомида ўзаро етказиб бериш ҳамда шу муносабат билан ўз шеригига нисбатан муайян мужбуриятларни олишга қаратилган аҳдлашувлар кўзда тутилади.

Товар муомаласи ҳақидаги давлатлараро контингент, одатда, олти ойдан ўн икки ойгача муддатга тузилади ва унинг муддати тугагач, томонлар янги контингентлар ҳақида битим тузадилар ва у икки томонлама протоколлар билан расмийлаштирилади.

Контингент қатнашчиси бўлган давлат ўз зиммасига савдо алоқаларини кучайтиришга қулай шароит яратиб бериш,

контингентга мувофиқ экспорт ва импорт учун айрим фирма ва компаниялар фаолиятига тўсқинлик қилмаслик, тегишли лицензиялар берилишини таъминлаш, транспорт алоқаларини ривожлантириш каби масалаларда мажбуриятлар олади. Контингентга оид ахдлашувлар ўзаро тўловларга оид қоидаларни белгилловчи битимлар тузилишига ҳам сабаб бўлади.

Жаҳон товар бозорини барқарорлаштириш, хомашё ресурслари ҳамда товарлар юзасидан экспорт ва импортни тартибга солиш, ишлаб чиқарувчи давлатларга ўз маҳсулотларини четга чиқариш юзасидан квоталар, халқаро бозорда мавжуд товарларга энг кўп ва энг кам нарх чегараларини белгилаш каби мақсадларда давлатлараро кўп томонлама шартномалар ҳам тузилади. Бундай шартномалар жаҳон иқтисодиётининг барқарорлашувига, товарларга нисбатан талаб ва таклифни оқилона тартибга солишга, хомашё етказиб берувчи давлатлар ва тайёр маҳсулот етказиб берувчи давлатлар иқтисодий манфаатларининг ўзаро мувофиқлашувига кўмаклашишга қаратилади. Халқаро кўп томонлама битимлар асосида муайян турдаги товарлар (кофе, какао, тиббий каучук ва бошқалар) бўйича халқаро ташкилотлар ташкил этилган. Улар кенгаш, ижроком ва котибият томонидан бошқарилади.

Товар муомаласи бўйича регионал (минтақавий) кўп томонлама битимлар ҳам мавжуд. Улар асосида регионал халқаро ташкилотлар тузилган. Масалан, кофе бўйича Африка давлатлари ташкилоти, нефть экспортчилари бўлган давлатлар ташкилоти (ОПЕК). Ҳозирги пайтда минтақалараро товар муомаласи бўйича 18 халқаро ташкилот мавжуд бўлиб, улар ривожланаётган давлатларнинг хомашё экспорти бўйича ҳаракатларини ўзаро мувофиқлаштиришга хизмат қилади.

Халқаро савдо-сотик масалалари билан шуғулланувчи бир қатор иқтисодий ташкилотлар ҳам мавжуд. Уларнинг вазифаси адолатли халқаро савдони ташкил этишга кўмаклашиш, бу соҳада давлатлар фаолиятини мувофиқлаштириш, халқаро конвенция ва бошқа савдо шартномалари ишлаб чиқарилиши ҳамда тузилишига кўмаклашиш, савдо-сотик алоқаларини ривожлантириш орқали тинчликни мустаҳкамлаш, барқарорликни таъминлаш кабилардан иборат.

БМТ таркибида иқтисодий ҳамкорлик муаммолари билан шуғулланувчи бир қатор ихтисослашган муассасалар ва органлар мавжуд.

Жаҳон миқёсида савдо-сотик муносабатларини ривожлантиришда БМТнинг савдо ва тараққиёт масалалари бўйича Конференцияси (ЮНКТАД) алоҳида аҳамиятга эга. У ЮНКТАД

БМТ Бош Ассамблеясининг органи сифатида 1964 йилда ташкил этилган.

ЮНКТАД ўз сафига 200 га яқин давлатни бирлаштирган, халқаро савдо-иқтисодий масалалар билан шуғулланувчи универсал ташкилотдир.

БМТ Бош Ассамблеясининг ЮНКТАДни таъсис этиш ҳақидаги резолюциясида қуйидагилар унинг асосий вазифалари деб белгиланган:

- халқаро савдо-сотиқни ривожлантириш;
- халқаро савдо ва иқтисодий тараққиёт муаммоларига мос келувчи принциплар ва сиёсатни ишлаб чиқиш;
- ушбу принципларнинг амалга ошишига кўмаклашувчи тавсиялар ишлаб чиқиш;
- БМТ доирасидаги бошқа органларнинг савдо-сотиқ ишлари бўйича фаолиятларини мувофиқлаштириш;
- ўз ваколатлари доирасида кўп томонлама битимлар тузиш юзасидан музокаралар олиб бориш ва бундай битимларни қабул қилишга эришиш;
- савдо масалалари бўйича ҳукуматлар ва регионал иқтисодий гуруҳлар сиёсатини ўзаро мувофиқлаштириш;
- ҳар қандай масалани ўз ваколати доирасида ҳал этиш.

ЮНКТАД томонидан 1973-1974 йиллар давомида «Давлатларнинг иқтисодий ҳуқуқлари ва мажбуриятлари Хартияси» ишлаб чиқилди. Ушбу ҳужжат БМТ Бош Ассамблеяси томонидан XXIX сессияда қабул қилинди. ЮНКТАД томонидан бошқа кўплаб халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар ҳам қабул қилинган.

ГАТТ (Тарифлар ва савдо бўйича Бош битим). Халқаро савдо-сотиқ ва бошқа иқтисодий алоқаларнинг амалга оширилишида ўзаро мувофиқлашган савдо-Тариф сиёсатининг юритилиши иқтисодий ҳамкорликни мустаҳкамлашнинг муҳим шартларидандир.

Тарифлар ва савдо ҳақидаги Бош битим (ГАТТ) ана шу мақсадга хизмат қилади.

ГАТТ — йирик, кўп томонлама ҳукуматлараро савдо шартномасидир. Унинг асосий вазифалари кўп томонлама халқаро шартнома алоқаларини кенгайтириш, кўп томонламалик асосида ўзаро қулай шароитлар яратишга эришиш, бож тарифлари ва бошқа чеклашларни камайтириш, ўзаро ён беришга эришиш кабилар ҳисобланади. Жаҳон савдосини либераллаштириш ва мустаҳкам орқали иқтисодий юксалишга, инсон фаровонлигини оширишга эришиш ГАТТ олдидаги асосий мақсадлардан биридир.

1947-1948 йилларда халқаро савдо ташкилотини тузишга ҳаракат қилинди, аммо унинг Устави қабул қилинмасдан қолди.

1947 йил 30 сентябрда Женевада 23 давлат томонидан «Тарифлар ва савдо бўйича Бош битим» имзоланди. Ўтган йиллар давомида ГАТТ ўзида халқаро ташкилотга хос бўлган хусусиятларни мужассамлаштириб борди.

Ҳозирги пайтда 88 давлат ГАТТга аъзо, унинг фаолиятида шунингдек, 139 давлат у ёки бу шаклда қатнашмоқда.

ГАТТ ўз бошқарув органларига эга. Унинг олий органи ҳар йили тупланадиган ахдлашувчи томонлар сессияси саналади.

Ахдлашувчи томонлар вакиллари кенгаши оператив раҳбарий орган бўлиб, бир йилда икки - уч марта ўз мажлисларини ўтказди. ГАТТ таркибида котибият, бир қатор доимий қўмиталар, қўмитачалар ва гуруҳлар мавжуд. Шу жумладан, савдо музокаралари қўмитаси, савдо ва тараққиёт қўмитаси ҳам фаолият кўрсатмоқда.

ГАТТнинг асосий фаолият шакли кўп томонлама музокаралар ҳисобланади. Ушбу музокараларда энг муҳим масалалар бўйича ўзаро келишувга эришилади. Бундай кўп томонлама музокаралар «Раунд»лар деб юритилади. Тарихда «Кеннеди Раунд» (1964-1967 йиллар), «Токие-раунд» ва бошқа музокаралар қайд этилган бўлиб, улар давомида тарифлар, божлар камайтирилган.

ГАТТ билан ЮНКТАД ўртасидаги махсус ахдлашувга мувофиқ ривожланаётган давлатларга экспортни кенгайтириш юзасидан кўмаклашувчи Халқаро савдо маркази улар томонидан биргаликда идора қилинади.

ГАТТ фаолиятида Ўзбекистон Республикаси ҳам фаол қатнашмоқда. Ўзбекистон Республикаси ҳам халқаро ҳуқуқнинг тўлақонли субъекти сифатида ташқи савдо-сотиқнинг тобора ривожланишига катта аҳамият бермоқда. Чунки, экспорт ва импортни кўпайтирмасдан туриб жаҳон хўжалик тизимларига қўшилиш, иқтисодий муносабатлар соҳасида эришилган жаҳон мамлакатлари ютуқларидан баҳраманд бўлиш мумкин эмас.

Ўзбекистон Республикаси ташқи савдо-сотиқ фаолиятини йўлга қўйиш жараёнида халқаро ҳуқуқ нормаларини тўла тан олиш, бошқа давлатлар билан икки томонлама ва кўп томонлама битимлар тузиш асосида иш олиб бормоқда. Шу билан бирга ташқи иқтисодий фаолият учун, шу жумладан, савдо фаолияти учун ҳуқуқий замин ва кафолатлар яратилишига ҳам алоҳида эътибор берилмоқда. Ҳозиргача ташқи иқтисодий фаолиятни, сармоялар сарфлашни, банк, солиқ, бож, молиявий фаолиятни тартибга солувчи бир қатор қонунлар ишлаб чиқилди ва қабул қилинди.

Ақл-заковат мулки ва халқаро иқтисодий ҳуқуқ — адабиёт, санъат, фан ва техниканинг тез суръатлар билан ривож то-

паётганлиги давлатлараро муносабатларда бу соҳадаги ҳамкорликнинг кенгайишига, ўзаро алмашиладиган ахборотлар ҳажми ва хилларининг кескин кўпайишига сабаб бўлмоқда. Адабиёт, санъат, фан ва техникага оид ахборотлар капиталнинг бир тури сифатида бир мамлакатдан бошқа мамлакатга экспорт қилинмоқда, ҳар қандай товарлар сингари иқтисодий муносабатлар объекти бўлиб хизмат қилмоқда. Аммо улар кўпчилик ҳолларда моддийлашмаган товар бўлганлиги сабабли ўзига хос қоидалар белгиланишини, махсус ҳимоя воситалари қўлланилишини талаб қилади. Кўпчилик хорижий мамлакатлар миллий қонунчилиги ақл-заковат мулки ёки интеллектуал мулкларни алоҳида мулк сифатида мустақкамлайди ва уларга оид махсус қоидалар белгилайди.

Интеллектуал мулк объектлари муаллифлик, ихтиро, кашфиёт, фойдали таклифлар, саноат намуналари ва бошқа илмий-техникавий ахборотлар ҳисобланади. Илмий-ижодий ва маданий алоқалар тобора кенгайиб бораётган бизнинг замонларда интеллектуал мулк билан боғлиқ бўлган давлатлараро муносабатлар ҳам ривож топмоқда ва уларни халқаро ҳуқуқий тартибга солиш механизмларини такомиллаштириш зарурати кучаймоқда. Муаллифлик, яъни адабиёт, санъат ва фан соҳаларида асарлар яратиш ҳуқуқлари кўпчилик мамлакат қонунчилигига мувофиқ ҳудудий принципга асосланган. Бир давлат ҳудудида яратилган адабиёт, фан ёки санъат асарига бўлган муаллифлик ҳуқуқлари унинг яратувчиси қайси давлат фуқаролигидан қатъи назар асар яратилган давлат қонунчилиги билан тартибга солинади. Бошқа давлатларда бу асарларни қайта нашр этиш муаллифдан розилик олинмасдан амалга оширилиши мумкин. Ихтирога берилган патент фақат уни берган давлат ҳудудидагина амал қилади. Ихтиро муаллифи ўз ихтироси тан олиншини сўраб бошқа давлатларга ҳам мурожаат қилиши ва патент олиши мумкин. Бундай ҳолда ихтиро уни тан олган давлат ҳудудида ҳам ҳуқуқий ҳимоя қилинади.

Интеллектуал мулк ҳуқуқи субъектлари ана шу бойликларни яратган жисмоний ва юридик шахслар, интеллектуал мулкка бошқача қонуний эгаллик қилаётган ўзга шахслар, уларнинг ворислари, давлат ва унинг органлари, халқаро ташкилотлар, фуқароларнинг уюшмалари ҳисобланишлари мумкин. Муаллифлик ва ихтирочилик ҳуқуқларини халқаро муносабатлар соҳасида ҳимоя қилиш юзасидан халқаро ҳуқуқий нормалар тизimini яратиш ишлари ўтган асрнинг икинчи яримдан бошланди. 1886 йилда «Адабий - бадиий асарларни ҳимоя қилиш ҳақида» Вена конвенцияси ишлаб чиқилди ва имзоланди. Кейинча-

лик мазкур конвенцияси бир неча марта қайта кўриб чиқилди, ўзгартирилди ва тўлдирилди (1947 йили Брюссель, 1967 йили Стокгольм, 1970 йили Париж конференцияларида). Жаҳондаги кўпчилик давлатлар ушбу конвенциянинг қатнашчиларидирлар. Муаллифлик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш юзасидан Берн конвенциясида белгиланган қоидалар АҚШ ва Ғарбий ярим шардаги кўплаб давлатларни қониқтирмаган эди. Шу сабали ЮНЕСКО ҳомийлигида ва ташаббуси билан 1952 йили Женевада «Муаллифлик ҳуқуқлари ҳақида умумжаҳон конвенцияси» имзоланди. Унда кўплаб ғарб ва шарқ мамлакатлари иштирок этдилар. Мазкур конвенцияда муаллифлик ҳуқуқларини ҳимоя қилишда миллий қонунчиликларга устунлик берилган. Муаллифлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш чоғида 1961 йилда Римда имзоланган «Ижрочи артистлар, фонограммаларни тайёрловчи, радио эшиттиришларни амалга оширувчи ташкилотлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш юзасидан» имзоланган конвенция ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Ихтирочилик ҳуқуқларини ҳимоя қилишни кўзда тутувчи асосий кўп томонлама халқаро шартнома 1883 йилда Париж шаҳрида имзоланган «Саноат мулкани ҳимоя қилиш тўғрисидаги» конвенциядир. Ушбу конвенцияга кейинчалик кўпгина кўшимчалар ва ўзгаришлар киритилган (1900 йил Брюссель, 1911 йил Вашингтон, 1925 йил Гаага, 1934 йил Лондон, 1958 йил Лиссабон, 1967 йил Стокгольм конференцияларида). Ҳозирги пайтда 80 дан ортиқ давлат ушбу конвенция аъзоларидир. Ихтирочиликни халқаро ҳуқуқий ҳимоя қилиш соҳасидаги давлатлараро ҳамкорлик маҳсули сифатида 1970 йилда Вашингтон «Патент кооперацияси тўғрисида»ги кўп томонлама шартнома юзага келди. 1973 йилда Патент бериш бўйича Европа тизимини яратиш ҳақидаги конвенция имзоланди. Товар белгиларини рўйхатга олиш ва улардан фойдаланиш юзасидан қоидалар 1883 йилги Париж конвенцияси ва бошқа конвенцияларда (товар белгиларини рўйхатга олиш бўйича 1891 йилги Мадрид конвенцияси, 1973 йилги Вена конвенцияси) белгиланган. 1907 йилги Стокгольм конференцияси қарори билан интеллектуал мулк бўйича жаҳон ташкилоти — ВОИС тузилди. Жаҳондаги кўпчилик давлатлар ушбу халқаро ташкилотнинг аъзосидирлар. Ақл-заковат мулкига бўлган ҳуқуқни ҳимоя қилиш билан бошқа бир қатор халқаро ташкилотлар ҳам (адабиёт, санъат, фан-техника соҳаларидаги) шуғулланадилар.

Ўзбекистон Республикаси ақл-заковат мулкига оид халқаро конвенцияларга қўшилиб бормоқда, шу соҳадаги халқаро ташкилотлар фаолиятида иштирок этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси «Ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналари ҳақида»ги, «Маҳсулот белгилари ва хизмат кўрсатиш белгилари тўғрисида»ги, «Патент идоралари ҳақида»ги қонунлар ва бошқа бир қатор норматив актларни қабул қилди, янги фуқоролик кодекси ишлаб чиқилди. Уларда ақлзаковат мулки саналувчи маҳсулотларнинг ҳуқуқий мақоми, уларнинг муаллифлари ҳамда бошқа эгалари ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган ҳуқуқий чора-тадбирлар халқаро ҳуқуқ нормалари асосида белгиланган, ривожланган демократик давлатларда амал қилувчи қоидалар андоза сифатида олинган. Ушбу қонунчилик актлари Ўзбекистон фуқароларининг ҳам, хорижий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ҳам, хорижий юридик шахсларнинг ҳам интеллектуал мулкӣ ҳуқуқларини самарали ҳимоя қилиш ва тўла кафолатлашни таъминлайди.

11.5. Халқаро иқтисодий муносабатлар соҳасидаги низоларни ҳал этишнинг ҳуқуқий воситалари

Халқаро иқтисодий муносабат иштирокчилари томонидан ўз мажбуриятларининг бажарилмай қолиши ёки лозим даражада бажарилмаслиги оқибатида, шунингдек, халқаро-ҳуқуқий нормалар, икки томонлама шартнома қоидаларининг турлича талқин этилиши туфайли ўзаро низолар вужудга келади. Халқаро ҳуқуқ нуқтаи назаридан олганда «иқтисодий низолар» атамаси кенг ва тор маъноларда тушунилади. Кенг маънода у ҳар қандай иқтисодий келишмовчиликни англатса, тор маънода халқаро иқтисодий муносабат олиб бораётган икки муайян давлат ўртасидаги шартнома шартлари бузилишидан келиб чиқувчи тортишувни билдиради.

Халқаро иқтисодий муносабатлар соҳасида ўзаро низолар кўпчилик ҳолларда икки давлат манфаатлари доирасидан четга чиқиб, муайян минтақада, баъзан эса жаҳон миқёсида тинчликка, хавфсизликка таҳдид солувчи омилга айланиши халқаро ҳамкорликка, жаҳон хўжалик алоқаларига жиддий путур етказиши мумкин. Шу туфайли иқтисодий низоларни ҳал этиш ўз аҳамияти жиҳатдан сиёсий ва бошқа низоларнинг ҳал этилишидан сира қолишмайди.

Сиёсий ва бошқа низоларни ҳал этиш учун ишлаб чиқилган воситалар иқтисодий низоларни ҳал этиш чоғида ҳам кенг қўлланилади.

Ҳозирги кунда халқаро иқтисодий ҳуқуқ умумдемократик хусусиятга эга бўлиб, давлатлараро муносабатлар ўрнатилишида ўзаро тенглик, бир-бирларининг ички ишларига аралашмас-

лик, суверенитетни хурматлаш принципларига асосланади, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Уставида белгиланган қоидаларга таянади.

Халқаро ҳуқуқнинг қатъий қоидаларида бири — халқаро низоларни тинч йўл билан ҳал этиш чораларини кўришдир. БМТнинг Уставида халқаро низолар қуйидагича классификация қилинади:

- юз бериши ва давом этиши халқаро тинчлик ҳамда хавфсизликка таҳдид солувчи низолар;
- юридик хусусиятга эга бўлган халқаро низолар;
- бошқа низолар.

Биринчи турдаги низолар халқаро майдонда хавфли бўлганлиги туфайли уларни ҳал этишда БМТ Хавфсизлик кенгашига фавқулодда ваколатлар берилган. Жумладан, хавфсизлик кенгаши ана шундай низоларни бартараф этиш мақсадида уларни кўриб чиқиш учун қабул қилиши, айбдор давлатларга нисбатан иқтисодий жазо чоралари қўллаши, БМТнинг тинчлик ўрнатувчи кучларини юбориши ва бошқа чораларни кўриши мумкин. Юридик хусусиятга эга бўлган халқаро низолар қоида тариқасида манфаатдор томонлар ташаббуси билан БМТнинг халқаро судига оширилиши ёки ушбу масалада бошқа махсус муассасаларга мурожаат қилиниши лозим.

БМТ Уставининг 33-моддасида халқаро низоларни, шу жумладан, иқтисодий низомларни ҳам тинч йўл билан ҳал этиш воситалари рўйхати кўзда тутилган. Бундай воситалар қаторига музокаралар олиб бориш, воситачилик қилиш, келиштириш процедураси, ҳакамлик қилиш, суд муҳокамаси, минтақавий низони ҳал этиш органларига мурожаат қилиш кабилар киради.

Халқаро низоларни, шу жумладан, иқтисодий ихтилофларни ҳал этишда дипломатия ва консуллик муассасалари фаолияти ҳам муҳим роль ўйнайди. Халқаро низоларнинг ҳал этилишида муайян давлат ёки бошқа халқаро ташкилот томонидан низолашаётган томонларга холис хизмат кўрсатиш дипломатия амалиётида қадимдан кенг қўлланиб келинади. Бу масалада қадимий Турон замин ҳам бой тажрибага ва бебаҳо анъаналарига эга бўлган. Жумладан, Соҳибқирон Амир Темур давлати фаолиятида шарқ ва ғарб ўртасида ўзаро алоқалар ўрнатиш, бундай алоқаларни кенгайтириш халқаро низоларнинг ҳал этилишида муҳим ўрин тутган. Европадаги давлатлар шарқ билан алоқалар ўрнатилишига, ўз навбатида шарқ мамлакатлари ғарб билан ўзаро алоқаларни кучайтиришга алоҳида эътибор берганлар, тижоратни йўлга қўйганлар. Шу маънода Соҳибқирон Амир Темурнинг кўпгина ғарб давлатлари раҳбарлари билан ўзаро ёзишмалари диққатга сазовордир.

Музокаролар юритиш, яъни низолашувчи томонларнинг у ёки бу масаладаги қарашлари, ёндашувларини аниқлаш мақсадида бевосита учрашувларни ўтказиш низоли масалага учинчи томоннинг қўшилиши имкониятини чеклаш, низо асоси бўлган ҳолатларни батафсил ва бафуржа муҳокама қилиш, ўзаро ён бериш, англашилмовчиликларни бартараф этиш, низога чек қўйишга кўмаклашувчи қарорлар қабул қилиш имконини беради.

Низоли масалалар хусусидаги музокаралар давлат, ҳукумат муайян идора раҳбарларининг тегишли дипломатия каналлари орқали ўзаро мулоқатлар олиб бориш йўли билан (бевосита учрашувлар уюштириш, ушбу масала юзасидан халқаро конференциялар ўтказиш, ўзаро ҳужжатлар айрибошлаш) амалга оширилади.

Музокаралар юритиш юзасидан таркиб топган халқаро амалиётга мувофиқ низо ҳалоллик билан муҳокама этилиши, унинг иштирокчилари ўз ҳуқуқларидан инсофли равишда фойдаланишлари, низонинг ижобий ҳал этилишига тўсқинлик қилувчи хатти-ҳаракатлардан ўзларини тийишлари лозим.

Низо икки давлат манфаатлари доирасидан четга чиқадиган барча ҳолларда музокараларга манфаатдор давлатларнинг ҳаммаси жалб этилмоғи керак. Бевосита музокараларга қўшимча равишда халқаро низоларни ҳал этиш вақтида халқаро яраштириш процедурасидан ҳам кенг фойдаланилади. Унинг асосий мақсади низолашаётган томонлар ўртасидаги музокараларга кўмаклашиш, бир битимга келишни осонлаштиришдан иборат.

Халқаро яраштириш процедурасининг асосий вазифаси ҳолис хизмат кўрсатиш, воситачилик қилиш, тафтиш на яраштириш комиссиялари тузиш, улар фаолиятини таъминлаш кабилардир. Ҳолис хизмат деганда, низоли масаланинг ҳал этилишида низолашаётган томонларга учинчи бир давлат, халқаро ташкилотлар томонидан музокаралар ўтказиш, раҳбарлик учрашувини ташкил этиш юзасидан амалга ошириладиган тadbирлар тушунилади. Воситачилик эса низонинг ҳал этилишида учинчи бир давлат, халқаро ташкилотнинг фаол қатнашишидан, низо юзасидан ўз фикр-мулоҳазалари, таклифларини баён этишидан иборат. Аммо, ҳар қандай ҳолда қарор қабул қилиш низолашаётган томонлар ваколатига тааллуқлидир. Ҳолис хизмат кўрсатаётган, воситачилик қилаётган давлат, халқаро ташкилот ёки мансабдор шахс низодан манфаатдор бўлмалиги лозим.

Тафтиш ва яраштириш комиссияларининг ташкил этилиш тартиблари 1899 ва 1907 йиллардаги Гаага конвенцияларида назарда тутилган. Комиссия таркиби низолашаётган ҳар икки томоннинг иккитадан вакилидан иборат бўлади (вакилларнинг бири шу давлат фуқароси, иккинчиси ўзга давлат фуқароси бўлмоғи лозим).

1969 йилги Халқаро шартнома ҳуқуқи тўғрисидаги Вена концепциясида ҳам тафтиш ва яраштириш комиссиялари тўғрисидаги қоидалар кўзда тутилган.

Тафтиш ва яраштириш комиссияларининг вазифаси низонинг амалий асосларини холислик билан аниқлаш, ўзаро англашилмовчиликларни бартараф қилиш, низони бартараф этиш юзасидан ўз тавсияларини ишлаб чиқиш ва тақдим этиш, қарор лойиҳаларини ишлаб чиқишдан иборат. Халқаро иқтисодий муносабатлар амалиётида давлатлараро низоларни ҳал этишнинг бошқа бир қатор механизмлари ҳам қайд этилган.

Қисқача хулосалар

Давлатлар ўртасидаги иқтисодий халқаро ҳамкорликлар асосан халқаро-ҳуқуқий меъёрлар асосида бошқарилади.

Халқаро иқтисодий ҳуқуқнинг асосий субъекти – суверен давлатдир.

Халқаро муносабатлар, жумладан, иқтисодий муносабатлар соҳасида давлат иммунитетини айтилганлардан ташқари ташқи муносабатларни амалга оширувчи давлат муассасалари, уларнинг мансабдор шахслари иммунитетини ва имтиёзларини ҳам ўз ичига олади.

Халқаро ҳуқуқий ҳужжатларда суверен давлатларнинг ўзаро иқтисодий ва бошқа муносабатлари жаҳонда янги тартиб-тўғри ташкил топишига, тинчликни мустаҳкамлашга қаратилган.

Халқаро иқтисодий муносабат иштирокчиларини ўз мажбуриятларига маъсул эмасликлари оқибатида халқаро-ҳуқуқий нормаларни бажармаганликлари ўзаро низолар вужудга келиши учун замин яратди.

Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Халқаро иқтисодий муносабатларда халқаро ҳуқуқнинг ўрни ва аҳамияти нимада?

2. Халқаро иқтисодий муносабатларда халқаро ҳуқуқнинг ривожланиши.

3. Кимлар халқаро иқтисодий ҳуқуқ субъектлари ҳисобланади?

4. Халқаро иқтисодий муносабатлар йўналишларини ҳуқуқий тартибга солиш деганда нималарни тушунасиз?

5. Халқаро иқтисодий муносабатлар соҳасида низоларни ҳал этиш воситалари нималардан иборат?

Асосий адабиётлар

1. Р.И. Хасбулатов. Мировая эконмика. – М.: «ИНСАН», 1994.

2. П.Р. Кругман. Международная экономика. Теория политика. – М.: МГУ, 1997.

3. А.Э. Ишмухамедов, Л.И. Шибаршова. Регулирование экономики в зарубешных странах. Тексты лекций. – Т.: ТГЭУ, 2000.

4. П.Х. Линдерт. Экономика мирохозяйственных связей. – М.: «Прогресс», 1992.

5. В.В. Радаева, А.В. Бузгалина. Экономика переходного периода. – М.: МГУ, 1995.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТИНИНГ ИНВЕСТИЦИЯВИЙ ВА ҲУҚУҚИЙ БАЗАСИ

12.1. Ташқи иқтисодий фаолиятни ривожлантириш ва мустаҳкамлаш шарт - шароитлари

Ўзбекистоннинг ижтимоий жиҳатдан йўналтирилган ўз бозор иқтисодиёти моделида ташқи иқтисодий фаолиятни ривожлантириш ва мустаҳкамлаш, республиканинг жаҳон хўжалик алоқаларига бирлашиш йўлларини белгилаш алоҳида аҳамиятга эга. Ўз моделида эса ижтимоий жиҳатдан йўналтирилган бозор иқтисодиётининг ривожланиши ва республика интеграцияси йўналишларининг жаҳон хўжалик алоқаларида мустаҳкамланиши асосий ўрин эгаллайди.

«Очиқ» турдаги иқтисодиётнинг шаклланиши шароитида ривожланган ташқи иқтисодий алоқалар тизимида бўлган ҳар бир давлатнинг халқаро меҳнат тақсимоотида ўз ўрнига, дунё хўжалик тизимида ўз «жавонига» эга бўлиши муҳимдир. Чунки, фақат ўз кучига ишониш даври ўтмишга кетмоқда. Бундай курс провард натижада миллий ва ижтимоий ривожланиш тормози-га айланади, ресурсларни нораціонал ишлатадиган алоқалар бозор иқтисодиётига ўтиш ҳаракатини қийинлаштиради.

Ҳатто катта ҳудудга, кўп миллионли аҳолига, хилма-хил ресурсларга эга бўлган мамлакатни бутунги кунда бошқа мамлакатлар билан доимий ва кенг иқтисодий алоқаларсиз тасаввур қилиб бўлмайди.

Ўзбекистон Республикаси ҳам бундан мустасно эмас. У ўз суверенлигига эга бўлган пайтдан бошлаб, ўзи танлаган ташқи иқтисодиёт сиёсатини мустақил халқаро ҳуқуқий субъект сифатида олиб бормоқда. Бу сиёсатнинг асосий мақсади – Ўзбекистоннинг ҳақиқий очиқ иқтисодиётини ва жаҳон иқтисодиёти тизимини, унинг интеграциясини изчил рўёбга чиқаришдир.

Республиканинг халқаро ҳамкорликда ва жаҳон меҳнат тақсимоотида иштирок этиши унинг табиий-иқтисодий, транспорт, географик ва маданий-тарихий меросига хос бўлган имкониятларидан келиб чиқади.

Ўзбекистон улкан табиий ресурслар потенциалига эга бўлиб, биринчи навбатда, минерал хомашё ресурсларига, иқтисодий ишлаб чиқариш ва аҳоли потенциалига эга. Геопотоник жиҳатдан ёндашиш фақат Евроосиё қитъасидагина эмас, бал-

ки тикланаётган Буюк Ипак йўлида ҳам муҳим стратегик ўрин эгаллайди.

Ўзбекистоннинг халқаро меҳнат тақсимоотида иштирок этиш жараёнидаги аҳамиятини ҳам айнан шу позициялардан кўриб чиқиш зарур. Ўзбекистон олтин ишлаб чиқариш умумий ҳажми бўйича дунёда саккизинчи ва унинг аҳоли жон бошига белгиланган ишлаб чиқариши бўйича бешинчи ўринни эгаллайди; республикада олтини бор 30 та қазилма топилган бўлиб, ҳозирча уларнинг фақат ўнтаси ишга туширилган. Ўзбекистон олтинининг сифати жаҳон олий стандартларига тўлиқ жавоб беради, охириги 20 йил давомида рекламациялар олмаган, сўнгги йилларда уч маротаба халқаро сифат мукофотларига эришди.

Мурунговдаги (Навоий вилояти) олтин конларини (олинаётган миқдори ва сифати жиҳатидан) жаҳоннинг энг катта олтин конлари Клондайк (АҚШ), Витватерранд (ЮАР), Колар (Ҳиндистон) билан бир қаторга қуйиш мумкин. Юқори проба-ли қимматбаҳо металл бу ерда чорак асрдан бери қазиб олинмоқда. Уни қазиб олиш арзон ва очиқ йўл билан олиб борила-япти. Шундай қилиб, давлат суверенитети шароитида республика ўз олтиниға ўзи хўжайин бўлиб, жаҳон олтин бозорида тенг ҳуқуқли ҳамкор бўлиши мумкин. Лекин охириги пайтда жаҳон бозорининг олтин билан ўта тўйинтирилиши тенденциялари рўёбга чиқиши муносабати билан қимматбаҳо металлнинг сифатиға бўлган талаб анча-мунча ошди.

Бундай шароитларда олтинға бўлган нарх-навони стабил равишда ушлаб туриш мушкул, чунки, собиқ иттифоқ парчала-ниб, унинг ўрниға янги мустақил давлатларнинг ташкил топи-ши Ғарб мамлакатлари ва Японияни жуда безовта қилиб қўйди. Бинобарин, улар дунёда энг катта олтин импортёри ва истеъмолчиси эдилар. Шунинг учун жаҳон бозорида Ўзбекистон ол-тинини сотинида ғоятда омилкорлик зарур.

Ўзбекистонда 370 кон ишлаб турибди. Улардан хар йили 200 млн. тонна турли минерал хомашёлар қазиб олинади, йи-лиға 80 минг тонна мис ишлаб чиқараётган Ўзбекистон улкан захираларға бой, унинг худудида кўрғошин, рух, вольфрам, литий ва бошқа муҳим ва ноёб металлларнинг кўплаб катта-катта кон-лари мавжуд.

Республика ривожланган қудратли ёқилғи-энергетика ба-засиға эға. Табий газ топилмалари тахминан 2 трилион куб, кўмир 2 млрд. тоннадан ортиқ, нефть 350 млн. тоннани ташкил қилади. Охириги икки йилда очилган янги нефть ва газ конлари нафақат ўз эҳтиёжларини қондиришға, балки энергия берувчи-ларнинг экспорти ҳақида ҳам фикр юритишға имкон беради.

Ўзбекистон нефть конларидаги қора олтинни қайта тайёрлаш тўғрисида «Эльфакитен» француз компанияси билан битим тузилган.

Ўзбекистон Марказий Осиё ва МДХда асосий пахта ишлаб чиқарувчидир, у жаҳонда тўртинчи ўринда туради. Бу ерда жаҳон ва МДХ давлатлари билан асосий ҳамкорлик йўналишларидан - Республикада пахтани чуқурроқ қайта ишлаб, ташқи бозорга тайёр қимматбаҳо маҳсулот сифатида чиқариш мўлжалланган.

Республикада ҳар йили 1,7 млн. тонна пахта толаси тайёрланади. Чунончи, МДХда умумий 2,75 млн. тонна, Хитойда 4,2 млн. тонна, АҚШда 3,4 млн. тонна пахта ишлаб чиқарилади. Ишлаб чиқариш ҳажмига кўра, Ўзбекистон жаҳон пахта бозорида тенг ҳуқуқли ҳамкор бўлиши мумкин. Лекин бизнинг пахтамик сифати чет эл пахтасининг сифатида анча паст. Унинг сифатини яхшилаш учун анча-мунча ишлар олиб бориш ва фурсат даркор. Қорақўл терилари ва ипак хомашёси хусусида ҳам шу фикрни айтиш мумкин.

Мева ва сабзавот етиштиришда собиқ иттифоқ даврида Ўзбекистон Республикаси асосий таъминловчи бўлган, ҳар йили янги мева-сабзавотнинг 60%ини етиштиришни ўз зиммасига олган эди. Эндиликда ҳам республикада ҳар йили 5 млн. тоннагача мева ва сабзавот етиштирилади, кўплари ноёб тамга эга. Ўзбекистон бу соҳада ҳамкорликка тайёр. Республикада бу тармоққа нисбатан асосий эътибор маҳсулотларни қайта ишлаш, сақлаш, жўнатиш; қадоқлаш корхоналарини барпо этишга қаратилгандир.

Ўзбекистон ўзида ва хорижда туризм саноати ривожлантирилиши учун ҳам кўпгина имкониятларга эга. Унинг ҳудудида дунё миқёсида танилган тарихий ва меъморчилик марказлари - Самарқанд, Бухоро, Хива жойлашган, 4000 дан ортиқ маҳобатли меъморчилик обидалари бор, уларнинг кўплари ЮНЕСКО ҳимоясидадир.

Ўзбекистоннинг потенциал имкониятлари кафолатли бўлиб, бу жараёнда у бир томондан, бозор иқтисодини шакллантириш, бошқа томондан эса, собиқ иттифоқ ўрнида шаклланган янги иқтисодий макон интеграцияси, тенг ҳуқуқли ва ҳамкорлик билан халқаро меҳнат тақсимоотида ва жаҳон хўжалик алоқаларида баб-баравар иштирок этиши лозим.

Ўзбекистоннинг мустақил равишда халқаро бозорга чиқиш йўли жуда идеал бўлмаса ҳам (11-жадвал) ривожланиш учун кўплаб заҳираларга эга эди.

Республиканинг ташқи иқтисодий алоқалари интенсификациясининг келиб чиқиш шарт-шароитлари қуйидагилардир:

– ер бойликлари, минерал хомашё ва ўсимликлар захира-
лари, шунингдек, ажойиб тупроқ-иқлим шароитлари, қишлоқ
хўжалигини ривожлантириш ҳамда унинг маҳсулотларини қайта
тайёрлайдиган саноат ишлаб чиқариш комплекси базасини
яратиш учун имкониятларнинг ҳаддан ортиқлиги;

– миллий халқ хўжалиги комплекси инфратузилмасининг
юзага келиши, республикани жаҳон хўжалиги алоқаларига кенг
миқёсда жалб эта оладиган йирик илмий потенциалнинг жа-
мулжамлиги;

– экспорт потенциалининг юқори даражадалиги;

– тегишли кооперация ва ҳамкорликдаги сармоялар ёр-
дамида рақобатга бардош бера оладиган маҳсулотларни юқори
даражада тайёрлай оладиган ишлаб чиқаришни қисқа вақт ичида
яратиш потенциалининг мавжудлиги;

– нисбатан олганда (жаҳон миқёсида баҳолаганда) арзон
ишчи кучига эга бўлиш мумкинлиги;

– хорижий капитал сармояси ва ўзаро манфаатдорлик асо-
сида ҳамкорлик ўрнатиш учун республикада барқарор сиёсий
муҳитнинг яратилганлиги.

12.2. Ўзбекистоннинг дунё мамлакатлари билан халқаро иқтисодий муносабатлари

Ўзбекистоннинг дунё мамлакатлари билан халқаро савдо-
иқтисодий муносабатлари тарихи ўрта асрлардан бошланади. Ғ
арб ва Шарқ ўртасидаги савдо, катта бозор учун кураш ва меҳ-
нат ресурслари ҳамма вақт Ўзбекистоннинг ҳозирги ҳудудига
дахлдор бўлиб келган. Чунки, унинг географик жihatдан савдо-
иқтисодий потенциали кўплаб мамлакатларни қизиқтирган.

Давлат мустақиллигига эришгунича Ўзбекистон асосан
агротехника хомашёси (пахта, ипак, қорақўл), машинасозлик ва
асбобсозлик тармоқлари учун комплектлаш маҳсулотлари, ол-
тин, уран ишлаб чиқарар эди. Иккинчи жаҳон уруши даврида
кўпгина заводлар Ўзбекистонга эвакуацияси қилиниши туфай-
ли республикада кончилик, самолётсозлик, тракторсозлик, элект-
ротехника, кимё, тўқимачилик, оғир саноат тармоқлари пайдо
бўлди. Бироқ, техник, технологик ва тариф стандартлари Ўзбе-
кистондан ташқарида (асосан Россияда) ишлаб чиқариларди,
республика саноатининг ривожланиши муайян даражада та-
шқи қарамликка боғлиқ эди.

1991 йил 1 сентябрдан бошлаб Ўзбекистон мустақил дав-
лат бўлди. Унинг иқтисодий ва давлатчилик тараққиётидаги
биринчи босқич (1991-1995й.) иқтисодни бошқарадиган ўз инф-

ратузилмасини яратиш ва интенсив равишда жаҳон ҳамжамиятида савдо алоқаларини, хусусан, ягона иқтисодий сиёсатни ўтказиш ва шакллантириш; тараққиёт стратегиясини белгилаш; ички ва ташқи бозорларда умумдавлат манфаатларини таъминлаш; иқтисодий, фан-техникавий, савдо соҳаларини ривожлантиришга боғлиқ эди.

Маданий ва спорт соҳаларида ҳамкорлик ўрнатиш, туризмни ривожлантириш ва бошқа алоқаларни самарали йўлга қўйиш учун Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги барпо этилди. Хукуматнинг 1992 йил 26 мартдаги қарорига кўра, ташкил топган бу вазирлик давлат органи бўлиб, у Ўзбекистон Республикасининг ташқи иқтисодий алоқаларини бошқариш, назорат қилиш, тартибга солиш ва мувофиқлаштириш ишларини олиб боради.

Вазирлик Ўзбекистон Республикасини унинг ташқарисидан намойиш этади; барча ташқи иқтисодий масалалар бўйича давлат манфаатларини ҳамда Ўзбекистон Республикасининг халқаро битимларидан келиб чиқадиган мажбуриятларини мамлакат номидан ҳимоя қилади. Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги ўз фаолиятида халқаро ҳуқуқий нормаларга, Ўзбекистон Республикасининг қонунларига, бошқа давлатлар билан тузган битимларига ва норматив актларига амал қилади.

Ўз тараққиётидаги I-босқичнинг якуний даврида (1995 йилнинг охири) Ўзбекистон давлат бошқаруви, иқтисодиёт, ташқи савдо алоқалари ҳамда ишлаб чиқариш доирасида барқарорлиги билан кўзга ташланди. 1995 йилда МДХ давлатлари орасида савдода ижобий сальдо олган икки давлатнинг бири бўлди.

Олтин қазиб олиш, энергетика, қурилиш, тўқимачилик саноати ва нефть ишлаб чиқариш соҳаларида дастлабки саноат инвестицияларининг лойиҳалари тугалланди; ҳиссадорлик асосида, шу жумладан, хорижий капиталнинг қатнашуви билан аграр ҳамда саноат корхоналарини давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш учун қонуний ва амалий шароитлар яратилди.

ЕХ иқтисодий комиссияси маълумотларига кўра, миллий маҳсулотнинг салмоғи 1991 йилдагига нисбатан 1995 йилда Ўзбекистонда 82,21%, Россияда 49%, Қозоғистонда 43%, Беларусда 41%ни ташкил этди.

Иқтисодий ривожланишнинг иккинчи босқичи (1995-1998й) негизларидан бири - бозор иқтисодиётининг амалда мамлакатнинг ўз саноатига асосланиб, рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариши, макроиқтисодий инвестициявий инфратузилмасини таъминлайдиган бир қатор институтлар барпо этишдир.

Айрим узоқ хорижий мамлакатлар билан ташқи савдо айлан-
маси таркиби (фоиз ҳисобида)

	Экспорт		Импорт	
	2000 й.	2001 й.	2000 й.	2001 й.
Узоқ хорижий мамлакатлар	100	100	100	100
Шу жумладан:				
Австрия	1,1	1,0	2,2	1,4
Афғонистон	0,5	0,5	0,0	0,0
Бельгия	1,8	2,2	2,2	1,6
Болгария	0,3	0,2	0,2	0,2
Венгрия	0,0	0,0	0,6	0,5
Буюк Британия	11,3	9,6	3,2	4,1
Германия	1,7	1,8	14,0	12,4
Дания	0,0	0,0	0,4	0,6
Ҳиндистон	0,5	0,8	0,8	0,8
Исроил	0,3	0,4	1,1	1,4
Эрон	3,4	3,8	2,5	2,4
Ирландия	0,5	0,0	0,2	0,1
Италия	3,4	2,3	2,3	2,0
Хитой	1,1	0,7	4,0	4,7
Корея	5,1	6,4	15,8	17,7
Латвия	3,1	3,1	1,6	1,9
Литва	0,3	0,1	2,1	1,4
Лихтенштейн	0,1	0,5	0,0	0,0
Нидерландия	4,0	3,5	1,4	1,8
БАА	0,7	1,2	1,4	1,2
Покистон	0,2	0,1	0,3	0,1
Польша	0,4	0,2	2,6	1,4
Руминия	0,0	0,2	0,1	0,2
Сингапур	1,0	0,9	0,4	0,2
Сурия	0,0	0,1	0,1	0,0
АҚШ	2,4	4,2	14,1	10,3
Туркия	4,7	3,8	5,3	5,4
Франция	2,0	1,8	4,6	6,4
Чех Республикаси	0,1	0,1	1,2	1,3
Швейцария	13,0	9,3	1,4	1,9
Эстония	0,3	0,3	0,4	0,4
Япония	0,7	0,6	3,0	6,7

Бу босқичда ташқи бозорни таъминлаш, бир томондан, ички бозор учун (импорт ўрнига) ва ташқи бозор учун (экспортга) рақобатбардош молларни ишлаб чиқариш бўлса, иккинчи томондан, Ўзбекистон иқтисодиётининг асосий тармоқларига кўп-лаб хорижий технологик сармоялар кириши билан чамбарчас боғлиқдир:

- авиация машинасозлиги ва автомобилсозлиги;
- кон қазилмалари ва кимё sanoати;

- қишлоқ хўжалиги хомашёсини қайта ишлаш ва қадокқлаш;
- қурилиш материаллари ишлаб чиқариш;
- тўқимачилик саноати;
- телекоммуникация ва алоқа;
- транспорт ва унинг хизмати.

Шунинг учун асосий эътибор Ўзбекистоннинг авиация ва темир йўл портларини комплекс равишда қайта қуриш сармо-яларига; энергетика, транспорт, алоқа ва машинасозлик соҳала-рида йирик саноат комплексларини барпо этишга қаратилди.

1996 йилда давлат бюджетининг дефицити ташқи миллий маҳсулотдан келиб чиқиб, 3,5% даражада баҳоланди ҳамда МВФ экспорти томонидан назорат қилинадиган кескин даражада ош-мади. Ўзбекистон 3 млрд. АҚШ доллари билан баҳоланадиган юқори потенциалли минерал хомашё ресурсларига, саноат ва қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши, меҳнат ресурслари ҳамда барча ишлаб чиқариш соҳаларидаги малакали кадрлар ва хиз-мат кўрсатиш доиралари миқёсида халқаро савдо-сотиқни унум-ли равишда янада ривожлантириш имкониятларига эга.

Ўзбекистон Республикасининг экспорт-импорт тузилиши шуни кўрсатдики, 1998 йилги якуний натижаларга кўра, ташқи савдо обороти 6 млрд. АҚШ долларини ташкил этди. Ташқи савдода 216 млн. АҚШ доллари миқдоридида қўшимча сальдо таъминланди. МДХ давлатларининг товар обороти 24%га ту-шиб кетдики, бу ҳол параллел равишда эркин конвертация қили-надиган валюта воситасидаги савдо ҳажмининг ортишига олиб келди.

1998 йил якунларига кўра, Ўзбекистон Республикасининг асосий ҳамкори Швецария бўлди. Шунингдек, ташқи савдо олиб борилган биринчи беш мамлакат қаторида Жанубий Корея, Германия, Буюк Британия, Туркия бўлдики, бу борада анча са-лоҳиятга эришилди.

Ўзбекистон асосий товар обороти Европа иқтисодий Ҳам-жамиятининг саноати ривожланган мамлакатларига 30,6, Жа-нубий Кореяга 16,2%, Туркияга 6,2, Бирлашган Араб Амирлик-ларига 2,2, Хитойга 1,8, АҚШга 1,2, МДХ мамлакатлари билан товар оборотида Россияга 49,1, Қозоғистонга 18, Тожикистонга 8,9, Украинага 4,0, Қирғизистонга 3,9 фоизи тўғри келди.

Ўзбекистоннинг 1998 йилдаги ташқи савдо баланси

	Жами	МЎХ	МЎХдан бошқа
1	2	3	4
Экспорт	3481.63	1690.10	1791.53
Товарлар экспорти	3194.17	1517.05	1677.12
Пахта толаси	1799.08	383.55	1415.53
Энергия таъшувчилар	435.42	423.50	433,7
Бошқа товарлар	959.85	710.00	249.85
Экспорт хизматлари	287.46	173.05	114.41
Юк ташини	227.99	164.60	63.39
Саёхатлар (туризм)	10.89	0.09	10.80
Бошқа хизматлар	48.59	8.37	40.22
Импорт	3713.33	1793.80	1919.54
Товарлар импорти	3217.99	1408.70	1809.29
Овни-овкат	687.72	181.50	506.32
Энергия таъшувчилар	60.29	52.59	7.7
Машиналар, ускуналар ва транспорт воситалари	1278.65	437.7	782.95
Бошқа товарлар	1191.33	678.91	512.42
Импорт хизматлари	495.34	385.10	11.24
Баланс:			
Экспорт	3484.63	1692.10	1791.53
Импорт	3713.33	1793.80	1919.53
Ташқи савдо обороти	7196.96	3485.90	3711.06

13-жадвал

Чет эл инвестицияси киритилган корхоналар ташқи савдо айланмаси ҳажми (минг АҚШ доллари ҳисобида)

	2000 й.	2001 й.	2001 й. 2000 й.га нисбатан фоиз ҳисобида
Ўзбекистон Республикаси	1212070,5	1354097,4	111,7
Қорақалпоғистон Республикаси	2316,7	2615,0	112,9
Вилоятлар:			
Андижон	275364,1	314895,5	114,4
Бухоро	8622,2	9386,3	108,9
Ўзбекистон Республикаси	8335,5	31995,3	3,8м
Қашқадарё	2568,9	48159,5	18,7м
Навоий	179310,6	181690,8	101,3
Наманган	31192,5	29083,9	93,2
Самарқанд	45726,0	28539,5	62,4
Сурхондарё	2488,3	497,6	20,0
Сирдарё	24844,5	12417,6	50,0
Тошкент	127190,3	174547,3	137,2
Фарғона	43289,9	122461,3	2,8м
Хоразм	1358,1	10043,8	7,4м
Тошкент ш.	459462,9	387764,0	84,4

1998 йилда экспорт қилинган товарлар ва хизматлар ҳажми 3,1 млрд. АҚШ долларликни ташкил этди. Шу билан бирга,

яқин хорижий мамлакатларга экспорт камайди. Узоқ хорижий мамлакатларга етказиб бериладиган маҳсулотлар ҳажмининг кўпайишига экспорт товарлари сотиш бозорининг географик кенгайиши ҳамда табиий кўламнинг ўсиши, шунингдек, хомашё маҳсулотларига, биринчи навбатда, пахта толаси ва мисга жаҳон конъюнктура баҳоларининг яхшиланиши сабаб бўлди.

Ўзбекистоннинг 2000-2001 йиллардаги чет эл инвестициясини киритиш бўйича корхоналар ташқи савдо айланмаси ҳажми 14-жадвалда берилган:

14-жадвал

2000-2001 йилларда Ўзбекистон Республикаси
экспортининг тузилиши
(АҚШ млн. доллари ҳисобида, хизматларсиз)

Асосий маҳсулот турларининг экспорт тузилиши	1996й.	1998й.
Ҳами	694.062	1677.2
Пахта толаси	550.281	1415.3
Машиналар, асбоб-ускуналар ва транспорт	0.865	3
Рангли металллар ва улардан тайёрланган буюмлар	68.168	110.1
Минерал ўғитлар	14.005	35.5
Пахта газламалари	19.984	27.5
Қора металллар ва улардан тайёрланган маҳсулотлар	5.497	10.4
Шойи	6.03	8.8
Пахта чиқиндилари	2.937	5.2
Ўсимлик ёғи	-	5.5
Чарм хомашёси	0.557	1
Нефть ва нефть маҳсулотлари	0.307	0.3
Электроэнергия	7.556	11.6
Пахта лифти	1.642	11.3
Тўқимачилик ва трикотаж кийим-кечаги	-	0.6
Тоза пахта	1.633	1.6
Бошқа маҳсулотлар	14.635	29.5

Эркин конвертацияланадиган валютанинг экспорт ҳажми яқин хорижий мамлакатлар билан 27,2 марта, дунёдаги бошқа мамлакатлар билан эса 2 баравар ўсди. 1998 йилда экспорт таркибида баҳоланган нархга кўра, хомашё товарлари, аввало, пахта толаси қисман даражада салмоқли ўрни 57,8% бўлди. Бунда энергеоетказкичлар улушига 14%, қора ва рангли металллар ҳиссасига 5,4% тўғри келди. 1998 йилда умумий импорт ҳажми 2,9 млрд. АҚШ долларини ташкил этди. МДҲ ва Болтиқ буйи мамлакатларидан келтириладиган импорт товарлари оқими 8,8%га қисқарди ва 1,3 млрд. АҚШ долларини

ташқил этди. Натижада мазкур мамлакатларнинг умумий импортдаги улуши камайиб, 44,7%дан иборат бўлди. Яқин хорижий мамлакатлардан келтириладиган импорт эса 1994 йилдагига нисбатан 2,1 марта ўсди.

15-жадвал

Мулкчилик шакллари бўйича чет эл инвестицияси ва кредитларини ўзлаштириш

	Жами, млрд. сўм	Шу жумладан, мулкчилик шаклидаги корхоналар бўйича, фонд ҳисобида				
		давлат	нодавлат	қўшма корхоналар, чет эл фуқаролари ва таъкилотлар	хўжалик бирлашмалари	фуқаролар хусусий мулки
Ўзбекистон Республикаси	349,7	52,2	47,8	33,7	1,2	12,9
Қорақалпоғистон Республикаси	5,5	100	-	-	-	-
Вилоятлар						
Андижон	15,6	0,2	99,8	93,3	-	6,5
Бухоро	3,3	58,0	42,0	23,4	-	18,6
Жиззах	14,9	-	100	91,9	-	8,1
Қашқадарё	81,7	75,2	24,8	0,1	-	24,7
Навоий	39,7	45,2	54,8	54,0	-	0,8
Наманган	9,0	-	100	0,3	-	99,7
Самарқанд	8,2	36,0	64,0	42,9	-	20,1
Сурхондарё	0,9	7,7	92,3	10,8	-	81,5
Сирдарё	5,1	40,3	59,7	-	-	59,7
Тошкент	24,8	21,5	78,5	58,7	13,8	6,0
Фарғона	46,8	30,2	69,8	58,9	-	10,9
Хоразм	9,0	61,4	38,6	36,8	-	1,8
Тошкент ш.	70,9	72,6	27,4	25,8	0,9	0,7

Узоқ хорижий мамлакатлардан 1,6 млрд. АҚШ доллари-га тенг импорт товарлари келтирилди. Натижада узоқ хорижий мамлакатларнинг салмоғи баҳоланган нархга кўра, импорт ҳажмининг 1996 йилдаги 45,7%дан 55,3%га кўпайди. Ўзбекистон учун импортдаги салмоқли ўринни Жанубий Корея- (27%), Германия – (22,9%), Венгрия – (9,2%), Швецария- (7,5%), Туркия – (5,7%), Япония – (4,4%) эгаллади. Бу мамлакатларнинг импортдаги улуши 80%га тўғри келди.

2001 йилда импорт таркибида тубдан ўзгаришлар юз берди, буни жадвалдан кўра бўлади.

Ўзбекистон Республкасида 2001 йилдаги импорт
маҳсулотлари тузилиш

		1996й.		1998й.	
		баҳоси	фонз	баҳоси	фонз
Жами		1187.34	100	1809.29	100
Бугдой	млн. тонн	241.41	20.33	129.93	7.10
Фармацевтика маҳсулотлари, шу жумладан, дори-дармонлар	млн. тонн	5.85		65.09	3.60
Тўқимачилик, трикотаж кийим-кечаклари	млн. тонн	27.57	2.32	39.11	2.10
Оптик, жарроҳлик, тиббий асбоблар ва аппаратлар	млн. тонн	3.18	0.27	52.21	2.80
Теле ва видеоаппаратлар	млн. тонн	12.36	1.04	78.51	4.30
Машиналар, асбоб- ускуналар ва механизмлар	млн. тонн	158.98	13.39	498.22	27.50
Бошқа товарлар	млн. тонн	252.98	21.31	221.32	23.64

Яқин ва узоқ хориж мамлакатларидан импорт қилинадиган товарлар ичида машиналар ва асбоб-ускуналар салмоғи ортиб бормоқда. Улар ялпи импорт товарларининг 37,5% ини ташкил этади.

Ватанимизда ёқилғи-энергетика комплекси жадал суръатлар билан ривожланганлиги туфайли чет мамлакатлардан келтириладиган нефть ва нефть маҳсулотлари республиканинг умумий импорт салмоғидан анча қисқарди.

Импорт таркибининг таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, Ўзбекистонга бозорда тезда сотилиб кетадиган истеъмол товарларини кўплаб келтириш давом этмоқда. Ташқи Иқтисодий алоқалар вазирлигининг экспертлари турли даражадаги импорт товарлари ва улардан самарали фойдаланиш жараёнини таҳлил қиладилар. Импорт божхона солиқларининг дифференциал ставкасини жорий этиш мўлжалланмоқда.

Ташқи иқтисодий фаолиятда транспорт алоқалари муҳим аҳамиятга эга. Ўзбекистоннинг йирик халқаро темир йўл, денгиз ва автомобиль портларидан йироқ жойлашганлиги импорт ва экспорт товарларини етказишда транспорт хизмати баҳосига жидий таъсирини ўтказмоқда.

Юқларнинг 90%и темир йўл транспорти орқали ташилмоқда. Ўзбекистон ичкарасида темир йўл алоқалари тизими етарли даражада ривожланмаган ва зич жойлашган (50 км.

дан 100 кв. км. гача) ҳамда Қозоғистон, Туркманистон, Тожикистон ва Қирғизистонга чиқиш мумкин. 180 та станциядан 11 таси йирик габаритли контейнерларни қайта ишлаш учун зарурий воситалар билан жиҳозланган. Ҳар куни Ўзбекистонда 8000 вагон қайта ишланади.

Товарларнинг анчагина қисми автомобиль транспорти орқали ташилади. Тезкор йўллар масофаси 42 минг км ни, маҳаллий йўллар масофаси 90 минг км. ни ташкил этади.

«Ўзбекистон ҳаво йўллари» ҳамда ёнма-ён бўлган халқаро авиация компанияси хизматидаги транзитмагистрали ғоятда катта аҳамиятга эга. МДХ мамлакатларига ва узоқ хориж юртларидан 15 тасига самолётлар тўғридан-тўғри парвоз қилимоқда. Тошкент, Самарқанд, Термиз ва Фарғона шаҳарлари аэропортлари халқаро аэропортлар статусига эга.

12.3. Ташқи иқтисодий фаолиятнинг инвестициявий ва ҳуқуқий базаси

Ўзбекистон Республикасида ҳозирги даврда иқтисодий фаолиятнинг барча соҳаларига алоқадор қонулар ва норматив ҳуқуқий актларга ҳар томонлама асосланган тизим вужудга келтирилди. Ташқи иқтисодий алоқалар ва савдо муносабатларидаги ҳуқуқий база халқаро ҳуқуқлар ҳамда меъёрлар даражасида асослаб берилди. Чунончи, Республика Президентининг «Иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш, хусусий мулкни ҳимоя қилишни таъминлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш тўғрисида»ги фармонида кўра, кенг истеъмол молларини ишлаб чиқарувчи қўшма корхоналар хорижий валюта топшириш ва уни Марказий банкка мажбурий сотиш бўйича беш йил муддат давомида солиқ тўлашдан озод этилди.

Ўзбекистон Президентининг 1996 йил май ойида қабул қилинган «Корхона фаолиятини юритишни рағбатлантиришда чет эл инвестицияларини жалб этишнинг қўшимча йўналишлари тўғрисида»ги фармонида амалиёт учун энг зарур бўлган кўпгина қоидалар кўрсатилди. Унга биноан, экспорт маҳсулотининг ҳажми 30%дан ошган корхоналар белгиланган нормалардан икки барабар кам миқдордаги ставкалар бўйича солиқ тўлаш ҳуқуқига эга. Шу билан бирга, республикада хорижий сармояларни жалб этиш учун имтиёзларнинг кенг тизими вужудга келтирилган, хорижий сармоядорлар учун имтиёзли солиқ жорий этилган.

«Иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш, хусусий мулк манфаатларини ҳимоя қилишни таъминлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фар-

монга биноан халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришга ихтисослашган қўшма корхоналарни рўйхатга олинган пайтдан бошлаб беш йил муддатга хорижий валютадаги тушумдан солиқ тўлашдан ва Ўзбекистон Республикаси Марказий Банкига валютани мажбурий сотишдан озод қилиш кўзда тутилган.

«Экспортга маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхоналарни рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонга кўра, корхоналар ишлаб чиқарган маҳсулотлари таркибида экспортга ишлаб чиқарилган маҳсулот бўлса, улар имтиёзларга эга бўладилар.

Амалдаги имтиёзлар ва рағбатлантириш омиллари тизими куйидагилардир:

– ишлаб чиқариш ҳажмида товарлар (ишлар, хизматлар) экспорти камида 30%ни ташкил этадиган корхоналарга, мулкчилик шаклларида қатъи назар, фойда солиғини амалдаги ставкалардан икки барабар камроқ тўлаш ҳуқуқини бериш;

– республика давлат инвестиция дастурига киритилган лойиҳалар бўйича солиқлар тўлашдан беш йил муддатга озод этиш;

– ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотни рухсатномасиз бемалол четга олиб кетиш;

– Ўзбекистон ҳудудида қўшма корхоналарнинг ва фақат хорижий сармоя билан ишлайдиган корхоналарнинг устав фондида ҳисса қўшиш учун мол-мулкни четдан бож солиғисиз олиб кириш;

– инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун ер участкаларидан фойдаланиш ва уларни тасарруф этиш ҳуқуқини танлов асосида сотиб олиш кўзда тутилган.

«Хорижий сармоялар тўғрисида»ги қонунга мувофиқ чет эллик шерикларга уларнинг мол-мулкни давлат ихтиёрига олиш ва мусодара қилишдан озод этиш учун кафолатлар белгилаб қўйилган. Уларнинг ўз фаолияти натижасида олган фойдаси ва бошқа даромадларини чет элга ўтказишга, олинган фойдани республика ҳудудида қайта сармоя тарзида ишлатиш, республика банкларида ҳисоб рақамига ва унда чекланмаган миқдорда ҳар қандай валюта маблағига эга бўлиш кафолатланади.

Хорижий сармоядорларга нисбатан инвестициялар амалга оширилган пайтда амалда бўлган қонун меъёрлари (нормалари) 10 йил мобайнида қўлланиши кўзда тутилган қонун ҳужжатлари ўзгартирилмаслигига кафолат мавжуд.

Шундай қилиб, вужудга келтирилган ҳуқуқий меъёрлар хорижий шерикларнинг кенг инвестиция фаолияти учун қулай имкониятлар яратиб, уларнинг ҳуқуқлари ва сарфлаган сармоясини ҳимоя қилади.

Ўзбекистон сармояларни ўзаро ҳимоя қилиш тўғрисида Германия, Туркия, Миср, Индонезия, Малайзия, Покистон, Финляндия, Корея, АҚШ, Франция билан битимлар имзолади. Бошқа бир қанча мамлакатлар билан ҳам мана шундай битимлар тузиш ишлари давом этмоқда.

Канада, Хитой, Туркия, Голландия, Германия, Швейцария банклари ва фирмалари билан 3,3 млрд. АҚШ долларига яқин миқдорда ҳукуматлараро 32 та йирик кредит битими тузилди ва амалга жорий этилмоқда. Ўзбекистон 30 дан ортиқ савдо ва иқтисодий битимлар тузган, улардан 20 таси узоқ хориж мамлакатлари билан тузилган. Умуман, мустақилликка эришилгандан сўнг республикага 5 млрд. АҚШ доллари кириб келди. Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги Республикасининг ТИФ Миллий банки ва Ўзбекистоннинг бошқа ташқи иқтисодиёт институтлари билан биргаликда ташқи савдо сиёсатини ишлаб чиқади ва миллий инвестиция лойиҳаларини мувофиқлаштиришни амалий ҳал этади. Юқорида қайд қилинганидек, иқтисодий тараққиётнинг иккинчи босқичида асосий диққат-эътибор ишлаб чиқаришни ривожлантиришга қаратилди. Шу сабабли ҳам юқори сифатли товарларни яратишга йўналтирилган ва рақобатли баҳодаги сармоялар ҳамда кейинги меъёрий-ҳуқуқий қайдномаларда (актларда) кўзда тутилган афзалликлар ҳамда имтиёزلардан фойдаланиш имкониятлари мавжуд.

Ўзбекистон ҳукумати томонидан иқтисодиётнинг ҳар хил соҳалари бўйича ва мамлакатнинг турли ҳудудлари учун афзал бўлган инвестиция лойиҳалари тизими ишлаб чиқилган. Хусусан, Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги ва Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки (МБ) ихтиёрида мукамал аналитик базага эга бўлган 177 лойиҳа мавжуд. Улардан айримлари ҳозирдан ҳам жорий қилинмоқда. Масалан, ягона замонавий навигация тизимини яратиш- иккинчи фазада амалга оширилмоқда; тракторлар, самолётлар, автомобиллар ишлаб чиқариш учун машинасозлик базасини яратишга ҳам алақачон киришилган.

Ўзаро фойда келтирадиган савдо ва прагматик принципларга риоя қилган ҳолда Ўзбекистон шериклари билан ҳамкорликни янада кенгайтириб бормоқда ва улар таклиф қилган замонавий, юқори сифатли технология ўзлаштирилиб, саноатимизда қўшма корхоналарнинг якуний маҳсулоти ишлаб чиқарилмоқда. Бундай ёндашиш- ўзаро фойдали ҳамкорлик ва савдонинг адекват принципи бўлади. Жаҳон бозори билан бундай ҳамкорликни жадал ривожлантириш шароитлари Ўзбекистон Республикасининг барқарор ва изчиллик сиёсати билан кафолатланади: ислоҳот йўлларида уларнинг амалга ошиши қатор ижобий натижалар берган.

Биринчидан, жами ташқи савдо айланмаси 2001 йилда бир мунча ошиб, 6001,7 млн. АҚШ долларини, шу жумладан, яқин хориж (МДХ) мамлакатлари билан савдо 2609,0 млн. АҚШ доллари ва узоқ хориж мамлакатлари билан савдо 3392,7 млн. АҚШ долларини ташкил этди. Жами ташқи савдо айланмасида хорижий мамлакатлар билан савдо- сотиқнинг салмоғи анчагина кўпайди.

Республиканинг эркин конвертация қилинган валютада экспорт операциялари ҳажми 1998 йилги 51,2%дан 2001 йили 91,9%га ошди. Бартер операциялари эса 1996 йилги 48,8%дан 2001 йилда 8,1 %га камайди.

Иккинчидан, ташқи бозорга кўпгина хўжалик субъектларининг чиқиши Вазирлар Маҳкамасининг ТИАБни қайта тузиш ҳақидаги ислоҳатларидан кейин ортди, республика иқтисод элементларининг жаҳон хўжалик муносабатлари тизимига мослашишига олиб келди. Бу бозор иқтисодиётининг шаклланишига ёрдам беради.

Учинчидан, ташқи иқтисодий фаолиятни республика мустақиллиги шароитида олиб бориш кўпгина янги бошқарув ва ташкилий-хўжалик тузилмаларини яратишга имкон беради: ҳуқуқий ва норматив базалар ишлаб чиқилмоқда. Улар республиканинг ташқи иқтисодий фаолиятини бошқаришда муҳим роль ўйнайди. Ташқи иқтисодий комплекс инфратузилмасининг кенг тармоғи шаклланимоқда ҳамда ташқи савдо, элчихона, халқаро иқтисодчиликда касбий маҳоратга эга бўлган кадрлар тайёрланимоқда.

Бироқ, республиканинг бозор иқтисодиётига ўтиш, иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш жараёнида учрайдиган муҳим ва долзарб муаммолар ҳали ечимини топгани йўқ. Бунга бир неча сабаблар бор:

– биринчидан, ташқи тузилмалардаги экспорт ишлаб чиқаришда тубдан ўзгаришлар рўй бермагунча, хомашё маҳсулотлари, аввало, пахта салмоқли ўринда тураверади, шунингдек, бой туристик имкониятлардан асло етарли даражада фойдаланилаётгани йўқ;

– иккинчидан, қолоқ (жаҳон стандартларига нисбатан олганда) технологиядан ва паст даражада ишлаб чиқариш воситаларидан фойдаланиш давом этмоқда, айниқса, республиканинг хомашё маҳсулотларини қайта тайёрлайдиган соҳалари бўйича ишлаб чиқариш яхши йўлга қўйилмаган, рақобатбардош маҳсулотларнинг ишлаб чиқарилмаслиги экспорт базанинг тараққиёти чеклаб қўйишда асосий тўсиқ бўлмоқда;

– учинчидан, ташқи иқтисодий фаолиятни такомиллашти-

ришга оид қарорлар маъмурий-ташкилий тадбирлар миқёсида ўз ижросини топмаяпти ҳамда иқтисодий муаммоларин ҳал этишда қатъиятлилиқ етишмаяпти;

— тўртинчидан, вазириликлар, идоралар, концертлар, ҳиссдорлик жамиятлари, барча хусусий корхоналар ҳамда матлубот ташкилотлари республика қонунчилиги асосида ўз зиммаларига юкланган ташқи иқтисодий фаолиятдаги вазифаларини мукамал бажармаяптилар, бунга қисман иқтисодий рағбатлантириш чораларидан самарали фойдалана олмаслик ҳам сабаб бўлмоқда. Жаҳон бозори қонунлари ва талабларини яхши билмаслик, тегишли чора-тадбирларни ўз вақтида амалга оширмаслик, муносиб кадрлар тайёрлаш ишида масъулиятсизлик ҳолатлари намоён бўлмоқда.

Қисқача хулосалар

Республиканинг халқаро ҳамкорликда ва жаҳон меҳнат тақсимотида иштирок этиши унинг табиий-иқтисодий, транспорт, маданий-тарихий меросга хос бўлган имкониятларидан келиб чиқади.

Ўзбекистонни дунё мамлакатлари билан халқаро иқтисодий муносабатлари тарихи ўрта асрларга бориб тақалади.

Ташқи иқтисодий алоқалар ва савдо муносабатларидаги ҳуқуқий база халқаро ҳуқуқлар ҳамда меъёрлар даражасида асослаб берилган.

Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Ташқи иқтисодиёт баланси нима?
2. Нима сабабдан «узоқ хориж» айланмаси «яқин хориж» айланмасига нисбатан тез ривожланади?
3. Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги нималар билан шуғулланади?
4. Ихтироли лойиҳалар деганда нималар тушунилади?
5. Тармоқларни ислоҳ қилишдаги ютуқларга қандай эришилади?
6. Республиканинг ташқи иқтисодий фаолиятини ривожлантиришнинг қайси йўналиши мўлжалланмоқда?
7. Ўзбек модели асосидаги иқтисодий тараққиётни қандай тушуниш мумкин?
8. Халқаро меҳнат тақсимоти деганда нималарни тушунасиз?
9. Ўзбекистон Республикаси қандай хомашё ресурсларига эга?
10. Ёқилғи ва дон мустақиллигига эришиш Ўзбекистон учун қандай аҳамиятга эга?
11. Ўзбекистон олтин қазиб олиш, пахта маҳсулотлари етиштиришда дунёда нечанчи ўринда туради?
12. Мамлакатимизнинг ташқи иқтисод потенциали қандай кўрсаткичлар билан баҳоланади?

Асосий адабиётлар

1. И.А. Каримов. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. – Т.: «Ўзбекистон», 1997.
2. И.А. Каримов. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. – Т.: «Ўзбекистон», 1995.
3. Р.И. Хасбулатов. Мировая экономика. – М.: «ИНСАН», 1994.
4. А.Э.Ишмухамедов, Л.И.Шибаршова. Экономическая интеграция в мировое хозяйство. Тексты лекций. – Т.: ТГЭУ, 2000.
5. П.Р.Кругман, Обстфельд М. Международная экономика. Теория и политика. – М.: МГУ, 1997.

ЖАҲОН ХЎЖАЛИГИДА МУСТАҚИЛ ДАВЛАТЧИЛИКНИНГ БАРПО ЭТИЛИШИ

13.1. Марказий Осиё мустақил давлатлари трансформацияси ва жаҳон иқтисодига ҳамкорлигини иқтисодий тартибга солиш йўналишлари

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Ўзбекистон давлат раҳбарларининг Тошкент учрашувида Марказий Осиё мамлакатларининг истиқлолга эришганидан кейинги биринчи ўн йиллиги «ўта масъулиятли ва улкан тарихий аҳамиятга эга давр» эканлигини таъкидлади. Бу даврда мустақил давлатчиликни барпо этиш билан биргаликда, трансформация (яъни иқтисодий тизимларни қайта шакллантириш асосида бир ижтимоий тизимдан иккинчисига ўтиш) ҳамда жаҳон хўжалигига интеграция жараёнлари энг долзарб вазифалар қаторидан жой олди.

Ушбу жараёнларнинг дастлабки босқичида хорижий янги мустақил давлатларнинг кўпчилигида ишлаб чиқариш ва даромад соҳаларида кескин пасайиш юз берди. Иқтисодиёт бўйича 2001 йил Нобель мукофоти совриндори Ж.Стиглиц ана шу ҳолатни тарифлаб, бундай дейди: «Россиядаги ва собиқ иттифоқ (СИ) таркибида бўлган бошқа кўпчилик мамлакатлардаги ислохотларнинг муваффақиятсизлиги фақатгина тўғри иқтисодий сиёсатни амалга ошира олмаслик билан боғлиқ эмас. Уларнинг негизи чуқурроқ бўлиб, бозор иқтисодиёти асосларини тушуниб етмасликка, шунингдек, институтцион ислохотлар асосларини етарлича англаб етмасликка бориб тақалади... Ушбу давлатларнинг кўпчилиги жиддий ютуқларга эриша олмаслиги самаралироқ иқтисодий сиёсат олиб бориш учун уларда имкониятлар борлигидан ҳам далолат беради».

Бу мамлакатларнинг ҳар бирида ўтган давр ичидаги тажрибаларни ўрганиш бу борада муайян хулосаларга келиш ва бозор ислохотларини ўтказишда самаралироқ йўللарни танлаш учун зарур. Бироқ ана шу муаммолар атрофидаги фикр-мулоҳазалар ҳамда мунозаралар асосан Марказий ва Шарқий Европа (МШЕ) мамлакатларида, Россияда, камроқ даражада эса бошқа Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДҲ) мамлакатларидаги ўтиш даврини таҳлил қилишдан иборат бўлиб қолди. Марказий Осиёдаги беш давлат бу борада энг кам эътибор берилган мамлакатлар жумласидандир. Фақат кейинги пайтлардагина чет элларда шу

мамлакатлар ҳақида ҳам баъзи нашрлар пайдо бўлди, лекин уларнинг тажрибасини яна ҳам чуқурроқ ва ҳар томонлама ўрганиш ҳамон долзарб бўлиб турибди.

Иқтисодий ўсиш, айниқса, СИ республикалари орасида, Ўзбекистонда ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) ҳажми 2001 йилда 1991 йил даражасидан ошиб, 103 фоизга кўпайиши негизидаги омилларни ўрганиш – ўтиш иқтисодиётига асосланган мамлакатлар учун назарий ва амалий жиҳатдан баъзи янги сабоқларни бериши мумкин. С.Фешер ва Р. Сахей фикрларига кўра, «Ўзбекистон собиқ шўро мамлакатлари орасида «ЯИМ ўсишига ўтиш даври тамойилларининг стандарт тавсияларини тўлиқ қабул қилмаган ҳолда эришган икки давлатнинг биридир». Халқаро валюта фонди (ХВФ) экспертлари Ўзбекистондаги «иқтисодий ўсиш жумбоғи» ни ечишга бир неча бор уриниб кўришди. Лекин бу уришишлар асосан неоклассик монетаризм ғоялари нуқтаи назардан олиб борилди. Бу борадаги бир томонлама чекланганликни бартараф этиш учун эса ана шу жумбоққа баҳо беришда бошқа бир назарий-услубий ёндашиш ҳам талаб этилади.

Ўтиш даври ҳамда иқтисодиёт глобаллашуви шароитида иқтисодий ривожланиш омиллари нималардан иборат? Айни бир хил ислохотлар мажмуи ўтиш давридаги турли мамлакатларда нима учун турлича натижа бермоқда? Ўзбекистон иқтисодий модели ва тажрибаси ҳам ички, ҳам ташқи иқтисодий сиёсат борасида нима учун «ўтиш даври жумбоғи» даражасида ўрганилмоқда?

Ана шу саволларга жавоб беришдан олдин ҳар бир мамлакатда тизимлар трансформацияси ва дастлабки шарт-шароитлар билан боғлиқ бўлган муаммоларнинг тадрижий сабоқларини ҳар томонлама ва чуқурроқ ўрганиш талаб этилади. Шундагина «амалга ошириладиган сиёсат бошқа бир вазиятда бошқача натижаларга олиб келиши мумкин бўлармиди?» - деган саволга жавоб бериш имкони бўлади. ЯИМ ўсишига катта таъсир қилган эркинлаштириш ва макроиқтисодий барқарорлик жараёнлари билан бирга дастлабки шарт-шароитларни ҳам ҳисобга олиш ўтиш даври мамлакатларига нисбатан ўтган асрнинг 90- йиллари иккинчи ярмида қўлланила бошланди. Фақат яқиндагина, ХВФ ва Жаҳон банки ҳисоботларида ва нашрларида [de Melo, Denzler, Geld ва Tenev (1997 й.); Wolf (1997 й.); Havrillrshrn, Gzvorskг ва van Ruden (1998 й.); oeck ва Kostral (1998 й.); Zetelmeyer (1998 й.); Taube ва Zetelmeyer (1998 й.)] амалга оширилаётган ислохотларда дастлабки шарт-шароитларнинг иқтисодий юксалишга таъсири бирмунча таҳлил қилина бошланди.

Лекин шунга қарамай, тизимлар трансформацияси жараёнида маҳсулот ишлаб чиқариш кўрсаткичларини белгиловчи омил сифатида дастлабки шарт-шароитнинг мутлақ ва нисбий аҳамиятига оид масала хусусида баҳс-мунозаралар давом этмоқда ва бу масалани янада чуқурроқ ўрганишга эҳтиёж сезилмоқда. Бу борада фақат рақамлар билан кифояланиш етарли эмас, зеро биргина миқдорий кўрсаткичлар орқали мунозарани ҳал этиб бўлмайди.

Бироқ таъкидлаб ўтиш жоизки, Марказий Осиё мамлакатларида иқтисодий тизимларни қайта шакллантириш ҳамда бу мамлакатларнинг жаҳон иқтисодиётига интеграциялашув жараёнларини қиёсий тадқиқ ва таҳлил қилишда минтақанинг ўзида ва ундан ташқарида тўпланган тажриба етарлича ўрганилмаган.

Марказий Осиё давлатлари миллий бозорларининг институционал ва таркибий тайёриги, шунингдек, банк-молия тизимининг ривож топган институтлари етарли эмаслиги; экспортга йўналтирилган рақобатбардош қайта ишлаш саноатининг маҳсулоти камлиги; ушбу мамлакатларнинг олдинги тизимдан мерос қолган ва ишлаб чиқариш кучлари технологик жиҳатдан жаҳон андозаларидан орқада қолган иқтисодининг таркиби; ташқи савдо, валюга сиёсати ва ташқи қарз муаммолари етарли даражада эътиборга олинмаган.

13.2. Ўрта Осиё мамлакатларида трансформация жараёнининг назарий ва услубий негизлари

Иқтисодий жараёнларда трансформация жараёнларининг таҳлилига етарли институционал эволюцион нуқтаи назардан ёндашилмаган. Ўтиш даври иқтисодиётини бошидан кечираётган мамлакатлардаги иқтисодий сиёсатни кўпчилик чет эллик муаллифларнинг чоп этилган назарий ва амалий тадқиқотларида кузатиш мумкин. Жараёнларда макроиқтисодий эркинлаштириш ва барқарорлаштиришнинг тайёр қолипларига ортиқча урғу беришни, шунингдек, иқтисодиётда ўтиш даврини бошидан кечираётган алоҳида олинган ҳар бир мамлакатда мавжуд бўлган ўзига хос шароитлар атрофлича ҳисобга олинмаслигини кузатиш мумкин. Бундан ташқари, иқтисодий ривожланишнинг узоқ муддатли стратегик ва истиқболли вазифаларини етарлича баҳолай олмаслик ва устуворлик қисқа муддатли вазифаларга берилган.

Ўтиш даврининг дастлабки ўн йиллиги тизимларни қайта ташкил этиш, яъни марказлаштирилган тарзда режалаштиришга

асосланган маъмурий-буйруқбозлик тизимидан бозор иқтисодиётига ўтишга қаратилган ислохотларга амалда анча мураккаб ҳамда тасаввуримизда нисбатан узоқроқ давом этадиган жараён эканлигини кўрсатди. Иқтисодий сиёсат борасидаги етакчи хорижий тадқиқотлар бўйича ўтиш даврига оид турли муаммолар юзасидан нашр этилган адабиётларда ҳамон бир қатор масалалар ўз ечимини топганича йўқ. Фикр-мулоҳазалар турлича бўлиши ва сиёсий иқтисодга ёки эконометрик таҳлилларга асосланилганликдан қатъи назар, улар бу мамлакатлар тавсия қилинган иқтисодий сиёсатни етарли даражада амалга оширмаганлари учун тизимлардаги ўзгаришлар жараёнида жиддийроқ тўсиқларга дуч келганликларини кўрсатиб беришга мўлжалланган.

Услубий нуқтаи назаридан «институтцион қопқонлар» ибораси киритилган. Бу ибора ўтиш даврида эволюцион тараққиёт қонунларини етарли эътиборга олмаслик натижасида иқтисодий сиёсат билан мавжуд иқтисодиёт ўртасида юзага келадиган қарама-қаршиликлар оқибатларини изоҳлаш учун қўлланилади. «Институтцион қопқонлар» нинг жудаям қалтис шакллари шу ҳолларда намоён бўладикки, унда сиёсий ўзгаришлар ижтимоий ва иқтисодий институтлар даражаси ва табиатига мос келмайди, давлат ва халқ янги имкониятлардан керакли даражада фойдаланишга тайёр бўлмайди. Ана шундай ҳолатда кутилган натижалар билан воқеалик ўртасида, харажатлар билан даромадлар, имкониятлар билан мақсадлар ўртасида катта тафовутлар юзага келади.

Ўтиш даврини бошидан кечираётган мамлакатларда амал қилинган стратегия ва сиёсат тизимлардаги ўзгаришлар оқибатда мутлақо турлича, баъзи ҳолларда эса тескари натижаларга олиб келиши мумкин. Шу маънода барча мамлакатлар ўтиш даврининг илк босқичида, гарчи турли даражада ва кўринишларда бўлса ҳам, «қопқонлар» га илинди (юқори ёки гиперинфляция, давлат бюджетидаги юқори дефицит; ишлаб чиқаришнинг кескин пасайиши ва саноатнинг инқирози; камбағаллашувнинг жадаллашиши ва даромаддаги тенгсизлик). Буларнинг кўпчилиги ташқи иқтисодий фаолиятни давлат томонидан тартибга солиш интизоми барбод бўлганлиги, шунингдек, глобаллашувга хос бўлган «қопқонлар» (ташқи савдода ҳамда молиявий тангликлар, жорий операциялар ҳисобидаги узлуксиз дефицит, капиталнинг четга чиқиб кетиши ва ташқи қарзнинг тобора кўпайиши олдида ожизлик) сабаб бўлди. Ўтиш даври ҳамда глобаллашув «қопқонлар»и, яъни тизимларни қайта шакллантиришдаги «қопқонлар» дастлабки шарт-шароит билан амалга оши-

рилаётган сиёсат ўртасида номувофиқлик кўпроқ содир бўлган давлатларда хатарлироқ кечди.

Маҳсулот ишлаб чиқариш кўламли ва унинг ялпи пасайиш сабаблари ўтиш даврининг илк босқичларидаёқ намоён бўлади, булар турли усуллар, шу жумладан, статистикадаги ва услубиятдаги мавжуд хатолар билан ҳам изоҳланади. Бироқ ЯИМ миқдорини ўлчашда қўшимча яна уч гуруҳ омилларни эътиборга олиш керак. Булар: 1) бошланғич институционал, иқтисодий ва ижтимоий шарт-шароитлар; 2) ўзаро иқтисодий ёрдам кенгаши (собик СЭВ) ва унинг парчаланиши; 3) давлат назоратининг бекор қилиниши натижасида юзага келган саросималик ва тизим парчаланишидаги «қопқонлар» билан боғлиқ бошқа ҳолатлар. Маҳсулот ишлаб чиқарилишининг пасайиши сабабларини аниқлаш ва тизимли ўзгариш билан боғлиқ бошқа «қопқонлар»ни уйғунлаштириш учун танланган ва олиб борилган сиёсатни унинг мавжуд институционал ва бошқа омиллар билан мувофиқлиги нуқтаи назаридан кўриб чиқиш муҳим ва зарур.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, иқтисодиёти ўтиш даврида бўлган мамлакатлардаги ўта қаттиқ макроиқтисодий барқарорлашув ҳам реал ЯИМ ҳажмига салбий таъсир ўтказди.

Шуни таъкидлаш керакки, тубдан эркинлаштириш сиёсати иқтисодиёти ўтиш даврида бўлган мамлакатларда ишлаб чиқариш ва тўлов балансига салбий таъсир кўрсатди. Тизим ўзгаришлари жараёнида, «очиқ эшиклар «иқтисодига анча эҳтиётлик билан ёндашган, ташқи ва ўз ички бозорларида юз бераётган ўзгаришларга прагматик тарзда муносабатда бўлган мамлакатлар иқтисодий ўсиш нуқтаи назаридан қаралганда камроқ шикастландилар. Шу билан бир вақтда амалда туб ислохотлар ўрин олган ички ва ташқи сиёсат фаолиятини ялпи эркинлаштирган давлатлар кўпроқ даражада зарар кўрди.

Туб ислохотлар ва инвестицияларнинг камайиши. Капиталнинг четга чиқиб кетиши анча сезиларли бўлди ва баъзи ҳолатларда ташқи молиялаштиришнинг умумий ҳажмидан ҳам ошиб кетди. Ички ва ташқи хусусий инвестициялар бир меъёردа кўпайишини таъминлай олмаган мамлакатларда инвестицияларнинг камайиши, айниқса, кўпроқ салбий натижаларга олиб келди. 17-жадвалда ўтиш даври мамлакатларининг турли гуруҳларига оид бир қатор иқтисодий кўрсаткичлар келтирилган.

Хусусийлаштириш ва капиталнинг четга чиқиб кетиши. «Фалаж қилиб даволаш» тарафдорлари илгари сурган учта асосий унсурнинг бири эркинлаштириш ва макроиқтисодий барқарорлик сингари жадал хусусийлаштиришдан иборат эди. Бу, ўз навбати-

да, тизимларни қайта шакллантиришда жиддий силжишларга олиб келди. Хитой ва Вьетнам тажрибаси айни пайтда шуни кўрсатадики, ўтиш даврining бошларида йирик миқёсда хусусийлаштирмасдан туриб ҳам бозор ислохотлари соҳасида жиддий ютуқларга эришиш мумкин экан. Туб ислохотлар йўлидан борган мамлакатларда ўтиш даврining дастлабки босқичида молиявий институтларнинг етишмаслиги, хусусийлаштиришдаги «ваучер» шакллар, жамият бойликларини яшириш ва ошкора эгаллаб олиш ҳамда катта миқдорда капиталнинг четга чиқиб кетиши маҳсулот ишлаб чиқишнинг камайишидаги муҳим сабаблардан бири бўлди.

17-жадвал

Иқтисодий ўтиш даврига хос мамлакатлар ва Марказий Осиё давлатларига оид макроиқтисодий кўрсаткичлар (1989-2001 йилларда)

Ўтиш даври мамлакатлари (А) тўртта ҳар хил гуруҳи ва (Б) Марказий Осиё	Маҳсулот ишлаб чиқариш, %	Инвестициялар (ЯИМга нисбатан ялпи ички инвестициялар ҳажми), %	Инфляция	Монетизация коэфф. ва ($M^2/ЯИМ$)	Бюджет дефицити
А					
1. МШЕ мамлакатлари	-3,1	23	72,8	-18	-4,5
2. Болтиқ бўйи мамлакатлари	-28,5	26	120,6	-41	1,8
3. МДҲ мамлакатлари (4-б бунга кирмайди) - 27,4	-27,4	26	384,2	-52	5,7
4. Ҳарбий ҳаракатлар борган МШЕ ва СИ мамлакатлари	-50,8	22	576,8	-52	-7,0
Б					
Ўзбекистон	4,7	28,5	257,5	-50	5,5
Қирғизистон	-33,1	20,8	163,1	-50	-9,7
Қозғистон	-26,4	24,3	406,9	-57	4,9
Туркменистон	-34,1	...	584,2	-58	-1,6
Тожикистон (ҳарбий ҳаракатлар ҳисобига олинди)	-51,1	26,4	390,5	-54	-8,8

Ўтиш даврining дастлабки босқичида бюджет сиёсатининг аҳамияти.

Баъзи тадқиқотларда (B.G.Schwartz (1994 й.) иқтисодиёти ўтиш даврида бўлган мамлакатларда бюджетнинг қисқари-

ши билан маҳсулот ишлаб чиқариш ўртасида ўзаро яқин алоқадорлик борлиги қайд этилмайди. Ваҳоланки, МШЕ ва МДХ мамлакатлари, хусусан, Марказий Осиё давлатлари маълумотлари таҳлили натижасида маълум бўлдики, ана шу икки ҳолат бир-бири билан чамбарчас боғланган. Шунингдек, бюджет омилларидан маҳсулот ишлаб чиқариш кескин камайишига йўл қўйилмаган (масалан, Польша ва Ўзбекистонда).

Молиявий воситачилик ва иқтисодий ўсиш. Schumpeterубу (1912 й.) таъкидлашича, иқтисодиётни ривожлантиришда банклар ғоят муҳим аҳамият касб этади. Зеро, улар пул омонатларидан фойдаланувчи компанияларни яхши танлай олади. Ушбу фикрга қўра, банк сектори омонотларнинг тақсимланишига таъсир кўрсатган ҳолда фоизлар ўзгариши орқалигина эмас, балки бошқа йўллар билан ҳам иқтисодиётни ривожлантириш суръатларига самарали туртки бериши мумкин. Шундай қилиб, Шумпетернинг молия ва тараққиёт бўйича мулоҳазалари унумдорликнинг ўсиши ва технологиянинг ўзгаришига банк фаолияти биринчи навбатда таъсир этади, деган фикрни келтириб чиқаради. Кейинчалик маълум қилинган назарий моделларда ҳам (Drumond [1984й.]), Boyd ва Prescott (1986 й), King ва Levine (1993й), Levine (1997 й)) банклар ва иқтисодий фаоллик ўртасидаги боғлиқлик таъкидлаб ўтилган.

Ушбу назария амалиётдаги далиллар билан ҳам тасдиқланади: ўтиш даври иқтисодиётидаги барча мамлакатларда ЯИМнинг пасайиш жараёни молия секторининг қисқариши билан бирга содир бўлди. Тадқиқот натижаларида шу нарса аён бўлдики, маҳсулот ишлаб чиқаришнинг пасайиши қанчалик жадал бўлса, молиявий воситачиликнинг қисқариш даражаси шунчалик юқори бўлади. Ўтиш даври жараёнида молиявий воситачиликнинг пасайиб кетиши маҳсулот ишлаб чиқаришга бир қанча йўллар орқали таъсир қилиши мумкин. Молиявий воситачиликнинг бўшашиб кетиши маҳсулот ишлаб чиқаришда катта талофатларга сабаб бўлган учта асосий кўринишда содир бўлади. Булар - тўлов тизимидаги узилиш, реал секторидаги жамғарма ва амалда инвестиция сифатида ишлатилган маблағлар ўртасидаги фарқ ҳамда банк-кредит секторининг инқироzi.

13.3. Марказий Осиё давлатларида трансформация ва глобаллашув муаммолари

Марказий Осиё республикаларида собиқ иттифоқ парчаланиб кетишидан олдинги шарт-шароитни, шунингдек, ишлаб чиқариш омиллари билан бирга нисбий иқтисодий афзаллик-

ларни ҳамда мавжуд муаммоларни ўрганиш натижаси шундан далолат берадики, бу ҳудуддаги мамлакатларда аҳвол турлича бўлган. Бир томондан, инвестицияларнинг камлиги ҳамда тугал ижтимоий маҳсулотни тақсимлаш ва қайта тақсимлаш тизими бузилганлиги, оқибатда республикаларнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётига муайян путур етганлиги кўзга ташланади. Иккинчи томондан эса, хусусий тадбиркорликка юқори даражада мойиллиги бўлган малакали аҳолининг мавжудлиги, табиий бойликлар, кўп меҳнат талаб қилинадиган ишлаб чиқариш ва қишлоқ хўжалиги аҳолисининг нисбатан катта улуши, шунингдек, жаҳон бозорига чиқиши мумкин бўлган товарлари борлигидир. Бироқ синчиклаб ўрганиш натижасида шу нарса аниқландики, Марказий Осиё давлатларининг ҳар бири учун бу ҳолат турлича аҳамият касб этади.

Аҳоли ва меҳнат. Минтақа юқори малакали ва маданиятга бой бўлган кўп миллатли аҳолига эга. Лекин шу билан бирга, аҳолининг тез ўсиши (асосан балоғатга етмаган болалар сонининг ўсиши) бошқа жойларга кўчиб кетиш ҳисобига саноатда, айниқса, унинг юксак технологик тармоқларида ишчи кучининг камайиб кетишини тўла қоплай олмай қолди. Оқибатда нохуш вазият рўй берди: меҳнатга яроқли аҳоли тўлиб-тошган шароитда қишлоқ жойларида ва кичик шаҳарчаларда янги иш ўринларига талаб катта бўлган бир пайтда замонавий саноат тармоқларида ишчи кучи етишмайди.

Табиий бойликлар ва атроф-муҳит. Марказий Осиё ўзининг табиий бойликлари, айниқса нефть, газ, рангли ва қимматбаҳо маъданлари, хусусан, олгини билан ажралиб туради. Бироқ етиштирилган маҳсулотнинг аксарият қисми минтақада жаҳон бозоридагидан анча паст нархлардан олиб чиқиб кетилган. Ўзбекистон, Туркменистон, Тожикистон ва Жанубий Қозоғистон колхоз ва совхозлари асосан пахтачилик билан шуғулланган. Сув ресурсларининг ҳаддан ташқари катта қисми пахтачиликка хизмат қилиш жараёнида соғурилган ва натижада Орол денгизи фожиасига - XX асрнинг энг катта экологик инқирозларидан бирига йўл қўйилган.

Инвестициялар, ишлаб чиқариш ва истеъмол. Собиқ иттифоқ даврида Марказий Осиёдаги барча республикаларда, амалдаги инвестициялар ҳиссаси мамлакат бўйича ҳисобланганда анча юқори (Қозоғистон бундан мустасно). Бинобарин, бу республикаларнинг ўша давридаги қолоқлигига асосий сабаблардан бири ҳам шу бўлган. Бунга Марказий Осиёни табиий бойликлар ва қишлоқ хўжалик хом ашёлари базасига айлантириш стратегияси ҳам ўз салбий таъсирини кўрсатди. Савдо-

сотик ва маиший хизматни қўшиб ҳисобланганда учинчи сектор, яъни хизмат кўрсатиш соҳаси ғоят мужмал тарзда ташкил этилганлиги анча миқёсда яширин иқтисодийнинг пайдо бўлишига олиб келди. Бироқ тадбиркорлик соҳасидаги фаолият ишлаб чиқаришда, ишчи ўринлари ва даромадда мавжуд бўлган катта тафовутларни йўққа чиқара олмади. Оқибатда ижтимоий-иқтисодий қолоқлик юзага келди, аҳоли жон бошига ҳисобланганда маҳсулот ишлаб чиқариш, даромадларни тақсимлаш, турмуш даражаси ва сифати жиҳатидан улар собиқ иттифоқдаги барча республикалар орасида энг паст ўринга тушиб қолди.

Собиқ иттифоқда миллий даромадни тақсимлаш ва қайта тақсимлаш тизими хомашё нархлари билан тайёр товарлар нархи ўртасидаги номутаносиблик, товар айланмаси билан субсидиялар, солиқларнинг турли-туманлиги, шунингдек, олинган фойданинг нотўғри тақсимланиши натижасида кўп жиҳатдан вазиятнинг ёмонлашувига сабаб бўлди. Айни бир пайтда маъмурий-буйруқбозлик тизими туфайли иттифоқдош республикалар ташқи дунё билан алоқалари чекланганлиги сабабли бир-бирига қаттиқ боғланиб қолди. Уларнинг ҳажми ва ресурслар билан таъминланганлигидан қатъи назар МДХдаги барча давлатлар, шу жумладан, Россия ҳам катта йўқотишларга учради. Улар маъмурий-буйруқбозлик тизимидан мутлақо бошқача муносабатли янги жамиятга аста-секинлик билан ўтишга ноқобил эдилар.

Собиқ иттифоқ давридаги Марказий Осиё республикалари ривожланишда эришган муваффақиятларини инкор этмаган ҳалол таъкидлаш керакки, қизил империянинг парчаланиши 15 республиканинг барчасида ишлаб чиқариш ва истеъмол катта тушкунлик билан чуқур иқтисодий тангликнинг асосий сабабларидан бири бўлиши шубҳасиз эди. Собиқ иттифоқ емирилишининг Марказий Осиё республикаларига зарбаси улар «субсидияланувчи» бўлганликлари учунгина эмас, асосан иқтисодий жиҳатдан бир-бирларига ҳаддан зиёд мутеликлари туфайли жуда сезиларли бўлди. Чунки тақсимлаш ва қайта тақсимлаш тартиби 1970 йиллардан бошлаб Туркменистон, Ўзбекистон ёки Қозоғистоннинг фойдасига эмасди. Бироқ шаклланган алоқаларнинг узилиши мазкур мамлакатларда ҳам оғир оқибатларга олиб келди. Масалан, собиқ иттифоқ парчалангач, савдо айирбошлашнинг кескин бузилиши ва молиявий операцияларнинг издан чиқиши республикалар сиёсий мустақилликка эришгандан сўнг иқтисодий вазиятни сезиларли даражада ёмонлаштирди.

Ўтказилган тадқиқотлар давлатлар ўз мустақилликларига эришганларидан сўнг юз берган иқтисодий жараёнларни, шу

жумладан, инқироз ва унинг вақти, чуқурлигини яхшироқ тушунишга ва бу инқироздан кейинги йилларда чиқиш йўлларини белгилашга ёрдам беради, қайта тикланишни талаб этади. У яна шуни тасдиқлайдики, ислохот стратегияси бозор ислохотларининг ва глобал иқтисодиёт уйғунлашувининг босқичма-босқичлиги асосида нисбий мавжуд имтиёزلардан юқори даражада фойдаланиш мақсадида ҳар бир муайян мамлакатнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда қабул қилиниши зарур.

13.4. Ривожланаётган мамлакатлар иқтисодиётида қайта туб ўзгаришлар стратегияси

Умумий вазиятларга қарамай, Марказий ва Шарқий Европа мамлакатлари ҳамда собиқ иттифоқ таркибида бўлган давлатлар турлича имкониятга эга эди. Бу ўтиш даври муаммоларини ҳал этишни ва ягона жаҳон иқтисодиётига уйғунлашишни қийинлаштирди. Бироқ уларнинг барчасига янги муаммоларни радикал ўзгаришларнинг асосан монитар усуллари ёрдамида ҳал этиш маслаҳати берилган эди. Бу йўл неолиберал назарияга асосланган. Бундай ёндашишнинг моҳиятини қисқача тарзда А.Шляйфер (АҚШ) қуйидагича ифодалаган эди: «Эркинлаштириш ҳукуматнинг нарх-наво устидан назоратини бартараф этади, барқарорлаштириш ҳукуматга анча кескин бюджет чекловларини юклайди, хусусийлаштириш эса ҳукуматни тўғридан-тўғри назоратдан маҳрум қилади».

Ривожланган мамлакатларнинг яқин ўтмишдаги тажрибасини ўрганиш Б.Плесковиц ва Д.Ж. Стиглицларнинг фикрларига кўра, «ривожланишнинг неолиберал модели хусусидаги ишончсизликни» оширди. Баъзи мамлакатлар неолиберал моделга эргашган ҳолда ҳануз иқтисодий ўсиш яхшиланишини кутмоқдалар, ваҳоланки, бу пайтда ушбу моделни рад этганлар илгари ҳеч қачон кўрилмаган даражадаги иқтисодий ўсишнинг юқори суръатларини ҳис этмоқдалар».

Тизимларни қайта шакллантиришнинг дастлабки ўн йиллик тажрибаси, айниқса, МДХ даги кўпчилик мамлакатлар тажрибаси ҳам ўта либерал «larsser-fagge» тамойилга асосланган сиёсий ўтиш даврида улар учун энг макбул йўл бўлганлигидан далолат беради. Узоқ муддатли ривожланиш мақсадларига зарар етказмаган ҳолда ўтиш даври чиқимларини минималлаштириш учун қандай стратегия зарур? Асосий вазифалардан бири, тизим ўзгаришларининг энг макбул стратегиясини танлаш ва амалга ошира оладиган давлат барпо этилиши лозимлиги кўрсатилади. Кучли ва самарали саноатлаштириш сиёсати бозор

иқтисодиётининг зарурий компонентларидан бири бўлиши зарур. Босқичма-босқич ўтиш стратегиясини амалга оширишга қодир бўлган давлатнинг тутган ўрнини аниқлаш йўли билан институтчионал эволюцион иқтисодиёт назариясига тегишли ҳисса қўшишга ҳаракат қилинди.

«Тартибга солишга барҳам бериш («de-regulation») га қарама-қарши давлат ёрдамида институтлаштириш сиёсати. МДХ мамлактларида амалга оширилган тизимларни қайта шакллантириш жараёни бир пайтлари бутун бўлган давлатда мувофиқлаштириш билан шуғулланувчи мавжуд институтларга тезда барҳам бериш оқибатида юзага келган қийинчиликлар билан бевосита боғлиқ, қисқа вақт ичида фақат мониторингтик усулларга таянган ҳолда мувофиқлаштирувнинг янги, бозор шароитига мосланган шакл-шамойилларини ишлаб чиқишнинг иложи йўқ эди. Жамиятнинг яратувчилик куч-қудрати, биринчидан, бошқарув сифатига, яъни ҳукумат амалга ошираётган ислохотлар борасида аниқ вазифаларни қанчалик оқилона қўя билиши ва буларни қанчалик самарали бажара олишига боғлиқ. Иккинчидан, жамият аъзолари ижтимоий ўзгаришларга қанчалик тайёр эканлиги, шунингдек, ислохотларни халқ қанчалик қизғин қўллаб-қувватлаши муҳим аҳамиятга эга. Ислохотлар стратегияси умумий сиёсий, иқтисодий ва институтчионал ҳозирликларга (шу жумладан, ижтимоий капиталга) қай даражада мос тушиши бу ислохотларни амалга оширишда муваффақият гаровидир.

Давлат ва индустриал сиёсат тартибга солишдан батамом ва ялпи воз кечишнинг муқобил жамоат мулкчилигига асосланган ва ҳаддан ташқари марказлашган маъмурий-буйруқбозлик тизимидан бозор иқтисодиётига ўтиш борасида ўзгаришларни изчил равишда, секин-аста амалга оширишдан иборат. Бир тизимдан иккинчи тизимга ўтиш бошқа иқтисодий институтларни юзага келтириш ҳамда ўтиш даврида изчил ва босқичли стратегияни тўла амалга оширишни тақозо этади. Хусусий секторни ривожлантирган ҳамда ўтиш даври жараёнида кўп тармоқлик иқтисодиётни бошқариш учун мерос бўлиб қолган иқтисодий ва ижтимоий инфратузилмалардан юқори даражада фойдаланган ҳолда бозор муносабатларини шакллантириш давлатнинг муҳим вазифаларидан биридир.

Ўтиш даври ислохотларнинг, саноат соҳасидаги сиёсатнинг халқаро кўламда синалган тажрибасини қўллашни тақозо этди. Маълумки, иккинчи жаҳон урушидан сўнг саноат соҳасидаги сиёсатнинг халқаро кўламда синалган тажрибасини қўллаш Японияда, кейинчалик эса Шарқий Осиё мамлакатларининг кўпчи-

лигида янги самаралар берди. Бир неча ўн йилликлар давомида иқтисодий юксалишдаги юқори суръатлар ва барқарорлик борасида эришилган натижалар кутилмаган даражада ижобий бўлдики, оқибатда 1990 йилларнинг бошларида бу ҳолатни «Шарқий Осиё мўъжизаси» деб баҳолашди. 1960 ва 1985 йиллар орасида аҳоли жон бошига ҳисобланган даромад Япония ва «тўрт йўлбар» мамлакатларида тўрт карра, Жанубий - Шарқий Осиёдаги янги индустриал давлатларда эса икки ҳиссадан зиёдга кўпайди. Айни бир пайтда ижтимоий омонатлар саноатда ҳам, қишлоқ хўжалигида ҳам иқтисодиётнинг устувор секторларига инвестициялаш учун ишлатилди, ҳомийлик эса бу тармоқларни қайта тиклаш, уларнинг фаолиятини экспортга қаратиб, халқаро майдонда рақобатбардошлигини ошириш имконини берди.

Марказий Осиё мамлакатлари ҳам ўтиш даврининг бошларидаёқ саноат соҳасидаги сиёсатнинг баъзи унсурларидан фойдаланишлари мумкин эди. Масалан, таклифнинг камайиб кетиши, кучайиб борган кредит етишмаслиги ва импортни эркинлаштиришга қарши «зарур» чора-тадбирлар кўриш лозим эди. Чунки, булар оқибатда таклиф томонида «фалаж ҳолатлар рўй беришига», корхоналарнинг ёпилиши, ишлаб чиқариш қувватларидан етарли фойдаланмаслик, инсон капиталининг малака йўқотишига олиб келди. Шунинг натижасида бундай салбий оқибатларни макроиқтисодий барқарорлик сиёсати доирасида фақат бозор рағбатлари йўли билан тугатиш имкони бўлмади.

Маълум бир пайтда бундай сиёсат бюджетга катта сарфхаражатлар қилиш ҳамда дефицитли молиялаштиришни талаб қилар эди. Умумий инвестицияларнинг кўпайиши эса, маълум миқдорда пул-кредитнинг кириб келишига сабаб бўлди. Иқтисодиётдаги «мўъжиза» нинг асосий сабоғи шундан иборатки, қаттиққўллик билан амалга ошириладиган фискал ва мониторинг сиёсат оқилона бўлиши лозим, акс ҳолда иқтисодиёт издан чиқиши ва иқтисодий ривожланиш имкониятларига путур етиши мумкин. Бошқача қилиб айтганда, бу сиёсат сунъий қопқонларга ҳамда маҳсулот ишлаб чиқаришнинг бетартиб камайишига сабабчи бўлмаслиги керак. Шунга кўра, ҳатто, эътибор этилган барқарорлаштириш дастурлари ҳам кутилаётган инфляция даражаси ва бюджетдаги дефицит масаласида эҳтиёт бўлиши, мамлакатнинг муайян эҳтиёжларини ҳисобга олиши лозим. Хусусийлаштириш борасида қандай чора-тадбирларни танлашнинг аҳамияти, бундан ҳам юқорироқ тузилмаларга барҳам бериш сиёсати иқтисодиётнинг ўзига хос жиҳатлари ва давлат билан жамият бунга қанчалик тайёр эканлиги ҳисобга олинмас экан, натижа яхши бўлмайди.

Постсоциалистик давлатнинг муҳим хусусияти шундан иборатки, бу давлат жамият ва иқтисодиётдаги тўла ҳукмронлигидан воз кечиб, ўз вазифаларини давлат ва бозор ўртасида адолатли тарзда, демократик йўл билан қайта тақсимлашга ўтганини ифода қилади. Бунинг учун эса бозор муносабатларини жорий қилиш ҳамда иқтисодиётга давлат аралашувини чеклаш; давлат сиёсатидаги муваффақиятсизликларни бозор шароитидаги янги усуллар ҳисобига тугатиш; бир томондан эса, ўтиш даври жараёнида юзага келадиган бозор тақчилликлари ва инқирозларининг кўпайишини давлат орқали жиловлаб туриш талаб этилади. Собиқ иттифоқ ҳудудида бундай давлатни барпо этиш ҳазилакам иш эмас эди. Чунки, ҳаммасини бошдан бошлаш талаб этиларди.

Янги мустақил давлатларда ҳамда Марказий ва Шарқий Европа мамлакатларида амалга оширилган ислохотлар ютуғини: хусусий секторнинг ривожланиши (катта ва кичик корхоналарни хусусийлаштириш, корхоналардаги таркибий ўзгаришлар); бозорлар ва савдо (нархларни эркинлаштириш, савдо ва валюта тизимлари, рақобатчилик сиёсати); молия муассалари (банк соҳасида ислохот ва фоиз ставкасини эркинлаштириш, қимматли қоғозлар бозорлари ва банкларга қарамайдиган молиявий институтлар) берган натижалар орқали қийслаб кўриш мумкин. Бу таққослар, албатта, муҳим ва зарур, лекин етарли эмас. Бу борада яна бир ўлчов - тегишли институтларга эга бўлган давлатни қандай барпо этиш ўлчови ҳам талаб қилинади.

Бозор институтларининг аҳамияти ошиб борган бир ҳолда давлат томонидан тартибга солишнинг жорий этилиши ҳамда янги индустриал мамлакатлар даражасига етиб олиш келажакда янада етук ва эркин бозор иқтисодиётига ўтишда муҳим омил бўлиши лозим. Бироқ Марказий Осиё мамлакатларида ана шу даражага етишиш ҳамда ўтиш даври муаммоларини ҳал этиш ва шунингдек, ривожланишга эришиш учун, энг аввало, давлат ва унинг иқтисодий воситалари кучайтирилиши, қайта қурилиши лозим. Энг асосий вазифа - давлатнинг иқтисодиётни тартибга солиш воситаларига путур етказмасдан, унинг маъмурий-буйруқбозлик, марказдан режалаштириш сиёсатидан воз кечиб, бозор шароитига мослашиб, иқтисодиётни керакли даражада бошқара оладиган тузилмага айлантиришдан иборат. Давлатнинг фаол аралаштиш сиёсати реал секторларни ҳимоя қилиш нуқтаи назаридан ҳам, иқтисодий ўсишга кўмаклашиш нуқтаи назаридан ҳам анча тўғри бўлиб чиқди.

Индустриаллаштиришга қарши сиёсат («de-industrialisation») ўрнига фаол индустриал сиёсат. «Де - индустриаллаштириш» ғояси

Ўтиш даврида саноати ривожланган мамлакатларда марказдан ре-
жалаштиришга асосланган иқтисодийдаги номуносибликка бар-
ҳам берадиган мантиқий ва объектив жараён сифатида «фалаж
қилиб даволаш» тарафдорлари томонидан илгари сурилди. Бироқ
Марказий Осиё мамлакатларининг аксариятида саноат етарли да-
ражада ривожланмаган, қишлоқ хўжалиги анча устувор бўлганлиги
учун саноатсизлаштиришга унчалик ҳожат йўқ эди. Марказий Осиё
мамлакатларида кун тартибидаги асосий масала саноатнинг янги
тармоқларини барпо этиш ва мавжудларини замонавийлаштириш
асосида саноатни тезкор суръатлар билан ривожлантиришдан ибор-
рат эди. Шунга қарамай, Марказий Осиёнинг Ўзбекистондан таш-
қари ҳамма давлатларида «де-индустрлаштириш» сиёсати фаол амалга
оширилди. Ўзбекистонда мавжуд бўлган саноат тармоқлари ке-
ракли миқдорда сақланиб қолиши ва янгилари барпо этилиши асо-
сида иқтисодийни янада саноатлаштиришга ўтиш стратегияси жуда
ҳам самарали натижаларга олиб келди. Ўзбекистон ҳукумати мус-
тақилликнинг биринчи йилидан бошлаб иқтисодийда мавжуд
секторларни ривожлантиришга урғу берди.

Ўтиш даври стратегияси ва индустриал сиёсат. 15 та янги
мустақил давлатлар орасида Ўзбекистон маҳсулот ишлаб чи-
қаришдаги камайиш узоқ давом этмаганлиги ва даражаси унча-
лик юқори бўлмаганлиги ҳамда ўтиш давридаги 26 давлат, ай-
ниқса, МДХ мамлакатлари орасида саноат ривожидида юқори
суръатда ривожланиши билан ажралиб туради (18-жадвал).
Ушбу ижобий кўрсаткичлар кўп жиҳатдан давлатнинг амалга
ошираётган стратегияси ва саноатдаги фаол сиёсати натижаси-
дир. Давлат томонидан тўғри танланган сиёсат туфайли даст-
лабки шарт-шароит ва иқтисод таркибидаги бир мунча афзал-
ликлардан фойдаланиш учун янги омиллар пайдо бўлди.

18-жадвал

Марказий Осиё давлатларида саноат ишлаб чиқариш
кўрсаткичлари 1992-2000 йиллар
(1991 й. = 100 фоиз ҳисобида)

	1992	1993	1994	1995	1996	1997	1998	1999	2000
Қозғоғистон	86	73	53	48	49	51	49	51	58
Қирғизистон	74	55	40	33	34	47	50	48	51
Тожикистон	76	70	52	45	34	34	36	38	42
Туркменистон	85	89	67	61	73	57	58	-	-
Ўзбекистон	93	97	98	98	100,9	105	109	115	122,4
МДХда ўртача	82	72	56	52	50	52	51	54	60

Манба: МДХ мамлакатларининг саноати, МДХ давлатлараро статис-
тика қўмитаси, Москва, 1999 й., МДХ 1999 йилда қисқача статистик тўнлам.
МДХ Давлатлараро статистика қўмитаси, Москва, 2001 й.,

Бу ўтиш даврининг бошланишидаёқ баъзи катта корхоналарни, айниқса, йирик саноат корхоналарини барча чекланишларни шопма-шошарлик билан ва бирданига олиб ташламай, кредит ва субсидиялар билан маълум даражада қўллаб-қувватлашни тақозо этди.

«Ўзбекистон аввал бошдан оқ янада кескин равишда таркибий ўзгаришларни қайд этганда тўғри иш қилган бўлар эди» деган фикрга қўшилиш қийин. Тузилмаларни шопилинч ислоҳ қилиш яхши иқтисодий ўсиш билан тугатганини кўрсатувчи далиллар собиқ иттифоқ ҳудудида ҳам, Марказий - Шарқий Европа мамлакатларида ҳам йўқ. Шарқий Осиё мамлакатларининг тажрибаси ислоҳотчи давлатнинг мавжудлиги, иккинчи жаҳон урушидан кейинги таназзулни енгишда ҳам, бутун иқтисодий «юксалиш» даврида ҳам (камида 30-40 йил мобайнида) зарурий омил эканлигини исботлади.

Бу тажрибадан чиқариладиган асосий сабоқ қуйидаги ўзгаришларнинг зарурлигини тақозо этади:

1. Импорт ўрнини қоплашнинг етарли даражасини сақлаган ҳолда саноат ишлаб чиқаришининг экспортга йўналишини кучайтириш;

2. Ўз даромадлари, жумладан, эркин алмаштириладиган валюта даромадлари ҳисобидан саноат секторида инвестиция эҳтиёжига қаратилган сиёсатни ўтказиш;

3. Саноатнинг асосий тармоқларини қайта ва қўшма лойиҳалар ҳамда корхоналар асосида янги қувватлар ва инфратузилмаларни барпо этиш мақсадида бевосита хорижий инвестициялар учун очиқ тадбиркорлик муҳитини яратиш;

4. Кўп маблағлар талаб қиладиган лойиҳаларни рағбатлантириш ўрнига кўп меҳнат талаб қиладиган кичик ва ўрта корхоналарни ривожлантириш мақсадида хусусий миллий инвесторлар учун нисбатан кўпроқ имкониятлар яратиш.

Бу ўзгаришларни амалга ошириш учун хусусий секторни ривожлантириш сари янги қадамлар қўйилиши лозим. Қудратли хусусий сектор бўлмаса, турли тадбиркорлик ҳаракатлари қўллаб-қувватланмаса, давлат ўтказадиган ўзгаришлар ва самарли сиёсат ҳам, барқарор иқтисодий ривожланиш ҳам бўлмайди, халқ турмуш даражаси ҳам ошмайди.

Қисқача хулосалар

Марказий Осиё мустақил давлатлари трансформацияси ва жаҳон иқтисодиёти билан ҳамкорлигини иқтисодий тартибга солиш йўналишларидир.

Трансформация даврида марказлаштирилган тарздаги режалаштиришга асосланган маъмурий-буйруқбозлик тизимидан бозор иқтисодиётига ўтишга қаратилган ислохотлар анча мураккаб жараёни ўз ичига олади.

Марказий Осиё давлатларида трансформация ва глобаллашув муаммолари давлатларнинг ҳар бир ҳолати учун турлича аҳамият касб этади.

Ривожланаётган мамлакатлар иқтисодиётида ўтиш даври муаммоларини ҳал этиш ягона жаҳон иқтисодиётига уйғунлаштиришни қийинлаштиради.

Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Трансформация нима? Унга умумий тавсиф беринг.
2. Урта Осиё мамлактларида трансформация жараёнининг назарий ва услубий негизлари намалардан иборат?
3. Утиш даврининг дастлабки босқичида Марказий Осиё давлатларида трансформация ва глобаллашув муаммолари-чи?
4. Қайта туб ўзгаришлар стратегияси нималарни кўзда тутади?
5. Молиявий воситачилик ва иқтисодий ўсиш.
6. Давлат ва индустриал сиёсат.

Асосий адабиётлар

1. И.А. Каримов. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. – Т.: «Ўзбекистон», 1995.
2. Р.И. Хасбулатов. Мировая экономика. – М. ИНСАН, 1994.
3. А.Э.Ишмухамедов, Л.И.Шибаршова. Экономическая интеграция в мировое хозяйство. Текст лекций. – Т.: ТГЭУ, 2000.
4. П.Р.Кругман, Обстфельд М. Международная экономика. Теория и политика. – М.: МГУ, 1997.

МАРКАЗИЙ ОСИЁ ДАВЛАТЛАРИНИНГ ГЛОБАЛ ИҚТИСОДИЁТГА ҚЎШИЛИШ СИЁСАТИ

14.1. Ташқи савдо ва глобал иқтисодиётга қўшилиш сиёсати

Собиқ иттифоқ тарқалгач, Марказий Осиёдаги беш давлат Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркменистон ва Ўзбекистон ташқи иқтисодий алоқалар учун минтақа ва жаҳон миқёсидаги интеграцияга очиқ бўлишга интилди.

Маълумотлари Марказий Осиё давлатларининг 1991-2000 йиллардаги импорти ва экспорти умумий ҳажмида МДХ мамлакатлари ва жаҳоннинг бошқа мамлакатлари улушини ўзаро таққослаш имконини беради (19-жадвал). Бунда мустақил тараққиёт ва тизимни қайта қуриш бошланишида савдо фаоллиги даражаси камайиши сабабларини ўрганиш жоиз.

Собиқ Иттифоқ даврида ҳам, у тарқалгандан кейин ҳам ташқи савдо Марказий Осиё мамлакатларида муҳим аҳамиятга эга бўлган. Уларда экспорт ва импортнинг ялпи миллий маҳсулотга нисбатан кўрсаткичи ўртача МДХдагига қараганда анча юқорироқ бўлган.

Ташқи савдо айланмаси нуқтаи назардан мустақил давлатларда учта турли босқични ажратиб кўрсатиш мумкин.

Биринчи босқич (1991 йилдан 1994 йилгача) собиқ иттифоқнинг парчаланиши ҳамда ўзаро савдо ҳажми ва улушининг кескин камайиб кетиши баргараф этилиши билан боғлиқ.

Иккинчи босқич (1995 йилдан 1998 йил 18 августгача) анъанавий савдо шериклари билан оқилона муносабатни сақлаб туриш ва дунёнинг қолган қисми билан алоқаларни кучайтиришни давом эттиришга турлича уринишлардан иборат.

Учинчи босқич (1998 йил 18 августдан 2001 йилгача) жаҳон иқтисодиёти ва Шарқий Осиё молиявий инқирозларининг салбий таъсири билан боғлиқ. Уларнинг таъсири Россия пул бирлигининг девальвация қилиниши туфайли анча кучайди ва анъанавий бозорларда Марказий Осиёда ишлаб чиқарилган товарларнинг рақобатбардошлик даражасига ҳам таъсир этди.

Ҳар уч даврда ҳам Марказий Осиё давлатлари ўз ташқи савдоларининг жуғрофияси ва товар таркибига оид қийинчиликларга дуч келди, бу эса, умумий ташқи савдога салбий таъсир қилди.

Жаҳон доирасидаги ва минтақавий инқирозлар Марказий Осиёдаги барча давлатларнинг импортига ҳам салбий таъсир қилиб, ташқи савдонинг умумий ҳажмини 1998 йилги нархларда

Ун йиллигидаги энг паст даражага келтириб қўйди. Марказий Осиёдаги бошқа давлатлар билан рўйхатга олинган савдонинг кескин камайиши бундай таназзулнинг бош омили бўлди, савдо ҳажми саккиз йил олдингидан деярли саккиз баробар камайди.

19-жадвал

Марказий Осиё давлатлари экспорти ва импорти умумий ҳажмида МДХ мамлакатлари экспорти ва импорти улуши (1991-2000 йиллар, % ҳисобида)

Давлатлар Илд	Қозғонистон		Қирғизистон		Тожикистон		Туркманистон		Ўзбекистон	
	Экс.	Имп.	Экс.	Имп.	Экс.	Имп.	Экс.	Имп.	Экс.	Имп.
Мустиқил Давлатлар Ҳамдўстлиги										
1991	90,7	85,99	97,2	80,0	76,7	81,8	94,7	78,7	84,1	82,3
1992	87,6	4,390	93,7	96,2	80,3	89,5	80,2	84,9	82,5	85,5
1993	83,6	261,1	65,5	91,3	52,6	61,9	70,1	78,3	73,7	81,3
1994	58,0	69,0	87,9	66,1	18,8	42,6	77,0	46,7	62,1	53,8
1995	32,9	69,6	65,8	67,7	33,6	59,0	49,4	54,6	39,3	40,7
1996	55,7	53,9	77,8	58,1	43,0	57,3	67,5	29,6	21,1	32,2
1997	46,0	54,0	52,8	61,4	36,6	64,3	60,1	55,0	33,0	27,0
1998	40,0	47,0	44,9	52,3	34,0	62,7	25,6	47,0	24,6	28,0
1999	26,0	43,0	40,0	43,0	46,0	78,0	41,4	33,6	30,1	26,4
2000	27,0	55,0	42,0	53,0	49,0	83,0	52,5	38,0	53,2	38,5
Россия										
1991	53,4	70,4	42,9	39,0	44,7	34,1	46,1	38,7	55,7	54,7
1992	65,4	81,8	37,2	61,2	39,2	40,8	16,2	53,1	44,1	56,5
1993	57,3	64,0	36,8	44,7	16,4	32,5	7,1	13,1	57,0	48,4
1994	44,5	36,3	17,2	21,9	30,0	15,2	13,2	10,5	26,7	28,4
1995	42,3	45,0	25,6	21,9	34,1	31,0	6,8	7,0	26,2	26,2
1996	44,3	55,0	26,6	20,8	28,3	29,8	10,6	11,8	11,6	18,8
1997	33,9	46,0	16,4	26,9	8,5	15,3	7,5	13,4	14,9	16,0
1998	28,9	39,4	16,3	24,3	8,1	14,1	4,9	13,1	12,8	15,6
1999	-	36,7	15,6	18,2	16,8	13,9	4,0	11,0	13,0	13,8
2000	-	48,7	12,9	24,0	33,0	15,6	41,1	14,3	28,3	14,3
Марказий Осиё давлатлари										
1991	12,6	10,5	30,7	29,6	13,1	30,4	29,9	7,9	10,4	-
1992	11,9	9,9	33,4	23,4	24,8	32,1	27,8	21,6	27,7	22,2
1993	10,7	17,5	-	-	-	-	16,2	-	-	-
1994	6,4	-	43,9	42,1	7,4	28,6	21,2	7,0	28,3	17,5
1995	6,5	14,6	35,9	43,0	-	41,8	8,6	4,8	16,9	10,3
1996	6,3	7,6	46,4	34,8	30,5	42,6	17,9	2,4	7,5	8,9
1997	5,0	3,7	33,2	31,7	28,4	45,0	12,9	15,2	10,2	6,6
1998	6,4	3,9	25,9	24,3	26,0	51,4	11,0	7,7	9,7	6,3
1999	3,3	3,7	22,9	22,4	27,5	59,5	6,2	5,1	11,3	7,0
2000	2,8	3,1	26,3	27,6	14,3	45,2	6,6	3,7	15,8	17,3

Эслатма: МДХга доир 1991 йилги маълумотлар СИ бўйича қўрсаткичлардан Болтиқ бўйи давлатлари - Литва, Латвия, Эстония қўрсаткичлари нисбатга олинмай, 1991-1993 йилларга доир маълумотлар реал алмашув курси бўйича ҳисобланган.

Ўша йилларда мамлакатларнинг жаҳондаги (МДХдан ташқари) мамлакатлар билан ташқи савдоси нисбий улуши ошди. Қучли таназзул натижасида 1991-1995 йилларда Марказий Осиё давлатларининг умумий савдо ҳажмида анъанавий савдонинг улуши олис хорижий мамлакатлар билан бўлган савдо улушига тенглашди. Шундан кейинги йилларда собиқ иттифоқ давлатлари билан савдо

улуши жаҳоннинг бошқа қисми билан савдо улушидан ҳам камайиб кетди ва уларнинг ўртасидаги тафовут кўпайди. Ташқи савдонинг ушбу икки сementи ўртасидаги нисбат ўзгариб, 1991 йилдаги 7:1 нисбатдан 1997 йилда 1:1,3 га тушди, яъни жаҳоннинг бошқа қисми билан савдо ҳажми ошди. Анъанавий савдо улуши мутлақ ва нисбий кўрсаткичларда кескин пасайди. Бу асосан Россия билан савдо айланмаси камайиши билан боғлиқ. 1997- 1998 йилларда, айниқса, Тожикистон, Туркменистон ва Ўзбекистоннинг Россия билан савдо айланмаси 1991 йилдагидан анча кам бўлди. Бу кўрсаткич Қозоғистон ва Қирғизистон учун ҳам муҳим эди, лекин 1998 йилги инқироздан кейин бу мамлакатларда ҳам савдо айланмаси бўйича кескин камайиш тамойили кўзга ташланди.

14.2. Давлатларнинг ўзаро савдоси ва минтақавий ҳамкорлик

Марказий Осиё давлатларида ўзаро савдо, улар мустақилликка эришгандан сўнг, иқтисодий жихатдан айниқса катта аҳамиятга эга бўлди. МДХда савдонинг умумий ҳажми мутлақ ва нисбий кўрсаткичларда кескин камайишига қарамай, 1992-1995 йилларда уларнинг кўпчилигида йиллик ўртача ўзаро савдо ҳажми 1991 йилдаги даражадан юқори эди. Бу минтақада савдо тақсимотига ўзгариш киритиш имконини берди ва Қирғизистон ва Тожикистоннинг савдо соҳасидаги шериклари сифатида Ўзбекистон ва Қозоғистоннинг мавқеини ошириб, қандайдир барқарорлаш ишга эришишда ўзига хос омил бўлди.

1998 йилда Қирғизистон Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлди. Қозоғистон билан Ўзбекистонга ўзига Қирғизистондан қайта экспорт (ре-экспорт) қилинаётган истеъмол товарларидан саноат тармоқларини ҳимоя қилиш учун божхона - тариф чораларидан фойдаланишга мажбур бўлди. Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистон бир вақтнинг ўзида Россия ва Белорусия Божхона Иттифоқига аъзо бўлиши, 2000 йил октябрида Евроосиё Иқтисодий Ҳамжамиятининг шаклланиши Ўрта Осиёда минтақавий ҳамкорлик учун муайян қийинчиликлар келтирди.

Лекин, Марказий Осиё давлатлари янада мустаҳкам минтақавий ўзаро боғлиқликнинг объектив зарурлигини тан олган ҳолда савдо соҳасида ҳам, ресурсларни (сув, энергия ва бошқалар) бошқариш ва инфратузилмалар соҳасида ҳам минтақавий ҳамкорлиқни янада ривожлантиришга қатъий эҳтиёж сизди. Бу ҳақда Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистон давлат бошлиқларининг 2001 йил 28 декабрдаги учрашувида яна бир бор таъкидлаб ўтилди.

Ушбу учрашувда Марказий Осиё Иқтисодий Ҳамжамиятини қайта тузиб, Марказий Осиё Ҳамкорлиги ташкилотига айлантириш ҳақида келишиб олинди.

1994 йилдан бошлаб Марказий Осиёдаги барча давлатларнинг МДХдан ташқари давлатлар билан умумий савдо ҳажмида экспорт кўрсаткичлари бўйича ҳам, импорт кўрсаткичлари бўйича ҳам жаҳоннинг қолган қисми улуши, айниқса, Ўзбекистонда (1998 йилда 73,4% ва 72,2%) тез ўсди. Савдонинг жуғрофий тақсимооти анча ўзгариб, собиқ ўзаро иқтисодий ёрдам кенгашидан Европа Иттифоқи, Шарқий Осиё, Шимолий Америка ва Яқин Шарқ томон силжиди. 2000 йилда Маказий Осиё давлатларининг МДХдан ташқаридаги асосий шериклари биринчидан, Европа мамлакатлари (Германия, Буюк Британия, Швейцария, Нидерландия), сўнгра Шарқий Америка (АҚШ) ва Яқин Шарқ (Туркия, Эрон) мамлакатлари бўлди. Ташқи савдонинг умумий ҳажмида уларнинг улуши анча ошди.

Ташқи савдонинг товар таркиби муаммолари. Марказий Осиё давлатларининг экспорт товарлари асосан минерал ресурслар ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларидан иборат эди. Қозоғистонда асосан нефть ва нефть маҳсулотлари, қора ва рангли металлар, Қирғизистонда олтин, тамаки ва жун; Тожикистонда алюминий ва пахта толаси, Туркменистонда табиий газ, пахта, толаси, нефть ва нефть маҳсулотлари, Ўзбекистонда пахта толаси, олтин, табиий газ ва рангли металлар экспорт қилинади. (МДХнинг кўпчилик мамлакатларига экспорт товарларнинг шундай таркиби характерлидир).

Импортга келганда эса, асосан озиқ-овқат маҳсулотлари ва бошқа истеъмол моллари, шунингдек, нефть ва нефть маҳсулотлари (Ўзбекистон, Қирғизистон ва Тожикистонда, кейинги икки мамлакатда эса яна газ) дан иборат бўлган. Кейинчалик импорт таркибида дон, озиқ-овқат маҳсулотлари ва хом ашё улуши камайиб, машина-ускуналар кўпая бошлади. Бироқ мамлакат ичкарасида фойдаланиш учун импорт қилинаётган истеъмол товарларининг ўрнини қопловчи қайта ишлаш саноати товарлари ишлаб чиқаришни йўлга қўймай туриб, импорт қилинадиган машиналар ва ускуналар улушини кўпайтириш баъзи давлатларда жорий операциялар ҳисоблари бўйича сурункали катта дефицитга, бошқаларида эса истеъмол моллари импортининг ҳаддан ташқари қисқартирилишига олиб келди.

Ташқи савдо ва рақобатбардошлик.

1998 йилнинг августида Россия рублининг девальвация қилиниши Марказий Осиё товарлари рақобатбардошлигига билвосита таъсир қилди. Айниқса, Россиянинг Европа ва Осиё

бозорларига экспорти (ёнилғи, металллар) кўпайгани Қозоғистоннинг шундай товарларни экспорт қилишига кўпроқ таъсир ўтказади. Бошқа товарлар эса сифатсизлиги сабабли уларнинг валюталари девальвация қилингандан кейин ҳам МДҲ дан таддошлиги ва хилма-хиллиги кўп жиҳатдан валюта рақобатбарсининг ўзгаришига ва миллий валюталарнинг алмашув курсоқибатида нархларнинг нисбийлигига эмас, кўпроқ тузилмалар ислоҳотига боғлиқлигини исботловчи далиллардир. Россияда рублнинг девальвация қилиниши Марказий Осиё давлатлари товарларининг ички бозорда, Россия бозорида ва бошқа бозорларда рақобатбардошлигига катта салбий таъсир қилди.

Ташқи савдони янада кенгайтириш йўллари ва зарурлиги. Марказий Осиёнинг собиқ иттифоқ таркибидаги республикалар давлат мустақиллигига эришгач, жаҳон иқтисодиётига интеграциялашиш йўлида вужудга келадиган бир неча фундаментал муаммоларга ва турлича ташқи қийинчиликларга дуч келди. Бу муаммаларни ҳал қилиш йўли минтақавий ва глобал савдо-сотиқни кенгайтиришдир. Бу Марказий Осиё мамлакатларида нисбатан аввал савдо мижозлари, товарларнинг турлари ва транспорт транзит йўналишларини кенгайтириш ва ўзгартиришни ўз ичига олади. Булар ўта зарур. Лекин, бозор ислоҳотлари давом эттирилмаса ва ташқи савдо эркинлаштирилмасабўйича янги имкониятлардан кўпроқ фойдаланиш учун Марказий Осиё давлатлари, аввало, қуйидаги асосий масалаларнинг тегишли ечимини топишлари зарур: 1) корхоналар ўртасида бевосита ташқи савдони қўллаб-қувватлаш; 2) ташқи савдо ва инвестиция инфратузилмасини, айниқса, ички ва халқаро тўлов тизимини такомиллаштириш; 3) валюта алмашуви сиёсатини ислоҳ қилиш. Аск ҳолда инвестицияларни жалб этиб, ташқи савдо имкониятларидан тўла фойдаланиб бўлмайди.

Қисқача хулосалар

Марказий Осиё давлатларида ташқи савдо ва глобал иқтисодиётга қўшилиш сиёсати собиқ иттифоқ тарқалгач бошланди.

Марказий Осиё давлатларининг бир-бири билан ўзаро савдони ташкил этиб, минтақавий ҳамкорлик олиб боришини объектив ва субъектив заруратлар тақозо этади.

Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Ташқи савдо ва глобал иқтисодиётга қўшилиш сиёсати деганда нималарни тушинасиз?
2. Марказий Осиё давлатларида ўзаро савдо ва минтақавий ҳамкорлик қандай самара беради?
3. Ташқи савдода рақобатбардошлик қандай аҳамиятга эга?
4. Ташқи савдо нима учун зарур?
5. Ташқи савдони кенгайтиришнинг қандай йўллари мавжуд?
6. Жаҳон бозорига интеграциянинг қандай имкониятлари мавжуд?

Асосий адабиётлар

1. И.А. Каримов. Ўзбекистон ХХІ аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. – Т.: «Ўзбекистон», 1997.
2. И.А. Каримов. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. – Т.: «Ўзбекистон», 1995.
3. Р.И. Хасбулатов. Мировая экономика. – М.: «ИНСАН», 1994.
4. А.Э.Ишмухамедов, Л.И.Шибаршова. Экономическая интеграция в мировое хозяйство. Тексты лекций. – Т.: ТГЭУ, 2000.
5. П.Р.Кругман, Обстфельд М. Международная экономика. Теория и политика, – М.: МДУ, 1997.

ГЛОБАЛЛАШУВ ВА ВАЛЮТА АЛМАШУВ СИЁСАТИ

15.1. Глобаллашув муаммолари ва алмашув курси сиёсати

ХВФ маслаҳатчилари валюта алмашуви (конвертация)ни жорий этиш юзасидан шошилиш чораларни кўриш, ўтиш давридаги мамлакатлар учун энг яхши кўрсатмадир, деган яқдил фикрини билдирдилар. Валюта алмашуви эркинлаштирилиши бозор ислохотларининг бошланишида эмас, балки пировард нуқтасида амалга оширилиши кераклиги тўғрисида фақат саноқли огоҳлантиришлар бўлган эди. Бу ёндашувлардан бири ўтиш даврини валюта алмашувини эркинлаштириш билан бошлашни, иккинчиси тугалашни тавсия қилади. Ушбу икки ёндашувдан фарқлироқ ўзига хос янгича ёндашув ҳам таклиф этилади.

Марказий Осиё давлатларини валюта алмашув сиёсатига қараб икки гуруҳга ажратиш мумкин. Қирғизистон билан Қозоғистон биринчи ёндашувни танлади, Ўзбекистон билан Туркменистон эса ислохотларни аста-секин амалга оширишни афзал кўрди. Валюта алмашув сиёсатидаги тафовутга қарамай, глобал ва минтақавий молиявий инқироз Марказий Осиёдаги деярли барча давлатларнинг нозик макроиқтисодий барқарорлигига оғир таъсир кўрсатди. Бу жараёнга Россиядаги молиявий инқироз, айниқса, кучли салбий таъсир қилди. Бу пайтда Қирғизистон, Қозоғистон ва Тожикистонда пулнинг қадрсизланиши кучайди. Қозоғистонда олтин-валюта захиралари анча камайди. Қирғизистонда катта миқдордаги ташқи қарзни тўлаш муаммоси пайдо бўлади. Россия инқирозига жавобан валюта алмашувини билвосита кучлироқ назорат қила бошлаган Туркменистон билан Ўзбекистонда тўлов баланси ва миллий даромадга салбий таъсир кузатилди.

Ҳозирги вақтда Марказий Осиё давлатларининг кумулятив ташқи қарзи (ўтиш давридаги ҳамма мамлакатларда ҳам шундай ҳол юз берган) ривожланаётган мамлакатларнинг кўпчилигидаги шундай вазиятга тобора кўпроқ ўхшаб кетмоқда. Марказий Осиёдаги янги мустақил давлатларда Россиядаги валюта инқирози (1998 йил, 18 август) тўлов баланси ўртасидаги бевосита боғлиқликни эслатди. Тобора кучайиб бораётган ташқи қарз муаммоси жорий операциялар, ҳисоблар ва капитал ҳаракати ҳисоблари бўйича сурункали тақчиллик билан боғлиқ бўлиб, халқаро захираларнинг тўпланишига тўсқинлик қилмоқда. Бинобарин, ташқи қарз муаммоларига оид чоралар балансни

мустаҳкамлашга қаратилган сиёсатни талаб этади, яъни жорий ва капитал ҳисоблар бўйича тушумлар умумий харажатлардан кўп бўлиши керак. Стандарт тавсияларда кўпинча 1) экспортни рағбатлантириш ёки товарлар ва хизматлар импортини камайтириш йўли билан жорий операциялар ҳисобдаги тақчилликни камайтиришга; 2) импорт ўрнини босишга қодир бўлган ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва саноатнинг экспортга мўлжалланган тармоқларига кўмаклашиш учун бевосита хорижий инвестицияларни, хусусий ва расмий кредитларни жалб этиш йўли билан капитал ҳаракати ҳисоби бўйича салбий қолдиқни камайтириш чораларини кўриш; 3) кутилмаган ташқи салбий таъсир натижасида иккала ҳисобда ҳам салбий салдо ҳолатида тўловсизликдан қутулиш учун халқаро расмий заҳираларни етарли даражада сақлаб туриш кўзда тутилади.

Ташқи қарз динамикасини баҳолаш ҳамда келажак учун зарур тавсияларни олиш учун самарали таҳлилий восита сифатида қуйидаги асосий тенгламалар ва моделлардан фойдаланилади:

Биринчи - соф ташқи қарзлар ҳажмини (хорижий валютанинг келиши ва кетиши балансига қараб ижобий ёки салбий) аниқлайдиган тенглама. Миқдор жиҳатдан у капиталнинг соф оқими, капитал оқими бруттоси, минус ўтган йилги амортизация билан тўпланган хорижий қарз қолдиғининг фоиз тўловлари ўртасидаги тафовут сифатида ўлчанади. Уни қуйидаги математик тенглама билан ифодалаш мумкин:

$$BT = dD - rD \quad (1) \quad \text{ёки} \quad BT = (d - r) D \quad (2)$$

Бунда: D - тўпланган ташқи қарзнинг умумий ҳажми;

d - ташқи қарзнинг кўпайиш фоизи;

dD - соф капитал оқими ёки ташқи қарз умумий ҳажмининг кўпайиши;

r - ташқи қарзга тўланадиган ўртача фоиз;

rD - ташқи қарз бўйича йиллик тўловларнинг умумий миқдори.

Тенглама 2) ушбу давлат билан хорижий давлат ўртасидаги капитал ҳаракати натижасида ҳар бир йил доирасида хорижий валюта миқдорининг камайиши ёки кўпайишини кўрсатади. Агар $d > r$ бўлса, мамлакатга валюта келади, лекин $d < r$ бўлса, хорижий валюта мамлакатдан чиқиб кетади. Бошқача айтганда, ташқи қарз жалб этилган капиталдан самарали фойдаланиш билан боғлиқ бўлса, у ҳолда r кўпайган тақдирда ҳам BT ижобий бўлади, ташқи қарз қарздор мамлакатнинг на қисқа муддатли, на узоқ муддатли тараққиёт истиқболлига салбий таъсир этмайди.

Бу конценция заминидagi асосий ғоя шундан иборатки, мамлакат унинг ҳисобини йилма-йил эмас, балки ташқи қарз

олинган анча узоқ муддат доирасида баланслаши лозим. Бироқ бу мамлакат ҳар бир давр доирасида қарзнинг тўлов даражасини менсимаслиги керак, деган маънони билдирмайди. Бундан ташқари мамлакатнинг тўлов қобилияти ва қарзларини тўлашга қудрати етиши тўғрисидаги хулоса пировард натижада пулнинг жорий ёки бир қанча йил давомида тўлаш муддатларини аниқ кўрсатиб, мамлакат олган мажбуриятлар ҳажми тўғрисидаги ахборотга асосланиш лозим. Буни қуйидаги эконометрик тенглама билан ифодалаш мумкин:

$$(D_t - D_{t+1}) = Y_t - rD_t - C_t - G_t - G_t \quad (3)$$

Бунда: $(D_t - D_{t+1})$ - t даврдан $t+1$ давригача ташқи қарздаги соф ўзгариш;

Y_t - t давридаги ЯИМ (соф пул ўтказиш киритилган);

rD_t - t даври учун тўла фоиз тўлови;

C_t - t давридаги истеъмол;

G_t - t давридаги ички инвестиция;

G_t - t давридаги давлат харажатлари.

3) тенгламадан келиб чиқадики, қарз миқдори маълум вақт давомида мамлакатда ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва истеъмолни камайтириш, ички инвестициялар ва давлат харажатларини камайтириш ҳисобига камайтирилиши мумкин. Лекин мамлакат бир даврдан иккинчи давригача бундай қилишга қодир бўлмаса ҳамда маҳсулот ишлаб чиқариш, истеъмол, ички инвестиция ва ҳукумат харажатлари ташқи қарзни тўлаш учун зарур миқдордан кам бўлмайдиган даражага етса, у ҳолда мамлакат қарз инқирозига учрайди.

$$C_t + T_t + Q_t - Y_t < dD_t - rD_t \quad (4)$$

Бунда: dD_t - мамлакатга келган хорижий валютанинг t давридаги жами оқими;

rD_t - ташқи қарзни тўлаш натижасида t даврида мамлакатдан чиққан хорижий валюта оқими;

$dD_t - rD_t$ - t давридаги ВТ.

Турли ташқи ва ички мураккаб омиллар d ва r га таъсир қилиши, бу эса ташқи қарз муаммосининг кескинлашувиغا олиб келиши мумкин. d ва r учун хос бўлган тамойиллар қуйидагича: Аввал мамлакатнинг умумий қарзи кам бўлган ва унинг кўпайиш даражаси d , юқори тенденцияли бўлиши мумкин. Аммо D кўпайганда, d камая бошлайди, чунки ташқи қарзни тўлаш мамлакатга қўшимча капитал оқими ҳажмига тенглашади.

Иккинчидан, ташқи қарз тўпланишининг дастлабки босқ-

ичи г нисбатан кам бўлади (кўпинча нисбатан анча кам бўлади), чунки, бу босқичда асосий манба муддатли ва тўлаш шартлари жиҳатидан имтиёзли расмий хорижий ёрдамдан иборат бўлади. Лекин кейинчалик г тез ўсиши мумкин. Бу тижорат банкларидан бозор шартлари асосида олинган қисқа муддатли тижорат кредитлари билан боғлиқ

Мамлакат ташқи қарзлар бўйича ўз мажбуриятларини бажаришга қодир бўлмаган пайтда дефолтдан холис бўлиш учун бундай вазиятни олдиндан кўришга имкон берадиган муайян воситаларга эга бўлиш муҳим. Тегишли тенгламалар (1)-(4) дан фойдаланиш ташқи қарз кўпайишининг асосий сабабларини миқдорий ўлчаш учун фойдали бўлиши ва ташқи қарз хусусида тўғри иқтисодий сиёсатни танлашга кўмаклашиши мумкин.

Икки чеклашни таҳлил қилиш моделларидан расмий ёрдамга эҳтиёжни ва мамлакатнинг бу ёрдамдан самарали фойдаланиш қобилиятини аниқлаш учун фойдаланилади. Бу моделлар умуман ташқи қарзни ўлчаш учун ҳам фойдалидир. Қарздор мамлакатларнинг кўпчилигида иккита асосий чеклаш мавжуд: инвестиция имкониятларига нисбатан ички жамғармаларнинг етишмаслиги ва товар импортида валютага бўлган эҳтиёжга нисбатан хорижий валютанинг етишмаслиги. Бу чеклашларни бартараф этиш учун мамлакат кўшимча равишда хорижий валютани жалб этади. Бу эса кейинчалик ташқи қарзнинг кўпайишига олиб келади. Қарзнинг кўпайишини қуйидаги тенглама билан ифодалаш мумкин:

$$dD/D_1 = rD + M - E \quad (5)$$

Бунда: dD/D_1 - қарз миқдорининг ўзгариши (биринчи ҳосила);

г - фоизнинг ўртача меъёри;

М - импорт;

Е - экспорт.

Шу тариқа бир вақтнинг ўзида тўлов балансининг ҳар уч қисмида ҳам ташқи қарзнинг ўсиш ҳолатини ва муаммосини баҳолашга имкон берадиган ташқи қарзни бошқариш сиёсатини қўлаш ва миқдорий воситалардан фойдаланиш зарур. Шундай қилиб, ҳар томонлама ёндашувнинг умумий самараси ташқи қарзнинг сурункалилигини бартараф этишга ёрдамлашиши лозим.

Бозор иқтисодиётига ўтаётган мамлакатлар ташқи қарз муаммосидан ташқари ўз валюта бозорининг долларлашувига дуч келди. Янги миллий давлатларнинг кўпчилиги сингари Марказий Осиё давлатларида ҳам алмаштириладиган валюта жамғармасидан пулнинг қадрсизланишидан суғурталаш учун, валю-

та операцияларидан қўриладиган зарарни қоплаш учун, шунингдек, бошқа хатарлардан холи бўлиш учун фойдаланилмоқда. Бироқ бирор мамлакат хорижий валютадаги депозитларнинг шу мамлакат банк тизими барча депозитларига нисбатан долларлашиш даражасини тўла ўлчашга қодир эмас.

Маълумки, собиқ иттифоқ таркибида бўлган, мамлакатларда қонуний молиявий воситачилик даражаси паст, норасмий операцияларда доллар мавжудлиги жуда катта роль ўйнамоқда. Шу сабабли ўтиш даври иқтисодиётини таҳлил қилиш учун муомаладаги хорижий валюта захираси каби кўрсаткич ҳам муҳимдир. Рўйхатга олинмаган битимларни миқдорий баҳолаш қийинлигига қарамай, норасмий хорижий валюта бозорининг мавжудлиги ҳукумат ўтказаяётган сиёсат самарадорлигини анча камайтиришидан далолат берувчи мисоллар кўп. Хорижий валютанинг яширин бозори капитал ҳаракатини тезлаштиришга ўхшаган натижа беради. Бу экспортнинг маълум қилинган қийматини камайтириш ва импортнинг маълум қилинган қийматини оширишдан капитал чиқиб кетиши учун қўшимча каналга, яъни валюта алмаштириш даражасининг юқорилиги туфайли капиталнинг исталган вақтда кенг миқёсда чиқиб кетиши учун яна бир яширин каналга айланади. Улар биргаликда тизимларни қайта ташкил этиш босқичида янги миллий давлатларнинг кўпчилигида капиталнинг чиқиб кетишида муҳим омил бўлди. Капитал чиқиб кетишининг аҳамияти глобал ва минтақавий молиявий инқироз чоғида, айниқса, кучаяди.

Савдони ва валютани эркинлаштирган, шунингдек, капитал ҳисоби ва жорий операциялар ҳисоби тўла конвертациялаштирилган ва ҳатто, молиявий инқироз чоғида ҳам шу сиёсатга амал қилишга уринган мамлакатларда анча қийин вазият туғилади. Босқичма-босқич ислоҳ қилиш ва валюта бозорларини аста-секин эркинлаштириш сиёсатини ўтказувчи мамлакатлар ҳам бир қанча ташқи зарбаларга учрайди, лекин бу зарбалар бошқача усулда ва билвосита шаклларда бўлади. Бу ҳол расмий ва норасмий бозордаги валюта алмашуви ўртасидаги тафовутнинг сезиларли бўлишида намоён бўлади.

15.2. Валюта алмашув курсларининг кўплиги

Ўзбекистон (Туркманистон) собиқ иттифоқ таркибидаги кенг доирадаги савдо чеклашларидан ва хорижий валютани назорат қилиш воситаларидан фойдаланиб, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни ҳимоя қилишга уринаётган республикалардан биридир. Бу чоралар яқинда юз берган глобал ва минтақавий

молиявий инқирознинг салбий таъсирини камайтириш имкони-ни берди. Лекин айти вақтда улар катта норасмий товар ва валюта бозорларини вужудга келтирди.

Алмашув курсларининг хилма-хиллиги маълум маънода кўпгина ривожланаётган мамлакатларга хосдир. Утиш давридаги деярли барча мамлакатлар тизимларни қайта ташкил этиш чоғида шу муаммога дуч келди. Уларда кўп ёки муайян валюта алмашув курси мавжуд бўлди. Булар: ҳукумат томонидан белгиланадиган норасмий бозордаги алмашув курси жамоат секторининг барча операциялари ва хусусий сектор операцияларининг бир қисми расмий бозорда расмий алмашув курсида, айти пайтда хусусий сектор келишувларининг қолган қисми яширин бозорда норасмий алмашув курсида амалга оширилди.

Нақд ва нақдсиз пуллар учун турлича алмашув курси монополиячилик банк тизимининг мавжудлиги ва чинакам тижорат банклари йўқлигининг бевосита натижасидир. Параллел алмашув курси эса хорижий валюта бозорининг бўлганини ифодалаб, бу давлат томонидан ўрганилган савдо ва молия чеклашларининг натижасидир. Жорий операциялар ва капитал ҳисоблари бўйича операцияларга ҳукумат томонидан қўйилган кенг чеклашларга жавобан кенг миқёсли ва узоқ муддатли норасмий бозорлар вужудга келади.

Бундай чора-тадбирларнинг асосий сабаблари маълум индустриал, ташқи савдо ва валюта сиёсати билан боғлиқ. Ҳукумат баъзи тармоқлар ва корхоналар учун қулай шароит яратиб бериш, жумладан, валюта алмашуви курсининг паст ставкаларидан фойдаланишга имтиёз бериш йўли билан уларни тўғридан-тўғри ёки билвосита қўллаб-қувватлаши мумкин. тарифлар, савдо чеклашлари ва тўсиқларнинг мавжудлиги норасмий валюта бозори пайдо бўлиши учун етарли эмаслигини таъкидлаш керак. Экспорт ва импорт операцияларининг иштирокчилари хорижий валютадан эркин фойдаланар эканлар, савдо чеклашлари алмашув курси сегментлашувини келтириб чиқармайди. Улар хорижий валютага талаб ва таклифларга таъсир ўтказса ҳам операцияларнинг ҳар хил турларига ғов бўла олмайди. Фақат ҳукумат сиёсати хорижий валютани сотиб олиш ва сотиш ҳажмига миқдорий чеклашларни (уни кўпинча меъёрий белгилаш дейишди) белгилаш йўли билан турли операциялар ўртасида чеклашлар барпо қилади. Хорижий валютага қондирилмаган эҳтиёж яширин бозорни вужудга келтиради, унда валюта қиймати айти пайтдаги таклиф билан белгиланади. Кўпчилик эътироф этган фикр шунки курсатадики, миллий валютанинг ҳақиқий қимматлашуви ва бунинг оқибатида яширин бозорда курснинг ўзгариши

ички бозорда ҳукуматнинг валюта алмашувини меъёрлаштириши (чеклаши) натижасида девалвация қилинган алмашув курси билан пулнинг қадрсизланиши суръати ўртасидаги фарқ кўпаяди. Шу тариқа параллел алмашув курслари ҳукуматнинг валюта бозорини сегментациялаш ва меъёрлаштириш воситаси билан валютани назорат қилиш сиёсатининг қўшимча маҳсулидир.

Одатда, турли алмашув чеклашларини жорий этиш орқали валюта назоратини жорий операциялар ҳисоби балансини ташқи салбий таъсирлардан ҳимоя қилиш билан оқлашмоқчи бўлишади. Бироқ кўп сонли ва ҳар хил алмашув курслари юзага келиши биланоқ улар жорий операциялар ҳисоби сурункали тақчиллигининг муҳим омилига айланади. Алмашув курси турлича бўлган шароитда экспортчиларни чеклаш ва импортчиларни қўшимча рағбатлантириш жорий операциялар ҳисоби сурункали тақчиллигига олиб келади. Айти пайтда яширин бозордаги курсни тижорат алмашув курси билан бирхиллаштириш йўли билан алмашув курсларини бозор доирасида бирлаштириш экспортни рағбатлантириш ва импорт тазйиқни камайтириш ҳамда жорий операциялар балансини ҳар икки йўналишда яхшилашнинг энг самарали йўлидир.

Ўзбекистонда кўп сонли алмашув курси режимини қувватлашни оқлайдиган далиллардан бири шундан иборатки, у пулнинг қадрсизланишини камайтиради, ижтимоий ҳимоя чораси сифатида хизмат қилади. Ижтимоий йўналишдаги ислоҳотларни амалга оширишга киришган давлат учун бу далил кўп сонли алмашув курси фойдасига хизмат қилиши ёки хизмат қилмаслигини аниқлаш учун бир неча статистик усуллардан фойдаланилган.

Алмашув курси билан пулнинг қадрсизланиши ўртасидаги ўзаро боғлиқлик анча мураккаб. Кичик иқтисодиётда алмашув курси ўзгаришидан олдин ички нарх даражаси ўзгаради. Алмашув курси нархга икки йўл билан — товарлар импорти ва инфляция эҳтимолининг иқтисодий агентлар томонидан ҳисобга олинishi («инфляцион кутулиш») орқали таъсир қилади, лекин алмашув курси ўзгариши (девалвация) натижасида ички нарх тўлиқ кўтарилмаслиги мумкин. Бундай ҳолатга олиб келадиган икки омил мавжуд:

а) хорижда талаб катта бўлган, шунга қарамай мамлакат ичкарасида ишлаб чиқарилаётган ва истеъмол қилинаётган ҳамда хорижий товарлар билан бевосита рақобат қилмаётган товарлар. Бундай товарларнинг нархи алмашув курси ошгандан кейин бироз кечикиб кўтарилади ва ички валютанинг қадрсизланиши ставкасига тўла мос келмайди;

б) хизмат ва ишлаб чиқариш омиллари нархлари кўп ҳолларда ташқи нархларга бевосита боғлиқ бўлмайди.

Қичқача хулосалар

Глобаллашув муаммоларини ҳал этиш воситаларидан бири валюта алмашувини эркинлаштириш сиёсати юзасидан чоралар кўриш ҳисобланади.

Алмашув курсларининг хилма-хиллиги кўпгина ривожланаётган мамлакатларга хос бўлиб, давлатлар ўз тизимларини қайта ташкил этишда бу каби муаммоларга дуч келадилар ва валюта бозорларини ташкил этадилар.

Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Глобаллашув муаммолари нималардан иборат, алмашув курси сиёсати нималарни кўзда тутуди?
2. Валюта алмашув курсларининг кўплиги қандай оқибатларга олиб келади?
3. Макроиқтисодий барқарорликни таъминловчи қандай тадбирлар мавжуд?
4. Марказий Осиё давлатларининг валюта алмашув сиёсати нималарга асосланади?
5. Ижтимоий йўналишдаги ислохотлардан мақсад нима?
6. Иқтисодиётни эркинлаштириш сиёсати қандай мақсадни кўзда тутуди?

Асосий адабиётлар

1. И.А. Каримов. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. — Т.: «Ўзбекистон», 1997.
2. И.А. Каримов. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. — Т.: «Ўзбекистон», 1995.
3. Р.И. Хасбулатов. Мировая экономика. — М.: «ИНСАН», 1994.
4. А.Э.Ишмухамедов, Л.И.Шибаршова, «Экономическая интеграция в мировое хозяйство» Тексту лекций. — Т.: ТГЭУ, 2000.
5. П.Р.Кругман, Обстфельд М. Международная экономика. Теория и политика, — М.: МГУ, 1997.
6. С.В.Чепель. Устойчивый экономический рост в Узбекистане - задачи, проблемы, механизмы. Экономическое обозрение, 3, 1999.

ЯПОНИЯ ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШНИ (ЎСИШНИ) РЕЖАЛАШТИРИШ

16.1. Япониянинг иккинчи жаҳон урушидан кейинги ривожига иқтисодий ўсишни режалаштиришнинг таъсири

Чет эллик кузатувчиларнинг таҳлилига қараганда, иқтисодий ўсишни таъминлашда режалаштириш катта ўрин тутди. Эркин бозори мавжуд бўлган, саноати ривожланган мамлакатлар ўртасида иқтисодиётни режалаштиришда узоқ муддатли режалаштириш тизимини Япония ҳукумати ҳам қувватлайди.

Ғарбда фақатгина Франция ва Швеция японча услубдаги иқтисодий ўсишда «индекатив» режалаштиришни тан олади. Бошқа мамлакатлар, шу жумладан, Германия, Буюк Британия ва Канада ҳам иқтисодни ривожлантиришнинг узоқ муддатли режасига эга. Бу режа тор соҳани қамраб олган, яъни харажатлар режалаштирилмади. Чет эл кузатувчиларнинг фикрича, Японияда ҳокимият органлари билан хусусий сектор ўртасида қалин муносабат ўрнатилган. Бу муносабат мамлакатнинг ягона мақсадини амалга оширишга хизмат қилади.

Япониялик кўпгина иқтисодчилар Япон режасини иқтисодий ўсишни кўрсатувчи «декорация» деб тарифлайдилар. Улар иқтисодий фаолият натижалари иқтисодиётга, дастурда кўрсатилган ҳолатда татбиқ этилмаслигини назарда тутиб, иқтисодий ўсиш дастурига бошқача ёндашишади, режани ўзгариб турувчи режа тарзида таҳлил этишади.

Чет эл кузатувчиларининг фикрича, тегишли кўрсаткичлар Япония иқтисодий режасида иккинчи жаҳон урушидан кейинги фаолиятни яққол акс эттиради. Чунончи, бу даврдаги кўрсаткичлар бир қанча омилларнинг жамланмаси ҳисобланади.

Иқтисодий ўсишни режалаштиришда мустақил ва сиёсий омиллар макро ва микро даражадаги ривожланишда муайян аҳамиятга эга бўлиб, иқтисодиётга таъсир этувчи макродаражадаги биргина омил сифатида талқин этилиши мумкин.

Макродаражадаги мустақил омиллар юқори даражадаги жамғармалар ва инвестициялаш ҳамда ишлаб чиқариш тармоғидаги ўзгаришлардан иборат. Улар иқтисодиёт ривожига ўзига хос таъсир ўтказган. Сирасини айтганда, Япония иқтисодиёти режаларсиз ҳам саноати ривожланган мамлакатлардагидан да илгарилаб кетиши мумкин эди. Бундан «режалаштириш» ҳеч қандай аҳамиятга эга эмас, деган хулосага келмаслик ке-

рак. Чунки ҳаётнинг барча жабҳаларидаги каби иқтисодий тараққиётда ҳам режалаштиришнинг аҳамияти катта. Чунончи, этироф этилганидек, иқтисодий ўсишнинг «Япон режаси» кўп тармоқлар ривожда муҳим роль ўйнаган.

Хўш, Японияда иқтисодий ўсишни режалаштириш тажрибаси иқтисодиётни марказдан режалаштириш билан маълум муносабатга эгами?

Япония иқтисодиётини режалаштиришда иқтисодий ўсишни режалаштириш маълум ўрин тутади, баъзи мамлакатлар, шу жумладан, марказдан туриб режали бошқаришга қараганда бозор иқтисодиётини режали бошқаришга ўтишётган Марказий ва Шарқий Европа мамлакатлари учун «Японча режалаштириш» иқтисодий ўсишга таъсир этувчи омил сифатида асқотиши мумкин.

Япониянинг иқтисодий ўсишни режалаштириш борасидаги тажрибаларини бошқа мамлакатларга татбиқ этиш учун иккинчи жаҳон урушидан кейинги даврни икки босқичга бўлиб ўрганган маъқул.

Мамлакатда иқтисодий режалаштиришнинг биринчи босқичи 1946-1955 йилларни ўз ичига олади. Иқтисодий режалаштиришда иқтисодиётни қатъийлаштириш даври ҳисобланган бу йилларда ҳокимият иқтисодиётни баҳолар сиёсати орқали бошқарган. Шу тариқа иқтисодиётни қатъийлаштириш ва қайта тиклаш ҳаракати кучайтирилган.

Эслатиб ўтиш керакки, бу даврда Японияда нарх-навоининг ўсиш суръати ҳам ўта юқори бўлган. Чунончи, 1946 йилнинг биринчи ярмида баҳолар 200 %гача ўсган.

Иқтисодий тенгликни бартараф этиш учун Япония ҳукумати иқтисодий ўсиш режасини тузди. Бу режа марказий иқтисодий ўсиш режаси дастурига ўхшарди.

Уша даврда иқтисодни қайта тиклашга эркин бозор тизимига ўтиш орқали эришиш мумкин эмасди. Чунки мамлакатда рўй бераётган «гиперинфляция» туфайли кўпгина бозорлар товар захираларининг чекланганлиги сабабли талаб қонунига жавоб бера олмай қолди. Шу туфайли баҳоларни ҳамда ресурслар тақсимотини бошқаришдан бўлак вариантлар (йўналишлар) қолмаган эди.

Иқтисодиётни бошқаришни ташкил этиш мақсадида Иқтисодиётни барқарорлаштириш кенгаши ҳамда Баҳолар агентлиги тузилди.

Иқтисодиётни режалаштиришнинг иккинчи босқичи 1955 йилдан шу вақтгача бўлган даврни ўз ичига олади. Иқтисодиётни барқарорлаштиришга эришилгач, бошқариш бозор иқтисодиёти йўналишларига ўтказилди.

Иқтисодий ўсишнинг иккинчи босқичи биринчи босқичидан тубдан фарқ қилади. Япония иқтисодиётининг иқтисодий ўсишини режалаштириш режаси «индекатив» характерда бўлиб, у иқтисодий сиёсатни тарғиб этувчи йўлланма ҳисобланади. Уни йўриқнома деб қабул қилиш мақсадга мувофиқ эмас.

Энди иқтисодий ўсишнинг иккинчи босқичи туғрисида батафсил маълумот берамиз.

16.2. Япония иқтисодиётини қайта куриш даврида иқтисодий ўсишни режалаштириш

Иқтисодиётни самарали бошқариш асосида 1947 йил бошидан 1950 йилларгача Япония ҳукумати иқтисодиётни режалаштириш дастурини ишлаб чиқди. Дастурни ишлаб чиқишда Иқтисодиётни барқарорлаштириш кенгаши (ИБК) муҳим ўрин тутди.

Нормалаштириш жараёни. Сиёсий томондан олиб борилган ёрдам натижасида 1946 йилда Иқтисодиётни эркинлаштириш кенгаши (ИЭК) ташкил этилди. Ишлаб чиқариш ва баҳоларни назорат қилишда муҳим ўринни эгаллаган ИЭК йўриқномасида шундай дейилади: ИЭК Пример Министри раҳбарлигида иш олиб бориб, муваққат дастурларни ишлаб чиқишда ҳамда истеъмол товарлари муомаласи, меҳнат, баҳо, молия, савдо ва банкларни қатъийлаштириб, бошқа вазирлик ва агентликлар билан назорат қилиш марказлари орқали муносабат олиб боришни йўлга қўяди.

Нормалаштириш воситаси талаб ва таклифни бошқариш бўйича вақтли қонунлар асосида, белгиланган маҳсулотларни тақсимлаш йўриқномаси бўйича амалга оширилади.

Бир қанча хом ашёлар, жумладан, пўлат ва кўмир ҳам нормалаш тизими маҳсулидир. Вазирлик фойдаланувчиларнинг истеъмолини ҳисобга олиб, ИЭКга истеъмол бўйича маълумотларни тақдим этади. ИЭК эса талаб ва таклифнинг навбатдаги чорак бўйича умумий миқдорини ҳисоблаб, «ҳар бир сектор» ўртасида маълумотларни тақсимлайди. Шунга асосан вазирлик режасини нормалаштириш сертификати бўйича истеъмолчи сонига қараб чорак (квартал) бўйича ишлаб чиқади.

ИЭК шаклланганда Иттифоқ Кучлари Олий Қўмондонидан (ИКОҚ) бу ташкилот муваққат эканлиги, у иқтисодий кризисдан чиқиш учун тузилгани ҳақида гапирган эди. Буни ҳар бир Япон тарафдори тан олади ва ресурслар тақсимотини бошқаланиш мумкинлигини қайд этади.

Ишлаб чиқаришни тез суръатлар билан ўстириш бозорни

катта миқдордаги товарлар билан таъминлаб, талаб ортиқчалиги масалаларини камайтирар эди. Шундай қилиб, ҳокимият томонидан олиб борилаётган назорат секинлик билан бартараф этилди, ИЭК лар эса 1952 йилларга келиб тарқатиб юборилди.

ИЭК томонидан таъминланган иқтисодий ахборотлар. ИЭК аҳолини зарур иқтисодий ахборотлар билан таъминлаш вазифасини ҳам ўз зиммасига олган, иқтисодий статистикани шакллантиришдан, иқтисодий, сиёсий курсларни йўлга қўйишга илмий базис вазифасини ўтаган.

ИЭК ўз мақсадига эришишда уч омилга таянди:

Биринчидан, ўз фаолиятида халқ хўжалигининг ҳақиқий ҳолатига асосланди. Чунончи, бу ҳақдаги асосий ҳисоботда қайд этилишича, иқтисодиётнинг ички ҳолатини ифодаловчи уч сектор: ҳукумат, бизнес ва истеъмолчилар дефицитни ўз ичига олади.

Ҳисобот Япония истиқболини белгиловчилар учун қўнғироқ вазифасини ўтади. Япония иқтисодиётининг ҳақиқий ҳолатларини ифодаловчи бу ҳужжат аҳолини мамлакатда аҳволи яхшилаш чораларини кўриш юзасидан ўртоқлашишга чақирди. Натижалар ўта самарали бўлди. Шу даврдан буён, у йиллик иқтисодий ҳисобот—«Иқтисодий оқ китоб» номи билан ҳар йили нашр қилина бошланди. Кўпчиликнинг диққатини тортган «Иқтисодий оқ китоб» Япония иқтисодиётини ўрганишда муҳим манба ҳисобланади.

Иккинчидан, ИЭК ҳарбий мақсадлар туфайли содир бўлган йўқотишлардан ҳам воқиф этади, 1948-1949 йиллардаги ҳаракатлар натижаларидан хабардор қилади: уч йўналиш — инсон ҳаёти, миллий бойлик ва ишлаб чиқариш қувватлари ҳақида маълумот беради.

Учинчидан, ИЭК иқтисодий статистика маълумотларини йиғиш билан ҳам шуғулланади. 1953 йилда Япония ЯММ ҳақида биринчи ҳисобот тайёрланди. Бу ҳисобот ЯММ бўйича 1946-1951 йилларга оид маълумотларни таҳлил этиш натижа-сида юзага келди.

1948 йилда мамлакатда жон бошига тўғри келган ялпи миллий маҳсулот 100 долларликни ташкил этди. Япония бу бо-рада 70 та илғор мамлакат ўртасида 42 ўринни эгаллади. 1989 йилда жон бошига 23463 долларлик ЯММ тайёрлаган Япония бу кўрсаткич бўйича жаҳонда учинчи ўринни эгаллади. Сиёсий ва иқтисодий сиёсатда ижтимоий ишонч асосий шартлардан бири ҳисобланади. Бундай имкониятга эришиш учун ҳукумат тўғри ва ишончли иқтисодий ахборотлар билан таъминланиши керак. ИЭК бу вазифани бажаришда муҳим ўрин тутади.

16.3. Бозор иқтисодиётида иқтисодий ўсишни режалаштириш

1952 йилда ИЭК тарқатиб юборилди, унинг ўрнида Иқтисодиётни кузатиш агентлиги (ИКА) тузилди. Бу агентлик 1955 йилда Иқтисодиётни режалаштириш агентлиги (ИРА)га айлантиради. Унинг зиммасига узоқ муддатли иқтисодий дастурларни яратиш ҳамда татбиқ этиш вазифаси юклатилди.

Япония иқтисодиётини режалаштиришнинг 1955 йилдан кейинги йўналишлари. 1955 йил декабрь ойида Иқтисодий мустақилликнинг беш йиллик режасида, дастлабки 5 йилликларнинг узоқ муддатли иқтисодий ўсиш режаси қабул қилинди.

Узоқ муддатли иқтисодий ўсиш режаси шу кунларда ҳам амалда бўлиб, у бозор иқтисодиёти мақоми асосида ҳаракат қилаёпти.

Японияда иқтисодий ресурслар тақсимоти асосан бозорда аниқланади. Шунинг учун ҳам иқтисодиётга баъзи ҳолларда ҳукумат аралашади. Иқтисодий ўсишни таҳлил этишда Япония режаси «индикатив режалаштириш» хусусиятига эга, ҳукумат унда иқтисодий ўсишни ифодаловчи йўналишларнигина кўрсатади (ҳар бир кўрсаткични алоҳида таҳлил этмайди).

Иқтисодий ўсишни таъминловчи «Япония режаси» бозор механизмини ривожлантириш учун қўшимча йўриқнома вазифасини ўтайди.

«Иқтисодий мустақилликнинг беш йиллик режаси» да шундай дейилади: бу иқтисодий ўсиш режаси алоҳида шахс ҳамда хусусий компанияларнинг тадбиркорлигига асосланувчи иқтисодий тизимларда амалга оширилади. Бунда, иқтисодий дастурларда кўрсатилганидек, мақсадга эришиш йўлида ҳокимиятлар маълум даражадагина ишлаб чиқариш ва тақсимотни бошқарадилар, бошқариш асосан Япон аҳлининг дунёқараши ва ҳаракатларига асосланиб олиб борилади.

1988 йилда нашр этилган «Иқтисодий бошқаришнинг глобал муаммолари» номи иқтисодий ўсиш дастурида шундай дейилади: Япония иқтисодиёти асосан бозор орқали бошқарилувчи иқтисодиёт бўлиб, ҳеч бир иқтисодий ривожланиш дастури иқтисодиётнинг ҳар бир секторини ҳамда жамият вакилларини таҳлил этиб, мажбурлаб назорат қила олмайди.

Японияда иқтисодий ўсишни режалаштиришда қуйидагилар асосий ўрин тутаяди:

1. Келажакни таҳлил этишга мўлжалланган режа (прогноз) - бу режа асосида иқтисодиёт ривожланиши мумкин ва ривожланиши керак;

2. Асосий иқтисодий йўналиш кўрсаткичларини таҳлил этиш, бошқаришда ўзининг ўрта ва узоқ муддатли иқтисодий сиёсатини олиб боришда, мақсадни кўрсатишда ҳокимият қатнашиб, иқтисодиётни режалаштиради;

3. «Корпоратив ҳамда уй хўжалиги» фаолиятига асосий «директив» йўналишлар беради.

16.3. Иқтисодий режалаштириш борасида Япония танлаган йўл

Япония иқтисодий ривожланиш режаси уч таркибий қисмдан иборат. Биринчи қисм: Иқтисодий сиёсатнинг умумий иқтисодий мақсад ва шартлари умумий тартибда ифодаланadi. Шундан сўнг ҳокимиятнинг иқтисодий сиёсатини батафсил ифодаловчи дастурдаги бажарилувчи кўрсаткичлар акс эттирилган миқдорий прогноз маълумотлари келтирилади. Ҳар бир иқтисодий дастурнинг биринчи қисми узоқ муддатли сиёсатнинг мақсади ҳақида тушунча беради.

Япония ҳукуматининг иккинчи жаҳон урушидан кейинги иқтисодий режаси мақсадга асосланиб, беш категорияни ўз ичига олади (20-жадвал).

Биринчи категория иккинчи жаҳон урушидаги йўқотишларнинг ўрнини тўлдириш ва қайта тиклаш ҳамда хўжалик ҳисобидаги иқтисодиёт ютуқларга эришиш жараёнларидан иборат. «Иқтисодиётни соғломлаштириш режаси» (1949 йилда лойиҳалаштирилган, лекин ҳокимият томонидан очиқ ҳолда қўллаб-қувватланмаган) ва «иқтисодий мустақилликнинг беш йиллик режаси» (1955 й) бу категориянинг ташкил этувчиларидир.

Иккинчи категория, юқори ўсиш суръати ютуқларидан фойдаланувчи дастур асосида фаолият олиб боради. Иқтисодий ўсишнинг янги келажак режаси (1957 й) ва «Миллий даромад (1960 й) режаси (ўстириш)» ҳам шу дастурга киритилган.

Учинчи категория бўйича иқтисодий дастури — «Ижтимоий ривожлантириш ҳамда иқтисодий ўсишни баланслаш» муаммоларини ҳал этади. У давлат миқёсида умуман фаровонликни ошириш вазифасини бажаради. «Иқтисодий ва ижтимоий ривожлантириш режаси» (1967) ҳамда «Асосий иқтисодий ва ижтимоий режа» (1973) дастурлари учинчи категориянинг таркибий қисмларидир.

Тўртинчи категория 1973 - 1979 йиллардаги нефть кризисидан сўнг Японияни қатъий ўсиш йўналишига қайтариш вазифасини бажаради.

Иқтисодий режалаштириш борасида Япония танлаган йўлнинг ўзига хос хусусиятлари

Режанинг номи	Режа даври	Мақсад	Ушбу сурати юқори: истиқболдаги, ластги, ҳақиқатда
1	2	3	4
Иқтисодий мустақилликнинг беш йиллик режаси	1956-60	Иқтисодий мустақиллик Тўлиқ бандлик	4,3 (8,8)
Иқтисодий ўсишдаги янги келажак учун режа	1958-62	Энг юқори даражадаги ўсиш суръати. Миллатлар ҳаётийлик даражасининг ўсиши. Тўлиқ бандлик	6,5 (9,7)
Миллий даромадин режаси	1961-70	Юқорида келтирилганидек Тўлиқ бандлик	6,5 (9,7)
Урта муддатга мўлжалланган иқтисодий ўсиш режаси	1964-68	Баланс дефицитининг баргараф этиши. Тўлиқ бандлик	8,1 (10,1)
Иқтисодий ва иқтисомий ривожланиш режаси	1967-71	Баланслаган ва барқарорлашган иқтисодий ўсиш. Тўлиқ бандлик	8,2 (9,8)
Иқтисодий ва иқтисомий ривожланишнинг янги режаси	1970-75	Барқарорлашган иқтисодий ўсиш. Тўлиқ бандлик	10,6 (5,1)
Асосий иқтисодий ва иқтисомий режа	1973-77	Миллий фаровонликнинг шаклланиши, халқаро ўрдоқлашувнинг шаклланиши. Тўлиқ бандлик	9,4 (3,5)
1970 йилнинг иккинчи ярмидати иқтисодий ўсиш режаси	1976-80	Миллатнинг бой ҳаёти ва иқтисодий қатъий ривожлантириши. Тўлиқ бандлик	6,0 (4,5)
Иқтисодий ва иқтисомий ривожланишнинг янги етти йиллик режаси	1979-85	Иқтисодий ривожланишнинг қатъий йўлга ўтиши, миллат ҳаётининг сифат жиҳатидан бойитиши, халқаро иқтисодий муносабатларини ривожлантиришдаги қўйилма. Тўлиқ бандлик	5,7 (3,9)
1980 йиллардаги иқтисод ва жамият истиқболи ва нормалари	1983-90	Тинч ва қатъий халқаро муносабатларини шакллантириши, иқтисодий ҳама жамиятда ҳаётийликни яратини, миллатнинг бой ва хавфсиз ҳаётини таъминлаш. Тўлиқ бандлик	4,0 (4,5)
Йириклаштириш жараёнида (глобал) иқтисодий бошқариш	1988-92	Балансдаги бирик ташқи дефицитларни вамайтириши, кўп қамроқли ҳаётий даражани ҳамда сифатли ҳаёт даражасини яратини. Тўлиқ бандлик	3 s % (4,0)
Беш йиллик иқтисодий режа: қитъаларро ривожланган ҳаётий даражани таъминлаш	1992-96	Ҳаётнинг сифат даражаларини яхшилаш бўйича ислоҳот, жаҳон ҳамжамиятининг тузиши.. Тўлиқ бандлик	3 S % (1,0)
Таркибий ислоҳотлар бўйича иқтисомий-иқтисодий режа	1995-2000.	Эркин ва таъсирчан иқтисомий соҳа иқтисодий қатъий яратини, гуллаб-яшилган иқтисомий иқтисодий яратини. Тўлиқ бандлик	3,0 (1,3)
Иқтисодий қайта тузилиш учун хос бўлган идеал иқтисомий ва сибий иқтисодий	1999-2010	Турки билсим соҳасини яратувчи жамиятни шакллантириши, Атроф-муҳитни тўла қамраб олиш асосидаги ахсин табакаларини тайёрлаш.	2,0

Япония иқтисодиётининг чет эл нефтига қарамлиги юқори суръатдаги инфляцияга сабаб бўлди. Ҳар бир нефть «ажиротез»дан сўнг эса мамлакат кучли иқтисодий тушқунлик ва тўлов балансида дефицитларни бошидан кечирди. Иқтисодиётдаги йиллик ўсиш суръати 10% дан 4-5% га тушди. Солиқдан келатган даромадлар пасайиши натижасида мамлакат молиявий жиҳатдан ҳам инқирозга юз тутди (давлат харажатлари ҳам ўсди). Бу даврдаги иқтисодий сиёсатнинг асосий мақсади иқтисодни қатъий ўстириш ҳамда давлат бюджетидаги барқарорликни қайта тиклашдан иборат бўлди.

Иқтисодий дастурда 1970 йилнинг иккинчи яримидаги кучли инфляция ва нефть кризисидан сўнг мамлакатни қандай қилиб тушқунлик муҳитидан олиб чиқиш ҳақида кўрсатмалар берилган. «Иқтисодий ва ижтимоий ривожлантиришнинг етти йиллик янги режаси» (1979), иккинчи нефть кризисидан сўнг қайта тиклаш дастурини амалга киритди. Бу дастурда умумий истеъмол солиғидан бюджет камомadini камайтириш учун фойдаланиш керак дейилган эди. Лекин бу янги солиқ бутун жамоатчилик ҳамда Либерал Демократик Партия қаршилигига учради. Либерал Демократик Партия кейинги сайловларда (1979), умумий истеъмол солиғи юзасидан ўз қарашларини баён этди. Шу воқеялардан сўнг ҳокимият ўз тизимини ўзгартириб, солиқларни оширмасдан давлат харажатларини камайтириш ҳисобига бюджет камомadini баргараф этишга киришди. Маъмурият ва молия соҳасидаги ислохотлар «1980 — 1983 йиллардаги иқтисодиёт ва жамият нормативлари ҳамда истикболи» номли дастурларда кўрсатиб берилди.

Бешинчи категория «Глобал соҳадаги иқтисодий бошқариш масалалари» номли халқаро масалаларни ҳал этувчи дастурдан иборат.

21-жадвал

Сиёсий мақсадлардаги ўзгаришлар

	Иқтисодий муваққилликнинг беш йиллик режаси	Иқтисодий ўсишнинг янги нетиқбол режаси	Миллий даромад режаси	Иқтисодий ўсишнинг ғура (оралиқ) муддатдаги режаси	Иқтисодий ва ижтимоий ривожлантиришнинг янги режаси	Иқтисодий ва ижтимоий ривожлантиришнинг янги режаси
Иқтисодий ўсиш	АҚШ ёрдамсиз иқтисодий-муваққиллик	Юқори иқтисодий ўсиш суръати	10 йил давомида ЯММнинг жон бошига тушумини ошириш	Қатъий ўсиш, юқори ўсиш суръатини таъминловчи ноқатъийлик	Баланслаштирилган иқтисодий ўсиш	Тўлов балансини бошқариш асосида баланслашган ўсиш
Бандлик	Устиб борётган аҳолини ялдириш имкониятларини тақлифи	Қишлоқ хўжалиги ва кичик бизнесда ишчи кучи ортиқчаллиги	Кам иш ҳақини баргараф қилиш ва иқтисодий тузилшини кўпайтириш	Ишчи кучидан фойдала ниш самараси	Ишчи кучидан фойдаланиш самараси	

	Иқтисодий мустақилликнинг беш йиллик режаси	Иқтисодий ўсишнинг янги истиқбол режаси	Миллий даромад режаси	Иқтисодий ўсишнинг ўрта (оралиқ) муддатдаги режаси	Иқтисодий ва ижтимоий ривожлантириш режаси	Иқтисодий ва ижтимоий ривожлантиришнинг янги режаси
Турли sanoat тармоқлари	Енгил sanoatдан oqir индустрияга ўтиш, sanoatлаштириш инфра-тузилмани жадаллаштириш, ялпи истеъмолад маҳсулотларини ишлаб чиқаришни ўстириш	Кимё ва oqir sanoatни татбиқ этган ҳолда қучли тармоқ тузилмаларида ишлаб чиқаришни ташкил этиш	Юқори даражадаги қушимча қўйиматни sanoat тармоқларида татбиқ этиш орқали тармоқ тузилмаларида ишлаб чиқаришни ташкил этиш, Тинч океани зонаси агрофирмадаги ҳудудларни ривожлантириш (индустриализациялаш)	Паст меҳнат унумдорлигига эга бўлган секторларни, шу жумладан, қишлоқ хўжалигини, кичик бизнесда товарлар билан таъминлашни яхши йўлга қўйиш. Қучли тармоқ ишлаб чиқариш тузилмаси	Sanoat асосларини қучайтириш асосида воситаларни либераллаштириш бўйича кураш олиб бориш. Маҳаллий технологияларни ривожлантириш	Sanoat тармоқларини юқори қўшилган қиймат ҳамда интенсив ахборот билан таъминлаш. Иқтисодиётни истиқболдаги ахборотлар билан бойитиш
Халқаро истиқодий	Экспортдаги рақобатчиликни жадаллаштириш	Экспортта истиқодлашни	Ривожлантирилган давлатлар билан истиқодий алоқа	Олий даражали халқаро статусе ҳамда очиқ истиқодийга ўтиш. Экспортта истиқодлашни ва импортни эркинлаштириш	Пул операцияларини эркинлаштириш	Халқаро истиқодий жамиятта ҳиссасини қўшиш. Savdonи ривожлантиришда инвестициялар эркинлигини фавқлаштириш
Ижтимоий жамият	Истеъмолни чегаралаш ҳамда жамғармани ўстириш	Қасадлик ва камбағалликни тугатиш. Кам даромад бўлсада оқладаги қатъий ҳаётни таъминлаш	Ижтимоий таъминот тузилмаларини татбиқ этиш. Софат ва миқдорий муносабатларда юқори истеъмолад даражасини таъминлаш	Ижтимоий патронез тузилмаларини татбиқ этиш. ерга баҳони қатъийлаштириш	Ижтимоий ривожлантиришга таъсир этиш	Юқори нафақа таъминини ташкил этиб, истеъмоладчиларни ҳимоялаш
	Иқтисодий мустақилликни беш йиллик режаси	Иқтисодий ўсишнинг янги Истикбол режаси	Миллий даромадни иккилаштириш режаси	Иқтисодий ўсишнинг ўрта (оралиқ) муддатдаги режаси	Иқтисодий ва ижтимоий ривожлантириш режаси	Иқтисодий ва ижтимоий ривожлантиришнинг янги режаси
Бошқалар		Атом sanoatини ривожлантириш бўйича иқтисодий статистик маълумотлари	Қаттиқ энергиядан суяқ энергияга ўтиш. Атроф муҳитни инфосланштиришга қарши кураш. Ижтимоий инвестициялар орқали қайта таъсир этиш	Энергия ташувчилар билан арзон ва қатъий таъминот ўрнаттиш. Davлат қимматбаҳо қоғоқларини ишлаб чиқаришмагенти	Қатъий бюджет ҳолати ютуқлари. Цикл асосида тебраниб турадиган молиявий ноқатъийликни камайитириш	Қучли бюджетга қарши циклик жарабн

	Иқтисодий мувақил-ликнинг беш йиллик режаси	Иқтисодий ўсишнинг янги истиқбол режаси	Миллий даромад режаси	Иқтисодий ўсишнинг ўрта (оралиқ) муддатдаги режаси	Иқтисодий ва ижтимоий ривожлан-тириш режаси	Иқтисодий ва ижтимоий ривожлан-тиришнинг янги режаси
	Асосий иқтисодий ва ижтимоий режа	1970-йилларнинг 2-ярмидаги иқтисодий ўсиш режаси	Иқтисодий ва ижтимоий ривожлан-тиришнинг янги 7 йиллик режаси	1980 йиллардаги иқтисодиёт ва жамиятнинг нормативлари ва истиқболлари	Глобал соҳадаги иқтисодий бошқариш	
Бош-қалар	Энергия ташувчилар ва атроф-муҳит тўғрисида бўлган ўсиш суръатидagi чегараларни тутатиш	Иқтисодий таъминотни амалга ошириш. Энергия ташувчи ва ресурсларнинг қатъий ҳолда етказиб бериш	Умумий истеъмол соҳасини жорий қилиш. 7 йил давомида маъмуриятнинг облигациялар натижасида юз берадиган камомадни тутатиш	Давлат бошқаруви ва молиялаш-тириш тизимини қайта кўриб чиқиш. 8 йил мобайнида облигациялар натижасида юз берадиган камомадни тутатиш	Маъмурият соҳасида ислохотлар ўтказиш. Ҳар хил чеклашларни олиб ташлаш. Токиодан ташқарида ишлаб чиқариш хўжалиқла-рини жойлаштириш	

16.3.2. Япониянинг 1955 йилдан кейинги иқтисодий ривожланиш режасининг асосий хусусиятлари

Япониянинг иқтисодий ўсиш режасида ҳокимият миллий иқтисодиётнинг узоқ муддатли истиқболни кўзлаш нуқтаи назаридан қандай бошқариши кераклиги тўғрисида кўрсатмалар берилади. Дастурда ёзилишича, иқтисодий сиёсат ҳокимият томонидан алоҳида қўлланилиши мумкин бўлган ҳаракат бўлиб, бунда барча дастурлар Вазирлар Маҳкамаси томонидан, сўзсиз, қабул қилинади.

Япония ҳокимиятининг сиёсатдаги мақсадлари вақт ўтиши билан аста-секин ўзгарди: узоқ муддатли фаолият давомида иқтисодий ва ижтимоий ўзгаришларга мослашиб борди.

Мамлакат иқтисодий ўсиш масаласидан халқаро ҳамкорлик ва халқ фаровонлигини ошириш масалалари билан шуғулланишга ўтди. Иқтисодий дастурда фаровонлик, атроф-муҳитни ифлослантиришнинг олдини олиш масалалари ўз ифодасини топди.

Тармоқ ишлаб чиқариш тузилмаларидаги узоқ муддатли ўзгаришлар, хусусан, ишлаб чиқариш тузилмалардаги ўзгаришлар, чунончи, кимё саноати, оғир саноат, саноатнинг бошқа тармоқларига асосланган ишлаб чиқариш тузилмаларида эса фаол билмини ўзлаштириш, юқори қўшилган қиймат кўрсаткичлари таҳлил этилади. Кейинги жадал маълумотларида ишлаб чиқариш тузилмасидаги лойиҳалаштирилаётган маълумотлар ҳақиқий натижалар билан таққосланиб таҳлил этилади. «Миллий даромадни иккилантириш режаси»да (1960 й.) оғир саноат ва кимё саноати учун юқори даражадаги ўсиш суръатлари лойиҳа-

лаштирилган. Бу режада кимё саноати ва оғир саноат тармоқларида ўртача йиллик ўсиш режаси 1959-1970 йилларда 13,2% ни ташкил этгани, бу эса умумий ишлаб чиқариш учун сарфлардан 11,3% кўплиги ҳақида изоҳ берилган.

Тегишли давр давомида ишлаб чиқаришда ҳақиқий ўсиш суръати 14,8% ни, кимё саноати ва оғир саноатда 18,3% ни ташкил этган. Бу ўринда эслатиб ўтиш керакки, оғир ва кимё саноатининг истиқболдаги ўсиш суръатлари тўғри кўрсатилган бўлсада, ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръати дастурда камайтириб кўрсатилган эди.

Чунончи, иқтисодий ўсиш режасида 1970 йилларнинг 2-ярмида саноатда меҳнат унумдорлиги ўсиши янги технологияларни актив ўзлаштиришдан иборат бўлди, дейилса, дастурда ўртача истиқболдаги ўсиш суръати 7,8% ни, умумий саноат ишлаб чиқариши ҳамда машинасозлик саноати ишлаб чиқаришида 10,7% ни ташкил этади, дейилади. Ҳақиқатда эса, шу даврда умумий ишлаб чиқариш ҳажми 4,6%, машинасозлик ишлаб чиқариши 9,3% га ўсди.

22-жадвал

Миллий даромад ишлаб чиқаришни иккилантириш режаси.
Ишлаб чиқариш тизими натижалари ҳамда лойиҳалаштириш.
(1959-70 йиллардаги ўртача йиллик ўсиш суръати, %)

	Лойиҳалаштирилган	Ҳақиқатда
Ишлаб чиқариш	11,3	14,8
Оғир ва кимё саноати	13,2	18,3
Темир ва пўлат	10,4	16,8
Рангли металл	9,1	14,6
Машиналар	14,6	,8
Кимё маҳсулотлари (буюмлари)	11,9	15,1
Нефть ва кўмир маҳсулотлари (буюмлари)	11,9	18,5
Енгил саноат ва бошқалар	7,4	9,6
Керамика, тошдан тайёрланган буюмлар, лойдан тайёрланган буюмлар	9,9	12,3
Резина маҳсулотлари (буюмлари)	10,4	11,5
Чарм маҳсулотлари	5,3	10,8
Целлюлоза ва қоғоз маҳсулотлари	7,1	12,1
Ёғоч ва ёғоч маҳсулотлари	3,4	9,1
Озиқ-овқат маҳсулотлари	5,9	5,5
Тамаки маҳсулотлари	3,2	8,3

Изоҳ: лойиҳалаштириш бўйича кўрсаткичлар 1955 йил баҳолари, ҳақиқатда эришилган натижаларга онд кўрсаткичлар 1970 йил маълумотлари асосида тайёрланган. (Манба: Бошқарини ва Координациялаш Агентлиги: Япониянинг киним ва чиқимга асосланган маълумотлари, 1991 йил).

16.3.3. Дастурда акс эттирилган иқтисодий лойиҳалар

Япониянинг иқтисодий ўсиш режасида иқтисодиётнинг узоқ муддатга мўлжалланган зарурий лойиҳалари ҳам мужассамлашган. Иқтисодий ўсишнинг 1950-1960 йилларга мўлжалланган режаси алоҳида-алоҳида бўлган кўп лойиҳалардан ташкил топган эди. Биринчи марта эълон қилинган иқтисодий ўсиш режасида — «Иқтисодий мустақилликнинг беш йиллик режаси» (1955) ЯММ ва унинг элементларидан ташкил топган бўлиб, истиқболдан, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши, саноатдаги бандлик, миллий бюджет ҳамда саноат учун фойдаланиладиган фонд қисмларини мужассамлаштиради.

1960 йилда қабул қилинган «Миллий даромадни иккилантириш режаси» демография истиқболи, ЯММ ишлаб чиқариш компонентлари ва талаб, саноатда бандликнинг таркиби, жамғарма ва инвестициялар ўртасидаги баланс, бюджет даромад ва харажатлари, меҳнат унумдорлиги ва тўлов баланси қисмларидан ташкил топган.

Иқтисодни режалаштиришдан асосий мақсад ишлаб чиқариш фаолияти учун асос яратиш юқори даражадаги иқтисодий ўсишга эришишдан иборат.

1970 йиллардан иқтисодий ўсиш режасидаги лойиҳалар миқдор жиҳатидан камайиб борди. «Иқтисодий ва ижтимоий, ривожланишнинг янги 7-йиллик режаси» (1979 й.) бир қанча лойиҳаларни, яъни: ЯММ га талаб ва даромад, давлат молияси кўрсаткичларини ўз ичига олади. 1983 йилда қабул қилинган «1980 йилларда жамият ва иқтисод нормативлари ва истиқболи» номли лойиҳалардан ЯММнинг ўсиши, ишсизлик, инфляция даражаси кўрсаткичлари ўрин олган эди. Лойиҳа маълум шароитларда қўлланилиши мумкин бўлган ҳолатларни кўзда тутади.

«Глобал соҳа бўйича иқтисодиётни бошқариш режаси»да кичик лойиҳаларни тузишда ривожланишнинг бир қанча кичик сабаблар мавжуд:

Биринчидан, режалаштириш мақсади иқтисодий ўсишдан келиб чиқиб, ижтимоий масалаларни таҳлил этади.

Иккинчидан, иқтисодий муҳит туфайли иқтисодий истиқболни кўрсатиш бирмунча қийинлашди, халқаро муносабатдаги ўлчов бирликлари бўлими, нефть баҳоси, валюта курси кўрсаткичлари тебраниб турибди.

Учинчидан, ҳокимият иқтисодий истиқболни ифодаловчи алоҳида кўрсаткичларни кўрсата олмайди, бу кўрсаткичлар дастур билан бир хил кўринишда тузилган бўлиши керак.

1980 йилги (1983) «Иқтисодиёт ва жамият нормативлари ва истиқболи режаси» да олдинги давр талабига асосланиб, иқтисодий ўсишни амалга ошириш, ташқи баланс камомадини корриктировка қилиш, молиявий камомадни бартараф этиш мақсадида давлат обли-

гацияларини чиқаришдан халос бўлишни ҳокимият ўз олдига вази-
фа қилиб қўйган эди. Шу билан бирга, ҳокимият бу мақсадга эри-
шишда барча лойиҳаларнинг бажарилишига кўзи етмасди.

16.3.4. Ҳақиқий иқтисодиёт ҳамда иқтисодий ўсиш дастури

Иқтисодий ҳолатларни аниқлаш, баъзи иқтисодий мақсад-
ларга эришиш учун ҳокимият ва савдо фаолияти ўзаро ҳам-
корликда иш олиб боради, иқтисодий ўсишнинг режаси инсти-
туционал тузилишга эга бўлиб, ўзаро ҳамкорликни мақсадга
мувофиқ деб топган. Лекин тадқиқотчиларнинг фикрига кўра,
иқтисодиётга режалаштириш мақсадга қараганда кам даража-
да таъсир қилаётган эди.

Таажжубланарлиси шунда эдики, иқтисодиёт иқтисодий
лойиҳаларда кўрсатилганидек ишламаётганди. Талаб ва так-
лиф эса, бозордаги истеъмолчи ҳамда ишлаб чиқарувчиларнинг
муносабатига қараб ўрнатилаётган эди. Ҳисобга олинмаган
иқтисодий ўзгаришлар иқтисодиётга ўз таъсирини ўтказаётган-
ди. Шу ҳолатлардан келиб чиқиб, айтиш мумкинки, иқтисодий
режалаштиришда кўрсатилган иқтисодий лойиҳалар ҳақиқат-
даги иқтисодий кўрсаткичлар билан мувофиқ келмаётган эди.

Иқтисодий дастурлардаги мароиқтисодий лойиҳалар хусусий
сектор учун норматив вазифасини ўтайди. Бунда ҳокимият дастурда
кўрсатилган иқтисодий сиёсатни амалга оширишда жавобгар ҳисоб-
ланади. Лекин, бу доим ҳам амалга ошавермасди. Бу эса, Япония
иқтисодий лойиҳасида «декорация» сифатида кўрсатилади, деган фикрни
қувватлайди. Режалаштирилган иқтисодий сиёсат амалга оширили-
шини қийинлаштираётган бир қанча муаммолар мавжуд эди.

Биринчидан, иқтисодий лойиҳани амалга ошириш учун
марказдан туриб бошқаришнинг йўқлиги. Лойиҳани яратишда
Иқтисодиётни режалаштириш агентлиги марказий ўринни эгал-
ласа ҳам уни, бажариш ҳар бир жавобгар вазирлик ёки агент-
лик зиммасига юклатилган. Иқтисодиётни режалаштириш аген-
тлиги вазирликларни иқтисодий ўсиш дастурида кўрсатилгани-
дек, иқтисодий сиёсат олиб бориш учун мажбур қила олмайди.

Иккинчидан, бюджет тизими узоқ муддатли иқтисодиётни ре-
жалаштиришда кўрсатилган лойиҳаларга бўйсинмайди. Шу билан
бирга ҳар йили бюджет Парламент томонидан тасдиқланади.

Бюджетда чекланишлар мавжудлиги туфайли узоқ муд-
датли давлат капитал қўйилмаларини режалаштиришнинг иқти-
содий лойиҳасининг ҳаётга татбиқ этилиши кафолатланмаган
бўлса-да, харажатлар бўйича ҳокимият мажбуриятлари йилда
бир марта ҳисобга олиб турилади.

Ҳақиқий ҳамда лойиҳалаштирилган иқтисодий кўрсаткичларни таққослаш

Лойиҳаланган нома	Режали таърих- лайҳан вазирлик- лар ҳамда режа нашр қилинган оғзи	Фискал Йилдаги режали давр	Режа бўйича лойиҳалаш ва ҳақиқий кўрсаткичлар			
			ЯММни ўртача Йиллик ўсми суръати фоизи	Охириги таърихот Йилдаги кисита-лик даража-си	Истеъмо сарфларининг ўртача йиллик ўсиши	Охириги таърихот Йилдаги ташқи тўлов баланси (100 млн. АҚШ \$)
Иқтисодий мустақиллик нинг беш Йиллик режаси	1955 декабрь Хатолма	1956-60	4,9 9,1	1,0 1,5	- 1,8	0 - 0,1
Иқтисодий ўсмишнинг лиги истиқбол режаси	1957 декабрь Бикии	1958-62	6,5 10,0	- 1,8	- 8,4	1,8 - 0,2
Миллий даромадни кўпайтири- шиш режаси	1960 декабрь Ижеда	1961-70	7,8 10,8	- 1,2	- 5,7	1,8 23,5
Иқтисодий ўсмишнинг ўрта муҳтадаш режаси	1965 январь Саго	1964-68	8,1 10,4	- 1,1	Тахминан 2,5 3,0	0 14,7
Иқтисодий ва социал ривож- лантириш режаси	1967 март, Саго	1967-71	8,2 10,1	- 1,8	Тахминан 3 5,7	14,5 63,2
Иқтисодий ва иқтисодий ривож- лантириш нинг лиги режаси	1970 апрель Саго	1970-75	10,8 5,1	- 1,9	4,4 11,1	8,5 1,8
Асосий иқтисодий ва иқтисодий режа	1978 февраль Танена	1978-77	9,4 8,5	- 2,1	4% даражасида 12,9	59 140,0
1970 йилнинг 2-ярми даги иқтисодий ўсмиш режаси	1976 май, Микии	1976-80	6 дан кўпри 4,9	1,3% даража- сида 2,1	6% даражасида 6,4	Тахминан 40 - 70,1
Иқтисодий ва иқтисодий ўсмишнинг лиги 7 Йиллик режаси	1979 август, Охира	1979-83	5,7 4,1	Тахми- нан 5,7 2,6	Тахминан 5 3,8	Ҳисобдаги асосий қолдиқлар бўйича ҳисоб 550
1980 йиллар- даги иқтисо- дий ва маънавият сари- тивлари ҳақида истиқбол	1983 август, Наксоне	1983-80	44,5 (фис- кал йул бўйича 1983- 89)	Тахминан 22,2 (фискал йул бўйича 1989)	Тахминан 31,4 (фискал йул бўйича 1983-89)	Ҳақон стандарт- ларида мос келувчи баланс қолдиқи
«Гласбал муҳтада иқтисодий бошқариш»	1988 май, Танешита	1988-92	Тахминан 8,75 5,2 (фискал йул бўйича	Тахминан 2,5 2,2 (фискал	Тахминан 1,5 1,8 (фискал йул бўйича 1988-89)	

Изоҳ: Ҳақиқий ЯММ нинг ўртача йиллик ўсиш суръати халқ хўжалиги баланси тизими маълумотларидан олинган. Катак юқорисидаги маълумотлар-истиқбол кўрсаткичлари: катак пастисидаги маълумотлар ҳақиқатдаги кўрсаткичлар. (Манба: (Иқтисодий режалаштириш агентлиги) Япониянинг иқтисодий ўсишини режалаштириш).

16.3.5. Япония иқтисодий режасининг эгилувчанлиги

Бозор иқтисодиётида узоқ муддатли иқтисодий ўсиш маълум қонуният асосида кечади. Бир томондан, олиб борилаётган ҳаракатлар асосида мақсад амалга оширилади. Лекин бир-бирини тақозо этадиган жаҳон иқтисодиёти, узоқ муддатли иқтисодий ўсишни таъминлаши мумкин эмас. Ижтимоий ва иқтисодий муҳитда юз бераётган ўзгаришлар туфайли сиёсий мақсадларни қайта кўриб чиқиш керак бўлади.

Япониянинг иқтисодий ўсиш дастури 5-10 йиллик муддатни ўз ичига олади. Бу дастурнинг ўртача даври 6,6 йилни ташкил этади. Лекин, ҳеч бир дастур ўз вақтида яқунланган эмас. Япония ҳукумати 36 йилдан ортиқроқ муддатни қамраб олувчи 11 хил иқтисодий дастурни қабул қилган.

Баъзи танқидчиларнинг фикрига қараганда, иқтисодий режада кўрсатилганидек, иқтисодий дастурни амалга ошириш учун ҳокимият етарли қатъийлик билан иш олиб бормади. Бизни фикримизча, Япония иқтисодий режасида тез-тез юз бераётган ўзгаришлар Япония режасининг ҳар томонлама мослашувчан эканлигидан далолат беради. Япония ҳукуматининг иқтисодий дастурлар ижроси мажбурий бўлиб, улар тегишли мақсадларга эришиш ҳамда эришилган натижалар оралиғидаги бўшлиқларни тўлдириш учун хизмат қилади.

16.4. Япония иқтисодиётида иқтисодий ўсишни режалаштириш

Иқтисодий ўсишни режалаштириш Япония иқтисодиётида қандай ўрин тутади? Иқтисодий режалаштиришда асосий масалаларни ўрганиш Иқтисодий қўмитасининг 1965 йилги ҳисоботида (Казуш Окева раислигида) иқтисодий режалаштириш бўйича 3 муҳим масала кўрсатиб ўтилди.

1-масала иқтисодий истиқболни белгилаб берувчи таълим ва ахборотлаш масалаларидир.

Иқтисодий дастурда, ҳокимият иқтисодиётнинг истиқболи ҳақида қисқача шарҳ беради, бу шарҳ иқтисодий сиёсат йўналиши билан мос келади. Хусусий компаниялар эса шунга асос-

ланиб, ўзларининг узоқ муддатли дастурларини ишлаб чиқишлари мумкин. Япония хусусий компаниялари ҳокимиятнинг узоқ муддатли лойиҳаларига ишонадилар ва шу асосда ўзларининг узоқ муддатли лойиҳаларини ишлаб чиқадиладар. Бу ҳолатни ҳукумат ва хусусий компаниялар ўртасидаги яқин алоқа натижаси деб тушуниш керак. Бу ҳолат шу мақсадда содир бўлар эдики, ҳокимият бизнес режада қатнашишга ҳаракат қилади, бунда натижавий лойиҳалар хусусий корхоналар ўртасидаги келишув муҳокама қилинади.

Иқтисодий дастурни лойиҳалаш бўйича ўсиш суръатлари адаптация шаклидаги кутиш режалари кўрсаткичлари билан мос келади. Бошқача айтганда, кузатишлардаги маҳаллий кутиш хусусий ҳолда олдинги кутиш билан ҳақиқатдаги натижалар ўртасидаги фарқдан иборат бўлади. Масалан, агар эришилган натижавий кўрсаткичлар билан истиқболдаги ўсиш суръати рақамларини таққослайдиган бўлсак, истиқболдаги ўсиш суръатлари истиқболнинг режалаштирилаётган ўсиш кўрсаткичлари билан ҳақиқатдаги натижавий кўрсаткичлар оралиғида жойлашади. Янада аниқроқ айтадиган бўлсак, ҳақиқатдаги натижавий кўрсаткичлар истиқбол кўрсаткичларидан юқори бўлса, унда кейинги истиқболдаги ўсиш суръати ўзидан олдинги йилнинг истиқболдаги суръатидан юқори, лекин кейинги йил ҳақиқий кўрсаткичидан паст бўлади. 1980 йилда икки лойиҳа қабул қилинган бўлиб, бу лойиҳалар ўсиш кўрсаткичларига эга эди. Улар юқорида келтирилган гипотезалар билан мос бўлмай, ҳақиқий кўрсаткичлардан паст эди. Буни қуйидаги сабаблар асосида изоҳлаш мумкин:

- умумий манфаатлари ижтимоий масалаларни ҳал қилиш давомидаги иқтисодий ўсиш асосига қурилган;

- давлат харажатларига бўлган талабни рағбатлантирувчи оптимистик руҳдаги ўсиш истиқболи режасини иқтисодиётга татбиқ этишнинг ҳокимият томонидан рад этилиши билан боғлиқ масалани ҳал қилишга;

- иқтисодиётдаги ўсиш суръати ташқи силкиниш, масалан, иена курсининг ўсиши ҳамда икки нефть кризиси сабабли содир бўлади, деган тушунчага ишонар эдилар.

Иқтисодий режалашдаги йўналиш ташқи сиёсатни шакллантиришга қаратилган. Ҳар бир режа ҳокимият томонидан бажариладиган харажатлар дастуридан ташкил топган эди. Шундай экан, режа маъмуриятнинг узоқ муддатли мақсадини ифода этади.

Иқтисодий режалаштиришда фойдалиликни аниқлайдиган икки услуб мавжуд. Уларнинг биринчиси, иқтисодий ўсишни

режалаштириш натижаларидан фойдаланишга қандай баҳо бериш ҳамда иқтисодий натижаларга диққатни қаратишдан, бошқа йўналиши эса, иқтисодий дастурларни яратиш жараёнига узлуксиз баҳо беришдан иборат. Иқтисодчиларнинг фикрича, Япониянинг иқтисодий режалаштириш лойиҳаси иқтисодий дастурни ишлаб чиқиш ва шакллантиришда муайян аҳамият касб этади. Режалаштириш жараёни ёрдамида, барча иқтисодий секторлар, давлат, секторлари, шунингдек, хусусий секторлари халқ хўжалиги соҳаси бўлиб, бу жараёнлардаги ахборотлардан фойдаланиш ҳуқуқига эга.

Қисқача хулосалар

Япония иқтисодиётини қайта қуриш даврида иқтисодий ўсишни режалаштириш дастури ишлаб чиқилди ва шу асосда фаолият юритилди. Бу Япониянинг иккинчи жаҳон урушидан кейинги ривожига ўзига хос таъсир кўрсатди.

Япония иқтисодиётини режалаштириш дастури бир қанча йўналишлар бўйича ишлаб чиқилди.

Япония иқтисодиётидаги иқтисодий ўсишни режалаштириш мақсадида энг муҳим уч масалага (таълим ва ахборотлаш; оптимистик руҳдаги ўсиш режаси иқтисодиётга татбиқ қилинишини ҳокимият томонидан рад этиш; иқтисодиётдаги силкиниш натижасининг иқтисодий ўсишга таъсири) алоҳида эътибор берилди.

Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Япония иқтисодий ривожланишини (ўсишини) режалаштириш қандай аҳамиятга эга?

2. Япониянинг II жаҳон урушидан кейинги ривожига иқтисодий ўсишни режалаштириш қандай таъсири кўрсатади?

3. Японияда иқтисодий ўсишни режалаштириш тажрибаси иқтисодиётни марказдан режалаштириш билан маълум муносабатга эгами?

4. Япония иқтисодиётини қайта қуриш даврида иқтисодий ўсишни режалаштириш қандай ўрин тутади?

5. Нормалаштириш жараёни нималарга асосланади?

6. 1955 йилдан кейинги иқтисодий ривожланиш режасининг асосий хусусиятлари намада?

7. Дастурда акс этирилган иқтисодий лойиҳалар нималарни кўзда тутади?

8. Япония иқтисодиётидаги иқтисодий ўсишни режалаштириш.

9. Япония иқтисодий режалаштириш давомида қандай масалаларга эътибор қаратилган?

Асосий адабиётлар

1. Р.И. Хасбулатов. Мировая экономика. — М.: «ИНСАН», 1994.
2. И.М.Осадчая, К.Б.Козлова и др. Государство и экономика развитых капиталистических стран в 70-х годах. — М., «Наука», 1989.
3. А.Расулев, А.Бедринцев, А.Акилов. Узбекистан: внешне-экономическая деятельность и интеграция в мировая хозяйство, — Т.: «Узбекистан», 1996.
4. А.Э.Ишмухамедов, Л.И.Шибаршова, «Экономическая интеграция в мировое хозяйство» Тексты лекций. — Т.: ТГЭУ, 2000.
5. П.Р.Кругман, М. Обстфельд. Международная экономика. Теория и политика. — М.: МГУ, 1997.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. И.А. Каримов. Иқтисодий ислохотлар ҳақида. Олий Мажлис XIV сессиясидаги маъруза. — Т.: «Ўзбекистон», 1999.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсагасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. — Т.: «Ўзбекистон», 1997.
3. И.А. Каримов. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. — Т.: «Ўзбекистон», 1995.
4. Макроэкономические проблемы переходного периода в Узбекистане. Проблемы исследования в экономике, — Т.: 1998.
5. Экономические обозрение. Центр экономических исследований ПРООН. — Т.: 1998-1999.
6. П.Р.Кругман, М.Обстфельд. Международная экономика. Теория и политика. — М.: МГУ, 1997.
7. Теория переходной экономики. Том 1,2. Макроэкономика. Учебное пособие (под ред. Е.В.Красикова).— М. ТЕИС, 1998.
8. Экономика переходного периода. Очерки экономической политики посткоммунистической России (1991-1997). — Институт экономики переходного периода, 1998.
9. Р.И.Хасбулатов. Мировая экономика, — М.: ИНСАН, 1994.
10. И.М.Осадчая, К.Б.Козлова и др. Государство и экономика развитых капиталистических стран в 70-х годах. М., «Наука», 1989.
11. А.Расулев, А.Бедринцев, А.Акилов. Узбекистан: Внешнеэкономическая деятельность и интеграция в мировое хозяйство, — Т.: Узбекистан, 1996.
12. Н.Грегори Мэнкью. Макроэкономика. Под ред. Р.Г.Емцов, И.М.Албегова, Т.Г.Леонова), — М.: МГУ, 1994.
13. Джеффри Сакс. Рыночная экономика и Россия. — М.: Экономика, 1994.
14. Украинский путь к рыночной экономике, 1991-1995/Под ред. — М.: Домбровский и Р.Антчака, Варшава, CASE,1996.
15. Второй год экономических реформ в России. Уроки для Польши и Восточной Европы/Под ред. М.Домбровский и П. Казаржевский, Варшава, CASE,1994.
16. Клас. Эклунд. Эффективная экономика. Шведская модель, — М.: Экономика, 1991.
17. Налогово-бюджетная политика в странах с экономикой переходного периода/Под ред. Вито Танзи, МВФ, Вашингтон,1993.
18. Кен Ховард, Галина Журавлева. Принципы экономики свободной рыночной системы, — М.: Златоуст, 1995.
19. Сергей Мацицин, Ирина Синцина. Банковская система и финансовый рынок России в 1994-1995гг./Под ред. М. Домбровского,

Варшава, CASE, 1995.

20. Юрий Чайкин. Финансовый рынок республики Беларусь. Варшава, CASE, 1996.

21. П.Х.Линдерт. Экономика мирохозяйственных связей. – М.: «Прогресс», 1992.

22. Питерц Браунин. Современные экономические теории – буржуазные концепции, – М.: Экономика.

23. С.В.Чепель. Устойчивый экономический рост в Узбекистане – задачи, проблемы, механизмы. Экономическое обозрение, 3 1990.

24. Экономика переходного периода /Под ред. В.В.Радаев, А.В. Бузгалин. – М.: МГУ, 1995.

МУНДАРИЖА

КИРИШ.....	5
------------	---

I боб. РИВОЖЛАНГАН ДАВЛАТЛАРНИНГ XX АСР ИККИНЧИ ЯРИМИДАГИ МАКРОИҚТИСОДИЙ МУАММОЛАРИ.....	8
--	---

1.1. Иқтисодий циклар ва иқтисодий ўсиш.....	8
1.2. Халқаро меҳнат бозори. Ишчи кучининг халқаро миграцияси ва унга таъсир этувчи омиллар.....	13
1.3. Ташқи меҳнат миграциясининг ташкилий-ҳуқуқий асослари... ..	23
1.4. XX асрнинг иккинчи яримидаги инфляция муаммоси.....	25
Қисқача хулосалар.....	29
Назорат ва муҳокама учун саволлар.....	29
Асосий адабиётлар.....	29

II боб. МАКРОИҚТИСОДИЙ СИЁСАТЛАР АСОСИДА ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАР ИҚТИСОДИЁТИНИ ТАРТИБГА СОЛИШ.....	30
--	----

2.1. Бюджет-солиқ сиёсати асосида тартибга солиш.....	30
2.2. Пул-кредит сиёсати асосида тартибга солиш.....	34
2.3. Валюта курси сиёсати асосида тартибга солиш.....	42
2.4. Халқаро савдо сиёсати асосида тартибга солиш.....	50
Қисқача хулосалар.....	61
Назорат ва муҳокама учун саволлар.....	61
Асосий адабиётлар.....	61

III боб. РИВОЖЛАНГАН МАМЛАКАТЛАРДА МАКРОИҚТИСОДИЙ ТАРТИБГА СОЛИШ.....	62
---	----

3.1. Тартибга солиш эволюцияси.....	62
3.2. Ривожланган мамлакатларда макроиқтисодиётни режали тартибга солиш.....	66
3.3. Ғарбий Европа мамлакатларида режалаштириш тизимлари... ..	69
3.4. Буюк Британия ва Франция иқтисодиёти.....	70
Қисқача хулосалар.....	78
Назорат ва муҳокама учун саволлар.....	78
Асосий адабиётлар.....	78

IV боб. ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАР ИҚТИСОДИЁТИНИ ТАРТИБГА СОЛИШДА ХАЛҚАРО ВАЛЮТА-МОЛИЯ ТАШКИЛОТЛАРИ... ..	79
--	----

4.1. Халқаро валюта-молия ташкилотлари: мақсадлари ва хусусият-	
---	--

лари.....	79
4.2. Умулжаҳон банки фаолиятининг умумий тавсифи.....	80
4.3. Халқаро валюта-молия ташкилотларининг ўзаро алоқалари....	85
4.4. Европа Валюта Иттифоқи.....	87
Қисқача хулосалар.....	90
Назорат ва муҳокама учун саволлар.....	90
Асосий адабиётлар.....	90

V боб. РИВОЖЛАНГАН МАМЛАКАТЛАР ИҚТИСОДИЁТИДА КАПИТАЛНИНГ ХАЛҚАРО ҲАРАКАТИ..... 91

5.1 Капитал ҳаракатининг моҳияти ва унинг юзага келиш шарт-шароитлари.....	91
5.2. Халқаро кредитнинг асосий турлари ва уларнинг тавсифи.....	94
5.3. Халқаро ссуда капитали бозори.....	99
Қисқача хулосалар.....	103
Назорат ва муҳокама учун саволлар.....	103
Асосий адабиётлар.....	103

VI боб. ЯНГИ САНОАТЛАШГАН ДАВЛАТЛАР ИҚТИСОДИЁТИНИ ТАРТИБГА СОЛИШ..... 104

6.1. Янги саноатлашган давлатларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожини.....	104
6.2. Шарқий Осиё давлатлари саноатлашишининг афзалликлари... 105	105
6.3. Жанубий Корея, Тайван, Таиланд, Малайзия, Филиппин, Индонезия мамлакатларининг асосий иқтисодий кўрсаткичлари.....	109
Қисқача хулосалар.....	117
Назорат ва муҳокама учун саволлар.....	117
Асосий адабиётлар.....	117

VII боб. ШИМОЛИЙ АФРИКА ВА ЯҚИН ШАРҚ МАМЛАКАТЛАРИ ИҚТИСОДИЁТИНИ ТАРТИБГА СОЛИШ..... 118

7.1. Минтақанинг умумий тавсифи ва жаҳон иқтисодиётида тугган ўрни.....	118
7.2. Ривожланишнинг демографик омили.....	120
7.3. Ривожланишнинг табиий омиллари.....	121
7.4. Иқтисодиётнинг тармоқ тузилмаси.....	123
7.5.Ташқи иқтисодий алоқалар.....	126
Қисқача хулосалар.....	129
Назорат ва муҳокама учун саволлар.....	129
Асосий адабиётлар.....	129

**VIII боб. ФОРС КЎРФАЗИ МАМЛАКАТЛАРИНИНГ НЕФТЬ БО-
ЗОРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДАГИ ВА ТАРТИБГА СОЛИШДА-
ГИ ЗАМОНАВИЙ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ..... 130**

- 8.1. Форс кўрфази мамлакатларининг нефть борасидаги сиёсати... 130
8.2. Форс кўрфази мамлакатларининг жаҳон нефть бозорида тугган ўрни..... 137
Қисқача хулосалар..... 145
Назорат ва муҳокама учун саволлар..... 145
Асосий адабиётлар..... 145

**IX боб. ТУРКИЯ ИҚТИСОДИЁТИНИ МАКРОИҚТИСОДИЙ ТАР-
ТИБГА СОЛИШ..... 146**

- 9.1. Туркия ижтимоий-иқтисодий ривожланишида давлат бошқару-
вининг ўзига хос хусусиятлари..... 146
9.2. Туркия иқтисодий сиёсатининг асосий стратегик йўналишлари... 150
9.3. Туркиянинг Европа мамлакатлари билан иқтисодий интеграция-
си..... 152
Қисқача хулосалар..... 158
Назорат ва муҳокама учун саволлар..... 158
Асосий адабиётлар..... 158

**X боб. ЎТИШ ДАВРИ ИҚТИСОДИЁТИНИ БОШИДАН КЕЧИРА-
ЁТГАН МАМЛАКАТЛАРНИ МАКРОИҚТИСОДИЙ ТАРТИБГА
СОЛИШ..... 159**

- 10.1. Ўтиш даври иқтисодиётини бошидан кечираётган мамлакатлар
иқтисодиётини либераллаштириш..... 159
10.2. Ўтиш даври иқтисодиётни мамлакатларнинг келажақда амалга
оширилиши зарур бўлган вазифалар..... 162
10.3. Ривожланаётган давлатлар иқтисодиётида давлатнинг роли... 164
Қисқача хулосалар..... 168
Назорат ва муҳокама учун саволлар..... 168
Асосий адабиётлар..... 168

**XI боб. РИВОЖЛАНГАН ДАВЛАТЛАР ИҚТИСОДИЁТИДА ХАЛ-
ҚАРО МУНОСАБАТЛАРИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБГА СОЛИНИ-
ШИ..... 169**

- 11.1. Ривожланган давлатлар иқтисодий ҳамкорлигида халқаро ҳу-
қуқнинг ривожланиши..... 169
11.2. Халқаро иқтисодий ҳуқуқ субъектлари..... 175

11.3. Халқаро иқтисодий ҳуқуқ ва давлат иммунитети.....	177
11.4. Халқаро иқтисодий муносабатлар йўналишларини ҳуқуқий тартибга солиш.....	180
11.5. Халқаро иқтисодий муносабатлар соҳасида низоларни ҳал этишнинг ҳуқуқий воситалари.....	187
Қисқача хулосалар.....	191
Назорат ва муҳокама учун саволлар.....	191
Асосий адабиётлар.....	191

XII боб. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТИНИНГ ИНВЕСТИЦИЯВИЙ ВА ҲУҚУҚИЙ БАЗАСИ..... 192

12.1. Ташқи иқтисодий фаолиятни ривожлантириш ва мустаҳкамлаш шарт-шароитлари.....	192
12.2. Ўзбекистоннинг дунё мамлакатлари билан халқаро иқтисодий муносабатлари.....	195
12.3. Ташқи иқтисодий фаолиятнинг инвестициявий ва ҳуқуқий базаси.....	203
Қисқача хулосалар.....	208
Назорат ва муҳокама учун саволлар.....	208
Асосий адабиётлар.....	209

XIII боб. ЖАҲОН ХЎЖАЛИГИДА МУСТАҚИЛ ДАВЛАТЧИЛИКНИНГ БАРПО ЭТИЛИШИ..... 210

13.1. Марказий Осиё мустақил давлатлари трансформацияси ва жаҳон иқтисодига ҳамкорлигини иқтисодий тартибга солиш йўналишлари.....	210
13.2. Ўрта Осиё мамлакатларида трансформация жараёнининг назарий ва услубий негизлари.....	212
13.3. Марказий Осиё давлатларида трансформация ва глобллашув муаммолари.....	216
13.4. Ривожланаётган мамлакатлар иқтисодиётида қайта туб ўзгаришлар стратегияси.....	219
Қисқача хулосалар.....	225
Назорат ва муҳокама учун саволлар.....	226
Асосий адабиётлар.....	226

XIV боб. МАРКАЗИЙ ОСИЁ ДАВЛАТЛАРИНИНГ ГЛОБАЛ ИҚТИСОДИЁТГА ҚўШИЛИШ СИЁСАТИ..... 227

14.1. Ташқи савдо ва глобал иқтисодиётга қўшилиш сиёсати.....	227
---	-----

14.2. Давлатларнинг ўзаро савдоси ва минтақавий ҳамкорлик.....	229
Қисқача хулосалар.....	232
Назорат ва муҳокама учун саволлар.....	232
Асосий адабиётлар.....	232

XV боб. ГЛОБАЛЛАШУВ ВА ВАЛЮТА АЛМАШУВ СИЁСАТИ... 233

15.1.Глобаллашув муаммолари ва алмашув курси сиёсати.....	233
15.2. Валюта алмашув курсларининг кўплиги.....	237
Қисқача хулосалар.....	240
Назорат ва муҳокама учун саволлар.....	240
Асосий адабиётлар.....	240

XVI боб. ЯПОНИЯ ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШИ (ЎСИШИ)-НИ РЕЖАЛАШТИРИШ..... 241

16.1. Япониянинг иккинчи жаҳон урушидан кейинги ривожига иқтисодий ўсишни режалаштиришнинг таъсири.....	241
16.2. Япония иқтисодиётини қайта қуриш даврида иқтисодий ўсишни режалаштириш.....	243
16.3. Бозор иқтисодиётида иқтисодий ўсишни режалаштириш.....	245
16.3.1. Япониянинг 1955 йилдан кейинги иқтисодий ривожланиш режасининг асосий хусусиятлари.....	246
16.3.2. Япониянинг 1955 йилдан кейинги иқтисодий ривожланиш режасининг асосий хусусиятлари	250
16.3.3. Дастурда акс эттирилган иқтисодий лойиҳалар.....	252
16.3.4. Ҳақиқий иқтисодиёт ҳамда иқтисодий ўсиш дастури.....	253
16.3.5. Япония иқтисодий режасининг эгилувчанлиги.....	255
16.4. Япония иқтисодиётида иқтисодий ўсишни режалаштириш... 255	255
Қисқача хулосалар.....	258
Назорат ва муҳокама учун саволлар.....	258
Асосий адабиётлар.....	259

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ..... 260

CONTENTS

INTRODUCTION.....	5
PART I. MACROECONOMIC PROBLEMS IN THE INDUSTRIALLY DEVELOPED COUNTRIES IN THE SECOND HALF OF 20TH CENTURY.....	8
1.1. Economic activity cycles and economic growth.....	8
1.2. International labor market. International labor movement and its factors....	13
1.3. Administrative and legal matters of international labor movement... 23	
1.4. Inflation problem in the second half of 20 th century.....	25
Brief conclusion.....	29
Questions for discussion and control.....	29
Main literature.....	29
PART II. REGULATION OF ECONOMY IN FOREIGN COUNTRIES ON THE BASES OF MACROECONOMIC POLICIES.....	30
2.1. Regulation on the bases of fiscal policy.....	30
2.2. Regulation on the bases of monetary policy.....	34
2.3. Regulation on the bases of foreign exchange policy.....	42
2.4. Regulation on the bases of foreign trade policy.....	50
Brief conclusion.....	61
Questions for discussion and control.....	61
Main literature.....	61
PART III. MACROECONOMIC REGULATION IN INDUSTRIALLY DEVELOPED COUNTRIES.....	62
3.1. Evolution of regulation.....	62
3.2. Economic planning and regulation in the industrially developed countries.....	66
3.3. The use of planning system in the Western Europe countries.....	69
3.4. Economies of the United Kingdom and France.....	70
Brief conclusion.....	78
Questions for discussion and control.....	78
Main literature.....	78
PART IV. THE ROLE OF INTERNATIONAL FINANCIAL ORGANIZATIONS IN REGULATION OF ECONOMY IN FOREIGN COUNTRIES.....	79

4.1. Goals and characteristics of international financial organizations....	79
4.2. Brief description of the World Bank group's activity.....	80
4.3. Interrelations of international financial organizations.....	85
4.4. Europe Currency Union.....	87
Brief conclusion.....	90
Questions for discussion and control.....	90
Main literature.....	90

PART V. INTERNATIONAL CAPITAL MOVEMENT IN INDUSTRIAL DEVELOPED COUNTRIES..... 91

5.1. Essence of international capital movement and its conditions.....	91
5.2. Major types of international loans and their descriptions.....	94
5.3. International capital market.....	99
Brief conclusion.....	103
Questions for discussion and control.....	103
Main literature.....	103

PART VI. ECONOMIC REGULATION IN THE NEWLY INDUSTRIALIZED COUNTRIES..... 104

6.1. Sociol-economic development of the Newly Industrialized Countries... ..	104
6.2. Strengths of Eastern Asia countries' industrialization.....	105
6.3. Major economic indicators of South Korea, Taiwan, Thailand, Malaysia, Philippines and Indonesia.....	109
Brief conclusion.....	117
Questions for discussion and control.....	117
Main literature.....	117

PART VII. REGULATION OF ECONOMY IN NORTHERN AFRICA AND MIDDLE EAST COUNTRIES..... 118

7.1. The role of the region in the world economy and its brief description... ..	118
7.2. Demographic factor of development.....	120
7.3. Natural environment factor.....	121
7.4. Industrial structure of the economies.....	123
7.5. Foreign economic relations.....	126
Brief conclusion.....	129
Questions for discussion and control.....	129
Main literature.....	129

PART VIII. MODERN TENDENCIES IN DEVELOPMENT AND REGULATION OF PERSIAN GULF COUNTRIES' OIL MARKET... 130

8.1. Oil-related policies in the Persian Gulf countries.....	130
8.2. Role of Persian Gulf countries in the world oil market.....	137
Brief conclusion.....	145
Questions for discussion and control.....	145
Main literature.....	145
PART IX. MACROECONOMIC REGULATION IN TURKEY].....	146
9.1. Peculiarities of public policy and their influence on socio-economic development of Turkey.....	146
9.2. Major strategic approaches in Turkey's economic policy.....	150
9.3. Turkey's economic integration with European countries.....	152
Brief conclusion.....	158
Questions for discussion and control.....	158
Main literature.....	158
PART X. MACROECONOMIC REGULATION IN TRANSITION ECONOMIES.....	159
10.1. Economic liberalization in transition economies.....	159
10.2. Tasks necessary to accomplish for transition economies.....	162
10.3. Role of government in developing economies.....	164
Brief conclusion.....	168
Questions for discussion and control.....	168
Main literature.....	168
PART XI. LEGAL REGULATION OF INTERNATIONAL RELATIONS IN THE INDUSTRIALLY DEVELOPED COUNTRIES.....	169
11.1. Development of the international law by industrial developed countries.....	169
11.2. Subjects of international economic law.....	175
11.3. International economic law and state immunity.....	177
11.4. Legal regulation of international economic relations.....	180
11.5. Legal means of dispute settlement in international economic relations... ..	187
Brief conclusion.....	191
Questions for discussion and control.....	191
Main literature.....	191
PART XII. INVESTMENT AND LEGAL BASE OF FOREIGN ECONOMIC ACTIVITY IN UZBEKISTAN.....	192
12.1. Factors of foreign economic activity development and strengthening... ..	192

12.2. Uzbekistan's international economic relations.....	195
12.3. Investment and legal base of foreign economic activity in Uzbekistan... ..	203
Brief conclusion.....	208
Questions for discussion and control.....	208
Main literature.....	209

PART XIII. WORLD ECONOMY AND NEWLY INDEPENDENT COUNTRIES..... 210

13.1. Transformation of Central Asia's independent countries and major approaches of international economic relations' regulation.....	210
13.2. Theoretical and methodological base of Central Asian countries' transformation.....	212
13.3. Central Asian countries and problems of transformation and globalization.....	216
13.4. Economic reformation strategies in developing countries.....	219
Brief conclusion.....	225
Questions for discussion and control.....	226
Main literature.....	226

PART XIV. CENTRAL ASIAN COUNTRIES' POLICIES OF INTEGRATION TO WORLD ECONOMY..... 227

14.1. Foreign trade policy and policy of integration to world economy... ..	227
14.2. Interstate trade and regional cooperation.....	229
Brief conclusion.....	232
Questions for discussion and control.....	232
Main literature.....	232

PART XV. GLOBALIZATION AND FOREIGN EXCHANGE POLICY... 233

15.1. Globalization problems and exchange rate policy.....	233
15.2. Multiple exchange rates.....	237
Brief conclusion.....	240
Questions for discussion and control.....	240
Main literature.....	240

PARTXVI. ROLE OF ECONOMIC PLANNING IN THE DEVELOPMENT OF JAPAN..... 241

16.1. Role of economic planning in post-war Japan.....	241
16.2. Japan's economic planning in reformation period	243
16.3. Planning of economic development in a market economy.....	245

16.3.1. Peculiarities of economic development planning after 1955.....	246
16.3.2. Major economic projects.....	250
16.3.3. Real economy and economic growth program.....	252
16.3.4. Flexibility of Japanese economic planning.....	253
16.4. Economic planning in Japanese economy.....	255
Brief conclusion.....	258
Questions for discussion and control.....	258
Main literature.....	258
LIST OF BIBLIOGRAPHY.....	260

ИШМУХАМЕДОВ АНВАР ЭГАМҚУЛОВИЧ
РАҲИМОВА МУҚАРРАМХОН РАҲИМОВНА
СУННАТОВ МУХТОР НЕЪМАТОВИЧ
АШУРОВА ДИЛРОМ САФАРОВНА

**ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАРДА
ИҚТИСОДИЁТНИ
ТАРТИБГА СОЛИШ
(Ўқув қўлланма)**

Нашр учун маъсул:

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси

Адабиёт жамғармаси директори

Қурбонмурод Жумаев

Мусаввир: Акбарали Мамасолиев.

Муҳаррир: З. Йўлдошев

Техник муҳаррир: Ш.Таджиев

Мусахҳиҳ: Ж. Йўлдошев

Компьютерда саҳифаловчи: М.Ғойимназаров

Интернетдаги расмий сайтимиз: www.tsue.uz

Электрон почта манзили: info@tsue.uz

Теришга берилди 04.11.2003 й. Босишга рухсат этилди 20.01.2004 й.

Қоғоз формати 60x84 $\frac{1}{32}$. Офсет босма усулида босилди.

Нашр босма тобоғи 17. Нусхаси 500

Буюртма № 176

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Адабиёт Жамғармаси нашриёти.
700000, Тошкент, Ж-Непу,1.

«Тагаққулот ПСН» фирмаси матбаа бўлимида чоп этилди.
Тошкент шаҳри, Белтеле мавзеси, 18-6.



ИШМУХАМЕДОВ Анвар Эгамқуллович — «Макроиқтисодиёт» кафедраси мудири, иқтисод фанлари доктори, профессор. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган иқтисодчи. Унинг раҳбарлигида 3 та докторлик ва йигирмадан ортиқроқ номзодлик диссертациялари ёқланган. У 10 тадан кўпроқ дарслик, 10 та ўқув қўлланма ва 100 тага яқин илмий мақолалар муаллифи.

РАХИМОВА Мукаррамхон Рахимовна — «Макроиқтисодиёт» кафедраси доценти, иқтисод фанлари номзоди, Олий таълим аълочиси. У 6 та ўқув қўлланма, 30 дан ортиқ илмий мақолалар ва ўқув услубий ишларнинг муаллифи.

Илмий ишларининг асосий мавзуси — бандлик, меҳнат бозори муаммоларига бағишланган.



СУННАТОВ Мухтор Нейматович — «Макроиқтисодиёт» кафедраси катта ўқитувчиси. У 3 та ўқув қўлланма ҳаммуаллифи, 20 дан ортиқ илмий мақолалар чоп эттирган.

Илмий ишларининг асосий мавзуси — «Солиқ механизми асосида макроеқтисодий бошқаришнинг такомиллаштириши».



АШУРОВА Дилором Сафаровна — «Макроиқтисодиёт» кафедраси ассистенти, иқтисод фанлари номзоди. У 4 та ўқув қўлланма, 3 та услубий қўлланмаларга ҳаммуаллиф ва 15 дан ортиқ илмий мақолалар чоп этган.

Илмий ишларининг асосий мавзуси иқтисодий ўсish ҳамда хорижий мамлакатлар иқтисодиётининг таҳлил этиши муаммоларига бағишланган.

